

ДИЛБАР БАРОТОВА
DILBAR BAROTOVA

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...
БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР ...

BUNI HAYOT DEYDILAR...
BUNI HAYOT DEYDILAR...

**(Қисса,хикоялар,
киносценарий)**

2010 йил

Мухтарам китобхон!

Қўлингиздаги китоб- аҳли қалам орасида ўз ўрнига эга бўлган, сеvimли адибангиз Дилбар Баротова ижодининг навбатдаги намуналаридан ташкил топган. Бу китоб ҳам, Дилбарнинг олдинги асарларидек, сизни ўйлантиради, “бирни кўриб-фикр, бирни кўриб-шукр” қилишга ундайди. Адибанинг ижоди мени жуда қувонтиради. Шундай шогирдим борлиги билан фахрланаман! Дилбарнинг янги асарларини кутиб қоламиз, ижодига баркамоллик тилаб,

Тошпўлат Аҳмад

ЎзР “Ёзувчилар уюшмаси”нинг Бухоро вилоятидаги масъул котиби, шоир.

Қизиқ воқеа.

Замирахон ишдан чиқа солиб, бозорга йўл олди. Қизи яхши кўрадиган шарбатлардан, ўғли ёқтирадиган ширинликлардан харид қилиб, иккита оғир сумкани кўтарганича, уйига пиёда йўл олди. Унинг энг катта орзуси – уни жонидан севадиган бир эркак уйдан ишгача ўз машинасида обора, ишдан олиб келса... Аммо, афсу, йиллар ўтган сайин орзуси саробга айланиб бораётганини ич-ичидан сезарди... “Мени- мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас...” Ҳа, у ҳаётда ўзи орзу қиладиган эркакни учратмади. Ота-она ризолиги учун турмушга чиқди, икки болалик бўлди-ю, бахт кўрмади. Яхши кўрмаса-да, ўзбек аёлларига хос мутелик билан, эрини борица қабул қилди. Унга яхши бека, болаларига яхши она бўлди...Аммо...Аммо, афсу, ўқиган, зиёли қиз қайнанага ёкмади, чунки етти фарзанди бор қайнонанинг оиласида оддий меҳнат устувор бўлиб, болаларда ўқишга қизиқиш умуман йўқ даражада эди. Эри ўлгач, болаларига умуман эътибор бермаган қайнона, бозорга чиқиб мева-чева сотиб келиш баҳонасида кун бўйи йўқолиб кетганида, болалар ўз ҳолларича, кўча-куйда санғиш, девор оша кўшнининг уйини пойлаш, қизлар- бировлар ишини қилиш, дугонабозлик, ўғиллар текинтомоқлик билан катта бўлишган эди. Қайин укалари, қайинсингиллари номига мактабда ўқишган, мактабни зўрға битиришган эди. У келин бўлиб борганида, қайин укалари мактабда ўқишар, эрталаб битта дафтарни қатлаб, чўнтақларига тикқанларича боришар, келасолиб, уни бирон четга улоқтириб, кўчага чиқиб кетишарди. Бирон марта, уларнинг , акалли номига дарс тайёрлашларини кўрмаган. Шу зайлда улар ҳам мактабни битиришди. Бўйига етган қизлар уйда ўтиришмас, дугонабозликдан бери келишмас, акаси урушса, у билан тортишиб, урса – баравар олишиб, ўз билганларидан қолишмасди. Она- қизлари томонда! Зиёли оилада ўсган келинчак, бу оиладаги тартиб-қоидаларга ҳайрон бўлар, шунинг учун уларга кўпам қўшилишавермасди. Бу эса, ўз

навбатида қайнона ва қайинсингиллар томонидан бўлар-бўлмас гап-сўзларнинг кўпайишига олиб келди. Лаққи эри сингиллари ва онасининг ғийбатларига ишонди, кўча боласи бўлган, маънавий қашшоқ эрининг ўзи ҳам, бемаъни рашк гирдобига берилди. Оилалари бузилиб кетди. Икки бола онасида қолди. Замирахон эрининг алиментидадан воз кечди. Тиш-тирноғи билан болаларини оёққа кўтаришга киришди...

Зиёли, нозиктаб аёл, ўзининг ҳассос қалбини тушунадиган, уни чин дилдан севиб ардоқлайдиган, ташвишларига забардаст елкасини тутадиган, нозик гулдек авайлайдиган, иқтисодий тангликлар қийнамаслигини таъминлай оладиган эркакни учратмади. Унга ёқиши керак бўлган эркак- савлатли, ўзига яхши қарайдиган, яхши кийиниб, қимматбаҳо атирлар сепиб юрадиган зиёли одам бўлиши керак эди. Лекин, унақасини қайдан топасан? Атрофда нуқул хашаки, ор-номуси бир пулга қиммат эркаклар! Кўнглига ўтиришган баъзи бирлари эса, албатта, оилалик бўлишарди. Майли, менга ҳам, бирор кун ўзим орзу қилгудек, аммо, банд бўлмаган эркак (бу асосий шарт!) учраб қолар, деган ўй билан яшаб юраверди. Ўз ҳалол меҳнати, кўз нури билан ўзига алоҳида уй-жой қилди, болаларини ўқитди. Мана, Худога шукур, қизи ҳам, ўғли ҳам олийгоҳларда таҳсил олишаяпти, ақлли, чиройли болалар!

Шуларни ўйлай-ўйлай келаётган Замирахон, хаёллари билан банд бўлиб, бир одам анчадан бери уни таъқиб қилиб келаётганини пайқамади. Қўлларидаги оғир сумкалар, кун иссиғи, бунинг устига бигиз пошна туфлида юриш азоби уни ҳолдан тойдириб қўйди. Афсуски, улар томонга транспорт юрмайди. Замирахон ҳар куни ишга пиёда катнайди. Эски шаҳарга катнайдиган бирдан-бир транспорт бекатига чиққунча, ишхонасига яқинлашиб қолади. Хиёбонни кесиб ўтган катта йўл билан борар экан, улкан дарахт соясида бир пас дам олмоқчи бўлди. Сумкаларини ерга қўйиб, нафасини ростлади.

- Ёрдам берайми?- Қўққисдан янграган овоздан аёл чўчиб тушди. Ортига қайрилиб, овоз эгасини қидирди. Бошқа бир дарахтнинг соясидан унга қараб турган йигитни кўрди. Йигит, ундан беш ёшлар чамаси ёшроқ, озғин, бўйчан бўлиб, кичкина мўйлови чўзинчоқроқ юзига ярашиб тушган эди. Аёл қарагач, унга яқинлашди:

- Юкингиз оғир кўринади, қарашиб юборайми?

Аёл, одатда ҳамма билан киришиб кетаверарди. Аммо, йигитнинг нимасидир ёкмадими, шубҳалантирдими, “йўқ, раҳмат”, деб қўя қолди. Йигит унинг фикрларини тушундими, хижолатомуз жилмайди:

- Кўркманг, ёмон ниятим йўқ, шунчаки, мен ҳам шу йўлнинг охиригача боришим керак, ҳу анави – йигит қўлини янги қурилган меҳмонхона томонга чўзиб, кўрсатди,- меҳмонхонага боришим керак, ишим бор.

- Майли, раҳмат, сизни овора қилиб қўяман-да,- синиқ жилмайди аёл, ва унга сумкалардан бирини чўзди. Йигит унинг хаёлидан кечганларини сезиб қолганидан хижолат тортди. Аёл чўзиб турган сумкани оларкан, йигитнинг кўзлари бир зум порлаб кетгандек бўлди. Қатъият билан, иккинчи сумкани ҳам олди. Улар яна йўлга тушдилар. Анчагача жимжит боришди.

Ниҳоят, жимликни йигит бузди:

- Шу томонларда турасизми?

- Ҳа, уйим шу томонда. Сиз-чи?

- Менинг уйим узоқда. Шаҳардан ташқарида тураман. Участкам бор.

- Яхши...- Улар меҳмонхонага яқинлашдилар. Аёл қўлини сумкалар томон чўзди:- берақолинг, етиб келдингиз, раҳмат сизга!

- Йўқ! – Бу гапдан чўчиб тушган аёл ҳайронлик билан ҳамроҳига тикилди. Йигит унга жиддийлик билан қараб турарди. Жувон нима ўйлашини ҳам билмай, гарангсиди. Йигит индамай тураверди. Ноқулай аҳволда қолган Замирахон қандай йўл тутишни билолмай қолди. Ниҳоят, йигит жилмайди:

- Сиз мени ким деб ўйладингиз? Наҳотки сиздек нозик аёлга шунча юкни кўтариб боришни раво кўрсам? Уйингизгача этиб беришим шарт ва зарур, эътироз қабул қилинмайди!

Замирахон енгил тин олди. У, hozir сумкаларимни олиш вақти келди, яна юк кўтаришга мажбур бўламан, деб ўйлай бошлаганида, ногаҳоний ёрдамчиси “джентльмен» бўлиб чиққани, уни ёқимли ажаблантирди.

Улар яна индамай, йўлларида давом этишди. Ёигит унинг юкларини уйи остонасигача келтириб қўйди-да, хайрлашиб кетди. Замирахон бу воқеа тўғрисида бир оз ўйланди-да, кейин яна рўзғор ташвишлари билан бўлиб, ҳаммасини унутди.

Орадан икки кун ўтди. Шу икки кун у уйига таксида қайтди, чунки, ишда кечгача қолиб кетишга мажбур бўлган эди. Учинчи куни яна бозорга тушди. Керакли харидларини қилиб, оғрикли даражада таниш йўл билан кета бошлади. Шунда, ҳалиги кундаги ёигит бир зум хаёлидан ўтди-да, яна бошқа муаммолар тўғрисидаги ўйларга берилди. Димоғига акация дарахти гулларининг ёқимли хиди урилди. У бу хидни жуда ёктирарди, ҳатто, узоқ йиллар шундай хидли атирдан фойдаланарди. Хушбўй ифорли ҳаводан тўйиб-тўйиб симирганича бораркан, яна ўғли тўғрисидаги муаммолар хаёлини банд этди. Таътили яқинлашяпти. Уни бирон жойга ишга жойлаштиришим керак, деб ўйлади. Таниш-билишларини бирма-бир хаёлидан ўтказа бошлади. Шу пайт ҳалиги кунги ёигит яна ўша дарахт панасидан чиқиб қолди. Бу дарахт ҳокимият томонидан келадиган йўл ёқасида бўлгани учун, Замирахон ёигит иш билан шу томонларга қатнашяпти, деб ўйлади.

- Ассалому алайкў-ўм!- деди ёигит минг йилдан бери кўрмаган танишини учратиб қолгандек. Замирахон босиқлик билан алик олди-да, йўлида давом этди. Қўлидаги юки унча оғир эмас, бунинг устига, бугун бигиз пошнаи туфлисини ҳам киймаган, шунинг учун, бировнинг марҳаматига муҳтожлиги ҳам йўқ. Ёигит шошганича, унга етиб олди-да, сеткани олиш учун қўлини чўзди. Замирахон чўчиб, орқага тисарилди.

- Кераги йўқ, раҳмат, - деди жилмайиб, - юким оғир эмас. Шундоғам ўтган гал катта ёрдам бердингиз, раҳмат сизга!

- Жилмайсангиз янаям чиройли бўлиб кетаркансиз...- деди ёигит ўткир нигоҳини унинг чехрасидан узмай, - ҳамиша кулиб юринг!

- Тушунмадим, - жиддийлашди аёл, - менга хушомад қилмоқчи бўлаяпсизми?! Бу қанақаси?!

- Тўхтанг-тўхтанг, жаҳлингиз чиқмасин! Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ, шунчаки, «бир кўрган-таниш, икки кўрган-билиш», деганларидек, танишиб қўйсак ёмон бўлмасди. Исмим- Элбек. Биласизми, мен савдода ишлайман. Тўртта магазиним бор. Бозорда точкаларим бор. Мана, меҳмонхоналар билан ҳам шартнома туздим. Ҳозир ҳокимиятдан ҳам бизнесимга алоқадор баъзи қоғозларни расмийлаштириб келаяпман.

- Хўш, буларни менга нима мақсадда айтиб бераяпсиз? Менга нима алоқаси бор? Умуман, намуна хира пашшага ўхшаб, ёпишиб олдингиз? Иш билан юрган бўлсангиз, ана, катта кўча, йўлингизда кетаверинг!

- Билмадим...- бўшашди ёигит, - ҳақиқатдан ҳам, нега буларни сизга айтиб бераяпман... Балки, сизга жуда ҳам ёқим келаяптандир...

- Кўчадан ўтиб кетаятган ҳар бир аёлга шунақа шилқимлик қиласизми? Бир оз кутиб туринг, мендан ёшроқ аёллар ўтиб қолар! Товба! Бизнесменмиш. Шунча бизнеси бор одам шу қиёфада, тагида машинасиз юрармишми? Кийган кийимларингизга қаранг! Нима, мени ғирт ахмоқ деб ўйладингизми?! - чинакамига жаҳли чиқди аёлнинг. - Бўлди! Боринг, йўлингиздан қолманг!

- Мени кечиринг.. Бир ҳафта олдин Тошкентдан келиб, тўғри шу ердаги меҳмонхонага келиб тушувдим. Машинам уйда қолган. Ишларимни тугатиб, биратўла уйга ўтиб кетмоқчийдим. Шаҳардан узоқроқдаги туманда тураман.

- Менга ҳисобот беришингиз шарт эмас!- Аёл шарт бурилиб, йўлида давом этди. Ёигит йўл устида бир пас серрайиб турди-да, секин-секин кета бошлади. Аёл етти метрлар чамаси йўл юргандан сўнг, бир дам тўхтаб, орқасига қаради. Ёигит ҳам тахминан шунча борганидан сўнг тўхтади. У ҳам орқасига бурилиб қаради. Жувон индамай, яна ўз йўлига давом этди. Ёигит ҳам бир оз тургач, кета бошлади.

Аёл уйига келди ҳамки, жаҳли босилмади. Бундай шубҳали, шилқим одамлар намуна кўпайган-а! Ёки... Балки, ростдан ҳам иш билан юргандир. Оғир сумка кўтарган аёлни кўриб,

одамгарчилик юзасидан ёрдам бергиси келгандир?! У эса, бечора йигитни урушиб берди. Чиройли жилмаясиз, дедими...

Бир оздан кейин аёл тинчланди. Яна бир оздан кейин, қилган ишидан росмана пушаймон бўди. Энди уни ҳечам учратмаса керак! Ўзи ҳам, шу аёлни кўрса, икки кўча наридани айланиб ўтса керак!

Орадан бир ҳафта ўтиб, яна ўша йўл билан уйига қайтаётса, оппоқ “Нексия” ёнгинасига келиб тўхтади. Аёл қайси танишим экан, деб қизиқсиниб қаради. Машинадан куёвтўрадек ясанган тунов кунги таниши тушганида, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бир зум нима дейишини билмай, талмовсиради.

- Ассалому алайкў-ўм!- деди йигит, одати бўйича, энг яқин танишини учратиб қолгандек. – Ёрдамлашиб юборсам майлими?- У кўзи билан аёлнинг қўлидаги юкларга ишора қилди. Аёл нима дейишига ҳайрон. Тили калимага келмайди. Ахийри, гапиришга журъат этди:

- Мени кечиринг, бир оз ўзини тутиб олди у, - Ҳалиги кун сизга бир оз қаттиқроқ гапириб юборувдим...

- Қачон?!- Ёлғондакам ҳайратланди йигит, - эсимда йўқ-ку! Қани, ўтиринг!

Аёл «йўқ», деган маънода бошини сарак-сарак қилди:

- Уйимга оз қолди, биласиз-ку! Ўзим етиб оламан. Ўша куни ёрдам берганингиз учун раҳмат, аммо, бошқа учрашмасак яхши бўларди...Хўп, хайр, соғ бўлинг!

Замирахон йўлида кетаверди. Энди, йигит гарангсиганича йўл ўртасида туриб қолди. Йўқ, у нима бўлса ҳам, бу аёл қалбига йўл топиши керак! Шарт ва зарур! Йўкса...У бир қарорга келиб, шартта машинасига ўтирди.

Аёл йўлида давом этаркан, хаёлларга берилди. Балки, бу йигит билан танишса - яхши бўлармиди... Ёмон ниятда эмас, йўқ, шунчаки, дўстона муносабатда бўлишса, керак бўлганида - бир-бирларини қўллаб юборишса... Ўғлининг муаммоларини ечишда ёрдам берармиди. Бошингда эркагинг бўлмаса, қийин экан... У хаёллар оғушида бораркан, яна ёнида ўша машина пайдо бўлиб қолганини сезмади. Машина ундан сал олдинроқда тўхтади. Йигит машинадан тушди.

- Опа, сиз билан очикчасига гаплашиб олсам бўладими? Ёмон ниятим йўқ, ишонинг. Шунчаки, бир масала юзасидан маслаҳатлашмоқчи эдим. Йўқ деманг, илтимос. Машинага ўтиринг. Илтимос, кўп вақтингизни олмайман!

Аёл бир зум ўйланиб турди-да, машинани айланиб ўтди. Йигит шошиб бориб, олдинги ўриндиқ эшигини очмоқчи эди, аёл бош чайқаб, орқа эшикка қўлини чўзди. Йигит эшикни очди, аёл жойлашиб, ўтириб олди. Йигит эшикни ёпиб келиб, рулга ўтирди. Машина секин ўрнидан жилди-да, енгил сузиб кетди.

- Хўп десангиз, мана шу йўл ёқасида музқаймоқ кафеси бор. Очик жой, салқингина. Биттадан музқаймоқ еб, гаплашиб олсак. Машина ичи- иссиқ, ноқулай. Нима дедингиз?- Аёл яна индамай, розилик аломатида бош ирғаб қўйди. Уни бу воқеалар қизиқтира бошлаган эди.

Бир оздан кейин, улар сочларини майин шамол тараб турган мажнунтол соясига жойлаштирилган стол атрофига ўтирдилар. Бетон плиткачалар ётқизилган полга кўлоблатиб сув сепилган. Улар музқаймоқ билан “Кола” буюришди. Официант ингичка белли ликобчаларда музқаймоқ билан қошиқчалар келтириб қўйди. Йигит узун бокалга “Кола” қуйиб, аёл томонга суриб қўйди. Аёл музқаймоққа қўл теккизмай, йигитга савол назари билан қаради. Йигит бунни тушунди.

- Сиз, бу йигит мени бунча таъқиб этди, деб ҳайрон бўлгандирсиз...Гап шундаки, менинг укам қамалиб қолди. У киракашлик қиларди. Шаҳардан бизнинг қишлоғимизгача одам таширди. Бир куни қишлоқдан иккита одам билан шаҳарга кетаётганида, уч- тўртта йигитлар уни тўхтатишган. Юкимиз бор, айтган жойимизга оборсанг, мўмайгина пул берамиз, дейишган. Укам рози бўлиб, машинасидаги икки кишини тушириб, бўш қайтаётган шеригига берган, йигитларни айтган манзилларига бориш учун машинани ҳайдаган. Ярим километрча йўл босишгач, шаҳарга яқин жойда, милиция машинаси уларни қувлаб ўтиб, тўхтатишган. Багажникдаги юклар орасидан ярим кило наркотик модда топишган. Йигитлар билан қўшиб, укамни ҳам элтиб тикишган. Икки ойдан бери тергов ишлари кетаяпти. Яқинда суд бўлади...

Аёл индамай, жимгина тинглаб ўтирди. Қошиқчани олиб, музқаймоқни бир-икки қовладиди, озгинадан олиб, ея бошлади. Йигитнинг гапи тугагач, унга яна савол назари билан қаради:

- Хўш, бу гапларнинг менга нима алоқаси бор?

- Судья қилиб, сизни танлашган.

- Мени?! Ахир, мен судья бўлиб ишламайман-ку! – Кейин, бирданига воқеани тушуниб, кулиб юборди. – Сиз мени ким биландир адаштиргансиз...

Йигит бир зум қотиб қолди. Наҳотки адашган бўлса?! Ахир, суд биноси ичида худди шу аёлни кўрган, айнан, эшигида “Судья Насимова Н.П.” деб ёзилган хонага кириб кетган - шу аёл эди-ку! Ўшандан бери уни таъқиб қилади.

- Бўлиши мумкинмас!- хитоб қилди йигит.- Ахир сиз ўша хонага кириб кетувдингиз-ку! - Воқеани тушунган аёл жилмайди.

- Мен суд биносига бошқа иш билан борувдим. Укам фарзандлик бўлувди, ўшанга туғилганлик гувоҳномаси олиш учун боргандим. ФХДЁ мудираси судьянинг хонасига кириб кетган экан, қидириб кирувдим. Сиз мени ўша ерда кўргансиз. Хўш, кейин мени қандай топдингиз?

- Бозорда кўриб қолиб, икки- уч қадам орқароқдан келавердим. Сиз билан яқиндан танишиб, ҳаммасини тушунтирмоқчи эдим...Кекса онам бор, йиғлайвериба адо бўлди...

- Агар қўлимдан келса, жон деб ёрдам берган бўлардим,- ачиниб гапирди аёл.- Аммо, афсус...Майли, сиз зерикманг, укангизнинг бу ишга алоқаси бўлмаса, чиқарворишади. Магазинлар, бозорда дўконларингиз бор экан, дўстларингиз ҳам бордир, ёрдам беришар. Аввало, яхшигина адвокат ёллаш керак.

- Сизга ёлғон гапиргандим...- йигитнинг бу гапларидан аёл ҳайрон бўлиб, қошларини кўтарди,- менинг магазинларим ҳам, дўконларим ҳам йўқ... Фақатгина, эскироқ бўлса ҳам, «Дамас» машинам бор. Бу машина эса, дўстимники. Сизга мақтанмоқчи бўлиб, миниб келувдим...

Аёл анчагача жим қолди. У бўлса, ўзи ёрдамга муҳтож одамдан нажот сўрамоқчи бўлибди... Хом хаёллар...Товба...Ҳаётда нималар бўлмайди-я!

Ғалати никоҳ

Замирахон умрида биринчи марта “Севишганлар куни”да эркак кишидан ажойиб гулдаста олди. Бу ҳам кимдан денг? Уни салкам чорак асрдан бери севиб келган эркакдан! Баҳодир акаси уни алдамаган бўлса, шунча йиллар Замирахоннинг ёди билан яшаган. Тўғри, унинг хотини, бола-чақаси, ҳатто невараси бор. Аммо... Севгидек пок туйғу инсонга бир марта берилади...

Замирахоннинг умр йўли эри билан айро тушганига ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аллоҳга шукрим, болалари улғайиб, қанотига киришди. Унинг ўзи бошқа эркакни кўнглига сиғдиролмади. Йўқ, эрини севганидан эмас, эркак зотидан кўнгли қолиб кетганидан...Эри билан ўн тўрт йилча бирга яшаган бўлса ҳам, эслашга бирон ёрқин хотира тополмайди. Гўё шу умрини ўз ҳаётидан юлиб олиб, ботқоққа улоқтирган каби...

Шунинг учун ҳам Баҳодир аканинг унга айнан шу кунда гул совға қилиши – юрагида кул босиб ётган хотираларни қайта жонлантиргандек бўлди...

Замирахон олийгоҳнинг олд қизларидан эди. Энг фаол, энг аълочи, ташкилотчи...Гуруҳидаги ўғил-қиз – бари унинг чизган чизиғидан чикмасди. Уни севиб қолган йигитлар ўз гуруҳидагина эмас, бошқа гуруҳларда ҳам анчагина. Аммо, у ўқишни ўзига асосий

мақсад қилиб олган, “ўлдим, куйдим” ларга кўпам эътибор беравермайди. Айнан шундай кунларнинг бирида, ёш, мағрур, ўзига ўта бино кўйган Баҳодир аспирантурани тугатиб, уларга домла бўлиб келди. Баҳодир уйланган, бир ёшга фарқ қиладиган икки боланинг отаси бўлиб ҳам улгурган. Умуман ўқимаган, оми, жанжалкаш хотинига кўнгилсиз эди. Бошқалардан ажралиб турадиган, қоп-қора кўзлари ёниб турган қиз уни ўзига батамом ром этди. Уни беихтиёр севиб қолганини сезмай қолди. Аммо, қиз унга фақатгина дўстона муносабатда бўлар, севгисини сўзсиз изҳор этаётган кўзларига бефарқдек эди. Унинг уйлангани, фарзандлари борлигини эшитган қиз, ораларида эндигина куртак очмоқчи бўлган муҳаббат, илиқ муносабатларни дарҳол йиғиштириб, бутун диққатини ўқишга қаратди. Шу орада Баҳодирнинг бошига бир ташвиш тушди-ю, уларнинг олийгоҳини ташлаб, бошқа ишга ўтиб кетди. У бутунлай бошқа вилоятда туғилиб-ўсганди, ўз юртига кетиб қолди.

Замирахон ҳам ота-она хоҳишига бўйсуниб, турмушга чиқди. Аммо, икки болалик бўлишди ҳамки, эр-хотин ўз ҳаётларида ҳамжиҳатликка эришолмадилар. Уларнинг ҳаётини Криловнинг машҳур масалидаги оккуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақанинг ҳатти-ҳаракатларига ўхшатса бўларди: аравани эри бошқа томонга, хотини бошқа томонга, ота-оналар бошқа томонга тортишади, ўртада икки бола сарсон... Хуллас, улар ажралишиб, ҳар қайсиси ўз йўли билан кетишди. Шундан бери Замирахон ёлғиз. Унинг ҳар кунги юрар манзили: иш-уй, баъзида, иш-бозор-уй. У ана шу ҳаётга кўникиб қолди, болалари ташвиши билан яшади.

Шундай оддий кунлардан бирида Баҳодирга узоқроқ қариндош бўлган ҳамкасабаси янги гап топиб келди. Баҳодир ака қизини чиқарипти, тўй уларнинг шаҳрида бўлипти, Замирахонни топиб, тўйга таклиф қилмоқчи бўлишипти, аммо, якшанба куни бўлгани учун уни топишолмапти, уйининг, қўл телефони рақамларини билишмас экан. Хуллас, ҳамкасабаси илтимосига кўра, Замирахон ўз телефон рақамларини ёзиб берди. Янги йил кечаси телефонига Баҳодир ака ёзган узундан-узоқ табрикдан иборат СМС келди. Кейин улар телефонда гаплашиб туришадиган бўлишди. Февралда бир иш билан Самарқандга боришим керак, сиз билан кўришиб, ўтиб кетаман, деди Баҳодир ака. Замирахон ҳаяжонланиб кетди. Қанақа бўларкан... У қариди, Баҳодир ака ҳам қариган, албатта...Бир-бирларини танирмиканлар...

Айнан “Севишганлар куни”да Баҳодир ака телефон қилиб, уни соат олтиларда бир кафеда кутишини айтди. Замирахон соатига қараб, уйига бориб кийиниб келишга улгурмаслигини тушунди. Болаларига телефон қилиб, кечикишини билдирди-да, айтилган манзил томон йўл олди. Ҳаяжон ичида кафе эшигидан кирди-ю, тўхтаб қолди. Кафе ҳўрандаларга тўла, ҳамма ўзи-билан ўзи банд. Замирахон киришни ҳам, қайтиб кетишни ҳам билмай турганида, ўзи томон тез-тез юриб келаётган паст бўйли, сочлари қордек оппоқ эркакка тушди. Замирахон унга бир зум тикилиб қолди. Нотаниш одамнинг кулимсираб турган қисик кўзларига кўзи тушди-ю, таниди. Ҳа, бу- Баҳодир ака эди! Одам қанчалар ўзгарса ҳам, кўзлари ўзгармайди. Ўша таниш, бир оз қувлик билан кулимсираб турадиган кўзлар... Замирахон жилмайиб, пешвоз юрди. Баҳодир ака унинг чехрасидан кўзларини узмас, курсига илтифот билан ўтказиб, ўзи қаршисига ўтирди ҳамки, тикилгани- тикилган...

Бир зум бир-бирларига жимгина тикилиб ўтиришди. Кейин бараварига кулиб юборишди. Сўрашишди. Баҳодир ака хизмат қилиб юрган йигитчага имо қилиб, “келтир!”, деди. Олдиндан буюриб қўйилган эканми, Баҳодир ака буюртма қилмасиданоқ, стол усти ноз-неъматларга тўлиб кетди. Ажойиб салатлар, яхна ичимликлар, ҳил-ҳил пишган табака, чиройли қилиб парракланган тансиқ мевалар... Замирахон жилмайиб кўйди. Албатта, икки киши шунча нарсани еса, ёрилиши аниқ! Баҳодир ака столни айланиб ўтиб, чекка стулга қўйилган каттакон гулдастани олиб, жувонга узатди.

- Сизни яна бир бор кўришга имкон бергани учун, Аллоҳга шукрона қиламан. Ҳечам ўзгармабсиз, бир оз тўлишибсиз, холос.Ўша-ўша ҳусн, мафтункор кўзлар... Мен эса, кўриб турганингиздек сочлари оппоқ оқарган чолга айланганман. Лекин, бу юрагим ҳануз сизники! “Севишганлар куни” билан сизни табриклайман! Сиз – менинг ягона муҳаббатимсиз.

Замирахон ўнғайсизланиб, ўрнидан турди-да, гулдастани олди. Миннатдорлик тўла кўзлари билан қаршисидаги инсонга тикилди. У анчадан бери бундай ширин сўзларни эшитмаган, юраги сувсиз қолган чўлдек ҳувиллаб ётарди. Баҳодир аканинг сўзлари, гарчанд юз

фоизлик ишонч туғдирмаса ҳам, қакраб ётган ерга ёғилган нажоткор ёмғир каби, юрагини юмшатди. Улар анчагача суҳбатлашиб ўтиришди, ёшлик йилларини эслашди. Баҳодир ака биринчи турмуши бўлмай, ажралганини, унга уйланмоқчи бўлиб, қидирганини, турмушга чиққанини эшитгач, бошқа аёлга уйланганини айтиб берди. Сўзи охирида, уни энди тез-тез кўриб турмоқчи эканлигини айтди. Замирахон кўзларини ерга қадади.

- Баҳодир ака, сиз мен учун жуда қадрлисиз. Сизни чуқур ҳурмат қиламан. Аммо, тушунинг, сиз билан учрашиб юролмайман. Бўйига етган қизим, ўғлим бор. Ҳозиргача, пок номимга доғ туширадиган иш қилмадим. Ҳозир ёнингизда ўтирибману, хаёлим болаларимда. Қасрга борганимни уларга қандай айтаман, деб истиҳоладаман. Албатта, улар мени тушунишади, яхши билишади.

- Лекин, мен сизни ҳали-ҳануз севаман! Бугун сизни кўрдиму, шунча йилдан бери сизга бўлган севгим кул остидаги чўғдек ётганини сездим. Сиз билан суҳбатлашганим сари, шу чўғ яна алангалана бошлади. Мени ўзингизни кўриб туришдек бахтдан бебаҳра этманг... - Баҳодир аканинг кўзларида ёш йилтиллади. - Тўғри, менинг оилам, болаларим, ҳатто неварам ҳам бор. Ўз корхоналарим, ўзига яраша обрўйим, мавқеим, унвонларим бор. Хуллас, мен ҳаётда ўзим истаган ҳамма нарсага эришдим. Менинг ягона армоним – сизсиз!

- Ахир, сизнинг оилангиз бор. Улардан кечолмайсиз. Мен эса, никоҳсиз бировга турмушга чиқолмайман. Шунинг учун, таклифим муносабатларимиз аввалгидек, дўстона қолаверсин. Мен бировга зарарим тегишини истамайман. Бировнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўлолмаслигимни яхши биламан. Энди бир-биримизни топдик, келганингизда қўнғирок қилсангиз, шундай, бирон жойда суҳбатлашиб, ўтирамиз. Ортигининг кераги йўқ!

Баҳодир ака чуқур ўйга толиб қолди. Жувон ҳам чуқур ҳаяжонда бир зум жим қолди. Кейин, ораларида шунча гап бўлмаганидек, жонланиб:

- Шунча ноз-неъматни ким ейди? Ҳайдовчингизни чакиринг, бизга шерик бўлсин! - деди. Бу гап Баҳодир акага ҳам маъқул бўлди. У телефон қилиши билан, улар ўтирган жойга ёшгина йигитча кириб келди. Саломлашиб, ўтирди.

- Бу йигит- менинг ҳайдовчим Шавкатжон бўлади! - деди Баҳодир ака аёлга, сўнг йигитчага юзланди. - Бу киши эса, сенга айтиб берганим, биринчи муҳаббатим – Замирахон бўладилар! Танишиб қўй!

Йигитча таъзим қилиб, кўлини кўксига қўйиб, ўрнидан турди. Жувон жилмайиб, бош ирғаб қўйди. Улар анчагина суҳбатлашиб ўтиришгач, кафедан чиқишди.

Шу ой тугаб, ўз ўрнини эгаллаши керак бўлган гўзал фасл- баҳорнинг жонлантирувчи илиқ шабадаси югургилаб қолган, баданга хуш ёқарди. Ҳамма ёқ ёруғ, кўчаларда қўл ушлашиб юрган ёшлар анчагина. Замирахон ўзининг ёшлик йилларида ҳеч ким бунақа байрам ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмагани тўғрисида ўйлашиб қолди. Улар бир муддат пиёда юришди. Шавкатжон машинасини йўл ёқалаб секин ҳайдаб келарди. Кейин машинага ўтиришди-да, жувонни уйига ташлаб, Баҳодир ака ўз юртига жўнаб кетди.

Энди жувоннинг ҳаётига ҳам баҳор кириб келгандек бўлди. Улар деярли ҳар куни телефонлашишар, соатлаб гапиришдан чарчашмас эди. Баҳодир ака куни бўйи қилган ишларини, кимлар билан учрашганини эринмай айтиб берар, жувон эса, зерикмай тингларди. Баҳодир унга севишини қайта-қайта таъкидлар, жувон эса, эркаланиб: “ростданми?” деб сўрар, бунга жавобан:

- Икки марта рост! - деган жавобни эшитарди.

Улар кўтаринки кайфиятда ўз ишларига машғул бўлишар, жувон Баҳодирга севги сатрларига тўла СМСлар жўнатар, у эса, бунга жавобан вақтини топгунича телефонга ёпишиб, соатлаб севгисини изҳор этарди.

Шу зайлда орадан икки ҳафталар чамаси вақт ўтди.

Бир куни, Замирахон ишдан қайтиб, эндигина кийимларини алмаштирувди ҳамки, телефон бўлиб қолди. Баҳодир ака экан.

- Жоним, вокзал бекатига тезгина чиқинг, мен ҳозир етиб бораман, - деди. Жувон шоша-пиша кийиниб, айтилган манзилга етиб борди. Баҳодир ака уни кутиб турган экан. Дарҳол машинадан тушиб унга пешвоз чиқди. Машинани ўзи ҳайдаб келибди. Улар сўрашишгач, эркак

машинанинг олдинги эшигини очиб, жувоннинг ўтириб олишига ёрдамлашди. Сўнг, эшикни ёпиб, ўзи ҳам бориб ўриндикка жойлашди-да, машинани ҳайдаб кетди. Машина кўчалар ўртасидан бориб, бир масжид ёнига келиб тўхтади. Кейин, Баҳодир ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин қайтиб чиқиб, машинани ҳайдаб кетди. Улар кенг йўлга чиқиб олишди. Жувоннинг саволомуз назарини пайқаб ўтирса-да, Баҳодир ака индамай, машинани ҳайдаб кетаверди. Катта йўл ёқасидаги масжид ёнига келиб тўхташди. Баҳодир яна индамай, машинадан тушиб кетди. Бир оздан кейин бир чолни етаклаб келди. Замирахон ҳайрон бўлиб, машинадан тушди. Баҳодир чолни олдинги ўриндикка ўтказди-да, жувонга орқа томонни имо қилди. Замирахон орқа ўриндикка ўтирди. Улар тўғри жувон келин бўлиб тушган кўчага қараб юрдилар. Чол йўл кўрсатиб турди. Замирахоннинг келинлик даври ўтган кўча бўйлаб бориб, бир уй олдида тўхтадилар. Замирага бу кўчалар, бу уй таниш. Шу кўчадаги масжидни таъмирлатган, улар ҳали борган масжиднинг ҳам ободонлаштирилишига сабабчи бўлган, Замирахоннинг биринчи никоҳини ўқиган катта домланинг уйи эди, бу. Чол шошилиб тушди-да, уйга кириб кетди. Жувон чидаёлмай, Баҳодир акага юзланди:

- Бирон нарсасангиз-чи? Нега бу ерга келдик? Ахир, бу ерда мени ҳамма танийди-ку! Бу ерларда нима қиламиз?

Баҳодир ака жавоб беришга улгурмай, чол уйдан чиқиб келди-да, уларни уйга таклиф қилди. Баҳодир тушиб, Замирага ҳам тушинг, дегандек имо қилди. Замирахон машинадан тушди. Яхши ҳам кўчада ҳеч ким йўқ! Бир- иккита уй таъмирлаётган усталардан бошқа ҳеч ким кўринмайди. Улар ичкарига киришди. Уй қайта қурилаётганлиги сабабли, аёллар, болалар йўқ, ичкаридаги хонада ёшлари бир жойга бориб, кўзлари хира тортиб қолган домла-имом уйда ёлғиз эканлар. Эраклар илдам бориб, домла билан кўришишди. Жувон орқароқдан туриб, салом берди. Келганлар мақсадларини тушунтиришган, шекилли, домла эшикда турган уста болага қараб:

- Болам, бир коса сув келтиринг, - дедилар. Воқеани тушуна бошлаган Замирахон рўмоли билан юзини ярим яширганича, бир бурчакда қимтиниб ўтирар, шу топда, ер ёрилса-ю, кириб кетса...Бир томондан, кўнглида:”домла мени таниб қолсалар-а”, деган ҳадик ҳам йўқ эмас...

- Хўш, келин бола шу кишими?- Сўрадилар домла. Баҳодир шоша-пиша бош ирғади. – Яқинроқ ўтирсинлар!

Баҳодир ака жувонга қаради. Унинг рангларида қон қолмаганини кўриб, пастгина товушда: “яқинроқ келинг”, деди. Жувон аранг яқинроқ сурилди.

- Хўш, куёв, сизнинг бошқа оилангиз ҳам борми?

- Бор, бор! Бу киши- бева. Менинг оилам бор, лекин бу кишини ҳам ўз никоҳимга олмақчиман.

- Келиннинг болалари борми? Келинни ва унинг болаларини ўз қарамоғингизга олишга қурбингиз етадими?

- Етади, етади!

- Келинга узук, сирға совға қилишингиз керак!

Баҳодир кўйнидан битта тилла узук чиқариб, жувонга тутқазди:

- Узук олиб келдим, сирға ҳам олиб бераман!

- Хўш, ундай бўлса, гувоҳлар борми?

Уларни олиб келган чол ўрнидан кўзгалди:

- Мен – гувоҳ! Яна бирон кишини чақирамиз!

Ҳалиги уста болани чақариб келишгач, никоҳ маросими бошланди. “Куёв фалончибой фалончи ўғли, келин фалончихон фалончи қизини ўз никоҳингизга олишга розимисиз?”, ва шунинг тескараси қабилидаги саволлар берилгач, гувоҳлар иштирокида никоҳ ўқилди. Замирахон уйдан қандай чиққанини билмасди. Бутун вужуди дир-дир титрар, кўнглида қарама-қарши ҳислар ҳукмрон... Шу пайтгача, ўзини ҳали ҳам эрининг хасми ҳалоли деб ҳисоблаб келарди. Бугун, дабдурустан, бошқа бировнинг жуфти ҳалоли бўлиб турибди. Яна никоҳни, одам қуриб қолгандек, ўзини биринчи марта никоҳлаган домла ўқиса! Нима бу?! Такдир ҳазилими?!

Хулласи калом, Замирахон шу куни бошқа бировнинг шаръий хотинига айланганини ўзи ҳам сезмай қолди. Чолни қайтиб аввалги жойига олиб бориб қўйишгач, улар шаҳардаги ресторанлардан бирига киришди. Замирахон ҳамон ўзига келолмас, бўлаётган воқеаларнинг ҳақиқатда содир бўлаётганини шуури қабул қилолмасди. Рестораннинг алоҳида хонасига киришлари биланоқ, жувон бор жаҳлини эркакка сочди.

- Ахир, бу нима қилганингиз? Шунақа ҳам бўладими одам деган? Уятларга ўлдирдингиз-ку! Шу ниятингиз бор экан, бафуржа, маслаҳатлашиб, бир қарорга келсак бўлмасмиди? Мени қаерларга олиб келганингизни биласизми? Бу- мен илк бор келин бўлиб тушган кўча-ку! Бошқа жой куриб қолувдими? Ахир, болаларимга нима дейман?! Шунчалик шошилиш шартмиди?!

Баҳодир акага жувоннинг куйиб-пишиб айтаётган гапларини индамай, кулимсираб ўтириб, тинглади. Кейин, секингина унинг қўлини тутиб, лабларига босди-да:

- Талабалик йилларимда домланинг уйи рўпарасидаги ҳовлида ижарада турганман. У ерларни яхши биламан-да! Ундан кейин, чўзиб юраверсам, айниб қолишингиздан қўрқдим-да! Жоним, энди сиз – меникисиз, шуни тушунаёпсизми?!- деди. Замирахон бир зум жим олди. Таранг тортиб турган вужуди бўшашди.

- Узук қўлингизга каттамасми?- Баҳодир жувоннинг узук тақилган бармоғини тутиб, қараса, ҳалигина аёл узукни магазиннинг этикеткалари билан бармоғига тақибди. Шундагина, у аёлни қандай аҳволга солганини тушунди. Аёл шу қадар ўзини йўқотиб қўйганки, ҳатто, узукни қоғозлари билан қўшиб таққанини ҳам сезмапти...

Аёл қўлидаги узукка қаради. Нозиккина, яшил кўзли, нафис ишланган узук. Қўлда ишланмаган, аммо, унчалик қиммат ҳам эмас. Узукни бармоғидан ечиб, қўлига олди. Ўртанча бармоғига ҳам бир оз каттароқ экан. Баҳодир ака хижолат чекди:

- Бармоқларингиз шунчалар нозикми? Яхшироғини олмоқчи эдим, аммо, йўлимда фақат биттагина тилла сотиладиган магазин учради. Майли, ҳали бошқасини олиб бераман. Бўлди, жоним, тинчланинг. Бўлар иш – бўлди. Келинг, никоҳимизни нишонлаймиз!

Жувонга ўтирган хоналари ёкмагач, катта залга ўтиб ўтиришди. Залда улардан ташқари инглиз меҳмонлар ўз таржимонлари билан ўтиришган экан. Бошқа ҳеч ким йўқ. Замирахон уйига телефон қилиб, болаларига Баҳодир ака билан ўтирганини айтди. Ўша биринчи учрашган кунларида болаларига бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берган эди. Аллоҳга шукрлар бўлсин, болалари онасининг кўнглини нозик тушунадиган, замонавий болалар. Куйдирмажон қизи:

- Ойижон, шуни унутмангки, сиз бахтли бўлсангиз, биз ҳам бахтли бўламиз. Ҳеч нарсани ўйламай, кўнглингизга кулоқ солинг, - деган эди. Ўғли ҳам бу гапга қўшилди. Кейинчалик, болалар ойисининг соатлаб телефонда гаплашишлари, кўтаринки кайфиятда, хуш кайфиятда юришларини кўриб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишарди. Охирги пайтларда, салга юраги оғришлари ҳам қолиб, бирон жойи оғришидан шикоят ҳам қилмай қўйди. Бундан болалар хурсанд эдилар...

Улар анчагача ресторанда кўнгилхушлик қилиб ўтиришди. Замирахон куёвтўрани уйига таклиф қилишга ботинолмади, болаларидан уялди. Улар машинани бир жойга қўйиб, шаҳар бўйлаб айланиб юришди. Тонгга яқин ҳориб, чарчаб, машиналари ёнига қайтиб келишди, ва куёвтўра келинни уйига кузатиб қўйиб, ўз йўлларига кетдилар...

Орадан яна бир ҳафтача вақт ўтди. 8 март байрами арафасида Баҳодир телефон қилиб, Замирахонга ўз вилоятларига тез етиб келишни буюрди. Байрам кунлари бўлгани учун, жувон болаларига

бу кеча бувисиникида қолишларини, ўзи хизмат сафарига кетаётганини айтди-да, йўлга чиқди. Анчагина харажат қилиб, айтилган жойга етиб борди. Баҳодир акаси уни машинасида кутиб турган экан. Аёл етиб борганида тушлик пайти бўлиб қолганлиги учун, улар шаҳар марказидаги кафелардан бирига киришди. Аёл дид билан кийинган, савлатли, кийимлари қадди-қоматларига ярашган, калта қирқилган сочларини қизғиш рангга бўятиб, чиройли кўринишга келтирган...Кўрган одам, беихтиёр яна бир бор қайтиб қарайди. Овқатланиб олишгач, улар шаҳар айланишди. Баҳодир аёлга бир зум суқланиб қараб турди-да, сўнг машинани секин ҳайдаб, йўл бўйлаб биноларни кўрсатиб, шарҳлаб борди. Кейин банк биноси олдида тўхташди.

Баҳодир банкда ишлайдиган қизларга совға олган экан, аёлга машина ичида ўтириб туришини айтди-да, шу нарсаларни кўтариб, ичкарига кириб кетди. Бир зумдан сўнг, бир гуруҳ чиройли кийинган қизлар хушчақчақ кайфиятда, хандон уриб кулиб, бир-бирлари билан ҳазиллашганларича, банк биносидан чиқиб келишди. Улар йўл бўйлаб кета бошлашди. Бири-биридан чиройли тўрт қиз Баҳодир билан бирга чиқишди-да, машина томонга йўналишди. Замирахон олдинги ўриндикда ўтирарди. Қизлар машинанинг орқа ўриндигига бир амаллаб жойлашишди. Баҳодир машинани айланиб ўтиб, ўз ўрнига ўтирди-да, хайдади.

- Қизлар байрамни нишонлашга кетаётган эканлар, йўл-йўлакай ташлаб ўтамиз,- деди аёлга қараб, сўнг магнитофон тугмачасини босди. Машина ичи гумбурлаганича, мусиқа садолари таралди. Катта йўлга чиқишгач, мусиқани пастлатишди. Қизлар чуғурлашиб, бир-бирларига гап бермай бидирлаб келишарди. Улардан бири шўхроқ экан, Баҳодир акани туртиб, гап бошлади:

- Ака, манави опамиз ким, таништирадингиз?

- Бу киши- менинг салкам йигирма беш йиллик қадрдоним, Замира опангиз бўлади, мана шу дискдаги ашулаларни айнан шу опангизга атаб, ҳофизга айтириб, ёздириб олганман. Эшитинглар-чи, нима деяпти!

Магнитофондан ҳозирги замонавий, ёш кўшиқчилардан бирининг “Кел, Замирам, кел, қора сочларингни ўрай бўйнимга”, деб ўқиган мусиқаси тараларди.

- Опамнинг сочлари қора эмаску!- деди яна ўша шўх қиз.

- Ҳофиз шу ашулани айтган пайтида қора эди-да!- кулди Баҳодир ака. Замирахон индамай, кулимсираганича атрофни томоша қилиб борар, қизларнинг унга ҳавас билан қараётганларини сезиб турарди. Улар қизларни шинамгина кафе ёнида туширишди.

- Хўш, энди қаёққа борамиз, хўжайин?- нозланди аёл.

- Энди, жоним, бир дўстимнинг уйига борамиз. Ўзи хизмат сафарига кетган, уйи- бўш. Ниҳоят иккимиз ёлғиз қоламиз.- Баҳодир аёлни кўлини лабларига босди.

Баланд қаватли уйлардан бирининг ёнида машина тўхтади. Улар эндигина машинадан тушувдилар ҳамки, Баҳодир аканинг телефони жиринглаб қолди.

- Лаббай, эшитаман! Ким чақираяпти? Мен ҳозир узоқдаман! Ярим соатда етиб боролмайман, ахир! Бироз кечиктиришнинг иложи йўқми? У киши касал денг! Бугун мени кўрган эканларми? Қачон? Эрталаб? Хўп, бўпти...- Деди Баҳодир ака бўшашибгина, хижолатлик билан аёлга қаради.- Бугун ҳам висолингизга етолмайдиган бўлиб турибман...Мени зудлик билан чақирешаяпти, вазирликдан одам келипти. Ҳозир йўлга чиқсам, бир соатда етиб бораман.

- Зарур бўлса, борақолинг...- синиқ жилмайди аёл. – Ҳаммаси вақти-соати билан бўлади. Мени кузатиб қўярсиз?

- Хафа бўлдингиз-а? Албатта хафа бўлдингиз... Менга қолса, шундай бўлсин дебманми? Келаси сафар албатта телефонимни ўчириб, қўлингизга бераман, келишдикми?

- Юринг, мени кузатиб қўйинг, кеч тушмасдан уйимга етиб олишим керак!- Аёл қайтиб машинага ўтирди. У уйидагиларга бугун қайтмайман, деб, болаларига бувисиникида қолишни тайинлаб келувди.

Вокзалда Баҳодир ака битта “Нексия” машинаси билан гаплашиб, уни олдинги ўриндикқа ўтқазди. Аёлни кўлига қирқ минглар чамаси пул тутқазди. Аёл унга ҳайрон бўлиб қаради.

- Йўлда ишлатарсиз,- деди Баҳодир ака. Жуфоннинг юзига норозилик ифодаси инди. Баҳодир шошиб хайрлашганича, жўнади. “Нексия” ҳам йўлга тушди. Йўлларида бир туман марказининг каттагина бозори учради. Ҳайдовчи уларни тушириб, у ёғига кетмаслигини айтди-да, келтирган жойигача қира ҳақи сўради. Ҳаммалари тўлаб, тушиб кетишди. Замирахон ҳам қира ҳақини тўлади-да, бозорга кирди. 8 Март байрами арафаси бўлгани учун, бозорда аёлларга керакли ҳамма нарса ранго-ранг, тўлиб кетган. Аёл барибир аёл экан, у албатта байрамда совға кутади. Айниқса, севган ёридан. Баҳодир акаси уни ақалли бир дона гул билан ҳам табрикламади. Ҳеч бўлмаса, банкнинг қизларига олган совғаларига кўшиб, унга ҳам атаб биттагина олган бўлсайди... Ҳолбуки, Замира бўлган воқеаларни онасига айтиб берган, аянинг бу гаплардан хабари бор. Қизи қаерга кетаётганини болаларига айтмаган бўлса ҳам,

онажонисига айтди. Нима совға қилди, десалар нима дейди? Яхши ҳам, ўзи билан кўпроқ пул олиб чиққан экан. Баҳодир акаси берган пул йўл кирасини ҳам зўрға қоплади. Ишқилиб, бу гал ҳам хато қилиб қўймадимикан...

Хуллас, бозорга кириб, болаларига совғалар, ойижонисига юмшоқ шиппак, ўзига ҳам баъзи бир нарсалар харид қилди-да, шаҳарга кетадиган “Нексия”лардан бирига ўтирди. “Ишқилиб, болаларим уйда бўлишмасин-да, эртага келаман, дегандим, уларга барвақт келганимни қандай тушунтираман”, деган хаёллар оғушида уйига етиб келганида қоронғу анчагина қуюқлашган эди.

Уйига кираверишдаги йўлакда алланимага қоқилиб кетиб, йиқилди. Қуюқ қоронғуда ҳеч нарса кўринмасди, пайпаслаганича, калитни топиб, эшигини очиб, ичкарига кирди. Яхшиям уйда ҳеч ким йўқ экан. Нарсаларини ҳам ечмасдан, қаттиқ оғриётган тиззасига қаради. Қизариб, шилиниб кетибди. Чўлоқланганича, ичкари уйга кирди. Кийимларини ечиб ташлади-да, енгил кийиниб, ҳаммомга кирди. Обдон ювиниб чиққач, қаттиқ оч қолганини сизди. Чой қўйиб, залга кирди. Музлаткичдан ул-бул олиб, тамадди қилди-да, диванга ўтирганича, хаёлга толди. У нималар қилиб қўйди? Ҳе йўқ, бе йўқ, ярим нотаниш, яхши билмайдиган одамнинг гапига кулоқ солиб, никоҳига кирди. Ҳақиқатдан ҳам, у ҳақида нима билади? У одам шунча йиллардан бери қаёқда эди? Нима ишлар қилиб юрди? Ҳақиқатдан ҳам севган бўлса, нега уни қидириб топмади? Бир пайтлар ораларида салгина куртак ёзмоқчи бўлган илиқ муносабатларни хотирлаб, шу ишни қилдими? Ораларидаги муносабатни, ҳатто, севги ҳам деб бўлмайди-ку! Мана бугунги ишини қаранг: ўзича севган, никоҳига олган аёлини узоқ йўлдан чақиртирса, байрами билан ақалли табрикламай, ишларини баҳона қилиб, йўловчи машинага ўтказивориб, қўлига болани алдагандек озгина пул бериб, қочиб қолса! Буни қандай тушуниш мумкин?! Жувон тақдирининг ноҳақсизлигидан ўқиниб, бошини ёстикқа босганича, ўкраб йиғлаб юборди. Аллоҳ охирини бахайр қилсин!

Эртаси куни, совға-саломларини кўтариб, онасиникига борди. Баҳодир акам олиб бердилар, деб совғаларини тарқатди.

Баҳодирнинг ишлари кўпайганда кўпайиб, қарийб бир ой улар кўришолмадилар. Аммо, ҳар куни телефонда гаплашиб туришни канда қилишмасди. Бир куни телефон қилиб, мен сизникига бораман, чекка вилоятлардан биридаман, кечликка етиб борсам керак, деб қолди. Замирахон шоша-пиша тансиқ таомлардан тайёрлади. Болаларига, бугун айтган одамим билан танишасизлар, деди. Қизи ҳаммаёқни тартибга келтириб, тозалаб қўйди. Кечки соат саккизларда “мен келдим”, деб қўнғироқ қилди. Замирахон кўча бошига чиқиб, кутиб олди. Баҳодир Замирахоннинг уйи яқинидаги катта гараж қоровули билан гаплашиб, машинасини қолдирди. Шунча йўлдан қуруқ қўл билан келган Баҳодир машинадан тушиб, жувон билан йўлга тушди. Унинг қуруқ қўл билан кириб келиши болаларига қандай таъсир қилишини кўз олдига келтириб, аёл йўл устидаги дўконча томон юрди. Йўқ, Замирахоннинг ҳам, болаларининг ҳам ҳеч нарсага зориқиб қолган жойлари йўқ. Шунчаки, уларнинг дунёқарашлари бошқача. Жувоннинг ўзи ҳам ҳеч кимнинг уйига қуруқ қўл билан бормасди. Бу уларнинг оиласи қон-қонига сингиб кетган удумлардан бири эди. Замирахоннинг фикрича, Баҳодир болалари билан танишиш учун уларни ўзига ийдириб олишга ҳаракат қилиши керак эди. Баҳодир индамай, унга эргашди. Яхшироқ нарса тополмай, аёл иккита плиткали шоколад ва иккита шарбат сотиб олди. Халати чўнтагидан пул чиқараётган эди, Баҳодир қўймади. Хижолат чекиб, олинган нарсалар ҳақини тўлади.

- Тез етиб олай, деб, қуруқ қўл билан келаверибман, мени кечиринг,-деди. Аёл индамади.

Улар уйга кириб келишганида, чиройли дастурхон тузалган, ҳаммаёқ озода, саришта, чароғон эди. Ўғли илдам келиб, қўл олиб кўришишди. Қизи ҳам салом бериб, “яхши келдингизми, хуш келибсиз!”, деб қўйди. Дастурхон атрофига ўтиришди. Ҳамма бир-бири билан сўрашиб чиққач, Баҳодир ювиниб келишга рухсат сўради. Ҳамма билан киришиб кетадиган ўғли уни ҳаммом томон етаклади. Бир оздан кейин, Баҳодир ювиниб, тоза сочиққа артина-артина, уйга кирди. Замирахон ҳаммага овқат сузди. Гангир-гунгур гаплашиб, овқатланиб олишди. Кейин, қизи дастурхонни йиғиштириб, идиш-товокларини ювиб олишга кетди, ўғли анчагача Баҳодир ака билан гурунглашиб ўтирди. Кейин, болалар ҳар бири ўз

хонасига, ухлашга кириб кетди. Замирахон Баҳодир билан суҳбатлашиб, телевизор кўриб ўтирди. Кейин, ётоқхонани тайёрлаш учун ичкари уйга кириб кетди. Ярим соатлар чамаси ўтиб, қайтиб кирса, Баҳодир ўтирган диванида, ёстикни кучоклаганича, ухлаб қолибди. Замирахон уйдан чойшаб олиб келиб, унинг устига ёпиб қўйди-да, столни нарирокка суриб қўйди. Кейин, бир хўрсиниб, ичкари уйга кириб кетди. Эрталаб барвақт уйғониб, секин келиб, залга мўралади. Баҳодир мазза қилиб ухлаб ётар, ора-чора хуррак ҳам отиб кўярди. Замирахон оёқ учида юриб, хонадан чиқди. Ётадиган кийимларини ечиб, уйда киядиган кўйлагини кийди-да, уйи яқинидаги бозорчага кетди. Иссиқ нон, бир косада қаймоқ, ва яна анча нарсалар олиб, уйига қайтса, болалари уйғонишибди. Секингина залга кирса, Баҳодир ҳам уйғониб, хижолатомуз кулимсираб ўтирибди. Нонуштадан кейин, жувон Баҳодирни кузатиб қўйди.

- Мени кечиринг, ухлаб қолибман, - деди жувоннинг қўлларидан тутиб.

- Зарари йўқ, қаттиқ чарчагансиз-да, - кулимсиради аёл. Улар ўпишиб хайрлашишди. Баҳодир жўнаб кетди. Жувон қайтиб келиб кийинди-да, ишга жўнади.

Йўл-йўлакай бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир кўз олдидан ўтказди. Жувон бировнинг никоҳига киришни бошқача тасаввур қиларди. Унинг кўрган, ўқиган, эшитганларидан иборат тасаввурига кўра, никоҳ ўқилганидан кейин, эркак шу оиланинг таъминоти, шу оиладагилар ҳаётига алоқадор барча ҳатти-ҳаракатлар масъулиятини ўз бўйнига олиши керак. Икки хотинни никоҳига олган эркак уларнинг иккаласига бир хил қараши, нима олса, иккала хотинига бир хил олиши керак эди. Йўқ, жувоннинг ҳамма нарсаси ўзига етарли, топиш-тутиши ҳам бир эркакдан кам эмас. Болалари отаси борлардан яхшироқ еб-ичиб, кийинишадики, кам эмас. Гап пулда эмас, шунчаки жувон ҳақиқатдан ҳам, ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган барча ҳолатларда суяниши мумкин бўлган одамини топганига ишонч ҳосил қилмоқчи. Орадан қарийб икки ой вақт ўтди ҳамки, унда шундай ишонч туғилгани йўқ. Ҳолбуки, Баҳодирнинг топиш-тутиши ёмон эмас, битта эмас, иккита, ҳатто учта оилани ҳам бемалол боқиши мумкин. Шунга кўра, унинг иккинчи хотинига қилаётган муомаласи тушунарсиз ҳолат эди.

Жувон куни бўйи кайфиятсиз, бир тушкун ҳолатда юрди. Кейин Баҳодир акасига узундан – узун СМС ёзди. Унга бўлган муносабатини тушунмаётганини ёзди. Жавоб бўлмади.

Апрель ойларининг ўрталарида жувоннинг туғилган куни бўлиши керак эди. Баҳодир, албатта бораман, деб кўнғироқ қилди. Ўша куни Замирахон ишда эди. Касбдошлари, қадрдон дугоналари, шогирдлари уни табриклашди, кабинети гулларга тўлиб кетди. Иш вақти тугашидан икки соатлар чамаси илгарироқ, бошлиғи бугун барвақтроқ уйига кетиши мумкинлигини айтгач, совға-саломларнинг бир қисмини пакетга жойлади. Гулдасталардан иккитасини олиб, энди чиқмоқчи эди ҳамки, телефони жиринглаб қолди. Баҳодир келганини, уни бекатда кутиб туришини айтди. Замирахон хурсанд бўлиб, йўлга тушди. Бекатда уни оппоқ “Нексия” кутиб турарди. Баҳодир илдам тушиб, унинг кўлидан нарсаларини олди. Замирахон олдинги ўриндикка ўтирди. Улар аввал аёлнинг уйига бориб, болаларини олишди, кейин бориб, онасини олиб келишди. Яхши бир ресторанга бориб, байрамона кайфиятда, фарахбахш оқшомни ўтқазди. Улар аяни уйларига олиб бориб қўйгач, Замирахоннинг уйига келишди.

Замирахоннинг қизи Баҳодирни бошиданок ёқтирмади. Ундан фарқли ўлароқ, ўғли унга чиппа ёпишди. Баҳодирнинг ўзи ҳам йигитчани ёқтирди. “Сенга ўзим ёрдам бераман, ўқишни тугатсанг, фалон жойга ишга қўяман”, қабилидаги сўзларни айтиб, уни ийдирди. Ўша, ресторандан қайтган кунлари ҳам, улар бир-бирлари билан анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Уларнинг гапларини кута-кута, Замирахоннинг ўзи ухлаб қолди. Эрталабга яқин уйғониб, бориб қараса, иккаласи ҳам залда қотиб ухлаб ётишибди. Нонуштадан сўнг, Баҳодир жўнаб кетди. Уни кузатаётди, жувон эркаланди:

- Бегим, менинг туғилган кунимга совға бермадингиз-ку!

- Жоним, менинг ўзим сизга совға-ку!- кулди Баҳодир, ва аёлнинг иягидан ушлаб ўпди: - бирон ойдан сўнг, биронта ўзингиз айтган каттароқ нарса олиб бераман, бўптими?

Жувон индамай, лабини буриб қўйди. Баҳодир жўнаб кетди. Шу кўйи анчагача жимиб кетди. Келмайди ҳам, телефон ҳам қилмайди. Жувон ёзган смс лар етиб боради-ю, жавоб йўқ.

Охирги кунларда кайфиятсиз юрган аёл, бир куни анчагина каттиқ, “Сизни мард инсон десам, номарднинг ишини қилаяпсиз-ку!” қабилидаги сўзлар ёзилган СМС жўнатди. Зум ўтмай, Баҳодирнинг телефонидан кўнғироқ бўлди. Замирахон гўшакни кўтарса- аёл кишининг “Ким бу? Кимсиз?” деган овози эшитилди. Жувон ўша заҳотиёқ гўшакни қўйди.

Аёл кўнғироқлар тинмаётганини кўриб, телефонини ўчириб қўйди. У нималар бўлаётганини тахмин қила бошлади. Кечаси билан ухлолмай, тўлғониб чиқди. Эрталабга яқин телефонини ёққани заҳотиёқ, нотаниш рақамдан телефон бўлди. Гўшакни кўтариши биланок, аёл киши бўғиқ овозда:

- Замирахон, сиз тўғри гапни ёзибсиз, бу киши ҳақиқатдан ҳам номард! Соғ бўлинг!- дедию, алоқа узилди. Замирахон қарахт бўлиб қолди. Қилиб қўйган ишининг оқибатини энди тасаввур қила бошлади. Эри унга бегона аёл билан хиёнат қилиб юрганини эшитган хотин қандай аҳволга тушади? Ишонган одами, болаларининг отаси бошқа бир аёлдан смслар олса, бунинг устига унинг исмини ҳам яшириб, телефони хотирасига “Замиржон” деб, эркак кишининг номи билан сақлаб қўйса?!

Баҳодир доимо Замирахонга кундошидан сўз очса, “70 ёшга кирганимда сизларни таништириб қўяман”, дерди. “Унгача билдирмайсизми?” дерди жувон кулиб. “Йўқ, билмай қўя қолсин!” дерди эркак. Мана энди, уч ой деганда, хотини хабар топиб турибди. Бу ёғи қандок бўлди?! Емаган сомсага пул тўлагандек бўлмасмикан?

Замирахон оғир тушкун кайфиятда ишга йўл олди. Қўли ишга бормай, ўтирса, ҳалиги номердан кўнғироқ бўлди:

- Замирахон, сиз билан учрашсак бўладими? Мен ҳозир йўлга чиқаяпман, уч соатлардан кейин етиб бораман, илтимос, йўқ деманг! Сизда зарур гапим бор. Ёлғиз ўзим бораман!

- Майли, келақолинг...
- Бўпти, учрашгунча!
- Кўришгунча!

Кундоши ваъда қилганидек, тушлик пайтига етиб келди. Замирахон улар ваъдалашган кафе ёнига етиб келганида, ориқ, узун бўйли, кўринишидан тутган еридан кесиб оладиган, чўрткесарлиги, бир сўзлилиги, аммо кийинишларидан тўпори, қишлоқилиги сезилиб турган аёл уни ёвқараш билан кутиб олди. Замирахон унга разм солиб, аёл ғазабини куч билан босиб турганини сизди. Шунинг учун гапни ҳазилга айлантирмоқчи бўлди.

- Хўш, Жаннатхон, соч юлишамизми?- деди кулимсираб. Жаннатхон хўмрайганича, унга бошдан оёқ разм солди-да, кўзларидаги самимиятни кўриб, индамади. Улар кафега киришди. Сўрашишди. Овқат буюришди. Официант қиз буюртмаларни тезгина муҳайё қилди. Улар овқатга тикилиб ўтираверишди. На униси бир луқма олади, на буниси. Ахийри, Жаннатхон сўз очди:

- Айтинг-чи, қачондан бери танишсизлар? Қачондан бери учрашиб юрибсизлар?

- Жаннатхон, келинг мен сизга бўлган воқеаларни айтиб берай, сиз ўзингиз керакли хулоса чиқариб оларсиз...- Замирахон ҳикоясини ўша узоқ талабалик йилларидан бошлади. Турмушга чиққани, ажрашгани, тортган азоблари, бошидан кечирганлари..Қизига совчилар келганида ёлғизлигидан кўнгли ўкинганлари...ўғли билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қийналганлари...Кейинги учрашувлари, бўлиб ўтган воқеалар... Ҳаммасини бирма- бир айтиб берди. Жаннатхон индамай, кўзларини овқатга тикканича, қулоқ солди. Стол устида турган “Кола” ичимлигидан бир озгина қуйиб ичди-да, ер сузиб, сўз бошлади:

- Баҳодир акангизни Баҳодир ака қилган- менман! Менинг ҳам биринчи турмушим бўлмай, бир болам билан онамникига қайтиб келгандим. Хоразмлик бир йигитга турмушга чиққандим. Оиласи ўта қоқоқ экан. Шунчалар даражада маънавий қашшоқ одамларни умримда учратмагандим. Мени одам ўрнида кўришмасди. Биринчи болам сариқ касал бўлиб, оғриқ азобидан ғужанак бўлиб ётса ҳам, дўхтирнинг кераги йўқ, деб туриб олишди. Касалхонага анча кечикиб олиб борганимиз учун, ҳаётини сақлаб қолишолмади...- Аёлнинг кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб, салфеткани ғижимлаб турган қўлларига томди. Иккинчи болам бўлди ҳамки, шу муомала ўзгармади. Эрим ҳеч қаерда ишламай, бекорга сандироклаб юрарди. Қайнонам –оми, жоҳил бир хотин. Ҳаммалари молсифат ҳаёт кечиришади: касал бўлса-

“ўлмайдим”, оч қолса: “керак бўлса, бирон нарса топиб ейди!”. Иккинчи болам ҳам сариқ бўлиб қолгач, яна ўша ҳол такрорлана бошлаши биланок, боламни кучоғимга олиб, у ердан қочиб кетдим. Онамнинг уйига келдик, дарҳол шифохонага олиб бордик. Боламнинг ҳаётини зўрға саклаб қолдик. Ўша болам – ҳозир Тошкентда ўқийди. Кейин, анчагача эркак зотига қарай олмай юрдим. Советлардан мустақилликка ўтиш даврида акам сельпода ишлаб юриб, икки-учта магазинни сотиб олди. Биттасини менга хатлаб берди. Шу пайтларда Баҳодир сизларнинг юртингизда бола-чақаси, ишини ташлаб келиб, биздаги қурилишлардан бирида прораблик қилиб юрган экан. Хотини билан қонуний ажрашгану, уйланмай юрган экан. Прорабликда ишлари сал юришмай қолганида, акам раҳми келиб, ёнига ишга олган. Кейин, у менга ошиқ бўлиб қолди. Акам :”шунга тег, ўзим сизларга уй-жой қилиб бераман”, деб қолди. Мен рози бўлмадим. Эрим пайдо бўлиб қолиб, келавериб, безор қилди. Ундан қутулиш учун, шу кишига тегишга рози бўлдим. Икки ўғил, киз кўрдик. Кенжатоимиз – киз, тўққизда ўқийди. Бу киши билан бел боғлаб ишга киришдик. Магазинни кенгайтирдик, яна биттасини сотиб олдик. Кейин ферма сотиб олдик. Ишларимиз яхши бўлиб кетавергач, товуқ фабрикаси сотиб олдик. Анчагина ер майдони сотиб олдик. Ғалла экдик. Ҳозир пахта экканмиз. Қатор корхоналаримиз бор. Ҳаммаси мен ва ўғилларим номида. Миниб юрган машинасини ҳам ўзим сотиб олиб бердим, ўзимнинг номимга олинган. Биласизми, бунинг чўнтагида ҳемирисини ҳам йўқ. Бу – қуруқ макет, холос. У хотинидан қолган болаларини ҳам мен уйли-жойли қилдим. Ўғлини уйлантирдим. Қизини чиқарганда, сизларнинг шаҳрингизда бўлган тўйини ҳам ўзим қилиб бердим. Ўғлим билан бориб, икки ярим миллион сўм тўлаб келдик. Шундай олганда, бунинг менга кераги ҳам йўқ. Фақат текширишлар келганида, “катталар” келганида – бу керак бўлади. Ҳатто, дўстлари билан ресторанларга борса ҳам, пулини менинг номимга ёздириб кетади, мен ёки ўғлим бориб, тўлаб келамиз.

Официант келиб, чойни янгилаб кетди. Уларнинг овқатга қўл ҳам теккизмай ўтирганларини кўриб, “овқат ёкмаган бўлса, бошқа таом келтирайми?”, деб сўради. Шундагина, улар овқат эсларидан ҳам чиқиб кетганини сездилар. Иккиси ҳам кечадан бери туз тотмаган. Аммо, иштаҳалар бўғилган...

Замирахон ҳайрат ичида унинг сўзларини тинглаб ўтириб, Баҳодирнинг унга, оиласига харажат қилмаслигининг сабабларини тушунгандек бўлди. “Мен! Мен! Мен!” ларнинг ҳаммаси ёлғон экан-да... Пуфак ичидаги ҳаводек...

- Кеча, сиз СМС юборганингизда, каттиқ маст ҳолида зарангдек қотиб ётувди. Ҳатто телефонини кўтаришга ҳам ҳоли бўлмади. Ўғлим СМСни ўқиб: “Ая, битта ёмон хотин адамга хат ёзипти”, деб қолди. Ўқиб, уни роса таталадим. Гапиролмади. Кечаси билан уй юзида думалаб, қушиб ётди. Аччиғимдан яқинига ҳам бормадим. Қусуғига беланиб, эрталабгача ётди. Ҳаммаёқ сассиб кетди. Эшик-деразаларни очиб ташладим. Ҳар гал шундай бўлганида, уни тозалаб, ювиб-тараб, ўрнига ётқизиб кўярдим. Эрталаб яна сўроққа тутдим. У ҳаммасини айтиб берди. Эмишким, сиз уни ўз ҳолига қўймаганмишсиз. “Шунча йиллардан бери фақат сизни севиб келдим”, деб бўйнига осилганмишсиз. Сизни аллақайдаги суюқ хотинлардан гумон қилиб, бир кўрай, деб келгандим. Лекин, сиз- тоза, беғубор хотин экансиз. Унинг ўзи ифлос экан! Биласизми, “фақат сени севаман, ҳаётим мазмунисан,” деб, мени шунақанги ялаб-юлқардики... Ифлос...- Аёл нафрат билан тишларини ғижирлатди. Замирахон ҳам чуқур ўйга толганди. – Никоҳ қилинганларингиз тўғрисида эшитмагандим. У менга фақат бир-икки марта бирга бўлдик, холос, деганди. Сиз бирга бўлмадик, деяпсиз. Қайси бири тўғри?

- Сизга ёлғон гапиришимдан нима фойда? Сизга ҳаммасини бирма-бир айтиб бердим-ку!

- Мен сизни тушундим. Сиз болаларингиз учун бу ишни қилгансиз. - Жаннатхон бирданига жонланди:- истайсизми, уни сизга бераман! Болаларингиз қатори боқи-и-иб юраверасиз! Истайсизми? Менга унинг кераги йўқ! Ифлос, аблаҳ!

Замирахон ичида: “ сенга керак бўлмаса, шунча жойдан ўқдек учиб келармидинг?!” , деб ўйлади-да, секин бош чайқади:

- Эрингиз ўзингизга, болаларингизга буюрсин. Қуруқ савлат бўлса ҳам, болаларингизнинг бошида отаси бўлсин! Бунинг қанчалар аҳамиятли эканлигини мен яхши биламан, ишонаверинг...

- Келинг, опа-сингил тутинамиз! Биз томонга ўтсангиз, хабар беринг, учиб бораман, меҳмон қиламан! Биронта муаммо бўлса, ҳал қилиб бераман!

- Сиздан илтимос, айтинг, менинг талоғимни берсинлар...

Замирахон дарров пул чиқариб, олинган таомлар ҳақини тўлади, “сиз-меҳмонсиз!”, деб кундошига пул чиқаргани қўймади.

- У киши ҳам мен билан бирга келганлар! Шаҳарга кираверишдаги вокзалда ўтирибдилар. Фақат, бу ёққача келишга юзлари чидамади.

Замирахон ҳайрат ичида: “одамзотнинг бошидан қандай кунлар ўтмайди-я!” деб ўйлади. Кундошини таксига ўтқазиб, жўнатиб юборди. Улар кадрдон дугоналардек ўпишиб хайрлашдилар.

Шундай қилиб, тўрт ойгина давом этган бу ғалати никоҳ қандай зудлик билан амалга ошган бўлса, шунчалик тез ниҳоясига етди.

УМИД ЗАРАСИ

“Миянгизда шиш пайдо бўлган!” Гулираъно опа бу гапни эшитганидан буён хушига келолмайди. Наҳотки Аллоҳ уни ўлимга ҳукм этди! Умри шунчалар қисқа эканми? Ахир, у эндигина катта ўғлини уйлантириб, кизини чиқарди. Ширингина невараси бор. Кенжатоийи эса, шу йил олийгоҳга кирмоқчи...

Ўйлайвериб миялари ғовлаб кетди. Йўқ, у ўлимдан кўркмайди. Фақатгина, улардан хотиржам бўлиб, ҳар бири ўз оиласи билан бахтли яшаётганини кўриб, тинчгина, бировга зарари етмай, оғирлиги тушмай рихлатга равона бўлишни истарди. Эри, Рустамжон ака- жуда яхши инсон, уни ташвишга қўйишни, юрагини ярим қилиб кетишни истамасди. Ахир, нега энди у ўлиши керак? Ахир, эндигина эллик икки ёшга кирди-ку! Озмунча кунларни бошидан ўтказмадими? Биринчи турмуши бўлмай, Рустам акага турмушга чиққанида атиги ўттиз ёшда эди. Шунга ҳам йигирма икки йил бўлибди...

Бу дунёни тарк этишига атиги 2-3 ой қолган одам нимани ҳис этиши мумкин? Юраги ваҳимага тўладими? Ёки ғамга кўмилиб, ҳеч кимни кўргиси келмай қоладими? Ўлими яқинлигини аниқ биладиган одам қандай ҳолга тушади? Қолган умрини хурсандчилик билан, кайфу сафо билан ўтказадими ёки чала ишларини битиришга интиладими?

Гулираъно опа, қадимги ҳиндларда даҳшатли бир одат бўлганлиги тўғрисида ўқиб, қалби ларзага тушган эди. Улар эри ўлса, сағанага хотинини ҳам у билан бирга тириклайин кўмишар экан. Ўша ҳолатни тасаввур этиб, кўзларидан ёш чиқиб кетган эди. Бечора келинчак қоронғу гўр ичида ўлик билан ёлғиз қолиб, ўзининг ўлим соатларини кутади. Уч кун давомида, унга туйнукдан овқат тушириб туришади, кейин эса, у очликдан ўлимга маҳкум этилади. Қандай даҳшат! Гулираъно опа ҳозир ўзини ана ўша тириклайин кўмилиб, ўлимини кутишга маҳкум бўлган аёллардек ҳис этди...

Ёлғиз қолганида, ҳеч кимга кўрсатмай, тўйиб-тўйиб йиғлаб олди. Кейин тинчланди. Бир қарорга келиб, кўнгли ёришди. Аллоҳ унга совға қилаётган ана шу уч ойни, у - болалари бағрида, уларнинг дийдоридан баҳра олиб, оиласи даврасида хуш-хандон ўтказади!

Ҳеч кимга касали тўғрисида оғиз очмайди! Бу уч ой - унинг умри бўйи болаларига, оиласига кўрсатишга улгурмаган меҳрлари, уларга етарлича эътибор беролмай, ишга кўмилиб юрган вақтлари бадалини тўлайди! У ўлимга ўзини осонликча бериб қўймайди! Юрак кўрини болаларига бериб, нариги дунёга ёруғ юз билан, хотиржам равона бўлади. Шу хаёллар билан енгил тин олди. Ҳа, тўғри-да. болалари унинг меҳрига тўйиб олишсин, кейин армонда қолиб, йиғлаб юришмасин.

Аёл ишдан вақтли қайтиб, эри суйиб ейдиган таомлардан тайёрлади. Эри яхши кўрадиган «оливье» салатини, картошкаси алоҳида қовуриб олиниб, гўшти пиёз билан алоҳида бугда пишириладиган таомлардан тайёрлади. У анчадан бери уйда овқат пиширмасди. Ишдан доим кеч қайтар, эри ундан вақтлироқ қайтган бўлса, бирор овқат тайёрлаган, иккалари ҳам кеч келсалар, енгилроқ бирон нарса тановул қилиб қўя қолардилар. Ўғлининг уларга оғирлиги

тушмас, оч қолса, ана, музлаткич тўла, ўзига яраша бирон нарса тайёрлаб, еб оларди. Аммо, кўпинча, дўстлари билан кўчада овқатланишарди. Баъзан кизи ва куёви неварасини олиб келар, уларникида бир кеча ухлаб кетардилар. Ана шундай кунларда, у неварасини соғиниб, ишдан вақтлироқ қайтишга ҳаракат қиларди.

Хуллас, бугундан бошлаб, уйда байрам бошланади, деб кўнглига туғиб қўйди Гулираъно опа. Ўғлининг фирмасига телефон қилиб, ишдан барвақтроқ келишини илтимос қилди.

- Тинчликми, ойижон?- гўшакдан Жаҳонгирнинг бир оз хавотирлироқ овози эшитилди.- Меҳмон-пехмон кутмаяпсизми, ишқилиб?

- Йўқ, ўғлим, ҳеч кимни кутаётганим йўқ,- уни тинчлантиришга шошилди Гулираъно опа,- шунчаки, ҳаммамиз бирга ўтириб, овқатланайлик, девдим. Анчадан бери ҳаммамиз бир дастурхон атрофида йиғилмагандик. Б-и-и-р ўтирайлик! Опанг билан поччанг ҳам келишади!

- Ҳаракат қиламан, ойижон, хўп, хўп, кўришгунча.

Кечкурун ҳаммалари дид билан тузалган дастурхон атрофига йиғилишди. Гулираъно опа Нобель мукофотини олгандек хурсанд, бир гапириб, ўн кулади, неварасидан айланиб-ўргилади. Оила аъзолари бундай хурсандчилик сабабини билолмай, ҳайрон. Рустам ака тинмай кулаётган хотинининг қилиқларини хавотир билан кузатиб ўтирарди, чунки, у шунча йилдан бери бир ёстикка бош қўйиб келаётган жуфти ҳалолининг хурсандчилиги қачон самимий бўлиши-ю, қачон шунчаки одамгарчилик юзасидан бўлишини яхши биларди. Унинг хотини кўп билан ишлайди, раҳбар аёл, кўпинча уйларига меҳмонлар келади, шунда рафикаси, албатта, ёруғ чехра билан меҳмонларни қабул қилади, ўзини хурсанддек тутди. "Дежурний улыбка", деб кулиб қўярди, ўшанда. Лекин, бугунгиси- сал бошқачароқ. Рафикасининг жарангдор кулгиси носамимийроқ, ясамароқ эканлигини сезди. Бу хурсандчилик тагида зўр бериб яширишга интилаётган бир дарди борлигини сезди. Сезди-ю, индамади. Рафикасининг «ўйини»ни қабул қилиб, унга қўшилиб, кулиб ўтирди. Аммо, кўнглида ҳаммасини кейинроқ аниқлаб, суриштиришга қарор қилди.

Кўтаринки кайфиятда овқатланиб олишди. Қизи қовун сўйиб келди. Мазза қилиб қовун ейишаркан, Гулираъно опа кизик бир таклиф айтиб қолди:

- Кулоқ солинглар, менда бир ажойиб фикр туғилди!- Ҳаммалари қизиксиниб унга тикилишди. Улар, ниҳоят бугунги хурсандчилик сабабини ойимиз айтадилар, деб ўйлашди. Балким, юқорироқ ловозимга кўтарилгандирлар? Ё ҳақиқатдан ҳам бирон мукофот олдилармикан?- Менда шундай фикр бор: мен ҳам, дадамиз ҳам таътилга чиқсак-да, Мингбулоққа бориб, оилавий дам олиб келсак-чи, нима дейсизлар?

Рустам ака ҳайрон бўлди. Таътилга чиқайлик, деб бир неча марта айтганида, ҳали-вери чиқолмайман, ишларим кўп, деб туриб олган эди. Энди эса, дабдурустан.... Йўқ, нимадир бўлгани аниқ! Лекин, нима?

Қизи билан куёви рози бўлишди. Жаҳонгир ҳам, ўйлаб кўришга ваъда берди. Рустам ака индамади.

Байрамона кайфият эртаси ҳам, индини ҳам бу оилани тарк этмади. Рустам аканинг дами - ичида. Секин ишхонасидан, ҳайдовчисидан суриштириб кўрди: ҳаммаси яхши, тинч. Лекин, унинг кўнгли нотинч!

Бир ҳафтадан сўнг ҳаммалари Мингбулоққа боришди. Тоғнинг тоза ҳавоси ҳаммаларига жон киритгандек бўлди. Дам олиш зонасида Гулираъно опанинг Қашқадарёлик ҳамкасабалари тандир кабоблар уюштириб, уларни роса меҳмон қилишди. Гулираъно опа бу ерлик Ойбек деган ҳамкасабасини жуда ёқтирарди. Ёш бўлишига қарамай, шундай мансабни эплаб, эплабгина қолмай, барча кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринга чиқариб қўйиш осон иш эмас. Ойбекнинг бутун киёфасидан ғайрат ёғилиб турар, бир зум тинч ўтиролмасди. У ҳам опанинг беғараз ёрдамидан кўп фойдаланган, бирон савол туғилиб қолса, тажрибали опасига дарров кўнғироқ қилиб, маслаҳатлашиб олди. Опага ҳурмати баланд. Сизгир йигит опанинг кўнглини нимадир безовта қилаётганини дарров пайқади. Пайтини топиб, секин четга тортди.

- Ёрилиг!- деди, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.- Нима гап? Нимадан безовтасиз?

Опа ўзини билмаганга солмоқчийди, аммо йигитнинг юзидаги ифодага қараб, бунинг бефойдалигини тушунди. Секин-секин, врачларнинг даҳшатли ташҳисини, кўнглидан кечаётган ҳиссиётларни бирма-бир айтиб берди. Ойбек унинг сўзларини бўлмай, ҳамма гапини эшитди-да, бир муддат ўйланиб қолди. Кейин кескин бош кўтариб, унинг кўзларига тикилди. Аёлнинг кўзларидаги мунг йигитнинг кўнглини эзиб юборди. Юракни қаранг-а! Шунча дард билан, яшашига санокли кунлар қолганини билиб туриб, шундай юкни яқинларига билдирмай кўтариб юришнинг ўзи бўладими? Яна ўзини хуш-хандон кўрсатиб-а! Бунинг учун отнинг калласидек юракка эга бўлиш керак! Опага ҳурмати янаям ортиб кетди.

- Гап бундай, опажон,- деди юмшоқроқ оҳангда гапиришга ҳаракат қилиб,- битта врачнинг ташҳиси ҳали ҳеч нарса дегани эмас. Бахтингизни қаранг, айнан шу кунларда, вилоятимизга республиканинг таниқли онкологларидан бири келган. Ўшанга учрашиб кўрамиз.

Опа ҳаяжонланиб кетди. Соё бўйлаб кетган яқинлари томонга назар ташлаб олди.

- Бу битта врачнинг ташҳиси эмас. Томография натижалари бор. Энди пешанада борини кўрамиз.

- Бўлди, гап битта! Мен фақат ўзим кўриб, эшитганимга ишонаман! Эртага бирга борамиз, тамом-вассалом!

- Лекин, мен буларни ташлаб қандай кетаман? Улар шубҳаланиб қолишади-ку!

- Буёғидан хотиржам бўлинг! Мажлисимиз бор, қатнашмасалар бўлмайди, республикадан вакиллар келишган, деймиз. Йигитларга айтамыз, буларни Мингчинордаги ресторанга оборишади. О, шунақанги гўзал жойларки, зерикишга вақтлари бўлмайди. Бўлди, гап- шу!

Узоқдан буларга қараб келаётган Рустам ака кўринди. Гулираёно опа Ойбекка тезгина қараб қўйди. Йигитнинг кўзларида бир зум чақнаган ёлқин опани сўзсиз тушунганидан дарак берди.

- Энди, опа, сиз тажрибали ходимсиз, менинг устозимсиз, - атайлаб баланд овозда гапирди йигит,- менга бу масалада ёрдамингиз керак! Бошим қотиб қолган!

Рустам ака аста-секин уларга яқинлашди.

- Энди, укагинам,- жилмайиб гап бошлади у,- хоним ишдан дам олсинлар, деб шу ерларга қочиб келувдик. Бу ерда ҳам яна ишми?

- Меҳнаташга меҳнат қаҳат эмас, деган гапни эшитмаганмисиз?- кулиб жавоб берди йигит. – Аксига олиб, республикадан раҳбарларимиз келишган. Барибир, опани чакириб олишарди. Эртага мажлисда қатнашмасалар бўлмайди. Кечқурун меҳмонлар кетишади. Шу билан опани бошқа безовта қилмаймиз, дам олсинлар! Фақатгина эртага рухсат берасиз, акажон!

Рустам ака “илож қанча”, дегандек, икки қўлини икки томонга ёйиб қўйди. Бир парча булут сузиб келиб, уларнинг айнан устларида муаллақ қотиб турди. Ҳаммаёқда офтоб қиздираяпти-ю, опага “персоналний соябон” табиатнинг ўзи томонидан инъом этилгандек. Улар секин-секин юриб, бошқаларга етиб олишди.

Эртаси куни Ойбекнинг ҳайдовчиси келиб, опани улар оилавий истикомат қилаётган, чўққи устидаги майдончада ёғочдан қурилган, икки қаватли уйларида олиб кетди. Қора «Нексия» Шаҳрисабздан Мингчиноргача қатнаётган «Дамас» русумли машинани орқада қолдириб, енгил сузиб кетди.

Хуллас, опани машҳур онколог роса синчиклаб текширди. Барча анализлар олинди. Энди жавобини кутиш қолди. Икки кундан кейин тайёр бўлади, дейишди. Ойбек ҳамма ишларини ташлаб, опанинг ёнида турди. Кечқурун яна ўша машина тоғлар орасидан ўтган йўл бўйлаб, опани ҳозир турган уйларига келтириб қўйди. Майдончанинг шундоққина тагидан соё оқиб турибди... Тип-тиниқ сув... Соёнинг суви ҳам тугармикан...

Икки кундан кейин чехраси офтобдек яшнаб турган, хурсандлигидан оғзи қулоғида бўлган Ойбек кириб келди. Темир тапчан устида туриб, пастда оқаётган соёга тикилиб турган опага яқинлашди. Опа ўғирилди.

- Опажон, суюнчи беринг! Миянгизда ҳеч қандай шиш-пиш йўқ! Мана анализлар натижалари! Мана ўша машҳур докторнинг хулосаси!

Опанинг тиззалари дир-дир титрар, бир кадам ҳам қўёлмай, темир тапчан туткичидан маҳкам тутганча турар, кўзларидан иссиқ ёшлар қуйилиб келарди...

КЕМТИК ЮРАКЛАР

Фаридахоннинг ой-куни яқинлашган сари ҳадик, ҳаяжони ортиб борар, “Нахотки она бўлиш бахти менга ҳам насиб этса, нахотки, яқинда мен ҳам ўз жигаргўшамни бағримга боссам? Эй, парвардигорим, сенинг караминг кенг, менга ҳам марҳамат назари билан боксанг, армоним қолмасди...” деб, Аллоҳга ҳаёлан илтижо қиларди. Биринчи турмуши фарзандсизлиги оқибатида бузилиб кетди. Эри ёмон одам эмасди, аммо... Қайнона, қайнопалар “қисирсан”, деб кўз очиргани қўйишмасди. У кўринмаган биронта дўхтиру, табиб қолмади. Ўзини, эрини текшириб, ҳаммаси ҳам “соғломсиз”, деб ташҳис қўйишар, улар эса, дардларига чора тополмай юраверишарди. Орадан беш йил ўтса ҳам, натижа бўлмади. Бу орада, ҳали қайнонаси гап билан узиб-узиб олар, ҳали қайнопалар кун ора келиб, жанжаллашиб кетишарди. Ахийри, унинг сабр-косаси тўлди-да, бир куни ҳеч кимга айтмай, уйдан чиқиб кетди. Ҳеч нарсасини олмади.

Қари онаси ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз, кўзлари якка-ю-ягона фарзанди йўлида интизор бўлиб яшарди. Фаридахон, аввалига, тўйларидан бирор йил ўтгач, онасиникига кўчиб келишга эрини кўндирганди. Аммо, буни эшитган қайнонаси: “войдод, мен ёлғизгина ўғлимни ичкўёв бўлсин, деб тукқанмидим!”, деб оламни кўчиргудек бўлиб аййюҳаннос солгач, бу фикрдан қайтишга мажбур бўлишганди. Фаридахон мактабда бошланғич синфларга дарс берарди. Ўша куни, ишга кетганича, уйга қайтмаганида, эри ҳаммасини тушунди. Тушун-ди-ю, эртасиёк ортидан келди.

- Фарид, мен сени яхши кўраман! Кел, биронта бола асраб олайлик! Пешанамизга бола кўриш ёзилмаган бўлса, на чора? Меҳрга зор, ташлаб кетилган болалар қанчадан-қанча! Кел, битта болани олиб, бағримизни ҳам тўлдирайлик, савоб иш ҳам қилайлик! Зора, боланинг қадами қутлуғ келиб, ўзимизга ҳам фарзанд кўриш насиб этса!

- Бегим, мен-ку, розиман, аммо онангиз рози бўлармиканлар? Кейин ҳам фарзанд кўрмасак-чи? Сиз, соғлом эркаксиз, тирноққа зор бўлиб, умрингизни ўтказасизми? Мен бунга рози бўлолмайман... Пешонамизга бирга фарзанд кўриш ёзилмаган бўлса, на чора, бошқа аёлга уйлана қолинг... (Кўзлари ёшга тўлиб, зўрға гапирар, кўнглининг бир чеккасида: “Эрим менсиз яшашга асло рози бўлмайди,” деган умид ҳам йўқ эмасди.)

У эридан: “Нима бўлса, пешонамдан кўраман, сенсиз яшай олмайман, онамни ҳам ўзим кўндираман!” деб айтилган қатъий сўзларни бутун вужуди диққатга айланиб кутди, аммо, эридан бундай садо чиқмади... Эри кетди... Фаридахон кечалари йиғлаб тонг оттирар, Худога илтижолар қилар эди, аммо, буни кекса онасига билдирмасликка ҳаракат қиларди. Ахир, она-ўз номи билан ОНА-ку! Қизининг сўлиб, сарғайган юзига қараб, ич-ичидан эзилар, бошқа-бошқа хоналарда ётсалар ҳам, қизининг кечалари йиғлаб тонг орттиришини кекса қалбининг туб-туби билан ҳис қиларди. Бир куни, эрининг поччалари кўч-кўронини келтириб, ташлаб кетишди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, эри уйланганини эшитиб, дарди-дунёси қоронғу бўлиб кетди. Шу ҳасрат онасини ҳам олиб кетди-ю, гулдек келинчак ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолди...

Фурқатжон хотинининг хурмача қилиқларидан тўйиб кетди. Шу қизни севиб уйланганига ҳечам ишонгиси келмасди. Эрка, тантиқ Хуморахон куни бўйи ойнанинг олдидан кетмас, ҳаммаёқ ивирсиб ётса ҳам, тирноқ бўяб ўтираверишини қўймасди. Фурқатжон, хотинини ўшанда қандай севиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Улар бир кўчада ўсишди, аммо, у Хуморага ҳеч қачон қизиқиб қарамаган эди. Фурқатжон нинг дадаси институтда дарс берар, онаси эса, мактабда ўқитувчилик қилар, иккита синглиси бор эди. Хумора онасининг ёлғиз, эрка қизи эди. Бадавлат онаси асилзодалар оиласидан бўлиб, биттагина қизининг айтгани-

айтган, дегани- деган эди. Хуморанинг онаси базада товаршунос бўлиб ишлар, даромад унга сувдек оқиб келарди. Келишган, сарвқомат , басавлат аёл, эри билан ажрашиб кетгач, кўпгина бадавлат, амалдор эркаклардан “дўстлар” орттирган, деган миш-мишлар юрарди. Шу эрка қиз нимаси биландир Фурқатжонни ўзига ром этти-ю, унинг кўзлари ундан бошқа қизларни кўрмай қолди. Ота-онасининг қаршиликларига қарамай, ўшанга уйланди. Хуморахон келин бўлиб, қайнона- қайнотанинг хизматини қилгани йўқ. Аксинча, Фурқатжоннинг онасига яна битта боқиманда кўпайди, холос. Хотинининг қийналиб кетганини кўрган дадаси, югуриб-югуриб, уларга ўзлари яшайдиган домдан алоҳида квартира олиб берди. Улар алоҳида яшай бошлашди. Хуморахон куни бўйи уйда ўтирарди. Кўп ўтмай, у ҳомиладор бўлиб қолди. Шундоғам ҳеч иш қилмайдиган аёл, энди қўлини совуқ сувга ҳам урмай қўйди. Фурқатжон худди роботдек ишга борар, уйга келиб овқат қилар, идиш-товоқ ювар, кир-чирларини ҳам ўзи тозаларди. Атрофдагиларнинг, ота-онасининг гапларига умуман эътибор бермас, мияси қарахтдек юрарди. Гўёки, кўзларига парда тутилган, кулоқларига пахта тикилгандек эди, у. Фарзандлари туғилишидан сал олдин, қайнонаси энг яхши врачлар билан гаплашиб, Хуморахонни алоҳида, ҳамма қулайликларга эга палатага ётқизишди. Тўлғоқ тута бошлагач, онаси эрка қизининг дард тортишига чидай олмай, докторларга оғриқни қолдирувчи муолажалар қилишга кўндирди. Бунинг бола учун хавфли эканлигига ҳеч қандай эътибор бермайди. Ярим беҳуш ҳолатида ётган Хумора болани ўзи туғолмагач, уни вакуум билан тортиб олишди. Бола нобуд бўлди. Онаси тантиқ қизига ҳечам озор етмаганидан хурсанд... Фурқатжон - ҳамон қарахт... Кўр, соқов, қар... Ота- онасининг бундай ҳолатдан ташвишга тушиб қолганлари, уни умуман қизиқтирмайди. Орадан бир йил ўтиб, хотини яна ҳомиладор бўлди. Бу гал, уни дард тутганидан хабар топган қайнона-қайнота қудаларига билдирмай, уни касалхонага олиб боришди-да, туғгунича, ўша ерда туришди. Бир оздан кейин, келинлари жажжигина ўғилчани ўзи, дард торта-торта, дунёга келтирди! Соғлом бола туғди! Фурқатжоннинг оғзи- кулоғида! Хотинини қўярга жой топа олмайди. Бир оз пайт Фурқатжоннинг ота-онаси билан яшашга қарор қилишди. Энди Хуморахон янги қилиқ чиқарди. Боласини эмизишдан бош тортти. Нима эмиш, бола эмизса, қомати бузилармиш! Қайнона-қайнотанинг фиғонлари фалакка чикса-да, болани сунъий озуқа билан боқа бошлашди. Бечора ота-она, ўғилларига нима жин урганини билмай ҳайрон эдилар. Бу оиланинг одати бўйича, уйларида бўлаётган ишларнинг саси ташқарига чиқмаслиги керак! Лекин, қачонгача яшириб бўларди... Ахир, касални яширсанг, иситмаси ошқор қилмайдими...

Эр-хотин болани бобо-бувиси билан қолдириб, ўз уйларига кўчиб ўтдилар. Бора-бора, Фурқатжон ичкиликка ружу кўя бошлади. Хотини куни бўйи йўқ бўлиб кетар, истаган пайтида уйда пайдо бўларди. Гап-сўз, миш-мишлар кўпайганда- кўпайди. Ишини ҳам ташлаб, топганини ичиб ётган ўғилларини , ота-она ахийри, уйларига олиб келишди. Бирон ойгача, уни уйдан чиқаришмади. Ўзига келган Фурқатжоннинг кўзидан парда тушгандек бўлиб, ниҳоят, хушёр тортти. Хотини билан яшаган уч йиллик умрига назар ташлаб, ўзи ҳам даҳшатга тушди. Унга нима бўлган эди, ўзи?! Бирор оғу таъсиридамиди, ёки уни сеҳру жоду билан боғлаб ташлашганмиди?! Бедорлигича уйқудамиди, ёки?! Фурқатжон нима учун шундай ҳолга тушганини ўзи ҳам билмасди. Хотинининг жирканч башарасига қарагиси ҳам келмай, у билан ажрашди. Хотини, унга шарт қўйди: “Жанжалсиз ажрашмоқчи бўлсангиз, уйни менинг номимга ўтказасиз!”. Бу – ундан кутулишнинг ягона йўли эканлигини билган ота-она бунга рози бўлишди. Фурқатжон ҳам қаршилик қилмади. Кўп ўтмай, хотини уйни сотиб, чет элга жўнаб кетганини эшитди. Аёл, бирон марта, номига бўлса ҳам, боласининг тақдири билан қизиқмади...

Баҳор кунларидан бирида, Фаридахон синфдош дугонаси Санобархонни бозорда кўриб қолди. Озиб, бир бурдадек бўлиб қолган дугонасини кўриб, Санобархон кўзларига ишонмади. Тўғриси айтиш керак, Санобархон доимо Фаридага ҳасад қиларди. Ёлғиз қиз, уни жонидан яхши кўрадиган онаси билан яшайди, аъло баҳоларга ўқийди, хулқи ҳам намунали,

ўқитувчилар макташгани-макташган...Санобархон эса, кўп болали оилада ўсган, кўл учида кун кўришади, дадаси доим ичиб, қайлардадир думалаб қолади, онаси эса, бир этак болани туғиб кўйиб, уларни қандай боқишга ҳайрон... Яна, синфларидан фақат Фаридагина, мактабни ўша йили битирибоқ, университетга ўқишга кирди. Ўқишини тугатиб, турмушга ҳам чиқди, яна кимга денг? Келишган, чиройли йигитга! Санобархон эса, анча йиллар қариқиз бўлиб юриб, ўзларига ўхшаган аёлванд оиланинг еттинчи фарзандига турмушга чиқди. Эри – пайвандчи, яхши пул топади-ю, у ҳам ичгани-ичган. Ҳарқалай, Санобархон онасидан фарқли ўлароқ, болани кўпайтирмади. Бир қиз, бир ўғил кўрди-ю, туғишни йиғиштириб қўйди...

Кўйлаклик мато танлаётган Фаридахон, дугонаси уни анчадан бери кузатиб турганини сезмади. Бошқа бир матони кўраман, деб ортига қайрилди-ю, дугонасини кўриб қолди.

- Войй, дугонажон, бормисан!- деди қувончини ичга яширолмай. У Санобарнинг ўзига ҳасад қилиб юришини биларди, аммо, бунга эътибор бермасди. Ўзиям зерикиб юрган эканми, дугонасини кўриб, қувониб кетди. Унинг беғубор шодлигини кўриб, Санобархон ичидан зил кетди. Дугонаси уни кўрганидан хурсандлигини дарров намоён қилди-ю, у бўлса, дугонасини мутлақо бегоналардек четдан тамоша қилиб ўтирди. Яхши эмас... Ҳалиям, дугонаси унинг ҳолатини сезмади. Дугоналар бозордан бирга чиқишди. Шинамгина кафега кириб, анчагача чакчақлашиб ўтиришди. Дугонасини эридан ажрашганини эшитган Санобархон, чинакамига ачинди. Ахир, улар шунақанги чиройли жуфтлик эдиларки! Бир-бирларига ярашиб туришарди, кўрган одам, беихтиёр, уларнинг бахтига ҳавас қиларди... Эҳ, бевафо тақдир...Кафедан чиқишмоқчи бўлишганида, Фаридахон дарров, еганлари пулини ўзи тўлади. Санобархон ёнида пули камлигидан ичида ўксиниб қўйди...

Санобархон маҳалла фуқаролар йиғинида котибалик қиларди. Хаёл оғушида ишхонасига кириб келди. Дугонаси билан бўлган учрашув уни беғубор ёшлик кўчаларига олиб кириб қўйганди...Хаёл суриб ўтириб, маҳаллада педагогик қиладиган Самияхон опанинг кириб келганларини сезмай қолди.

- Ҳа, Санобархон, нималарни ўйлаб ўтирибсиз?- деган саволдан бир чўчиб тушди. Опани кўриб, жилмайди-да, у киши билан сўрашди. Кейин, дугонасини учратганини, унинг ҳаётини гапириб берди. Опа келинчак билан қизиқиб қолди. Ўғли Фурқатжон - ёлғиз... Нобоп хотинидан ажралганидан бери, хотин зотиға қарашни истамаяпти. Бу ёқда, невараси онасиз ўсаяпти. Фурқатжонни зудлик билан уйлантириш керак. Аммо... Сутдан оғзи куйган – қатикни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Илоҳим, энди ўғлиға яхши аёл учрасин-да...Санобархон айтган жувонни бир кўриши керак. Яхши бўлса, ўғлини уйлаб қўярди...

Тақдир-насибалари қўшилган эканми, Фаридахон йигитга ҳам, онасига ҳам ёқди. Кичикроқ тўйча қилиб, уларни уйлантириб қўйишди. Куйдирмажон, ширинсўз келинчак, уларни ўзига ром қилди. Фурқатжон ҳам, ҳақиқий хотин қандай бўлиши кераклигини энди билгандек...Боласи-ку, жувондан сира айрилгиси келмайди. Мана энди, шу суюкли хотини – ҳомиладор. Соғ-саломат қутулиб олсайди...

Ой-куни етиб, Фаридахон паҳлавондек ўғил туғди. Уч кило-ю, етти юз грамм! Унинг бахтиёрлигининг чеки йўқ, тинмай боласини ўпгани –ўпган! Дам жимит қўлчаларини юзига босар, дам жажжи оёқларидан ўпар, дам кулар, дам йиғлар...Унинг ҳолатини, фақатгина узок йиллар тирноққа зор бўлиб, фарзанд кўрган оналар тушунишса керак...

Дарвоқе, Фаридахон “Бегим” дея эъзозлаган биринчи эрининг турмуши қандай кечаяпти, деб ўйларсиз. Фарида ажрашган пайтида қаттиқ ўксиган бўлса-да, уни қарғгани йўқ. Тақдир экан, майли, у ҳам бахтли бўлсин, деди. Йигит кейинги хотинидан фарзанд кўрди. Бир қарашда бахти бекамдай... Лекин, унинг ҳам кўнгли кемтик, ичида “Барибир Фарида яхши эди,” дейди, сабр қилмаганига афсусланади...

Ҳеч бир аёлни она бўлиш бахтидан айирмасин! Она бўлиш насиб этмаганлар эса, умидсизликка тушмай, Аллоҳга илтижолар қилишсин. Худодан фарзанд сўрай туриб, имкониятлари етса, етимхонадан бир гўдакни фарзандликка олишсин. Бу ерда булар фарзандга

зор бўлишса, у ерда ота-она меҳрига зорлар қанча...Зора, бу савоб ишлари Худога хуш келиб, “ол, кулим!”, деб бир этак фарзанд бериб юборса... Иншооллоҳ!

“Кўп болали” ота

Суд ижрочиси текис ётқизилмаган асфальт йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида, кеча ёғиб ўтган ёмғирдан ҳосил бўлган лойқа кўлмақлардан ҳатлай ўта-ўта, маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бир қаватли пастак бино эшигига яқинлашди. Пештокига “Шерозий номидаги 7-сон маҳалла фуқаролар йиғини” деб ёзиб қўйилган эшикни итариб очиб, ичкарига кирди. Хона тўридаги столга бир кўлини қўйганича, бир кўли билан аллақандай иш дафтарини варақлаб ўтирган 60 ёшлардаги гавдаси йўғон, юзини ажин буриштирган эркак, гўштор бурнининг учига келиб қолган кўзойнагини тўғрилаганича, бутун вужуди саволга айланиб, унга тирғалиб қаради.

- Ассалому алайкум, раис бува!- Суд ижрочиси кўлини кўксига қўйганича унга яқинлашди. Қария пинагини ҳам бузмади. Йўғон овоз билан:

- Ваалайкум ассалом! Келинг ука, хизмат? – деди гапни кўпайтириб ўтирмай. Йигит ортиқча гап-сўзга ҳожат қолмаганини сезиб, мақсадга кўчиб қўя қолди:

- Отахон, маҳаллангиздаги Гулчи кўчанинг 27-хонасида яшовчи фуқаро Эшбоев алимент тўлашдан қочиб юрибди, хабарингиз борми?

Қария ажабланмади. Йигитга кўзойнак устидан тикилиб қаради-да, бамайлихотир, стол устидаги иш дафтарини очиб, йўғон кўрсаткич бармоғини ҳар бир хонадон номери ва унда яшовчилар рўйхати бўйлаб юргиза бошлади. 27- рақамга келиб, тўхтади. Хонадонда яшовчилар сони - 4 киши экан. Эр-хотину, иккита боғча ёшидаги бола. Ана энди ажабланиб, йигитга синовчан назар ташлади:

- Сиз адашмаяпсизми, ука? – деди гумбурлаган овоз билан.- Бу хонадон эгаси оиласини ташлаб кетгани йўқ! Уларни яхши биламан, эр-хотин яхши, аҳил яшашади, болалари боғчага қатнайди. Иккови ҳам ишлайди, бирон марта “сан-ман”га боргани йўқ!

- Адашаётганим йўқ, отахон! Мана (йигит чўнтагидан суд қоғозини чиқарди): ўқиб кўринг, фуқаро Эшбоева судга ариза ёзиб, собиқ эри учта боласига алимент тўлашдан қочиб юрганини, бошқа хотинга уйланиб, уни болалари билан ташлаб кетганини ёзган. Менга шу одамни топиб келишни буюришди.

- Астаффуруллоҳ... Бу оилани шу маҳаллага раис бўлиб келганимдан бери биламан, яъни олти йилдан бери. Бирон марта Салимжоннинг олдин уйланиб, хотин қўйганини эшитмаган эканман! Маҳалла –кўйга аралашиб юради, жуда бамаъни йигит! Ҳозир, аниқлаймиз. Сиз ўтириб туринг, мен маҳалла фаолларидан би-ири суриштириб кўрай-чи!

Қария шошилмайгина иш дафтарини ёпиб, стол чеккасига суриб қўйди. Стол устида турган, доккйонусдан қолган телефон аппаратини ўзига яқинроқ тортти. Йигитга бошқа эътибор ҳам бермай, йўғон бармоқлари билан телефон марказидаги айланаси атрофидаги рақамларни тера бошлади. Ҳар гал, тешикчага бармоғини тикишга ҳаракат қилиб, рақамларни айлантирганида, телефондан антиқа бир, чўзинчоқ қилиб, “қрррирт” деганга ўхшаш овоз чиқарди. Қария, ниҳоят кимнингдир телефон рақамини териб бўлди-да, гўшакни қулоғига ёпиштирди. Узок давом этган гуудоклардан сўнг, гўшакни кўтаришди.

- Саломатхон! – гумбурлади қария гўшакка,- яхши ўтирибсизми? Мени ёнимга яна бир келиб кетинг! Ҳасанбой отани ҳам ола келинг! Тез-тез, мен кутиб ўтирибман, гап бор! Ҳа, энди, неварангизни ухлатган бўлсангиз, у камига икки соат ухлайди! Унгача ўн марта келиб-кеди бўлади! Тез кимирланг, дедим!

У аччиғи чиқиб, Саломатхон гап қайтарганига телефон айбдордек, гўшакни улоқтириб ташлади.”Ҳммм” деб, тақир бошидаги униқиб кетган дўппини ечиб, бошини қашиб қўйди-да, дўпписини кафтига қоқиб-қоқиб қайтиб кийди. Орадан ўн дақиқа ўтмай, бошига оқ рўмол ташлаб олган дум-думалоқ кампир билан яқтак кийиб олган чол кириб келишди. Салом-аликдан сўнг, раис уларга муддаони тушунтириб, йигитни кўрсатди:

- Мана бу инимнинг айтишича, Салимжоннинг уч боласи бор эмиш. Сиз уни яхшироқ биласиз, у олдин ҳам уйланганми?

Қариялар бир муддат жим қолишди. Бир оз сукутдан сўнг, Саломат ая сўз бошлади:

- Салимжон олдин ҳам уйлангани рост. Унинг шахарнинг нариги чеккасида уйи бор эди. Бу уй эса, ота-онасиники. Олдин у геолог бўлиб ишларди. Ҳафталаб йўқолиб кетарди. Ота-онаси, ёшлар яхши яшашсин, деб, уларнинг турмушларига аралашаверишмасди. Хотини курмагур, жуда чиройли эди-ю, сал суюкроқмиди-ей...- Саломат ая шундай ножўя гапларни айтишга мажбур бўлганидан хижолат тортти. Атрофидагиларга бир-бир қараб олди-да, томоғини қириб қўйиб, гапида давом этти:- Битта ўғилчалик бўлувдилар. Бир гал, Салимжон уйига бемаврид қайтса, хотини уйда бошқа эркак билан...Ҳммм... Ҳммм... Ишқилиб, Салимжон уй-жойини шундоққина, хотин-боласига ташлаб, уйдан битта костюми билан чиқиб кетган. Қайтиб қадам босмаган...

Шу пайтгача жим ўтирган Ҳасан бобо ҳам, томоғини қириб олиб, гапга қўшилди:

- Онаси, раҳматлик, шуни дардида ўтиб кетди. Отаси эса, жудоликка чидай олмади. Кейин, биз, маҳалладошлар маслаҳатлашиб, ўқишга берилиб, уйда ўтириб қолган Муяссархонга уйлантириб қўйдик. Мана, икки болалик бўлишди, аҳил оила.

Раис уларга сабрсизлик билан қараб:

- Боласи биттамиди ўзи?- деди гумбурлаб.- Мана бу иним боласини учта деяпти-ку!

- Ҳечам учтамас-да,- минғирлади Саломат ая,- биттагина ўғилчаси бор. Ҳафтада бир кун буларникига келиб кетади. Салимжон кийим-бошини ўзи қилади, ўқишига пул беради. Хотини ҳам болани яхши кўради. Болаларидан ажратмайди. Бахти бор экан, иккинчи мартасига яхши хотин учради.

- Хў-ўўшш, энди гап бундай, иним,- деди раис йигитга қараб,- Сиз телефон рақамларингизни қолдиринг. Ўзингиз ишингизга бораверинг. Мен ҳаммасини суриштириб, сизга телефон қиламан!

Суд ижрочисига жон кирди. Унинг ишини биров бажарса – қандай яхши! Қанийди, ҳамма маҳалла раислари ҳам шунақа бўлишса! У дарров телефон рақамини қоғозчага ёзиб берди-ю, чиқиб кетди.

Кечкурун уни маҳаллага чақиришганидан ҳайрон бўлган Салимжон, шошиб кириб келди. Бўлган гапларни эшитиб, ҳайрон қолди.

- Ахир, менинг у хотиндан болам битта-ку! Қандай қилиб кўп болали отага айланиб қолганимга ҳайронман! Яхши, эртага бориб, айтган одамнингизга учраб келаман, - деди йигит хаёлга ботиб.

Суд ижрочисига бориб учради. Унга собиқ хотинининг аризаси ва... учта туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани кўрсатишди. Буни қаранг-ки, ҳаммасининг ота-онаси- битта! Яъни, Салимжон билан собиқ хотини! Салимжоннинг ўғлидан сўнг туғилган бир қиз ва бир ўғилнинг отаси ҳам... Салимжон эмиш!

Йигит ҳайратдан ёқа ушлади. Бири- тўрт, бири- уч ёшга кирган бу болаларнинг отаси қандай қилиб у бўлиши мумкин?! Ахир, улар туғилган пайтда, Салимжон бошқа оила куриб бўлган, фарзандлик ҳам бўлиб улгурганди-ку!

Ҳужжатларга ишониб, бир вақтнинг ўзида икки хотини билан ҳам яшаган, иккала хотини ҳам туғаверган. Демак, Салимжон –қўшхотинлик экан-да! Буёғи қизиқ бўлди-ку!

Салимжоннинг хотини ақлли, ўқимишли эмасми, кундошининг ҳийласини тушунди. Эрига далда бўлди.

Суд куни белгиланди. Салимжон бу болаларнинг отаси эмаслигини айтганида, суд экспертиза тайинлади. Хотини индамай, заҳарханда қилиб, ўтираверди. ДНК экспертизаси болалар ҳақиқатдан ҳам бошқа одамдан туғилганларини тасдиқлади. Собиқ эрининг оиласини бузишга қасд қилган аёл, бошқа одамдан туғган болаларини эрини номига ёздириб қўяверган экан...

Аёл бу ишни пухта ўйлаб қилган. Топармон-тутармон эрини қўлдан чиқаргач, уни хотинидан ажратиб, бола орқали, яна ўзига оғдириб олиш режасини тузган. Асосий диққатини психологик таъсирга қаратган. Эрининг янги хотини, бу гапларни эшитиб, уйдан чиқиб кетади, деб ўйлаган. Негадир, экспертиза қилишлари мумкинлиги хаёлига ҳам келмаган...

Буни эшитганлар хотиннинг устомонлигига қойил қолиб, ҳайратдан ёқа ушладилар.

Маҳалла фуқаролари йиғини раиси эса, гумбурлаган овози билан:
- Астағфуруллоҳ...- деб қўйди.

БЕАЙБ ГУНОҲКОР (қисса)

1 – ҚИСМ

1.

Комилжон ота уйига , болалиги ўтган уйга қадам ташлади-ю, юраги ҳапкириб кетди. Неча ойдан бери бу уйга қадам босмаган эди. Секин- секин юриб, залга кирди. Катта зал дид билан безатилган. Элита пардалар, қимматбаҳо мебель... Бурчакдаги столда ҳарир пардали стол лампаси, ҳар хил ҳайкалчалар. Мана! Ўзи яхши кўрадиган чинни, кумуш ҳайкалчалар. Уларни кичкиналигида ойиси совға қилган эди. “Ойижон...Нега мени бунчалар тез ташлаб кетдингиз...Қийналиб кетдим сизсиз...Ойижон, ойижонгинам...” Юрагида туғён урган бу ҳиссиётлар тўлқини, бостириб келган хотиралар юки таъсирида кўзларига ёш қуйилиб келди. Кўзларини ачиштирган кўз ёшларини сидириб ташлаб, чинни ҳайкалчалардан бирини қўлига олди. Оғзида тилла соққа ушлаб турган каттакон балиқ... Шу пайт таниш машина сигнапини эшитиб, нима мақсадда ота уйига ўғринча кириб келгани эсига тушди-да, шошилиб елкасига осилган рюкзакни очиб, ҳайкалчаларни жойлади. Биллур идишларга тўла сервантнинг хужжатлар солиб қўйиладиган жовони эшикчасини очди-да, улар орасидан катта пул қўйилган омонат дафтарчасини олди. Омонат дафтарчасидаги пуллар бир шахсга тегишли эмас, ҳаммалариники эди.Дадаси бу пулларни оила бюджети дерди. Ўлимидан олдин, ўғай онасига:”Бу пуллар- оиламиз аъзоларига тегишли. Шунинг учун, унинг ярмини ўғлимга бер. Қолган ярми - сен ва қизимга тегишли бўла қолсин”, деган эди. У дафтарчани ҳам сумкасига жойлади. Ўзига тегишли суммани олгач, дафтарчани синглиси орқали бериб юборади. Ҳамма хоналарни бир-бир қараб чиққач, ётоқхонага яқинлашди. Бу хона- олдин унинг хонаси эди. Отаси ўзидан ўттиз ёш кичик аёлга уйлангач, бу уйни уларнинг ётоқхонасига мослаштиришди... Қуйилиб келган болалик хотиралари уни шу хона эшиги томон етаклади. У секин хона эшигини очди-ю, тили калимага келмай, қотиб қолди. Хона ўртасида орқа кураклари орасига ошхона пичоғи санчилган аёл мурдаси ётарди! Бир неча он беҳуш қотиб турди-да, аранг қадам босиб, қонга беланиб ётган танага яқинлашди. Секин танани ярим ағдарди-ю, сесканиб кетди: кўзлари очик ҳолда қотиб қолган мурда – ўғай онасиники эди. Дахшат ичида, беихтиёр равишда пичокка қўлини чўзди-ю, уни чиқаришга уриниб кўрди. Пичоқ чуқур кириб кетган экан, бир уринишда чиқаролмагач, қўйиб юборди. Аёлнинг пульсини кўриш учун бўйнига бармоғини босди – йўқ, тириклик аломати йўқ... Ўрнидан турди-да, ғайришуурий бир тарзда уйдан отилиб чиқиб кетди. Уй эшигини қулфлаш хаёлига ҳам келмади. Ташқарига чиққанида, уни кўрган одам кўрқиб кетадиган киёфада эди. Йўлак томон келаётган қўшни аёл унинг олайиб кетган кўзлари, тиккайиб, ҳурпайиб кетган сочларини кўриб, чўчиб, орқага тисланди. Қизик, ҳар доим хушмуомала, одобли, қуюқ саломлашадиган бу йигитга нима бўлди ўзи?! Комилжон уйнинг орқа томонида жойлашган гаражлар томон чопиб кетди.Елкасида рюкзаги ҳам бор эди...

2.

Жиноят- кидирув бўлими капитани Анваржон Саидов столи устида турган сигарета қутисидан охирги сигаретани олиб, лабига кистирди-да, гугурт кидириб, столи устидаги қоғозлар орасини титкилай бошлади. Ҳадеганда гугурт топилавермагач, столи устида уйиб қўйилган папкалар тагини кўрмоқчи бўлиб қўл чўзди, шунда уюм юкорисида турган папкалардан бири сирғалиб ерга тушди. Сочилиб кетган қоғозлар орасидан ажралиб тушган кичкина расмни қўлига олди. Расулов Комилжон...Машҳур академик Расуловнинг ёлғиз ўғли... Бу йигитчанинг жавдираб турган кўзлари , мана бир неча кунки, унга сира тинчлик бермайди. Ўн йилдан ортиқроқ иш тажрибаси унга бу йигитчанинг академик беваси ўлимида айбсизлигини уқтириб турса-да, барча далиллар унга қаршилигига кўз юмиб бўлмасди. Жиноят

куроли бўлмиш пичокда унинг бармоқ излари, яшаб турган уйидан кумуш ҳайкалчалар, омонат дафтарчаси, академик уйининг калитлари нусхаси топилган...Уфф...Анваржон лабига қистирилган сигаретани олиб, стол устига улоқтирди. Далилларга таянсанг, Комилжон юз фоиз жиноятчи, аммо...Профессионал тажрибасига асосланган ички туйғу унга йигитча айбдор эмаслигини шипшитиб турса...Йўқ, Комилжон албатта жиноят содир қилган – у бировнинг(ўз отаси уйи бўлса ҳам, айна пайтда у ерда яшамаган) уйига сўроқсиз кирган, болаликдаги хотиралари билан боғлиқ бўлган, ўзига тегишли бўлган нарсаларни олган, энг ёмони – ҳисобида катта пул турган омонат дафтарчасини олган! Чуқур хаёллар гирдобиди бошини чангаллаб ўтирганида, тўғридан- тўғри бошлиғи бўлмиш полковник Исабаевга уланган телефон чинқирғидан бир чўчиб тушди. Сочларини бир қўли билан текислаганича, иккинчи қўлини гўшакка чўзди.

- Эшитаман! Ассалому алайкум, устоз!

- Ваалайкум ассалом! Яхши юрибсанми?- Полковникнинг бўғиқ овози эшитилди. Нимадандир хафадекми...- Расулов ишини нима қилдинг? Судга оширсак бўладими?

- Ҳали хомроқми, дейман-да...-чайналди капитан.- Тўпланган далиллар унга қарши, аммо...Ахир, у ўз уйига кирган, бу- факт, ўзи ёқтирган, ўзигагина тегишли бўлган нарсаларни олган, бу ҳам –факт!

- Тўхта-тўхта! Намунча қизишмасанг! Сен ўзи терговчимисан, ёки адвокатмисан? Факт, факт дейсан, омонат дафтарчаси-чи? Бу ҳам фактми? Пичокдаги бармоқ излари-чи? Хўш, бунисига нима дейсан? Буни ҳам оқлайдиган далилинг борми?

- Уфф...Шуниси бир оз чатоқроқ-да...Умуман олганда, бунисини ҳам оқласа бўлади. Ахир, бу пуллар- унинг отасиники! Ўликлар тўғрисида ёмон гапирмайдилару, анави шаллақидан кўра, шу боланинг ҳаққи кўпроқ бу пулларда!

- Ҳой, ҳой, сал ўзингни босволсанг-чи! Ахир, у – ёлғиз фарзанд эмас, унинг ўғай синглиси ҳам бор-ку! Нима, синглисининг у пулларда ҳаққи йўқми?! Хуллас, ўзинг биласан, ҳозир чорак (квартал) охири. Мен очилган жиноятлар сонини беришим керак. Шунинг учун, бунча кавлаштириб ўтирма-да, ишни ёпиб, судга ошир! Бунинг учун етарли далилларинг бор!

- Аммо...

- Гапни кўпайтирмай, буйрукни бажар, капитан! Сал бўш қўйсанг, бошга чиқиб оласанлар-а! Бўлди, гап- тамом! Бугуноқ ишни судга ошир!

- Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Гўшакда қисқа-қисқа гудок эшитилди. Капитан “уфф” тортганича, чекилмай қолган, ҳалигина ўзи улоқтириб юборган, охирги сигаретасини қоғозлар орасидан топиб олди-да, яна гугурт кидиришга тушди...

3.

Адвокат Вазираҳон Одилованинг бола парвариши учун берилган таътилдан ишга чиққанига ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Уч яшар ўғилчасини болалар боғчасига жойлаштирди. Ишга чиқди, лекин, боласидан кўнгли тинчигани йўқ. Бориши биланоқ, боғча опалари боласининг инжикликларини айтиб, дийдиёларини бошлайдилар. Уйга келишлари билан, қайнанаси “арралаш”ни бошлайди. Бир вақтлар келишгангина бўлган, ёши ўтиб, олтмишларга бориб қолган, олдинги ҳусни-таровати энди қайтмаслигини тан олишни истамайдиган қайнана, узуккун уйда ўтириб олиб, пардоз-андоз ишларидан сира бўшамас эди. Ёлғизгина ўғлига ўзи истаган қизни келин қилиб туширган бўлса-да, барибир, келини ўғлига муносиб эмасдек туюлаверади. Гоҳо, келини меҳр қўйиб ўстирган ёлғизини бутунлай ўзиники қилиб олиб, онасидан совутадигандек, бор захрини келинига сочиб қолади. Гўё, ўзи оиласидан бахт топмагани, эри уни(!) ташлаб, “ўша мегажин”га уйланиб олганига келини айбдордек...Ҳатто, келини хомиладор бўлиб қолганида, “мен шунчалар эрта буви бўламанми?”, деб, хафа бўлиб, икки кун хонасидан чиқмай қўйган кунлари ҳам бўлган...

Кийимларини алмаштириб, дарров овқатга уннаган Вазираҳон, ошхонадан қайнанасининг уни кўриши биланоқ осилиб қолган қоғоғига қараб-қараб, ишларини тезроқ битиришга ҳаракат қиларди. Боласи ҳовлида ўйнаб юрибди. Пичокни қўлига олди-ю, ўзи ҳимоясига олган

Комилжонга қўйилган айб, ашёвий далил сифатида ишга тикилган пичоқ кўз ўнгига келди...Ишни ўрганиб чиқиб, аёлни ўлимида Комилжоннинг умуман айби йўқлигига мутлақо ишонч ҳосил қилди. Унинг адвокат бўлиб ишлаётган беш йилдан кўпроқ даврдаги тажрибасида ҳар хил ишлар учраган. Баъзан, мижозинг ўта аблаҳ, ифлослигини яхши биласану, уни ҳимоя қилишга мажбур бўласан. Бу ишда эса, аксинча – ҳамма далиллар унга қарши бўлса-да, йигитчанинг соф кўзлари, самимий сўзлари унинг мутлақо бегуноҳлигини тасдиқлаб турарди... У кўлидаги пичоққа тикилди...Нега пичокни тортиб олмоқчи бўлди-я...Ўғай синглиси Сабрина акаси бегуноҳлигига юз фоиз ишонади. Шу қиз билан яна бир учрашиб кўриши керак-да! Ахир, уйнинг калитларини нусха ясатиш учун акасига ўзи берган. Онаси уйда бўлмайдиган вақтни акасига билдирган. Онасининг акасини меросдан бутунлай бебаҳра қолдириш қарорига мутлақо қарши бўлган. Меросда, албатта, акасининг ҳам улуши борлигини айтиб, онаси билан бир неча бор жанжаллашган. Акасининг дўсти, Шокиржон унга анчадан бери хушомад қилиб юриб, ахийри, қўлини сўраган. Сабрина ҳам рози бўлган. Нима қипти, йигитмисан, йигит, тагида янгигина хорижий машина, иши ҳам тайин. Айни уйланадиган пайти! Акаси ҳам уни ҳурмат қилади. Аммо, онаси бу ҳақда билиб қолиб, қизига бу никоҳга асло рози эмаслигини айтган. Уларнинг бақир-чақирларини, онасининг “ҳеч қачон унга турмушга чиқмайсан!” деб чинқирганини кўшнилари ҳам эшитишган. Қизи онасини акасини ноҳақ уйдан сиқиб чиқаришда, меросдан маҳрум қилишда айблаган. Профессорнинг ўлимидан сўнг, “етти”си куни ўғай она йигитчага бу уйга бошқа қадам босмасликни буюрган. Ҳамманинг кўз ўнгида катта жанжал бўлган. Комилжонга бувиси (онасининг онаси) томонидан, шаҳар марказида икки хоналик уй мерос қолганини пеш қилиб, уни ҳайдаган. Шу жанжалдан сўнг, Комилжон ота уйдан чиқиб кетиб, ўша уйда яшай бошлаган. Ўғай она ўша куниёқ, калитларни алмаштирган... Шокиржоннинг буларнинг оиласида бўлаётган ҳамма гаплардан хабари бўлган. У ҳам ўғай онанинг Комилжонни меросдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорини нотўғри деб ҳисоблаган. Сабрина (Комилжоннинг ўғай синглиси) билан бу тўғрида кўп суҳбатлашишган...

Хаёлларга берилиб, қозондаги ёғ қизиб кетганига ҳам эътибор бермапти. Қайнарасининг:

- Қозонга қаранг, ҳой! – деган чинқирғидан ҳуши ўзига келиб, аланга олай, деб турган қозон тагини апил-тапил ўчирди. Ҳовлининг ўртасида қурилган фаввора ёнида турган қайнарасининг: “тик турганича ухлайдими бу!” деб тўнғиллагани эшитилди...

4.

Сабрина институтдан чиқди-ю, дугоналаридан ажралиб, айри томонга йўл олди. Салиманинг очикдан- очик ҳасад қилиши жонига тегди. Икки гапнинг бирида: “Бировларга осон, ҳеч нарса қилмай, ҳамма нарсага эришадилар, бировлар эса, оғир, машаққатли меҳнати билан ҳам орзусига етолмай юради,” дейди лабларини қийшайтириб. Бошқаларга гапира туриб, икки кўзини Сабринадан узмайди. Сабрина нима ҳам десин... Унинг фикрича, инсоннинг тақдири олдиндан белгиланган. Кимдир баланд парвоз учун, кимдир бир маромда қадам ташлаш учун яралган, кимдир эса, судралиб юришга маҳкум... Судралиб юришга маҳкумлар ҳеч қачон парвоз етолмайди. Қанча “оғир, машаққатли меҳнат” қилса ҳам! Чўғдек қизил машинанинг жарангдор сигналидан бир чўчиб тушди. Шокиржон! Ойисининг ўлими, акасининг қамалишидан кейин, унинг юрагига яқин, ҳамдард биргина кишиси қолди. Бу ҳам бўлса – Шокиржон. Қизни ёлғизлатиб қўймади, ҳамиша ёнида бўлди. Жаноза маросимининг ҳамма оғирликларини елкасига олди. Акасига ўхшаб хушбичим, кўркам бўлмаса-да, кўнгли тоза йигит. Ҳақиқий дўст! Мана, акасига адвокатни ҳам ўзи ёллади. Сабрина кўнгли ёришиб, жилмайганича келиб, машинага ўтирди. Эшикни секингина ёпди, у Шокиржон машинасини қанчалар авайлашини яхши биларди. Улар ўпишиб кўришишди.

- Қалай, яхшимисан?

- Худога шукур, юрибман...- Хўрсинди қиз,- оиламда бўлиб ўтган фожеалардан сўнг, бутун институтнинг кўзи менда бўлиб қолганга ўхшайди...Ҳамма ҳамдардлик билдиради, акамни суриштиришади...

- Ҳа, сенга жудаям қийин бўлди...Менга қара, кел, менга турмушга чиқақол, тўй қилишимиз шарт эмас, кейинроқ қилармиз, ҳарқалай, муносабатларимизни расмийлаштириб, ЗАГСдан ўтиб кўяқолайлик!

- Шокир ака! Ҳозир шу гапларнинг мавридими?! Кўнглимга қил ҳам сиғмай- ди-ю, гапираётган гапингизни қаранг!- аччиқ гина билан гапирди қиз.

Шокиржон ўнғайсизланди. Ҳақиқатдан ҳам шу гапларни гапирмай кўя қолса бўлармиди...Унинг гуноҳкор ифода инган юзига қараб, қиз юмшади. Шокиржонга энди қаттиқ гапирмаслиги керак. Ахир, унинг кейинги ҳаёти, ҳарқалай шу одамга боғланиб қолди.

- Менинг олдимга адвокат келувди.- Орадан ҳеч гап ўтмагандай деди қиз.

- Нега?- сергакланди Шокиржон.-Нима гапи бор экан сенда? Ахир, ҳаммаси аниқ ва равшан-ку! Яна нима дейди булар?!

- Намунча аччиқланмасангиз?- Қиз йигитнинг гезариб кетган афтига тикилди.- Терговчи деганим йўқ-ку! Анави адвокат аёл келди!

- Хўш, нима гапи бор экан сенда? Суд куни аниқланди-ку!

- У акамнинг жиноятчи эканлигига ишонмайди. Ойимни ўлдирган одам бошқа, акам эса, шунчаки тасодиф қурбони, деб ҳисоблаяпти.Ойимнинг таниш-билишларини суриштираяпти...

- Адвокатнинг ишонмаслиги яхши...-ўйланиб гапирди Шокиржон.- Комилжонни ҳимоя қилиши осонроқ бўлади...

- Сизам акамни гуноҳкор ҳисоблайсизми? Мен – акамнинг гуноҳсизлигига ишонаман! Сиз-чи?

- Мен...-безовталанди Шокиржон.- Билмадим...Одамнинг оласи ичида, дейишади...

- Эсингиз жойидами?!- Сабрина ҳайратини яширолмади. Шу пайтгача, у акасининг бегуноҳлигига унинг жонажон дўсти шак-шубҳасиз ишонади, деб ўйларди. Ахир, улар болаликдан бирга ўсишган-ку!

- Ўзинг ўйлаб кўр: ўша куни Комил яширинча уйлариингга кирган бўлса, ойинг кўчада бўлади, деб ўйланган вақтдан илгарироқ қайтиб, уни уйда кўриб қолган бўлса, жанжал чиқиши аниқ эмасми?! Балким, ойинг бирон нарса деб ҳақоратлаган бўлсалар, жаҳл устида ўлдириб юборган бўлиши ҳам мумкин-ку! Жаҳл келганда ақл қочади, дейдилар. Шундай бўлмаган, деб гарантия бера оласанми?!

- Бечора акам...- Қизнинг кўзлари ёшланди. Энг яқин дўсти ҳам унга ишонмаса...Энг яқин? Йўқ, Шокир ҳеч қачон акасининг энг яқин дўсти бўлмаган. Акасининг дунёқараши билан бунинг дунёқараши мутлақо бошқа хил. Акаси – ҳақиқий интеллигент, ўта зиёли, романтик, кўпинча ҳиссиётлар оламида яшайди. Буниси эса, ҳақиқий ҳаётни яхши билади, кўп қийинчиликлар кўрган. Йўқ, улар мутлақо бошқа хил одамлар. Шокиржон ўзини акасига яқин олиб юрарди, акаси эса, аслзода зиёлиларга хос, унга қаттиқ гапирмас, озор бермасди, холос...

5.

Вазираҳон Сабрина билан учрашгач, Комилжоннинг гуноҳсизлигига бўлган ишончи янада мустаҳкамланди. Лекин, аёлни ким бунчалар ваҳшийларча ўлдирган? Комилжон уйга келиши керак бўлган пайтда у уйда бўлмаслиги керак эди-ку! Сабрина ойиси бозорга отланган вақтини аниқ айтгач, Шокиржон ўз машинасида Комилжонни уйга олиб келган. Шокиржоннинг ўзи уйга кирмаган, машинада Комилжоннинг ичкарига кириб-чиқишини кутиб турган. Уфф-фф, бунчалар чигал бўлмаса, бу иш! Далил қидириш керак, далил!

Вазираҳон иш столига тирсақларини тираб, бошини чангаллаганича, узоқ ўйлаб ўтирди. Ҳамкасб дугонаси Розияҳон уни бир оз кузатиб ўтирди. Ахийри, юраги сиқилиб, дугонасига гап қотди:

- Ҳа, намунча эшаги ўлган Афандига ўхшаб, лаллайиб ўтирмасанг?! Яна қайнонанг азоб бердими?

- Ҳеч сўрама, дугонажон! Бир қийин ишни олдим-у, қайнанамнинг дийдиёси ҳам авжига чиққан! Кеча, яна анчагача шангиллаб, бошимни қотирди. Эмишким, мен ўғилларига етарлича эътибор бермасмишман! Эрталаб ишга кетиб, кечкурун боламни диконглатиб, олиб

келармишман. Наридан- бери овқат пиширармишман...Ва ҳоказо, ҳоказо...Шунга ўхшаш гаплар...Жуда жонимга тегиб кетди. Бу ёқдан – бу ҳимоямга олган боламга материал тўплашим керак. Шунақа ҳам чигал иш бўладими!

- Сен шу ишингни чигал деб ўтирибсанми? Сен ҳар қалай, далил тўплашинг мумкин! Мана, менинг дугонам кеча маслаҳат сўраб келувди. Умримда биринчи марта нима маслаҳат беришни билмайман!

- Нима бўлган ўзи?- Қизиксинди Вазираҳон.

- Дадаси онасини ўлдирган, деб ҳисоблайди. Ойиси ҳовлида ўтирган куйи ўлиб қолган, бирон соатдан кейин кўриб қолишган. Ёзги креслода, боши қийшайиб қолган, оғзидан бир неча томчи қон сизиб чиқиб, лаби четида қотиб қолган. Кичик ўғли онасини излаб келгану, онам ухлаб ётибди, деб ўйлаб, гапирмай, яна ўйнайверган. Анчадан кейин яна келиб, онасига суйкалган. Қараса, онаси уйғонмайди. Шунда қонни кўриб, югурганича уйга кириб, дадаси, акаларини чақирган. “Тез ёрдам” чақиритган. Врачлар юрак хуружидан ўлиб қолган, деб ташхис қўйишган.

- Хўш, бунга унинг дадасининг нима дахли бор экан?

- Ҳамма гап шунда-да! Ўғилчасининг айтишича, ойиси аввал дадаси билан ёнма-ён ўтирган эмиш. Кейин, дадаси билан ойиси уришиб қолганмиш. Дадаси қизариб-бўзарганича, уйга кириб кетганмиш. Дугонамининг айтишича, онасини ювган ювғувчи хотин “онангизнинг бўйнида қизарган из бор. Жончиқар томонда”, деганмиш.

- Қизлари кириб кўришмаганми?

- Бу гапни ювғувчи хотин, ўликни кўмишганидан сўнг айтган.

- Эри урганини ҳеч ким кўрмаганми?

- Ҳеч ким кўрмаган. Раҳматли жуда чиройли аёл бўлган, дейишади.

- Рашкми?

- Рашк! Лекин, бунга эркакнинг асоси бўлган. Хотини ўзининг жонажон дўсти билан “юриши”ни у яхши билган. Ҳатто, охириги ўғилчаси ўша бегона эркакдан, дейишади. Болалари ҳам, бу тўғрида билишган. Аёл неваралик бўлганида ҳам, бу ишини қўймаган. Ҳалиги эркакнинг хотини ҳам бундан хабардор бўлган. “Миш-миш”лар кўпаявергач, болалари иснодга чиқолмай, ойилари билан очикчасига гаплашиб, бу ишини қўйишни талаб қилишган.

- Хўш, ойиси рози бўлибдими? Нима сабабдан, шунча йил, эри бўла туриб, бу ишга қўл урган?! Эри, мабодо, импотент эмасмикан?

- Шунақа бўлса, хотинининг “қирқ”и ўтмай туриб, яна хотин излашга тушганига нима дейсан?!

- Товба...Қизик-а...Бир умр бирга яшашса, фарзанд ўстиришса, неваралик бўлишса... Аёлни хиёнатга нима ундаган бўлса экан-а? Ахир, нимадир етишмаганки, у бу нарсани четдан излаган...

- Лекин, барибир, бу нарса аёлни оқлашга сабаб бўла олмайди!

- Балки, эри унга хиёнат қилганини билиб қолиб, шу йўлга киргандир? Алаmidан, а? Хўш, бу версия сенга қалай? Чиройли хотини бўла туриб, бошқа аёллар билан “юрган” бўлса, аёл аччиқ устида шу йўлга қадам қўйган бўлиши мумкинми?

- Бўлиши мумкин...- ўйланиб қолди Розияҳон.- Ким билади, дейсан? Улар ёшлиқдан бир-бирларини жуда севишиб турмуш қуришган экан. Уларнинг севгилари тарихини эшитсанг, ёзилмаган дoston дейсан. Дугонам кеча йиғлаб-йиғлаб айтиб берди. Дадаси билан ойиси жудаям ёшлиқларида: онаси 15-16 ёшларда, дадаси 17-18 ёшларда бўлган пайтлари танишиб қолишган экан. Бир кўришдаёқ, бир-бирларини севиб қолишган. Қиз – оддийгина хунарманднинг кўп болали оиласидан, йигит- етимча, саккизни битириб, шоферликка ўқиган, грузовоy машина ҳайдайди. Қиз саккизни битиргач, укалари, уй ишига кўмилиб қолган, жудаям дуркун, чиройлилиги туфайли, совчилар оёғи узилмай қолган. Дадаси қизини уйдан чиқишга қўймайди, бирон обрўлироқ хонадон билан куда бўлмоқчи. Қиз билан йигит яширинча, унда-мунда учрашиб юришади.

- Менга қара, сен менга эртак айтиб бермоқчимисан? – Соатига қаради Вазираҳон.- Мен боғчага кеч қолиб, яна кобрадан балoга қолиб юрмай!

- Қизик бўлмаса, вабше гапирмаслигим мумкин! Шунчаки, бу сирли воқеа мени ўта қизиктириб қўйгани учун, сенга айтиб бераётган эдим, шу орқали воқеани кўз олдимда тўлалигича тасвирлаб, бирор логичний ечими топилармикин, деб ўйлаган эдим...

- Йўқ-йўқ, воқеа мени ҳам қизиктирди. Вақт камроқ-да! Кел, қолганини менга эртага айтиб берасан, бўптимми?- Сумкасини елкасига осиб, чиқишга шайланган Вазираҳон дугонасининг осилиб кетган тумшугига қараб, чиқиш эшиги ёнидаги стулга омонат ўтирди.

- Бўпти, гапир, фақат тезроқ, лирик чекинишларсиз! Ихтиёрингда ўн минут бор. Гапир!

- Хўш,- чиройи очилиб, жонланди Розияҳон, иннайкейин, бой ота...

- Калта қил, дедим-ку!

- Бўпти-бўпти! Хуллас, ота-онаси уйдан чиқишга қўйишмагач, улар кетгач, йигит девор ошиб, уйларига кирадиган бўлади. Қиз укаларини бир уйга қамаб қўяди-да, ошхонада иккаласи суҳбатлашиб, дийдорлашиб ўтиришади. Қиз йигитни мазали таомлар билан сийлайди. Бир куни, ота-она вақтлроқ қайтиб, йигитни тутиб олишади-да, қизнинг акалари уни ўласи қилиб, калтаклашади. Қиз ҳам қуруқ қолмайди. Келаётган совчилардан бирига зудлик билан фотиҳа қилиниб, қизни узатворишади.

- Воййй, қандай қизига...

- Сенга нима деяпман! У ёғини эшит. Аламига чидолмаган йигит армияга жўнаворилади. Россияда уч йил хизмат қилиб, рус қизга уйланиб, хотинини етаклаб, қайтса, маҳбубаси бир боласи билан ота уйига қайтиб келган! Йигит аввалига, бундан беҳабар, ўрис хотини билан аҳил яшаб юрган. Бир куни кўчада уни боласини етаклаб юрганида кўради-ю, яна ҳаловати бузилади. Эри билан ажрашганини эшитгач, битта уйни ижарага олади, улар ўша уйда пинҳона учраша бошлашади. Кўп ўтмай, келинчакнинг ҳомиладор бўлиб қолгани маълум бўлади. Иккаласи саросимага тушиб қолишади. Рус хотини, эри ундан совиганини сезади. Эри олдида масалани шундай қўяди: “агар, топган аёлинг мендан чиройли бўлса, мен индамай, юртимга қайтиб кетаман. Агар мендан хунук бўлса, уни ташлайсан!” Йигит ҳам индамай, рози бўлади-да, кундошларни учраштиради.

- Фантастика!

- Келинчакнинг ҳусну жамолини кўрган аёл, мардлик қилиб, мағлубиятини тан олади-да, юртига жўнаб кетади. Шундан сўнг, йигит яна келинчакка совчи қўяди. Уни танийдиган ота-она мутлақо норози бўлишади. Шунда, улар охирги чорани қўллашади: анчадан бери учрашиб юришлари-ю, келинчакнинг ҳомиладорлигини айтишга тўғри келади. Ота-она, ночор, рози бўлишади. Ниҳоят, бир-бирлари васлига етишган ошиқлар бахтли яшай бошлашади! Шундан бери, мана, орадан, йигирма беш йилдан кўпроқ вақт ўтган ҳамки, улар бахтли яшаб, ўғил-қизларни уйлаб, неваралар кўриб юришган. Олти-етти йиллар чамаси олдинроқ, мана бу миш-мишлар чиққан. Неваралик аёл яна туғишга жазм қилган ва мана шу кичик ўғли дунёга келган. Ҳозир ўғли олти ёшда. Мана шу аёлни, агар рост бўлса, эри бўйнининг жончиқар жойига бир уриб, ўлдириб қўйган. Нега?! Мана сенга топишмоқ! Бу кеча, жавобини топиб қўй, эртага айтасан! Кетдикми?

- Кетдик! Ўзи менга топишмоқлар етишмай турувди!

2 ҚИСМ

1.

Сабрина хомуш тарзда уйига кириб келди. Ундан бошқа ҳеч ким яшамайдиган бу хонадон хувиллаб қолди. Ютаман, деб турган уйга қайтгиси ҳам келмайди. Шинамгина ошхонага кириб, стулга чўкди. Эрталаб дамлаб қўйган чойи совиб турган экан, пиёлага қуйиб, ичди. Ёлғизлик курсин. Ҳеч нарса егиси ҳам келмайди. Шокиржоннинг таклифини эслаб, лабларига табассум югурди. Намунча шошқалоқ бўлмаса-я! Лекин, нега у акасини айбдор деб ўйлайди? “Жаҳл устида ўлдириб қўйган”, дейдими? Бекорларни айтибди! Акаси чумолига ҳам озор бермайди. Жаҳли чиққан пайтда ҳам, ҳеч ким билан урушиб ўтирмай, ўз хонасига қамалиб олиб, соатлаб мусиқа тинглаб ўтирарди. Сабринанинг ўғай онасини жудаям тарбияли, аслзода, чиройли аёл бўлган дейишади. Акаси беш ёшларда бўлганида, касал бўлиб қолиб, бир йил ўтмай, вафот

этган экан. Дадаси бунга қаттиқ қайғурибди. Илмий ишларини ҳам, тадқиқотларини ҳам, рўзгор ишларини ҳам ташлаб қўйибди. Болага энага ёллашибди. Дадасининг дўстлари, бу ҳолда профессор хароб бўлиши аниқлигини англаб, уни уйлантириш пайига тушадилар. Бир неча уринишлари зое кетади. Шундай кунлардан бирида, унга ойиси рўпара келиб қолади. Водий томонидаги узоқ қишлоқдан келиб, институтни зўрға битирган ойиси, йўлланмада белгиланган жойга боришни истамай, иш кидириб юрган экан. Дадаси унга институтда дарс берган, бу қақажон кизнинг ўқишга унчалик хуши йўқлигини, уларнинг институтларига ҳам тасодифан кириб қолганини яхши билган. Қизга ёрдам бермоқчи бўлиб, бир институтга лаборант қилиб ишга жойлаб қўйган. Аммо, ойиси академикнинг бевалигини эшитиб, ишни ташлаб, унинг атрофида гирдикапалак бўлиб, меҳрибончилик қилиб юрган. Шундай кунларнинг бирида, улар орасида яқинлик пайдо бўлгану, масъулиятли дадаси ойисига уйланган. Бир йилдан кейин Сабрина туғилган. Комил акаси уни жуда яхши кўрарди. Улар бирга катта бўлишди, ҳақиқий ака-сингиллардек. Акаси уни ҳамиша эркалар, елкасига миндириб юрар, ҳамма ишда ён босарди. Онаси эса, дадаси борида акасига яхши гапириб, йўғида уни турткилар, шунда кичкина Сабрина акасининг ёнини оларди. Онасининг жаҳли чиқиб, Сабринани судрагудек етаклаб, ўз хонасига чиқариб қўяр, у эса, қочиб чиқиб, акасининг пинжига суқилиб оларди... Мана, Сабрина ҳам мактабни тугатди...Институтга кирди. Биринчи курсни тугатмаёқ, дадасидан ажралиб қолди...

Сабрина чуқур хаёллار оғушида ичкари хонага кирди. Онасининг каттакон портрети хона тўрига осиб қўйилган. Сабрина онасидан кўра, дадасини кўпроқ яхши кўрарди. Дадасининг кизи эди, у. Кўпинча онасига қарши чиқар, дадаси ёки акасининг ёнини оларди. Улғайгач эса, онаси билан келишмай, тез-тез жанжаллашиб оларди. Кейинги пайтларда ойиси жудаям ўзгариб қолганди. Жуда асабий, жиззаки, сал нарсага ловуллаб кетадиган бўлиб қолувди. Ўша, ўлиmidан олдинги кун ҳам улар жанжаллашиб олишган эди. Онасига Шокирга турмушга чиқмоқчилигини айтганида, у бақариб кетди. Сабрина аввалига индамай турди. Кейин онасидан бунинг сабабини сўради. “У таги паст, ялангоёқ йигит, сенга тўғри келмайди. Сенга ўзим яхши оиладан ажойиб кандидатура топиб қўйганман, яқинда чет элдан келади, таништириб қўяман!”, деди ойиси. Нимаси ялангоёқ экан, машинаси бўлса, иши бўлса, уйи бўлса – яна нима керак?! Ўзининг ҳам асаблари таранг эканми, ойисига қаттиқ гапириб юборди. “Ўзингиз ҳам оддий оиладансиз-ку!”, деди. Бу ойисининг Шокирни “таги паст” деганига ишора эди. Бақариб турган ойиси такка тўхтаб қолди. Қизига шундай таънали қарадики, Сабрина бу қарашга чидаёлмай, сумкачасини олди-да, ташқарига отилиб чиқиб кетди. Негайм кетди...Кошкийди, ўз хонасига кириб кетган бўлсайди...Балким, ойиси ҳозир тирик бўлармиди...Ким ўлдирди уни, ким?! Телефоннинг кулоқни қоматга келтиргудек чинқирғи унинг хаёллари оқимини бўлиб юборди.

- Алло! Эшитаман!

- Салом, Сабрина! Бу- мен, акангизнинг адвокати бўламан. Учрашсак бўладими?- гўшакдан Вазираҳоннинг кўнғироқдек овози жаранглаб эшитилди.- Уйда ёлғиз бўлсангиз, учрашардик. Мен ҳозир боришим мумкин.

- Майли, келинг, ўзи уй ютаман, деб турибди.

- Ҳозир бораман!- Жонланди гўшакдаги овоз.- Кўришгунча!

Гўшакдан қисқа-қисқа гуудок эшитилди. Кўп ўтмай эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Сабрина бориб эшикни очди. Ўзига ярашиқли кийинган Вазираҳон ичкарига кирди. Улар залга киришди. Уй бурчагида кичкина столчанинг икки томонига қўйилган дўмбоқ креслоларга ўтиришди. Сабрина олма шарбати келтириб, иккита ингичка белли, кенг тубли қадахга қуйди. Вазада чиройли пишириқлардан келтириб қўйди. Яна туриб кетмоқчи эди, Вазираҳон унинг биллагидан ушлаб тўхтатди.

- Ўтиринг, Сабрина. Гаплашиб олишимиз керак. Келинг, ўша машъум кунни яна бир марта, икир-чикиригача эслаб, тиклайлик. Бу- жуда муҳим.

- Уфф... Яна ўша кунми... Жуда чарчадим. Ўша кунни қайта-қайта эслашдан чарчадим. Қачон тугайди бу ўзи?!

- Аканг қамоқда ўтирибди.- Бирдан “сен”лаб, қатъий гапирди адвокат.- Унинг бу дунёда сендан бошқа ҳеч кими йўқ. Тушунишимча, сенинг ҳам. Шундай экан, кел, қўлимиздан келганича унга ёрдам берайлик.

Қиз аёлга тикилганича, бир қадар индамай ўтирди. Аввалига,у адвокатнинг муомаласидан ҳайрон бўлиб бир оз турди-да, кейин унинг ҳақлигини ич-ичидан тан олиб, бошини эгди. Шокила – шокила сочлари елкасидан ёйилиб, тушиб, қизнинг нафис ёноқларини қамраб олди. У бир неча дақиқа шу алпозда, ўйчан ўтирди. Кейин, кескин бош кўтарди. Унинг нигоҳларида қатъият бор эди.

- Сиз – ҳақсиз! Майли,оғир бўлса ҳам, яна бир марта ўша кунни майда-чуйдасигача хотирамда тиклашга ҳаракат қиламан. Акамнинг озодликка чиқишини истайман. Менга ёрдам беринг!

- Бу – бошқа гап!- Юзлари ёришди Вазираҳоннинг,- бўлмаса, бошладик!

- Бошладик! – Унга қўшилди қиз. – Ўша куни...Йўқ, келинг, сал олдинроқдан бошлайлик. Дадамнинг ўлиmidан бир кун олдинги воқеадан.- Адвокат қизни гапиришга ундовчи маънода бош ирғади.- Ўша куни дадам ўзларини ёмон ҳис қилдилар. Мен акам билан шашка ўйнаб ўтирган эдим.

- Тўхта!- Адвокат шоша- пиша сумкасидан диктофон чиқариб, ёкиб қўйди.- Давом эт!

- Хуллас, акам билан шашка ўйнаб, ўтирувдик. Ойим дадамга дори ичирдилар. Шунда, дадам ойимнинг қўлларидан ушлаб, кўзларига қаттиқ тикилдилар. Биз, аввалига уларга эътибор бермадик.

- Менга қара,- дедилар паст, бир оз қалтироқ овозда дадам ойимга,- мен яна бир бор нотариусни безовта қилиб ўтирмай! Бор мол-мулкимни сенга қолдирган бўлсам-да, ўғлимнинг ҳам, қизимнинг ҳам бунда ҳаққи бор. Мероснинг учдан бирини ўғлимга берасан. Бир қисми-сеники, қолгани – икки боламники. Ўғлимни хафа қилсанг, гўримда ҳам тинч ётолмайман, билиб қўй! Сабрина, бу ёққа кел, қизим! Гапларимни эшитдингми? Меросда акангнинг ҳам ҳақи бор, улушини беринглар. Сенга ишонаман, қизим! Шу ишга ўзинг кириш, она қизим!- Дадамнинг кўзлари четидан бир неча томчи ёш сизиб чиқиб, ёстикқа томди. “ Акангни хафа қилдириб қўйма!” Комил акам шашкани йиғиштириб, дадамга яқин келдилар. Кўзларида ёш ғилтиллади. Мен дадамнинг қўлларини ўпдим. Йиғлаб, кафтларини юзимга босдим. Онам бир оз серрайиб, бизга тикилиб турдилар-да, индамай, ичкари уйга кириб кетдилар. Эртаси куни, дадамиздан айрилиб қолдик, - хўрсинди қиз.-Дадажон, нега бизни ташлаб кетдингиз...

- Чалғима! Кейин нима бўлди, эсла!

- Кейин...

Хуллас, адвокат билан қиз икки соат суҳбатлашишди. Адвокатнинг юзлари ёришган ҳолда, ҳориб, мунғайиб қолган қизнинг пешанасидан ўпиб, хайрлашаркан, унга далда берди:

- Бўлди! Акангни чиқариб оламиз! Энди мен қотил кимлигини биламан. Хайр, зерикмай ўтир!

2.

Ишни судга оширган бўлсалар-да, капитан Анваржон Саидовнинг кўнгли ҳечам тўлмади. У – тиниб-тинчимас одамлар хилидан эди. Бир ишни бошласа, охиригача етмагунча кўнгли жойига тушмас, бошқа ишлар билан банд бўлганида ҳам, ўша иш хаёлидан чиқмай юраверар, қошларини чимириб, икир-чикиригача қайта-қайта кўз олдига келтираверар ва охири масаланинг ечимини топгач, юзларига майин, ёқимли табассум ёйиларди. Бу ишда ҳам, Анваржон бошқа ечим борлигини ич-ичидан ҳис этар, туну кун ҳаловати бузилган эди. Ўлдирилган аёлнинг таниш-билишларини суриштиришда давом этди. Академикнинг шогирдларидан бири, доцент Тоҳировнинг аёл атрофида ўралашиб юргани, академик ўлиmidан сўнг эса, унга севги изҳор қилганини аниқлади. Буларни унга, академик яшайдиган кўчанинг фарроши айтиб берди. Дарахтлардан узилиб тушиб, эринчоқлик билан айланганларича ерга тўшалаётган сариқ барглари кузатиб бораркан, ишнинг тафсилотларини яна бир бор эслади. Академик ҳам қизиқ одам экан-да! Биринчидан, ўзидан ўттиз ёш кичик аёлга уйланган, бу-факт! Хотини ўғай ўғлини ёқтирмаслигини яхши билган, бу ҳам – факт! Хўш, шундай экан, меросни ҳаммаларига тенг тақсимлаб, эгаларига топшириб, (албатта, қоғозда!) кейин тинчгина

ўлаверса бўлмайдимиз!! Раҳматли қизиқ одам экан-да! Ахир, яқин орада ўлиши аниқлигини билган-ку! Одам, ўлими яқинлашишини сезади, дейдилар. Унинг онаси, раҳматли Карима хола, яқинда ўладиган одамни дарров танирди. Бирор оғирроқ касални кўргани борса, уйга келасолиб, “палончибой икки кунга ҳам етмайдиган кўринади!”, ёки “палончихоннинг ҳали-вери ўладиган сиёғи йўқ, тузалиб кетади!” деб башорат қилиб қоларди. Қизиғи шундаки, ҳаммаси худди у айтгандек бўларди...

Хаёл билан бўлиб, институт дарвозасидан кираркан, қоровулга рўпара келиб қолди. Болалар пахта йиғим-теримига кетишгани учун, институт хувиллаб ётар, бир-икки ўқитувчилар кўриниб қоларди. Қоровул билан кўришгач, унга мақсадини тушунтирди. Қоровул унга иккинчи қаватдаги деразалардан бирини кўрсатиб, Тоировни қаердан топишни тушунтирди.

- Ишқилиб, домла пахтага кетмаганларми?

- Бориб-келдилар. Улар навбат билан бориб келишяпти. Ҳар ўн кунда алмашиб туришади.

- Ҳа, яхши экан. Бўпти, ака, раҳмат сизга!

У ичкарига йўл олиб, иккинчи қаватга чиқди. Қоровул деразани кўрсатиши шарт ҳам эмас экан, бутун йўлакда фақатгина битта эшик очик. У эшикдан секин мўралади. Бурчакдаги столга қўйилган компьютер қаршисида ёши элликларга бориб қолган, кулча юзли, ёқимтой чехрали эркак ишлаб ўтирарди. У ишига шунчалик берилиб кетгандики, биров кирганини сезмади ҳам. Анваржон секингина йўталиб қўйди. Эркак ишидан чалғиб, эшик томонга қаради.

- Ассалому алайкум, домла, яхши юрибсизми?

- Ваалайкум ассалом, келинг. Марҳамат, ўтиринг.

Анваржон домла кўрсатган стулга индамай ўтирди. Домла унга савол назари билан қаради:

- Хўш, ука, хизмат? Биронта талабанинг отасимисиз?

- Йўқ, домла, мен жиноят-қидирув бўлимиданман. Академик Расулов хотинининг ўлимига сабабчи бўлганларни излаб юрибман.

- Ҳа...- домланинг ранги ўзгариб, кайфияти тушиб кетди.- Охири шундай бўлишини билардим...

- Ниманинг охири ҳақида гапираяпсиз? Ёки, қилғиликни қилиб қўйиб, энди виждонингиз қийналаяптими?

- Қанақа қилғилик?! Мен ҳеч нарса қилганим йўқ!

- Устозингизнинг хотинини ўлдиришга қандай ботиндингиз? Меросдан улуш оломаслигингизга кўзингиз етдими, дейман-да!

- Устозимнинг хотинини нега энди мен ўлдираман?! Бу гапларнинг менга нима алоқаси бор?! Нега энди мен мерос улуши олишдан умидвор бўларканман?!

- Саволлар кўпайиб кетмадими? Бу ерда савол беришга ҳаққи бор одам –фақат менман! Талмовсирамай, жойингизга ўтиринг! Академик бевасига севги изҳор қилиб, атрофида ўралашган – менманми?!

Домла бирданига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Анваржон унга жиннига қарагандек, хайрон бўлиб қараб турди. Домла, тиззаларига шаппатилаб туриб бирам кулардики, бу ҳақиқий кулгими, ёки руҳий зўриқиш келтириб чиқарадиган асабий ҳолатми, билиб бўлмасди. Анваржон иши давомида ҳар хил одамларни кўравериш, кўзи пишган. Баъзилари, асабийлашса, баъзилари ўзини ёлғондакам жиннига солади. У, домлага индамай, унинг тинчланишини кутди. Ҳақиқатдан ҳам, домла бир оздан сўнг тинчланди. Ёшланган кўзларини артиб, Анваржонга қаради.

- Биласизми, мен адашдим. Илгарилари, гўзал аёллар ақлли бўлишади, деб ўйлар эканман. Чиройли кийиниш, ўзига керагича оро бериб юриш – дид-фаросат, ақлдан дарак беради, деб ўйларканман. Мен адашдим,- такрорлади домла,- баъзиларнинг дид билан кийиниши – бошқа бировга кўр-кўрона тақлид қилиш натижаси ва катта пули борлигидан дарак бериши ҳам мумкин экан. Зоираойни биринчи марта кўрганимдаёқ, юрагим “жиз” этганди. Юрак ютиб, унга гапиролмасдим. Мен ҳам беваман. Устозим вафотидан сўнггина, унга юрагимни ёришга қарор қилдим. Мен домламни яхши кўрардим. Унинг хасталигини билсам ҳам, балки, Аллох унга узоқ умр ато этгандир, деб умид қилардим. Устозимнинг ўлими мен учун оғир йўқотиш

бўлди. Зоираой ҳам у кишини астойдил севса, бир- биримизга далда бўлардикми, устозни эслаб, руҳини шод этиб юрардикми, деб у билан учрашишга қарор қилдим. Бир-икки бор гул совға қилдим. Ҳар гал иккимиз салом-алиқдан нарига ўтмасдик. Бир куни, у билан очик – ойдин гаплашиб олай, деб, домланинг уйига бордим. Бу учрашув, менинг чиройли аёллар тўғрисидаги фикримни бутунлай ўзгартириб юборди.

- Хўш, бу билан нима демокчисиз? Чиройли аёллар, ахлоқ бўлишади, демокчимисиз? Мен сочи сарик аёллар тўғрисида бунақанги анекдотларни кўп эшитганман. Аммо бу ҳамма гўзал аёлларга бирдек тааллуқли, дейолмайман.

- Балким, ҳамма ҳам бир хил эмасдир, мен ҳам бу гапга қўшиламан. Аммо, Зоираой билан суҳбатлашган чорак соат давомида, мен унинг шунчаки, қалби бўм-бўш аёл эканлигига мутлақо амин бўлдим. Одам ҳам шу даражада оми, русча қилиб айтганда, пустишка бўладими? Бу аёлни латта путта-ю, пардоз-андоздан бошқа ҳеч нарса мутлақо қизиқтирмайди! Академикнинг хотини бўла туриб, у билан шунча йил бирга яшаб, бу даражада фандан беҳабар бўлиш учун, мени кечирасизу, мутлақо тўнка бўлиш керак! Йўқ, менга бунақанги жонсиз ҳайкал, қуруқ манекеннинг кераги йўқ, дедим ўзимга-ўзим. Менга ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳеч бўлмаганда, баъзида маслаҳат сўраб, бирор жўяли гап айта оладиган аёл керак! Шу учрашувдан сўнг, мен бу аёл билан бутунлай учрашмай қўйдим. У бир неча бор телефон қилиб, нега кўриниш бермаётганимни сўради, ўзича, нозланиб, “дўст ҳам шунақа бўладими, бир хабар олай ҳам демайсиз”, кабилидаги гапларни гапирди, аммо, мен бир қарорга келиб бўлгандим. Бу аёл менга тўғри келмайди, дедиму, ипни уздим. Аммо, устозимнинг қизи Сабринани ўз қизимдек яхши кўраман. Ақлли, зукко қизалоқ. Бўлган воқеани ўшандан эшитдим. Бор гап шу, холос!

Анваржон кайфиятсиз бир ҳолатда, институт биносидан чиқди. Гумон қилинадиган шахс яна биттага камайди. “Бир кимсанинг бегуноҳлиги тасдиқланиши ҳам яхши натижа!” , деб ўзига- ўзи тасалли берди.

3.

Вазираҳон, ниҳоят, қайнонаси билан тил топишишга муваффақ бўлди. Узоқ ўйлаб, психолог дугонасига мурожаат қилди. “Қандай қилсам, у- кобра мени тинч қўяди, қилдан – қийик ахтаришни бас қилади?”, деди куюниб. Дугонаси, ундан қайнонасининг турмуш тарзи, ётиб-туриши, феъл-атвори, қиладиган кирдикорларини обдон суриштиргач, қатъий қилиб:

- Бу аёлга эътибор етишмайди! – деди.- Ёлғиз ўғлининг фикри-ёди, эътибори - хотини ва боласида бўлиб қолган. У буткул назардан қолишдан кўрқади. Бир ўзи сўппайиб қолишдан кўрқади. Сен ана шу нотада куй чалишинг керак! Мана – сен, қайнонанг шу ёшида ҳам ташқи кўринишига ўта эътиборли бўлганини қоралайсан, ичингда бунга истехзо билан қарайсан. Уни тушунишга ҳаракат қил. Унга кўпроқ эътибор бер, гуллар, кичик совғалар бер, оилавий баҳс-мунозараларда у томон бўл – натижаси тезда билинади!

Вазираҳон худди шундай қилди. Мукофот олганини баҳона қилиб, каттакон саватда гул, янги чиққан чиройли откриткалардан олиб, “Севимли, мафтункор, гўзал ойижонимга!”, деб ёзиб, сават ичига солиб, бир бола орқали уйига юборди. Кечкурун уни қайнонаси очик чехра билан қабул қилди, ҳар галги дийдиёлардан асар ҳам йўқ...Боласига ҳам ўта меҳрибон...Бир-икки кун ўтказиб, қайнонаси севиб истеймол қиладиган шоколадли тортдан олиб борди. Шунга ўхшаш эътибор белгилари билан қайнонаси ўзи учун нақадар қадрли эканлигини билдириб борди. Кичик мунозараларда ойижониси томонини оладиган, қайнона-келиннинг гаплари бир томондан чиқадиган бўлди. Эри –хайрон! Ва ниҳоят, у уйдаги кундалик можаролардан қутулиб, эркин нафас оладиган бўлди. Вазираҳон эса, боласига тайёр энага топиб, бемалол уйда ҳам ишлайдиган бўлди. Хуллас, бу оилада тинчлик, хотиржамлик қарор топди. Мана, бугун ҳам, боласини бемалол ойижонисига қолдириб, шошилмайгина ишхонаси томонга йўл олди. У киши ўзлари, болани кийинтириб, бамайлихотир боғчасига этиб қўядиган бўлдилар.

Вазираҳон ишхонасига яқинлашганида, ортидан чақирган овозни эшитиб, тўхтади. Ҳаллослаб югурганича, дугонаси Розияҳон унга етиб олди.

- Намунча тез юрмасанг! Боядан бери бақираман, ҳеч балони эшитмайсан!

- Хаёлларга берилиб кетибман...- Гуноҳқорона жилмайди Вазираҳон.
 - Нимани бунча ўйлайсан? “Кобра”нг билан келишиб олган бўлсанг, энди уйингда хотиржамлик ҳукмрон бўлса!
 - Уйимдан-ку, тинчман. Ойим ҳам ҳечам “кобра” эмас эканлар. Шунчаки, бахтсиз, ёлғиз боласига суяниб қолган аёл...
 - Вой-вой-вой! Сенга қилган кирдикорларини дарров унутиб қўйдингми?! Қойиле! Ахир, сенга камроқ азоб бердими, у сатанг?
 - Биласанми, мен қайнонамнинг шу ёшида ҳам пардоздан бўшамаганини ёқтирмаганим учун, ҳамма ҳатти-ҳаракатлари менга бачкана бўлиб қўриनावерган. Ҳадеб бировдан айб кидиравермай, ўз қилиқларимизни ҳам гоҳи-гоҳида ревизия қилиб турсак бўларкан! Ўзимиз оппоқмизми? Ахир, гўзал бўлишга интилиш- аёлнинг қон-қонига сингиб кетган. Бу- унинг шахсий иши! Нега энди, ўғлимга, ёки келинимга ёқмаслиги мумкин, деб, ўзини чеклаб қўйиши керак экан?! Ўзига шу ишни раво қўрибдими, ихтиёри –ўзида! Менга зарари тегмаса, бўлди-да!
 - Ҳа, психолог дугонанг сен билан роса “ишлагани” билинди. Мабодо, ўша психологни қайнонанг дарак бергани йўқми?
 - Қўйсанг-чи, менинг синфдош дугонамни у киши қайдан ҳам билардилар. Ўзимам у билан тасодифан учрашиб қолдим-ку!
 - Ҳа, дугонанг ажойиб “спец” экан! Менга телефонини бер, керак бўлиб қолади. Хўш, ишинг нима бўлди?
- Улар ишхоналари эшигидан киришди. Йўлакда дугонасини қорачадан келган, озгин, бўйи баланд бир аёл кутиб турган экан. Улар хоналардан бирига кириб кетишди. Вазираҳон стул тутқичига сумкасини илиб, ўз жойига ўтирди. Икки кундан кейин Комилжоннинг суди бўлади. У қотил кимлигини-ку, билади, лекин уни оқлаб, суд залиданок озодликка чиқариш учун далиллари етармикан...Озиб, бир бурда бўлиб қолган Комилжоннинг жавдираган кўзлари кўз олдидан кетмайди. Аллоҳим, ўзинг мадад бер, адолат қарор топсин! Парвардигоро, ўзинг меҳрибонсан, шу етимчага ўзинг марҳамат назари билан боққин! Менга ўзинг мадад бер, уни озодликка чиқаришга кучим етсин! Ўз уйига бўлса-да, сўроқсиз киргани, ўз нарсаларини бўлса-да, сўроқсиз олгани жавобини берапти-ку! Сен – кечиргувчисан, раҳмдилсан, гуноҳларини кечир!
- Ичкаридан ҳалиги аёлни кузатиб чиққан Розияҳон унинг хаёлий илтижоларини бўлиб юборди. Дугонаси хайр-хўш қилиб, аёлни эшиккача кузатиб қўйди-да, жойига келиб ўтирди.
- Янги “клиент”ми? – Кўзи билан эшикка имо қилиб сўради Вазираҳон.
 - Йўқ, бу аёл – менинг дугонам бўлади. Эсингдами, у ҳақида сенга гапириб берувдим.- Ҳеч нарсани эслолмаётгандек ўтирган дугонасига сабрсизлик билан тушунтирди:- Анави эри бир уриб ўлдирган, деб тахмин қилган аёлимиз-чи! Шунинг онаси бўлади, ўша аёл.
 - Хўш, бирон нарса аниқладингларми? Ёки бу версия тахминлигича қолиб кетаяптими?
 - Борган сари эри уриб ўлдирганига ишончим ортаяпти. Дугонам онаси ўлимидан бир неча кун ўтгач, унинг сирдош дугонаси билан суҳбатлашиб қолибди. Онаси ўша дугонаси билан узоқ йиллар бирга ишлаган экан. У кишининг айтишига қараганда, аёлнинг бошқа эркак билан, яна айнан эрининг дўсти билан “юриши”га эрининг ўзи сабабчи бўлган экан. Аввалига, шофер бўлиб ишлайдиган эр бошқа аёллар билан дон олишиб юрган. Хотинига умуман эътибор бермай қўйган. Бир куни дўстига хотинидан шикоят қилиб қолган: “хотиним покиза юрмайди, ундан қанақадир ёқимсиз ҳид келиб туради, шунинг учун унга кўнгилсиз бўлиб қолганман. Буни қўйиб, бошқасига уйлансаммикан”, дебди. Дўсти “шундай хушрўй аёл, бунақа бўлиши мумкин эмас,” деса, эри: “бўлмаса, ўзинг “проб” қилиб кўр, шунда биласан”, дебди! Вой аблаҳе! Севиб уйланган, васлига зўрға етишган хотинини бировга тортиқ қилапти! Мараз!
 - Хўш, дўсти “проб” қилибдими?
 - Бўлмасам- чи! Шунақанги “татиб кўрган”-ки! Ўзининг хотини касалмандроқ экан, бунга боғлангану қолган, уларнинг ҳатто умумий фарзандлари бор.
 - Эри эса, табиийки, бу ҳақда ҳеч нарса билмаган, шундайми?
 - Ҳа-да! Кайф устида айтган гапимни дўстим жиддий қабул қилади, деб ўйламаган. Бу ҳақда у кечроқ билиб қолган.

- Фарзандлик бўлишган бўлса, ҳақиқатдан ҳам жуда кеч билибди...Хўш, дейлик, ўша оқшомда улар жиддий гаплашиб олишгану, у хотинини бир урган. Унинг жони ўша заҳотиёк чиққан. Эркак бамайлихотир уни кўйиб, уйга кирган. Лекин, буларнинг ҳаммаси шубҳа ва гумон, холос. Буни қандай қилиб исботламоқчисизлар?

- Буни, афсуски, исботлай олмаймиз. Исбот қилишнинг ягона йўли- эксгумация! Лекин, бу нарса, фақатгина болалари ариза берсагина, уларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Болалари эса, рози эмас. “ Майитни қазиб олиб, ойимнинг руҳини безовта қилмаймиз, дадам гуноҳкор бўлса, жазосини Худонинг ўзи берсин”, дейишяпти. Хуллас, шунақа гаплар...

- Ҳа, ишқилиб, дадаси- озми, кўпми, ёшини яшаган, неvara кўрган одам. Менинг миждим эса, ёшгина йигит. Унинг қотил эмаслигини билсам-да, қотил кимлигини билсам-да, далилларим етмасмикан, деб кўрқаман...

4.

У уйига кирди-ю, кийимларини ечиб, стулга улоқтирди. Уйда кийиб юрадиган пижамасини киймоқчи эди, кирланиб қолганини кўриб, уни ҳам улоқтирди. Уфф.. Қачон ҳаётига бир ёруғлик кираркан-а...Энди уйланса ҳам бўларди. Уйига янги келинчақ билан файзу-баракот кириб келармиди...

Хаёлини ҳовлида ивирсиб юрган онаси бузди. Бунча ҳам одми кийинмаса! Эрининг вафотидан сўнг, ёлғиз ўзи икки боласини боқиб олиш учун, икки-уч жойга хизматчи бўлиб кирган, умрини қора меҳнат билан ўтказаётган бу аёл, ҳали унчалик қари эмас эди. Қизини-ку, бир меҳнаткаш йигитга, амаллаб- эплаб узатди, қизидан тинчиди. Қизи- жуда одобли, эпличудлигина эди, ойисини кўнглини нозик тушунарди. Ҳозир ҳам, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бу эса, онасини опасидан ҳам қизғанади. Энди, шу эркатойини ҳам уйлантирсайди... Охирги пайтларда жудаям ўзгариб қолди. Ўзи-ку, асли бошиданоқ, эсини таниганидан ҳам, ҳаётларидан норози эди. Камбағалликларидан уялар эди. Энг қиммат нарсаларни олиб беришни талаб қиларди. Баъзан, у сўраган нарсага онасининг икки- уч жойда ишлаб топадиган ойлик маошини кўшиб ҳисобланганда, етмай қоларди. Онаси инсофга чақирса, уни боласини эплаб боқолмасликда, ношудликда айблаб, бақир-чақир қилаверар, онаси, ахийри ўша айтган нарсасини қарзу-қавола қилиб бўлса ҳам, олиб бериб тинчирди...

Ўғлининг кирланган кийимларини ювиш учун олиб чиқмоқчи бўлган онаси, унинг майкачан, ғамгин ўтирганини кўриб, бошини бағрига босиб, кўнгил сўрамоқчи бўлиб, унга яқинлашди. Ўғли бошини кўтариб, унга чуқур нафрат билан тикилди. Онаизор бу нигоҳдан чўчиб, бир жойда қотди.

- Ҳаммасига сиз айбдорсиз!- Қахр билан гапирди ўғил.- Бирон жойда ўқимагансиз, эрга беришса, кўйдек, индамай кетавергансиз! Бир асфальтчиға текканча, бирон яхши одамга тексангиз бўлмасмиди?! Ўзингиз-ку, бир ўқимаган, оми, ношудсиз, яна иккита туғиб нима қилардингиз? Мана, эрингиз ҳам, сизни ташлади, жонини олиб кетди!

- Ундай дема, жоним болам, сенга нима етишмаяпти? Ўқимаган бўлсам ҳам, сени ўқитдим, бир оғиз нонга эга бўлдинг, ишинг бўлса, машинанг бўлса, уйинг бўлса, ношукурлик қилма, болажоним!

- Шу ҳам уйми? Қурилганига юз йил бўлган хароба-бу! Дўстларим келса, киритишга ҳам уяламан!

- Секин-секин уй ҳам оласан, болам, кўпам сиқилаверма...

- Гапирманг! Сизни ёмон кўраман! Қизингизни ҳам ёмон кўраман! Ижарага бўлса ҳам, уй олиб чиқиб кетаман! Сизларни кўрмасам бўлди! Чикинг хонамдан! – бақирди у – сизларни ёмон кўраман! Ҳаётимни барбод қилдинглар. Доим дўстларимдан кам бўлиб, паст бўлиб яшадим. Ойим бор, деб сизни кўрсатишга ҳам уялардим! Ишимни ҳам, машинамни ҳам, ўз калламни ишлатиб топдим! Сенлар бир тийин сарфлаганларинг йўқ! Башарангизга бир қаранг, ҳали эликка ҳам кирмагансиз-у, буришиб, кампир сифат бўлиб қолибсиз!

- Болажоним, шайтонга ҳай бер! Юрагингга шайтон ин курибди! Астаффуруллоҳ, дегин, жон болам! Мен қўлимдан келганини қилдим. Болаларимни кўчага ташлаб қўйганим йўқ! Ўзимни фидо қилдим, ҳалол яшадим! Ҳалол меҳнатнинг айби йўқ, болам!

- Ўқимаганингиздан кейин, қўлингиздан келганини қиласиз-да! Бошқа иш қўлингиздан келмагач, бировлар ахлатини тозалаб, полини ювиб юрасиз-да!

- Нега юрагингда бунча нафрат...Бунчалар золим, бешафқатсан! Мени адо қилдинг...- онаси йиғлаб хонадан чиқиб кетгач, кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди. Бошқа стулга тахлаб қўйилган тоза кийимларини кийди. Шимининг чўнтагидан машинаси калитини олиб, тоза кийган шими чўнтагига солди. Калитга осилган тилларанг балиқчага қараб, яна ўша аёлни эслади. Ҳа, бу аёл унинг юрагида бойликка нисбатан бўлган улкан эҳтиёжини бир оз қондирди. Ўпқон нафси талабларини ҳам, ҳирсини ҳам қондириб турди. У аёлга ўзи шу керак эди. Қари эри унинг шахвоний ҳирсини, турган гапки, қондирилмасди. Бунинг устига, у тинмай илм билан шуғулланар, китоб титкилагани- титкилаган эди. Бу аёл эса, ҳарқалай, эридан анча ёш, жозибали...Аёл унга кўп пул берарди. Машина олиб берди, янги офис очишига қўмаклашди. Унга жуда боғланиб қолган эди. Уйланиш ниятини эшитиб қолди-ю, жазавага тушди. Аввалига, оҳ-воҳ қилиб ялинди, кейин, очик таҳдидга ўтди. Ҳийлалари ўтмагач, ундан машинани қайтариб беришни талаб қилди. У яна балиқчали калитига тикилди. Ўша куни, аёл унинг қўлларидан худди шу калитни тортиб олмоқчи бўлди. Унинг ғазаби қайнаб кетди. Нима, энди умри шу ёши қайтиб қолган хотиннинг кўнглини овлаш билан ўтадимиз?! Ундан оладиганини олиб бўлди. Буёғини, энди, ўзи ҳам эплайверади. У ўша куни аёлни ўлдирмоқчи эмас эди... Негга ўзи, эртагаёқ, йўқ, хозирок машинани қайтар, деб унга ёпишди. Шу калитни қўлидан тортиб олмоқчи бўлди. Ҳаммаёқни бошига кўтарди. У аёлни бир оз тинчлантирди-да, сув ичиб келай, деб ошхонага ўтди. Гўшт кесадиган ўткир пичокни енгига тикиб, хонага қайтди. Аёл ҳиқиллаб йиғлаганича, орқасини ўгирганича, хона ўртасида тик турарди. Афтидан, унинг, ҳар галги жанжалларидан сўнг бўладиганидек, орқасидан келиб қучоқлаб олишини кутиб турарди. Унинг орқа ўгириб турганини кўриб, пичокни енгидан чиқарди-да, зарб билан кураклари орасига урди....

5.

Суд бошланди. Суд зали одамларга лик тўла. Ҳаммани суднинг қандай қарор қабул қилиши кизиқтиради. Залга Сабрина билан Вазираҳон кириб келди. Улар нима ҳақидадир қизгин суҳбатлашиб келишарди. Вазираҳон ҳам, қиз ҳам чуқур ҳаяжонда...Шу пайт ён томондаги эшик очилиб, озиб, кўзлари катталашиб қолган Комилжонни олиб киришди. Залда ғала-ғовур авж олди. Баланд бўйли, қаттиққўллиги билан ном чиқарган прокурор Мухтор Мухаммедов кириб, Вазираҳон билан бош ирғаб саломлашгач, ўз жойини эгаллади. Сабрина секингина акасига қаради. Уни панжара –қафасга солиб қўйишди. Ёнида милиционер тик турарди. Бечора акаси... Озиб, бир бурда бўлиб қолибди... Унинг кўзларида ёш қалқиди. Унга тикилиб турган Комилжоннинг ҳам кўзларида ёш йилтиллади. У бунини яшириш учун бошини эгиб олди. Суд ижрочиси Сабринани чақириб, у эшикдан ташқарида ўтириши кераклигини, суд уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун чақиритишини тушунтирди. Қиз акасига қарай-қарай суд залидан чиқиб кетди. Шу пайт, котиба қиз кириб:

-Ўрнингиздан туринг, суд келаяпти!- деб эълон қилганини эшитиб қолди. Ҳамма ўрnidан турди. Сабрина ҳар гал телевизорда шундай гапни эшитганида, хайрон бўларди. Негга энди, суд келаяпти, дейишади? Нима, суд –одамми, келса? Унинг фикрича, “Суд- бошланади!”, деб эълон қилиш керак! Судья икки маслаҳатчиси билан жойига ўтиргач, ҳамма ўтирди. Судья суд жараёни тартиб-қоидалари, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириб ўтгач, суд мажлиси ўз ишини бошлади. Прокурор бўлиб ўтган воқеани қисқача баён қилиб ўтгач, Комилжон қотилликда айбланаётганини, шу билан бирга, унга сўроқсиз биров уйига кириб, қимматли нарсалар ва омонат дафтарчасини ўғирлаганлиги тўғрисидаги айблов қўйилганлигини айтди. Комилжон шуурсиз бир кайфиятда суд мажлисини тингларкан, тақдирига бутунлай тан бергандек, адолат ғалабасига ишончини йўқотгандек ўтирарди. Судья Комилжондан:“айбингизни тан оласизми?”, деб сўради. Комилжон гапирмасдан бошини сарак-

сарак қилиб,” йўқ” ишорасини билдирди.”Тушунарли”, деди судья. Комилжон яна ўз ўрнига ўтириб, бошини эгиб олди.

- Айтинг-чи, адвокат хоним, ҳимоянгиздаги судланувчи кўрсатма берадими?- Вазираҳонга мурожаат қилди судья.

- Албатта, лекин, кейинроқ,- жавоб берди адвокат.

- Яхши, унинг бунга ҳаққи бор,- деди судья.- Бўлмаса, ишни гувоҳларни сўроқ қилишдан бошлаймиз. Гувоҳ Сабрина Расулова!

Суд залига хиёл бошини эгганича, Сабрина кириб келди.Залда ўтирганларнинг нигоҳлари бараварига унга қадалди. Қиз кириб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238-240 моддаларига кўра, фақат рост сўзлаш қасамёдини келтиргач, прокурор Мухаммедов ўрнидан турди. Хушбичим, келишган, алп қоматли прокурор чинакамига салобатли эди.

- Айтинг-чи, гувоҳ, судланувчининг кими бўласиз?

- Синглисиман!

- Акангизни яхши кўрасизми?

- Ҳа!

- Бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида нимани сўзлаб бера оласиз?

- Мен...Мен ҳеч нарса билмайман!

- Ўша машъум кунда ойингизнинг мурдасини сиз топиб олдингизми?

- Ҳа... Шокир акам телефон қилиб, тезда уйга боришимни айтдилар. Акам у кишига ойимнинг жасадини кўрганини айтиб берганмиш. Мен шошиб уйга келганимда, эшик қия очик экан. Ичкарига кирдим. Ойимни чақирдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Ойимнинг хонасига кирсам...- Қизнинг ўпкаси тўлиб, кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, гапиролмай қолди. Суд котибаси унга бир стакан сув тутди. Қиз зўрға бир-икки ҳўплади.

- Гувоҳ, гапира оласизми? Балки, тинчланиб олишингиз учун вақт керакдир?- деди судья.

- Йўй-ў-ққ, сўрайверинг...

- Айтинг-чи, ойингиз билан акангизнинг муносабатлари қандай эди?

- Қанақа бўларди... Ўгай она билан бола ўртасидаги муносабат...

- Аниқроқ жавоб беринг!

- Ойим акамни ёмон кўрарди!- Суд залида ғала-ғовур кучайди. Судья залдагиларни тартибга чақиришга мажбур бўлди. Прокурор сўроқни давом эттирди:

- Батафсилроқ айтиб берсангиз.

- Нимасини айтаман...-Қизнинг кўзида яна ёш ғилтиллади. – Ойим, акам меросдаги улушини талаб қилади, деб кўрқарди. – Ғала-ғовур яна кучайди.- Судья яна одамларни тартибга чақиришга мажбур бўлди.

- Демак, акангиз ойингизни ўлдирган бўлиши мумкинлигини тан оласиз, шундайми?- Сўради прокурор секин қадамлар билан қиз томонга йўналиб.

- Ўтироз билдираман!- Адвокатнинг жарангдор овози эшитилди. Вазираҳон ўрнидан турди. –Мухтарам судья, мен норозилик билдираман!

- Ўтироз қабул қилинади!- Судья прокурорга мурожаат қилди.- Биз тахмин билан эмас, фактлар билан ишлаймиз, шунинг учун аниқ саволлар беринг!

- Яхши!- Прокурор бир оз ўнғайсизлангандек бўлди-ю, сиртига чиқармади.- Саволни бошқача бераман: акангизнинг юрагида онангизга нисбатан нафрат бормиди?

- Менимча, нафрат фақат акамда эмас, онамда ҳам бор эди! Онамнинг фикри-ёди акамни четлаштириб, меросга тўла эгалик қилишда эди.- Қиз аччиғи билан прокурорга қаради. Унинг жавоблари акасига енгиллик келтирмаётганини сезиб турар, аммо, нима қилишни, қандай жавоб беришни билмасди.

- Айтинг-чи, онангизнинг дадангиздан бошқа эркаклар билан муносабати қанақа эди?

- Дадам... Дадам кўпинча касал бўлардилар... У кишининг юраклари хаста эди. Онам эса, у кишига қарардилар. Бошқа эркаклар билан қандай муносабатлари бўлиши мумкин?!

- Уйлариңгизга кимлар келиб- кетарди?

- Дадамнинг шогирдлари...Дўстлари, танишлари, ҳамкасабалари.

- Акангизнинг ҳам дўстлари келармиди?
- Акамнинг дўстлари бизникига келишмасди...
- Айтинг-чи, уйингиз калитининг нусхаси қандай қилиб акангиз қўлига тушиб қолди?
- Калитни нусха ясаттириш учун мен бердим!- Қиз, қилган ишидан пушаймон эмаслигини билдирмоқчидек, қаддини мағрур ростлади. Залда яна ғала-ғовур авжига чиқиб, судья столни тақиллатиб, зўрға одамларни тинчлантирди.
- Калитни акангизнинг ўзига бердингизми?
- Йўқ, у кишининг дўстлари – Шокир акага. Охирги пайтларда акам билан кам учрашадиган бўлиб қолувдик...
- Шокир акангиз билан-чи?
- Ўтироз билдираман!- Адвокат ўрнидан турди.- Бу- гувоҳнинг шахсий ҳаётига оид савол!
- Ўтироз қабул қилинмайди!- Судья адвокатга норози қараб қўйди.- Биз- қотиллик ишини кўриб чиқаяпмиз.Бу ерда ҳаммаси ойдинлашиши керак.

Прокурор Вазираҳонга ғолибона назар ташлаб қўйди. Виқор билан томоғини қириб қўйиб, қизга юзланди. У саволини такрорлашга улгурмай туриб, қизнинг ўзи гап бошлади:

- Шокир акам билан тез-тез кўришиб турамиз.
- Муносабатларингиз қандай?
- Ўтироз билдираман! – Вазираҳоннинг кўнғироқдек овози жаранглаб чиқди. У қизга юзланди:- жавоб бермасликка ҳақлисиз!
- Ўтироз қабул қилинади!- Судья иложсиз қолгандек гапирди.
- Лекин мен жавоб бераман!- Қизнинг овози дадил янгради:- У киши... турмушга чиқишимни таклиф этаяптилар! – Комилжон синглисига “ялт”этиб қаради, афтидан бу сўзлар унинг учун янгилик эди. Зал шовқин-сурон ичида бир чайқалгандек бўлди. Одамлар жасур қизни яхшироқ таниб олиш учун, уни кўришга ҳаракат қилишар, ҳамманинг диққати ўша томонда эди.
- Хўш, ўша кунга қайтсак: калитни дўстингизга бердингиз, акангиз нусхасини ясаттириб олди, кейин нима бўлди?- Прокурор “дўстингиз” сўзига атай урғу бериб гапирди.
- Кейин, “дўстим” орқали онам уйда бўлмайдиган вақтни акамга билдирдим.- Қиз ҳам прокурорнинг ўйинини қабул қилиб, “дўстим” сўзини бўрттириб айтди.
- Хўш, нима мақсадда, бундай қилдингиз?
- Чунки, олдин ҳам айтиб ўтганимдек, акамнинг меросда ўз улуши бор, деб ҳисоблайман! Ойим беришни истамаса, ўзи истаган нарсасини ўзи олсин, деб ўйладим.
- Омонат дафтарчасини олганига қандай қарайсиз?
- Бу пулларда ҳам унинг ҳаққи бор! Ўзига керагини олгач, омонат дафтарчасини албатта қайтарарди, бунга имоним комил!
- Гувоҳга бошқа саволим йўқ!- Мухаммедов бориб ўз ўрнига ўтирди. Судья адвокатга юзланди:
- Сизнинг ҳам саволингиз йўқми?
- Ҳозирча йўқ, муҳтарам суъя! – Деди Вазираҳон ўрнидан кўзғолиб, ва яна ўз ўрнига ўтирди.
- Гувоҳ - Воҳидов Шокир чақирилади !- эълон қилди суд раиси.
- Гувоҳ – Воҳидов!- Суд ижрочиси зал эшигидан чиқиб бақирди. Бинодан чиқиш эшиги ёнида турган Шокиржон суд зали томон йўналди.Бошини эгганича, секин-секин ичкарига кириб борди.
- Гувоҳ, ўзингизни таништиринг!
- Мен, Воҳидов Шокир, 1980 йилда туғилганман, маълумотим олий, ишлайман.
- Судда рост ва фақат рост сўзлаш кераклиги ҳақида огоҳлантириласиз. Кўрилаётган иш юзасидан нималар дея оласиз?
- Нима дейишим мумкин..-Чайналди йигит,- сўранг, жавоб бераман.

Прокурор ўрнидан туриб, йигитга яқинроқ келди ва унга мурожаат қилди:

- Айтинг-чи, гувоҳ, судланувчи билан муносабатларингиз қандай?

- Биз болаликдан бирга ўсганмиз. Бир мактабда ўқидик. Бир олийгоҳда таълим олдик, кейин у илм йўлидан кетди, мен эса...Тирикчилик дардида...

- Ўша машъум кунда, дўстингизни сиз отаси уйига олиб келдингизми?

- Ҳа...Мен ўз машинамда уни олиб келиб, гаражлар ортида унинг чиқишини кутиб турдим. У эса, ичкарига кириб кетди.

- Калитлардан унга сиз нусха ясаттириб бердингизми?- Сўради Вазираҳон.

- Ҳа...Мен, Сабринанинг илтимосига кўра...

- Айтинг-чи, аёл, яъни Комилжоннинг ўғай онаси уйда бўлмаган пайтда келиб, ўзига керакли нарсаларни яширинча олиб кетиш фикри кимдан чиқди?

- Сабринадан...-Қизнинг ҳайрон нигоҳини кўз остидан илғаб, - мендан...

- Хўш, сизданми, қизданми?!- Қаҳр билан, овозига қатъийлик бахш этиб гапирди прокурор.- Аниқ ва лўнда жавоб беринг!

- Мендан, - ғудранди йигит.- Дўстим қийналиб юрувди. Сабрина билан фикримиз бир жойдан чиқди.

- Хўш, дўстингиз уйдан қай аҳволда чиққанини эслайсизми?

- Албатта...Ўша кунни унутиб бўлармиди...Дўстим уйдан, ортидан арвоҳ қувгандек сочлари хурпайган, кўзлари олайган, қўллари қон ҳолда югуриб чиқди-да, машинага ўтириб олди. Нима бўлди, деган саволимга анчагача жавоб беролмади.

- Рюкзаги тўламиди?

- Ҳа. Уни уйига элтиб қўйдим. Бир оз ўзига келгунича ёнида ўтирдим. Кейин у уйдан олиб чиққан нарсаларини кўрсатди. Омонат дафтарчасидан бошқа, қўлга илингудек бирон нарса олмаган. Қанақадир хайкалчаларми-ей. Шунақанги майда-чуйда нарсаларни деб, ўзини хатарга қўйиш шартмиди? Омонат дафтарчаси эса...Ҳа, бунинг учун хатарли ишга қўл уриш мумкин, албатта.

- Омонат дафтарчасида қанча пул бўлганини билармидингиз?- сўради Вазираҳон.

- Билмасдим, албатта. Кейин кўрсам, анчагина катта маблағ қўйилган экан.

- Комилжоннинг синглисига муносабатингиз қандай?- яна савол берди Вазираҳон, ўрнидан ярим кўзғолиб.

- Сабринага кўнглим бор...

- Унга бўлган воқеани сиз айтиб бердингизми?

- Ҳа...Мен унга кўнғироқ қилиб, эшитганимни айтдим. Уйига кириб, кўркиб кетмасин, дедим. Кейин милицияга ва “Тез ёрдам”га ҳам кўнғироқ қилиб, ҳаммасини билдирдим.

- Айтинг-чи, Воҳидов,- ўрнидан турди окловчи,- Судланувчи сизга нималарни айтиб берди?

- Дўстимни бир оз тинчлантиргач, ундан нима бўлганини сўрадим. У менга, ўғай онасининг жасади хона ўртасида ётганини кўриб, кўркиб кетганини айтди. Нега қўлларинг қон, деб сўрадим. Жасадга санчилган пичоқни тортиб олмоқчи бўлганини айтиб берди.

- Қанақа пичоқ эканлигини ҳам айтдимми?

- Қанақа бўларди, оддий пичоқдир-да! Мен унақа майда-чуйдаларни суриштириб ўтирганим йўқ! Бўлиб ўтган гапларни эшитганим захотиёқ, Сабринага, милицияга, “Тез ёрдам”га ҳам кўнғироқ қилиб, ҳаммани хабардор қилдим! Нотўғри иш қилибманми?!- Йигитнинг зардали овози янгради.

- Мен ундай демадим! Гувоҳга ҳозирча бошқа саволим йўқ! – деди Вазираҳон. Мухаммедов ҳам ўтирган жойидан овоз берди:

- Менинг ҳам саволим йўқ.

- Ўтиринг, гувоҳ. Гувоҳ Ҳасанова чақирилади!

- Гувоҳ – Ҳасанова!- Чақирди суд ижрочиси. Суд залига 65 ёшлардаги, семиз хотин кириб келди.

- Ўзингизни таништиринг, гувоҳ!

- Мен, Ҳасанова Шоҳида, 1942 йилда шу шаҳарда туғилганман. 30 йил трикотаж фабрикасида ишлаганман. Ҳозир нафақадаман.

- Судда фақат рост сўзлаш кераклиги тўғрисида огоҳлантириласиз. Марҳамат, саволлар!

- Айтинг-чи, гувоҳ,- деди унга яқинлашиб прокурор (у –умуман, залда юриб, гувоҳларни сўроққа тутишни яхши кўрарди),- Ўша машъум кун тўғрисида нималарни сўзлаб бера оласиз?

- Мен Комилжонни болалигидан биламан...Отаси раҳматли жуда яхши одам эди. Раҳматли онаси ҳам, жуда меҳрибон, зиёли, хушмуомала аёл эди, шўрлик...-Гувоҳнинг кўзлари ёшланди. Комилжоннинг кўзларидан икки томчи ёш сизиб, юзлари узра томиб тушди. У бошини эгиб олди. Гувоҳ сўзида давом этди:- шўрлик онаси Комилжонни туғди-ю, роҳатини кўролмай ўтиб кетди...

- Гувоҳ! Мен сиздан ўша кунги воқеаларни сўраяпман, нималарни биласиз?- Давлат қораловчисининг зардали овози жаранглади.

- Ўша куни...- Гувоҳ аёл, бостириб келган хотиралар оғушидан чиқишга интилиб, бир зум жим қолди. Кейин, секинлик билан сўзлай бошлади:- Комилжонни болалиги кўз олдидан ўтди. Ҳар доим хушмуомала, онасидек мулоим бола бўлиб ўсди.- Прокурорнинг сабрсиз назарини пайқаб, тез-тез гапира бошлади:- Ўша куни, уни уйга кираверишдаги йўлакда кўриб қолдим. Дадасининг ўлиmidан икки ҳафталар, чамаси ўтгач, ўғай онаси уни чиқиштирмай қолгани учун, кўчиб кетувди. Ўшандан бери уни кўрмагандим. Ўша куни эса, уни йўлакда учратганимда, у алланимадан кўрққандек шоша-пиша отилиб чиқди. Менга қаради-ю, танимади. Саломлашмади ҳам. Ҳар доим учраб қолганида қуюқ сўрашар, юкларимни кўтаришиб, уйимгача чиқариб берадиган бола, на салом, на алик, отилиб чиқди-ю, югурганича уйимиз орқасидаги гаражлар томон ўтиб кетди. Мен хайрон бўлганимча қолавердим. Юқорига чиқаётганимда, Зоираойнинг хонаси эшиги қия очиклигини кўрдим. Яна хайрон бўлдим. Зоираой, одатда уйининг эшигини иккита калит билан маҳкамлаб чиқар, уйига кирган заҳоти, уйини икки жойидан кулфлаб, занжирини ҳам солиб қўярди. Қўшнилари билан ҳам борди-келди қилмасди. Демак, Комилжон бирон нарсасига келган бўлса, улар уришиб қолишгану, у хафалигича, отилиб чиқиб кетди-да, деб ўйладим. Дадасининг маъракасида ҳам уруш чиқариб, бола бечоранинг дилини сиёҳ қилиб қўювди...

- Айтинг-чи, Комилжоннинг қотиллик қилишига ишонасизми?- Овозида умид билан сўради Вазираҳон.

- Нималар деяпсиз...Комилжон чумчукка ҳам озор бермасди. Бир гал мушугим қаердадир панжасини кесиб келганида, қонаган жойини боғлаб, роса йиғлаган. Нега йиғлайсан, десам, “жони оғрияпти-ку!” , дейди...

Прокурор сабрсизлик билан ўрнидан турди:

- Холажон, биз бу ерда ҳиссиётларга таяниб эмас, фактлар асосида иш олиб борамиз! Ҳурматли ҳамкасам, ҳозиргина буни менга эслатмаган эдиларми?!- У истехзо билан Вазираҳонга назар ташлади.- Айтинг-чи, йўлакда Комилжонни учратганингизда, унинг қўллари қонмиди?

- Бунисини эслолмайман.. Унинг қўлларига қараганим йўқ.Фақат кўзлари бежо эди...

- Гувоҳга бошқа саволим йўқ!- Ўрнига бориб ўтирди давлат қораловчиси.

- Менинг ҳам саволим йўқ! – деди Вазираҳон.

- Суд мажлиси эртанги кунга қолдирилади!- Эълон қилди судья. Сабрина югурганича, акаси солиб қўйилган қафасга етиб олди. Панжарага ёпишиб, акасининг кўзларига тикилди. Комилжон ҳам кўзларида ёш билан, қўлларида тортқилаётган милиционерга эргашди-ю, синглисига:

- Менга ишон, мен ўлдирмадим...- деди.

- Ишонаман, акажон, ишонаман!- Сабрина кўзларидан оқаётган ёшга эътибор ҳам бермай, акасининг ортидан чинқирди:- Сизни албатта қутқараман, акажон! Бир озгина чиданг!

Кўзларини синглисидан ололмай кетаётган Комилжонни етаклаб чиқиб кетишди.

3 ҚИСМ

1.

Капитан Анваржон Саидов суд бошланганини биларди. Юрагидаги шубҳа ва гумонлар уни тарк этмади. Олиб борган ишидан кўнгли тўлмади. Бўлган воқеани кўз олдида келтиришга ҳаракат қилди. Профессор ўлимида сўнг, бева ўғай ўғлига рўйи-рост кун бермаган. Қизи, унинг бу ишларига қарши бўлган ва ҳар галги жанжалларда акаси ёнини олиб, онасига қарши чиқаверган. Бева ўғай ўғлини уйдан ҳайдаб чиқаргач, калитларни ўзгартирган. Йигит ўз отаси уйига берухсат киролмайдиган бўлиб қолган. Анави йигитча... Сабринага ошиқ бўлиб юрган... Шокиржонмиди... Ҳа-ҳа, эслади – Шокиржон! Унинг бу уйдаги ҳамма ишлардан хабари бўлган. Қиз билан бирга дўстига ёрдам бермоқчи бўлган. Ўша куни дўстини ота уйига ўз машинасида олиб келган ва қайтариб олиб кетган...

Унинг хаёлларини кўл телефонининг мусиқаси бузиб юборди. Қайнонасининг уйи рақами кўринди. У кнопокани босди:

- Эшитаман...

- Дадажон! - Иккинчи синфда ўқийдиган ўғли Акбаржоннинг кўнғироқдек овози янгради:- Ойимни касалхонага олиб кетишди. Кўришга борсангиз, мени ҳам олиб боринг!

- Ойингга бирон нарсаси қилдими? Нега касалхонага олиб боришади?- Йигит хавотирли овозда гапирди. Ўшакнинг нариги томонидан аввалига жимлик, кейин қайнонасининг товуши эшитилди:- Ўғлим, яхшимисиз?- Кейин унинг неварасини уришгани эшитилди:- нега дадангга кўнғироқ қилдинг, қилма, дегандим-ку, сенга, қулоқсиз бола!

- Ассалому алайкум, ойижон! Ишқилиб, тинчликми?

- Тинчлик, ўғлим, тинчлик. Раънохоннинг сал мазаси қочиб қолувди, касалхонага юбора қолдим. Ҳар ҳолда, назорат остида бўлади. Ҳозир қўйиб келдим, ўзи яхши, хавотир олманг. Ўзим бафуржа айтмоқчи эдим, боласи тушмагур мендан яширинча сизга телефон қилипти...

- Зарари йўқ, ойижон! Ҳали тинчми, ойижон?

- Ҳеч гап йўқ, болам, безовта бўлманг! Ўша аввалги шифохонада, кейинроқ хабар оларсиз...

- Майли, ойижон, албатта хабар оламан! Хайр!

- Хайр, болам!

У рафикаси Раънохоннинг бир оз доғ босиб, шишинкираган юзи, жавдираган кўзларини эслади. Хотини- оғироёқ, ишқилиб, соғ-саломат кутулиб олсин-да! Лекин, ҳали туғишига вақт бор, нега мазаси қочдийкан...

Улар бир институтда ўқиб, севишиб турмуш қуришган эди. Раънохонни биринчи марта кўрган кунини эслади. Ўшанда баҳорнинг охири кунлари эди. Ёз бошланмасиданоқ, жонни суғуриб олувчи иссиқ бошланган, ҳамма соя-салқин жой ахтариб қолган кезлар... Улар иккинчи курсни тугатиш арафасида эдилар. Олдинда- сессия, синовлар, кейин чет тилидан давлат аттестацияси. Ўша куни Анваржон дўстлари билан учинчи қаватдан тушаётганида, иккинчи қаватдан кўтарилаётган қиз билан юзма-юз тўқнаш келиб қолди. Танаффус бошланган, ҳамма талабалар ташқарига чиқиш учун баравар ҳаракат қиладиган дақиқаларда институт йўлакларигача тўлиб, тирбанда бўлиб кетарди. Бундай пайтда оқимга қўшилиш керак, қарши юриб бўлмайдиган-фойдаси йўқ, барибир суриб кетишади. Айнан ана шундай дамда юзма-юз келиб қолган қиз-билан йигитнинг ҳаракатлари қотиб қолди. Йигит бир оз сурилиб, қизга йўл берай деса, орқасида – оломон. Қиз ҳам юқоридан оқиб келаётган оқимни кўриб, юқорига чиқишнинг сира иложи йўқлигини тушунди. У катта-катта шаҳло кўзларини пирпиратганича, йигитга қаради. Кўз-кўзга тўқнашгани замон, нигоҳларида бир нима “ялт” этиб чақнагандек бўлди. Йигитнинг жўшқин нигоҳига чидай олмаган қиз, кўзларини ерга қаратганича, орқасига бурилди-да, секин-секин пастга туша бошлади. Афтидан, у юқорига чиқишдан умидини узиб, болалар оқими сийраклашишини кутишга қарор қилган эди. Йигит индамай, уни кузатганича, ортидан туша бошлади. Енги калта, бурама ёқали, нафис пушти рангли енгил матодан чиройли қоматига мослаштириб тикилган кўйлаги ўзига жуда ярашган, оёқларида бигиз пошналар босоножка. Сочларини юқорига кўтариб, турмаклаган, аммо, баъзи бир ўжар толалари нафис елкалари узра ёйилган...

Ўша куни йигит ўз йўлига кетди-ю, қароқларида бир лаҳза акс этган шахло, чакноқ кўзлар ёлқини унинг оромини ўғирлаб бўлганини сезмади. Шу-шу унинг кўзлари мудом атрофга жавдираб, оромини ўғирлаган қизни излайдиган бўлди...

Кейинроқ уни яна учратди, исмини, қайси гуруҳда ўқишини суриштириб, билиб олди. Унга кўпроқ тўқнаш келишга, гаплашишга ҳаракат қилди. Бора-бора, улар дўстлашиб қолишди, кейинроқ йигит севгисини изҳор қилди. Анваржон институтни тамомлаши биланок, уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Онаси ҳам келинини дарров ўз кизидек қабул қила қолди. Кейинчалик, Анваржон бир дўстининг таклифи билан ички ишлар бўлимига ишга кирди. Яна ўқиди. Раънохон оғироёқ ҳолда институтни зўрға битириб олди-ю, касалхонага тушди. Акбаржоннинг туғилиши оғир кечди. Раънохон камқонли экан, азоб тортди. Болани она қорнидан жарроҳлик йўли билан кесиб олишди. Ёш келинчак, туғанидан кейин ҳам анчагина азобланди, кесиб олинган жойнинг битиб кетиши бир оз қийнади. Қайнона жонига оро кирди. Бир амаллаб, боланинг суягини қотириб олишди. Лекин, кейин, анчагача Раънохоннинг бўйида бўлмади. Ўзи ҳам туғишдан безиллаб қолган эканми, кўпам бунга эътибор бермади. Аммо, қайнона уни гап билан узиб-узиб оладиган қилиқ чиқарди. Қайнона –келин ораларига совуқчилик тушди-ю, ўртада Анваржонга қийин бўлди. Боши жанжалдан чиқмай қолди. Ахийри, икки хоналик уй олиб, кўчиб чиқишди-ю, бир оз тинчишди. Болалари саккиз ёшга қадам қўйганида, Раънохоннинг бўйида бўлиб қолди. Қорни дўппайган сари, ёш жувон қийнала бошлади, юзларини доғ босиб, оёқлари шишди. Касалхонада бир оз даволанди. Анваржоннинг қайнота-қайнонаси қизлари ва невараларини уйларига олиб кетишди. Бунга Анваржон рози бўлди. Узукун ишда бўлса, кечаси ҳам тиним бўлмаса, хотинидан ким хабар олади...

Анваржон ишхонадан чиқди-ю, гастрономга кирди. Мазали нарсалардан харид қилиб, шифохона томон йўл олди. Йўлда кетаётиб, каттакон банк биноси олдидан ўтди. Кўзи бинога кираверишдаги кузатиш камераларига туш-ди-ю, миясига урилган фикрдан қотиб қолди. Албатта-да! Ахир, академик уйининг рўпарасида банк биноси бор-ку! Камералар фақат банкка кираверишни эмас, унинг рўпарасини ҳам кузатиб туради-ку! Нега шу нарса аввалроқ хаёлига келмади-я! Ҳозироқ хотинидан хабар олади-ю, шу нарсани текшириб кўради! Бу ҳам бир гап-да! Ажаб эмаски, бирон янгилик топилса!

2.

Прокурор Мухтор Мухаммедов куни бўйи асабийлашиб юрди. Суд мажлисини нега кейинга қолдиришди-а? Бунга қандайдир сабаб бўлиши керак-ку! Ёки, анави адвокат хоним яна бирон нарсани кавлаштириб, топдими? Нима бўлганда ҳам, судда адолат қарор топиши керак! Судда хатога йўл қўйиб бўлмайди! Суд хатоси машъум оқибатларга олиб келиши мумкин! У буни ич-ичидан тан оларди-ю, қандайдир номи чиқмаган адвокатнинг кимсан- “прокурор Мухаммедов!” билан олишишга жазм қилгани – аввалига, ҳам кулгисини, ҳам аччиғини қўзғатди. Суд жараёнида эса, адвокатнинг ишига кизикиши ортиб борарди. Нахотки, у бу йигитчани оқлаб чиқаришларига эришса?! “Билмадим, билмадим... Ҳар ҳолда, адвокат қаттиқ ишлаган кўринади... Негадир унинг кўнгли тинч, хотиржам...” Гувохга ҳозирча саволим йўқ!”, эмиш... Кейинчалик саволлари топиларкан-да! Майли, давомини вақт кўрсатади...” У шу хаёллар билан ўз хонаси томон йўл олди.

Вазираҳон ҳам куни бўйи асабийлашди. У қотил кимлигини билса ҳам, далиллари етмай қолишидан қўрқарди. Ишқилиб, ҳалиги аёл судга келишга рози бўлсин-да! Ана шундагина, суд ҳеч қандай шубҳа-гумонларсиз Комилжонни озод қилади. Яхши ҳам, суд раиси- унинг яхши таниши. Янги топилган гувох билан гаплашиб, уни судга келишга кўндириш учун вақт беришга рози бўлди. У шу хаёллар оғушида янги топилган гувох уйи томон йўл олди.

3.

Суд мажлиси роппа-роса соат 11.00 да бошланди. Залга одам сиғмайди. Қўлларига кишан солинган Комилжонни олиб келишди. Адвокат билан нималарнидир қизишиб

гапираётган Сабрина, ниҳоят ўз ўрнига бориб ўтирди. Бугун негадир ҳаво салкинроқми, эти увушиброқ турибди. Суд ўз ишини бошлагач, Вазираҳон туриб, судга мурожаат қилди:

- Мухтарам суд, рухсат берсангиз, гувоҳ Расулова Сабринага саволим бор эди.

- Марҳамат,- деди судья ва Сабринага назар ташлади:- Гувоҳ Расулова, адвокатнинг саволларига жавоб беринг!

Қиз ўртадаги кафедра олдига бориб турди-да, оқловчининг саволини кута бошлади. Вазираҳон ўрнидан турди:

- Айтинг-чи, гувоҳ, онангизнинг ўлими ҳақида сизга ким хабар берди?

Прокурор сабрсизлик билан лукма ташлади:

- Гувоҳ бу ҳақда ўтган суд мажлисида кўрсатма берган эди, яна қайтаришнинг нима кераги бор?

Судья ҳам норозилик билан адвокатга қаради:

- Прокурор ҳақ, гувоҳ кўрсатма берган эди. Илтимос, қайта-қайта битта гапни сўрайвермайлик!

Вазираҳон ўрнидан турди:

- Мухтарам суд, қайта сўрашимнинг ўзига хос сабаблари бор, мен бу ишни бекорга қилаётганим йўқ! Илтимос, сўроқни давом эттиришимга рухсат берсангиз!

- Рухсат! Гувоҳ, яна бир марта саволга жавоб беринг! Фақат қисқа ва аниқ бўлсин!

- Менга бу хабарни Шокир акам телефонда айттилар. У киши акамдан бу ҳақда билганлари захотиёқ, менга билдирдилар.

- Энди, Шокир акангиз, телефонда нима деганини сўзма-сўз қайтарсангиз.- Вазираҳон прокурорнинг истехзоли назарини пайқаб, охириги сўзларига урғу бериб гапирди:- Бу- жуда муҳим!

- Шокир акам менга: “Сабрина, фақат кўркма! Бардам бўл! Онангни кимдир ошхона пичоғи билан сўйиб кетибди. Ҳозиргина аканг унинг мурдасини кўрибди. Мен милиция чақирдим. Уйингга кирма, ташқарида ўтир!” дедилар.

- Айнан шундай дедими?

- Айнан шундай!

- Мухтарам суд, мен гувоҳ Расулованинг сўроғини тўхтатмаган ҳолда, гувоҳ Воҳидовга мурожаат қилмоқчиман!

- Гувоҳ Воҳидов! Адвокатнинг саволига жавоб беринг!

Ҳеч нарсани тушунмаётган Шокиржон ўрнидан турди.

- Айтинг-чи, гувоҳ, худди шу сўзларни айтганингизни тан оласизми?

- Бўлса-бордир, - елкасини қисди Шокиржон.- Ҳозир аниқ эслолмайман!

- Бу томошанинг нима кераги бор?- Ўрнидан турди прокурор.- Менимча, адвокат хоним, суд мажлиси қанча чўзилса, шунча яхши, деб ўйлайдилар, шекилли? Ёки, бирон янгилик топан, деб ўйлаяптиларми?

- Сўраяпманми, демак, менга шу керак! Халақит бермаслигингизни сўрардим, жаноб прокурор!

Суд иккала томонни ҳам тартибга чақиришга мажбур бўлди.

- Эсингизда бўлса, гувоҳ, мен ўтган суд мажлисида сиздан: “Қанақа пичоқ экан,” деб сўраган эдим,- сўроқни давом эттириб, Шокиржонга юзланди оқловчи,- Ўшанда сиз “қанақа пичоқ бўларди, оддий пичоқдир-да!”, деб жавоб бергандингиз, эсингиздами? Сабринага эса, айнан :”онангни кимдир ошхона пичоғи билан сўйиб кетибди”, дегансиз. Айтинг-чи, унда, аёлнинг ошхона пичоғи билан ўлдирилганини қандай билдингиз? Ахир, сиз воқеа жойида бўлмагансиз, Комилжон сизга бу ҳақда гапирмаган бўлса!

Прокурор Мухаммедов Вазираҳонга қизиқсиниб, синчков назар ташлаб қўйди. Бу хонимча ишига анчагина пухта кўринади-ку! Уни менсимай, хато қилди, шекилли!

- Қизиқ экансиз-ку! Шунақанги майда-чуйда гаплар билан мағзавани менга ағдармоқчимисиз? – Қизариб-бўзариб адвокатга хезланди Шокиржон,- менинг бу ишларга нима алоқам бор?! Мен дўстимни обориб қўйдим, лекин ичкарига кирганим йўқ-ку!

- Айнан шуни ҳозир аниқлаймиз,- деди Вазираҳон хотиржам. Унинг юзлари қизариб, бўғриқиб кетганигина, қанчалик ҳаяжонланаётганини билдириб турарди. У судга мурожаат қилди:- Мухтарам суд, мен янги, олдин сўроқ қилинмаган гувоҳни сўроқ қилишни таклиф этмоқчи эдим. Бу гувоҳ, ишга янада ойдинлик киритади, деб ҳисоблайман! Гувоҳ келган, ҳозир адвокатлар хонасида қарорингизни кутаяпти.

Судья прокурорга юзланди:

- Сизнинг фикрингиз?

- Ишга ойдинлик киритадиган бўлса, эътирозим йўқ!- У яна бир бор адвокатга қизиқиш билан қараб қўйди.

- Марҳамат, адвокатлар хонасидан гувоҳ Шамсиева таклиф этилсин!

Суд ижрочиси гувоҳ Шамсиевани суд залига олиб кирди. Ўрта ёшлардаги, оддий кийинган аёл ўзини таништирди:

- Мен Шамсиева Гулшода, 1958 йилда туғилганман. Судланувчи яшайдиган уйга қўшни бўлган уйда тураман. Бизнинг уйимиз улар уйининг давомида жойлашган.

- Марҳамат, адвокат, саволларингизни беринг!

- Сиздан суд залига синчиклаб қарашингизни сўрардим,- деди овозидаги титроқни билдирмасликка тиришиб, Вазираҳон,- судланувчидан бошқа яна кимларни биласиз?

Аёл орқасига ўгирилиб, ҳаммага бир-бир назар солиб чиқди. Нигоҳи, аввал Сабринада, кейин Шокиржонда тўхтади.

- Манави қизни биламан, ўша уйда яшайди. Манави йигитни ҳам биламан,- Шокиржонни кўрсатиб, сўзида давом этди аёл.- Уни ўша уй олдида тез-тез кўраман.

- Айтинг-чи, қотиллик содир бўлган куни уни кўрганмидингиз?

- Ҳа, ўша куни ҳам, ундан олдинги кун ҳам кўргандим.

- Судга батафсил сўзлаб берсангиз!

- Менинг итим бор, Думка. Ўша воқеадан бир кун олдин, уй олдидаги дарахтзорда итим билан айланиб юрувдим. Манави йигит билан раҳматли ўлдирилган аёл сўзлашиб келишаётган экан. Бирдан, аёл бақриб кетди. “Мендан шунча фойдаланиб, энди қизимга уйланмоқчимисан?! Бекорларни айтибсан! ” деб чинқирди.- Сабрина “ялт” этиб, йигитга қаради. Залда пашша учса, эшитиладиган даражада жимлик ҳукм сураб, ҳамма ҳайрат ичида аёлнинг кўрсатмаларини тингларди. Гувоҳ аёл сўзида давом этди:- Йигит унга, паст товушда нималардир деди, эшитмадим. Думка мени торткилади, биз нарироқ кетдик. Улар бизни пайқашмади, биз дарахтлар панасида эдик. Аёл: “Машинамнинг калитини бер! Ҳозироқ бер! Сени хонавайрон қиламан!” деди. Йигит алланималар деб уни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Кейин, улар уйга кириб кетишди. Қотиллик содир бўлган куни ҳам, бу йигитчанинг аввал уйдан чиқиб кетаётганини кўрдим. Орадан бирон соат ҳам ўтмай, машинасида яна келди. Ичида манави йигит ҳам бор эди. Мен хўжайинимнинг гаражларини уборка қилаётган эдим. Кейин, у машинасида ўтирди, орадан чорак соат ўтмай, манави йигит (у Комилжонни кўрсатди) югуриб чиқди-да, улар машинага ўтириб кетишди.

Залда ғала-ғовур кучайиб кетди. Комилжон бошини қўллари орасига олганича, ўтирар, юзидаги ифодани уқиб бўлмасди. Судья зални тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Шу пайт, суд залига капитан Анваржон Саидов кириб келди.

- Мухтарам судья! – деди у ичкарига йўналаркан.- Менда қотилликка ойдинлик киритувчи материаллар бор! Рухсат беринг, судга тақдим этсам!

Ҳаммаёқ сув куйгандек жимжит бўлиб қолди.

- Ўзингизни таништиринг!- деди судья.

- Мен- шу ишни олиб борган капитан Саидов бўламан. Иш юзасидан топилган янги далилларни сулга тақдим этмоқчи эдим!

- Қандай далиллар экан?- Сўради судья.

- Видеокассета! Қотиллик бўлган куни, ўша уй рўпарасида жойлашган “Халқ банки” биносининг назорат камералари ишлаб турган. Камера уйга кимлар кириб чиққанини тасвирга олган. Шуни кўриб чиқишингизни сўрайман. Мана бу,- Анваржон қўлидаги қоғозни судга топширди- кассета монтаж қилинмагани ва ҳақиқийлигини исботловчи ҳужжат.

- Кассетани намоиш этинг! – Судья котибасига мурожаат қилди. Ҳамма ҳаяжон билан экранга нигоҳини қадади. Тасвирда Шокиржоннинг атрофга аланглаганча, йўлакдан кириб кетгани кўринди. Кейин, унинг қайтиб чиққани, ярим соатлардан сўнг эса, Комилжоннинг йўлакдан кириб кетгани аниқ тасвирга олинган, вақтлари ҳам белгилаб қўйилган эди.

Суд залидагиларнинг нигоҳи Шокиржонга қадалди. Сабринанинг ранги оқариб кетган, қиз ҳушини йўқотиб қўядиган алпозда ўтирарди.

- Воҳидов!- Вазираҳон атайлаб “гувоҳ” сўзини тилга олмай гапирди:- Бу нарсаларни қандай изоҳлай оласиз?

Давлат қораловчиси сабрсизлик билан ўрнидан турди:

- Мухтарам суд, мен эътироз билдираман! Адвокат жиноятчининг оқланиши учун бошқа бир кишини айблашга ҳаракат қилаяпти!

- Эътироз қабул қилинмайди!- Судья норозилик билан прокурорга қаради:- биз ишни атрофлича ўрганиб чиқишимиз ва тўғри қарор қабул қилишимиз керак!

Прокурор индамай, ўрнига ўтирди. Эндигина жонланиб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган Шокиржон яна бошини эгиб олди. Вазираҳон прокурорга ғолибона назар ташлаб, сўзида давом этди:

- Воҳидов! Саволимга жавобингизни кутаяпман!

- Мен Сабринага уйланмоқчи эдим. Онаси эшитиб, менга ундан узоқроқ юришни буюрди.Шунга урушиб қолувдик...- Мижғовланиб жавоб берди йигит.

- Ва сиз уни ўлдириб қўя қолдингиз!- Унинг сўзини давом эттиргандек гапирди адвокат.

- Мен эътироз билдираман!- Ўрнидан кўзғолди прокурор, бу – исботланмаган, қуруқ сўзлар!

- Эътироз қабул қилинади!- Судья, энди, норозилик билан адвокатга юзланди:- Судни сизнинг фантазиянгиз эмас, аниқ далиллар қизиқтиради.Гувоҳга яна саволингиз борми?

- Бор!- Вазираҳон ҳеч нарса бўлмагандек сўроқни давом эттирди:- Марҳума:”машинамни қайтариб бер!” деганида нимани назарга тутган эди?

- Унақа гап бўлгани йўқ! У киши,- йигит залда ўтирган гувоҳ Шамсиевани кўрсатиб, сўзида давом этди:- нотўғри эшитганлар, марҳума менга унақа гапиргани йўқ!

Залдаги ғала-ғовур тинмай, гувоҳ Ҳасанова ўрнидан турди:

- Менга рухсат этинг, мухтарам суд! Бир нарса эсимга тушди.

- Рухсат!

- Ўша куни, мен магазинга тушаётганимда, Зоираойнинг ким биландир жанжаллашиб турганини эшитгандим. Зоираой кимгадир:”мақсадингга етолмайсан! Сени ишлик қилдим, орзу қилганингдек, қизил машина олиб бердим! Мен билан шунча кўнгилхушлик қилиб, энди қизимга уйланмоқчимисан! Бекорларни айтибсан! Сени кафангадо қиламан! Итдек хор бўлиб ўласан!” деб бақирганини эшитувдим.

Прокурор ўрнидан кўзғалди:

- Нега шу гапларни терговчига айтмадингиз? Энди эсингизга тушдими?

- Бўлиб ўтган дилхираликлар билан бўлиб, бутунлай хаёлимдан кўтарилибди. Қаричилик-да, болам. Ҳозир мана бу аёлнинг гапларини эшитдим,-у Шамсиевани кўрсатиб давом этди:- “лоп” этиб эсимга тушиб кетди...

Суд Комилжонни оқлади. Йигитни суд залидаёқ озод этишаркан, у ўрнидан туролмай, дағ-дағ калтирар, кўз ёшлари тинмасди. Дўстларидан бири уни суяб, турғизди. Ҳушидан кетай-кетай деб ўтирган Сабринани Вазираҳон бир оз ўзига келтирди. Бир нечта валерьянка таблеткаларини унинг оғзига солиб, устидан сув ичирди. Қулоғига алланималар деб шивирлади. Шу пайт, акасининг дўсти уни суяганича, Сабринанинг олдига олиб келди. У синглиси ёнига ўтирди. Ўтирганича, бир қўли билан синглисини кучоқлади. Сабрина ҳам турган еридан акасининг елкасига бошини қўйди. Ака-сингил бир-бирини кучоқлашганича роса йиғлашди. Залдан чиқаётганларнинг ҳам кўзларида ёш, айримлари тақдирнинг ўйинларига қойил қолгандек, бир-бирига суяниб қолган ака-сингилга ачингандек, бош чайқаб, оҳ чекиб қўйишарди...

Иш қайта кўриб чиқиб, ҳақиқий қотилни аниқлаш учун тергов органларига қайтарилди. Шу заҳотиёқ, Шокиржон гумондор шахс сифатида қўлга олинди. Шокиржон қафасга солинган йиртқичдек, у ёқ-бу ёққа жаланглар, кўзларида ваҳшиёна ўт чақнарди. Умидлари пучга чиққанига, режаси амалга ошмаганига атрофдагилар, ака-сингилларга парвона бўлиб ўтирган, дам уларни қучоқлаб, дам қизни ўпаётган адвокат аёл айбдордек, унга, атрофдаги ҳамма-ҳаммага ғазаб билан тикиларди. Гоҳида, ялтираган кўзлари билан Сабринага еб қўйгудек тикилар, нигоҳини унинг кўзлари билан тўқнаштиришга ҳаракат қиларди. Аммо, қиз у томонга умуман қарамас, бўлиб ўтган воқеалар уни тамоман ҳолдан тойдирган эди. Ранглари оқариб кетган, ярим беҳуш ҳолда ўтирган Сабринани, оқланган акаси, суяганича, суд залидан олиб чиқди.

4.

Прокурор Мухаммедов мағрурлик билан қадам ташлаганича, Вазираҳон томонга йўналди. Савлатли прокурорнинг ўзи томонга келаётганини кўрса-да, табрикларни қабул қилаётган жувон, хаяжонини билдирмади. Ниҳоят, ғалаба! У уддалай олди! Аллоҳнинг амри ва мадади билан, бир бегуноҳни қутқарди! Аллоҳга ҳамду сано ва шукрлар бўлсинки, унга етарлича куч, матонат берди!

- Табрикларимни қабул қилинг, адвокат хоним, -деди прокурор Вазираҳонга. Вазираҳон, миннатдорчилик билдириш учун, унга юзланди-ю, ўзига бино қўйган, ўта ғўдайган, кибрли, деб билган давлат қораловчисининг ҳечам унақа эмаслигини кўрди. Прокурор унга самимий жилмайиб турар, ютуғидан астойдил хурсанд бўлгани билиниб турарди.- Қойилман, жуда қаттиқ ишлабсиз! Сизга ҳурматим янада ошди, Вазираҳон!

Жувон, у ҳақида шунақанги ярамас хаёлларга берилганидан уялиб кетди.

- Биламан, биламан, - деди жилмайиб Мухтор ака, - сиз мени ўта кибр-ҳаволи, ҳеч кимни менсимайдиган, деб ўйлардингиз! Хижолат бўлманг! Кўпчилик мен ҳақимда шундай фикрда! Аммо мен- адолат тарафдориман! Мен ғолиб бўламанми, рақибимми - аҳамиятсиз. Муҳими – адолат қарор топиши керак! Бизнинг ишимизда хато бўлмаслиги керак! Ахир, биз инсонлар тақдирини ҳал қиламиз-ку, шундай эмасми, ҳамкасаба? Бундан ташқари, мен, ўз устида ишлайдиган, масъулиятни ҳис этадиган одамларни ҳурмат қиламан! Хўш, энди, дўстимизми?

Вазираҳон ҳам жилмайиб, унинг узатилган қўлини сиқди. Улар бир-бирларига бир лаҳза тикилиб қолишди.

5.

Капитан Анваржон Саидовнинг, ниҳоят, кўнгли тинчиди. У аввал-бошданок, йигитчанинг гуноҳсизлигини, кимнингдир маккор ўйини қурбони бўлиб қолганини сезувди. Агар, ўшанда унга етарлича вақт беришса, ўзи ҳаммасининг тагига етарди. Ҳа, у ҳасад –энг ёмон иллат эканлигини биларди. Аммо, унинг мана бундай манфур кўринишлари борлигини билмасди. Болалиқдан бирга ўсган икки йигит. Бири – зиёли, ўзига тўқ оила фарзанди, иккинчиси- фақирликда, отасиз ўсган, ўз нонини ўзи топиб ейишга одатланган. Айнан иккинчиси, биринчисининг отаси бўлмиш- академикнинг ўлиmidан ўз мақсади йўлида фойдаланган. Устомонлик билан бева аёл кўнглига йўл топиб, уни ўғай ўғлига қарши қайраб борган. Аёлга ўйнаш бўлиб, қизига уйланишни ва шу орқали, академик меросининг ягона эгаси бўлишни ўйлаган ва шу орқали, интеллигент “дўсти”дан қасос олмақчи бўлган. Нима сабабдан бунча нафрат?! Ҳаммаси, ҳаммаси- ҳасад ўтида куйиш оқибати! О, бу лаънати ҳасад! Одамларни не куйларга солмайди-я! Яхши, аёлга ўйнаш бўлдинг, ўз офисингни очдинг, машиналик бўлдинг – шу билан кифоялансанг бўларди-ку! “Йўқ, бу-кам, -пичирлайди ҳасад, - давом эттир!” Аста-секин, аёлнинг қизи кўнглига йўл топа бошлайди: хушомадлар, гуллар, қимматбаҳо совғалар...Қиз билмайдики, буларнинг ҳаммаси- ўз онасининг (тўғрироғи отасининг) пулларига келган! Нодон, ғўр, ишонувчан қиз, маккор сайёд чангалига қандай тушганини билмай қолади. Унга турмушга чиқишга ҳам, деярли рози бўлади. Иш пишди, энди – кульминация! Рашкчи,

жанжалкаш аёл ва ўз хаёллари оламида яшайдиган “интеллигент”ни орадан йўқотиш керак! Шу мақсадда, у уй калитларини “бечора акаси” учун нусха ясатиб бериш кераклигига қизни кўндиради. Албатта, ўзига ҳам нусха ясатиб олишни унутмайди. Қиздан “акаси учун” онаси уйдан чиқиб кетиши керак бўлган вақтни аниқлаб, ўзи сал олдинроқ, аёл чиқиб кетмасидан илгари, уйга кириб келади. Совуққонлик билан, ваҳшиёна тарзда аёлни ўлдириб, уйдан хотиржам чиқиб кетади. Биттасидан кутулди. Энди иккинчисидан кутулиш керак: ҳеч нарсадан хабари йўқ йигитчани “яхши киши” бўлиб, олиб келиш керак. Айнан шу жойда, унинг режаси сал бошқачароқ бўлган: у “дўсти”ни келтириб қўйгач, милицияга телефон қилиб, ўғри ва қотил сифатида қаматмоқчи бўлган. Лекин, нимадир унга халақит берган. Комилжон уйдан отилиб чиққанида, унинг қўллари қонлигини кўриб, тақдир унга яхшигина имконият совға қилганидан руҳланиб кетган- ахир, Комилжоннинг пичоқни чиқариб олишга уриниб кўриши ва шу орқали, ўз бармоқ изларини ашёвий далилда қолдиришини кутмаганди-да! Тақдирнинг бу тухфасидан фойдаланиб, энди нафратланадиган “дўсти”дан ҳам бутунлай кутулдим, деганида, ўзи ёллаган адвокат ҳамма режаларини чиппакка чиқаришини қайдан билибди?! Уни ғўргина ҳисоблаб, ўзи ёллаганди-я, ўзи! Бунинг устига, бу лаънати кампирлар...Хуллас, ўзи қазиган чоҳга ўзи тушди-ю, адолат қарор топди. Бир бегуноҳ жазодан кутулди. Парвардигор – энг олий ҳакам! Ана шунақа!

Анваржоннинг хаёлларини яна ўғлининг жарангдор товуши бузиб юборди. Ҳаммамиз севиб томоша қиладиган “Суюнчи” фильми қаҳрамонига ўхшаб, гўшакдан:

- Дадажон, суюнчи беринг, ойим қиз туғдилар! – деб кичкиргани бир неча сония кулоқлари остида жаранглаб турди...

ТАМОМ.

ҚАТРАЛАР

****** Ёш ўтган сайин одамзоддек махлуқ табиатининг барча қирраларини кузатавериш, ҳайрон қолар экансиз. Ўз манфаати йўлида ҳеч бир ифлос ишдан тоймаслик, фолбину азайимхонлар ёрдамида ўзга дунё кучларини ҳам буйсундириб, ўпқон нафсини қондириш йўлини очиб беришга даъват этиш, ифлос ишларини амалга ошириш йўлида ишлатиладиган макру ҳийлалар, бу йўлда қилинадиган жонбозликлар, айёрлик, қўполлик, жабру ситам, зулмларни кўриб, Шайтони лаъин ҳам таъзим билан бош эгса керак...

****** Бу дунёда ё заринг, ё зўринг бўлиши керак экан. Балким, шунинг учундир, баъзи домлалар пул топиш учун талабаларни азоб бериб, тирноқ остидан кир қидириб, каттароқ пул шилиш пайида бўладилар. Баъзи бир домлаларининг кирдикорлари мени ўйлантириб қўяди. Ахир бу қандай разолат?! Наҳотки, талаба ёки ота-онасининг бунча пул топиш учун, балким болалари ризқини қийишига тўғри келар, хотинига ваъда қилган рўзғор анжомини олиб беролмай қолар, балким, уйига сув ёки газ ўтказолмай қолиб, оиласи яна бир йил қийналиб яшар, балким, оғир бемор онасини даволата олмай қолар, деган гаплар ҳечам ўйлантирмаса? Бунинг устига бозорчи хотинларга ўхшаб шанғиллаб жанжал кўтаришлар, ғийбат (Эркакларда бу хислатларни кўриб ҳайрон қоламан!), фиску фасод, гап ташишлардек антиқа ҳунарларига қойил қолмай иложим йўқ... Кибру ҳаво, манманлик-ку, гуллаган! Бундай шайтон йўлига кирган махлуқотларига Аллоҳнинг ўзи жазосини берсин!

****** Эркак кишида мен ҳурмат қиладиган фазилят – бу бир сўзлилиқ, қатъият, гапининг устидан чиқа олиш, бошқа аёлларга ғайр кўзи билан қарамаслик, мардлик ва қўли очиклик. Ғийбатларга эътибор бермаслик, агар бошлиқ бўлса, қўл остидагиларга ғамхўр, меҳрибон бўлиш, керак бўлганда уларни бошқалардан ҳимоя қила олиш, “об-ҳавога” қараб ўз фикрини ўзгартириб боришдан холи бўлиб, мантиққа суянган ҳолда фикр юритиш- менимча бу хислатлар ҳақиқий эркакларга хос. Ўз қўли остида ишлайдиганлар меҳнатини қадрлай билиш ҳам – бебаҳо фазилят! Ёрдамчиси- зукко, ўз ишини ҳалол бажарадиган бўлса, бошлиғи сўзини “яримтаси”дан тушуниб, ўша заҳотиёқ бажарса, бошлиғи оғирини енгил қилишга астойдил уринса, унга жони ачиса, масъулиятни ҳис этса – бундай ёрдамчи Аллоҳнинг инояти-ку!

****** Самода ҳам, ерда ҳам Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлишга ундовчи сабаб-ҳасаддир. Самода Иблис Одамга ҳасад қилди, ерда одам одамга ҳасад қилади. Ҳасад одамларни ҳар хил разилликка ундайди. Ўз биродарини ўлдиришга, дўстини «сотиш»га, ҳамкасбини ёмонлашга... ва ҳоказо. Баъзан бировлар билан суҳбатлашиб, уларда ўз дугонаси, опаси ёки ҳамкасбига нисбатан шунчалар юрагида нафрат ва адоват борлигидан ҳайратга тушаман. Ўша одамлар уларга ҳеч қандай ёмонлик қилишмаган. Фақатгина, уларнинг наздида, дугонаси ёки опаси ундан яхшироқ яшайди, бахтлироқ, омади юришганроқ туюлади. Шунинг учунгина, уларни бўғиб ўлдириш даражасидаги адоват ва ҳасад ўкига рў-барў бўлишади!

****** Дунёда айтилиши ҳеч қандай меҳнат талаб қилмайдиган, ҳеч қандай чиқим талаб қилмайдиган, қадри жуда ҳам баланд, аммо, ўзи жуда ҳам арзон бир нарса борки, бу-ШИРИН СЎЗДИР! Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Хўш, нега биз, ёмонлик потирлаб чиқадиган оғзимизни ана шу ширин гап билан банд этолмаймиз?! Ахир, бу қийин иш эмас-ку! Академик И.Павлов: «Сўз билан инсонни ўлдириш ёки тирилтириш мумкин» деган эди.

Хўш, бировнинг кўнглини тоғлар қадар кўтариши, кўкларда парвоз этишига ундовчи бир оғизгина ширин сўзни айтиш шунчалар қийин ишми? Янги кўйлак кийиб келган дугонангизга бир оғизгина:”жуда ҳам ярашибди”, бугун туғилган куни бўлган ҳамкасбингизга:”сизга ҳамиша омад ёр бўлсин!“, айтган ишингизни қойиллатиб бажарган болангизга:”балли, ўғлим, кўп яшанг!”, сизни интизор кутадиган онаизорингизга:”онажоним, бахтимга доим омон бўлинг!” деб қўйсангиз асакангиз кетадими? Ўша пайтда уларнинг кўзларига бир эътибор бериб кўринг-а! Яхши гапга илон инидан чиқармиш, деган гапни кўп эшитгансиз. Эй, инсон, шуни унутмангки, яхшилиқ- эзгулик уруғини сочади. Бу- қайтар дунё эканлигини унутманг! Бир куни келиб, бир оғизгина ширин сўзга зор бўлиб қолишдан ўзи асрасин...

**** Мен ёмон кўрадиган иллатлардан яна бири- лоқайдликдир. Зеро, бир пайтлар қайси бир фильмда: “лоқайдлардан кўрқиб керак. Айнан лоқайд кишиларнинг индамай кузатиб туришлари жиноятга йўл очиб беради. Чунки, улар рўй бераётган жиноятга мутлақо бефарқлик билан қараб, жиноятга замин ҳозирлайдилар ” деган фикрларни эшитиб ич-ичимдан бу гапларга қўшилган эдим. Ҳозирги пайтда “сен-менга тегма, мен-сenga!” деган шиорга амал қиладиганлар кун сайин ортиб бораётгандек...Ўзимиз болаларимизга: “бировлар уришиб турганини кўрсанг, ўша ердан кет! Мутлақо қўшилма, бошинг балого қолиб кетади!” деб ёшлигиданок сингдириб бормаимизми? Бу тариқа сочилган уруғдан нима униб чиқади? Албатта, лоқайдлик! Безорилар бегуноҳ бир кимсани калтаклаб туришса ҳам, ўлдиришса ҳам, бировнинг уйига бегона кимса кириб кетиб, нарсаларини ўмариб кетса ҳам, қўшнининг уйида келинчакка ўта зулм кўрсатаётганларини ҳамма кўриб-билиб турса ҳам, аллақандай шубҳали кимсалар қўшнининг уйига серқатнов бўлиб қолишганини, қандайдир фитналар уюштириш пайида эканлигини сезиб қолса ҳам индамай қараб турадиган кимсаларни қандай аташ мумкин! Айнан шуларнинг бефарқ нигоҳи остида энг машъум жиноятлар ва энг қабих режалар амалга оширилмайдими? Шунинг учун, энг эзгу ғояларни: бировга яхшилиқ қилиш, бировнинг дардини бефарқ кузатиб турмасдан, баҳолиқудрат ёрдам бериш, зийрак бўлишдек фазилатларни болаларга ёшлигиданок сингдириб борсак, лоқайдлик, ўзгалар дардига бефарқликдек бир иллатнинг олди олинган бўлармиди...Зеро, лоқайдлардан бизни Аллоҳнинг ўзи асрасин!**

Сирларингдан огоҳ эт ...
(киноқисса)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

1. Дили Намозовна – психолог, тушларни тадқиқот этиш билан шуғулланади
2. Ниғина-Дили Намозовнанинг қизи, 16 ёшларда
3. Дили Намозовнанинг 7-8 ёшлардаги вақти
Д.Н.нинг бувиси, ойиси, дадаси, чакалоқ укаси;
Д.Н.нинг 20 ёшлардаги пайти, эри
4. Раъноҳон – 22 ёшларда

5. Раънохоннинг акаси
6. Сабохон, Таня – дугоналари
7. Севара – 16 ёшларда
8. Зеварой – 10 ёшларда
- Зеваройнинг ойиси ва бувиси
- Ер-хотин
9. Абдоржон-22 ёшлардаги йигит
10. Хуршид-хавфсизлик хизмати маёри
- Денис, Анжела ва бошқалар-гиёҳванд моддаларни тарқатувчи банда.
11. Санобархон-25 ёшларда, Д.Н.нинг котибаси.
- Абдорнинг ўғай онаси, 35 ёшларда.

1 ЭПИЗОД

Кенг, нимқоронғу хона. Ёш келинчак туш кўриб ётибди: ёшлиги ўтган ҳовлилари. Ҳар хил ранглар уйқашиб кетган. Ҳовли ўртасидаги гулзорда бир туп кип-қизил атиргул гуллаб турибди. Битта ғунча унга қараб қикирлаб кулади. Сўнг, бир чайқалади-да, ундан «дик» этиб, қизалоқ чиқади. Яна қизил, сариқ, яшил ранглар уйқашиб кетади. Қизалоқ гул бутаси атрофида диконглаб ўйнайди ва қикирлаб кулади. Ие, бу-ўзининг сингилчаси – Дилноза-ку! Келинчак уни ушлаб олмоқчи бўлади, Дилноза эса, яна гулга сакраб чиқади-ю, унга сингиб, кўздан ғойиб бўлади..

Келинчак уйқу аралаш тўлғониб, «тўхта, Дилижон, тўхта!» деганича уйғониб кетади. Юраги қаттиқ-қаттиқ, дукурлаб уради. Ўрнидан туради.

Бориб, стол устидаги чойнакдан пиёлага чой қуйиб ичади.

Кўрган туши таъсирида , бориб кийинади-ю, эрига хат қолдириб, шаҳарга қатнайдиган автобус бекати томон юради. Автобусга ўтириб, шаҳарга келади. Супермаркетда ишлайдиган дугонаси- Сабохон ёнига боради. Сабохон харидорлар билан ишлаётганини кўриб, унинг бўшабини кутади. Бир оздан кейин Сабохон харидорларни кузатиб қўйиб, унинг ёнига келади ва у билан кўришади.

Сабохон: Ҳа, Раъно, сенга нима бўлди? Мазанг қочдимми? Синглинг топилдимми?

Раъно: Э-ей, дугонажон, ҳеч сўрама! Сингилчам ҳали ҳам топилгани йўқ! Лекин, тушларим менга тинчлик бермаяпти. Ҳар гал бир хил туш кўраман. Синглим ҳовлимиздаги бир туп атиргул ичидан чиқиб келади-ю, «опажон, мени соғинмадингизми?» деб қикир-қикир кулади. Нима қилсам экан-а? Фолбинга борсаммикан?

Сабохон: Э-э, қўйсанг-чи шунақа гапларни! Ким айтади сени ўқиган, олий маълумотли қиз деб!

Ҳарчанд ўқибсан-билимдонсан,
Агар амал қилмадинг – нодонсан!

(Бир оз ўйланиб қолади) кулоқ сол, менда бир фикр бор! Эшитишимга қараганда, Дили Намозовна деган бир психолог бор экан. Кўпинча, тушларни ўрганиш учун сафарларда юраркан. Ҳозир шу ерда, Тошкентда эмиш. Ўша кишини топишимиз керак! Яқинда менинг рус дугонам Татьяна ўша кишига борган экан. Юр, ўшандан сўраб кўрайлик-чи!

Улар биргаликда супермаркетнинг парфюмерия бўлимида ишлайдиган Татьянани кидириб топишади.

Сабохон: Салом, Танечка! Яхшимисан?(қиз кулиб бош ирғийди) Менга қара, сен яқинда тушингнинг таъбирини билгани психологга борувдингми?

Таня: (у ўзбекчани жуда яхши гапиради) Ҳа, шунақа бўлувди. Ойим ўлганларидан бир йил ўтар-ўтмас, мен ҳар куни у кишини туш кўра бошладим. Тушимда ойим мени етаклаб, янги олишимиз керак бўлган квартирамизни кўришга олиб борадилар. Янги квартирани кўриб келамиз, у- кенг, ёруғ ва ойим кўчишга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Ҳар куни – шу гап! Черковга бориб шам қўйдим, фойдаси бўлмади. Ахийри бўлмади, Диля Намозовна шаҳарда эканлигини эшитиб, қабулига бордим. У киши жуда ёқимтой аёл экан. Оддийгина. Гапларимни эшитди. Кейин, бориб, ойимнинг қабридан хабар олишни буюрди. Шурик билан бордик.(Кўзлари ёшга тўлади) А там нет её могилы, она -провалилась!

Сабохон: (Танянинг елкаларини силаб) қўй, йиғлама! Муҳими, қабрлари чўкканидан сизларни хабардор қилибдилар-ку! Мана, Худога шукур, қабрларини топиб, таъмирлаб, тош қўйдинглар!

Таня:(кўз ёшларини артиб) Ҳа, шундан кейин бир марта туш кўрдим-кенг , ёруғ квартираларида хурсанд юрибдилар. Диля опага раҳмат!

Раъно: (юраги ҳапқириб кетади) Сабохон, мен тезроқ ўша кишини кўришим керак! Тагин сафарга кетиб қолмасинлар!

Сабохон: Бўлмаса, гап бундоқ! Эртага менинг, (Таняга қараб) сенинг ҳам дам олиш кунимиз! (Раънога юзланади) Сен эрталаб меникига келасан! Таняни олиб, биргаликда борамиз!

Таня: Лекин, у кишига звонить қилиб, учрашув вақтини тайинлашимиз керак!

Улар бир қарорга келиб, тарқалишадилар.

2 ЭПИЗОД

Бир хонадон. Кўзларининг атрофи кўкимтир тус олган аёл ўлим тўшагида ётибди. Ёнида бири 15, иккинчиси 10 ёшлар чамасидаги икки қиз йиғлаб ўтирибди. Сал нарироқда бир момо тасбех ўгириб ўтирибдилар.

Аёл: Зеварой.. . Опангни.. гапидан.. чикма.. Сен, Севара.. Бувингдан хабардор бўл.. қизим.. қари бувинг ва синглингни .. сенга, сени Худога топширдим.. .

Қизлар: (Бараварига чувиллаб йиғлашади) Ойижон, бизларни ташлаб кетманг!

Буви тинмай калима қайтариб, қизига пуфлаб ўтиради. Аёл жон беради

Қизлар фарёд чекиб қолишади.

Орадан бир ой ўтади. Зеварой билан опаси бир хонада ётишибди. Зеварой уйқусида гўлдираб, нималардир дейди. Бесаранжом бўлиб, у ёқдан бу ёққа ағанайди . Опаси бошини кўтариб, уни кузатиб ўтиради.

Зеварой: (уйқу аралаш) Ойижон, ойижон, кўлингизни беринг! (уйғониб кетади)

Севара: (дарҳол унинг ёнига бориб, кучоклайди) Ҳа, жоним? Нима бўлди? Кўрқиб кетдингми? Кел , ўзимга! Менга айт-чи, ойимни туш кўрдингми?

Зеварой : (ҳиқиллаб) Ҳа. Ойимни кўрдим. Мен жуда ҳам қоронғу жойда эдим...Ойижоним келиб: «кел,келақол жоним, қўлингни менга бер.. Бу ердан ўтиб олсанг, бу ёғи ёруғ, кўркма, қизим, ўзим ёрдам бераман!» дедилар . Мен кўрқиб йиғладим.. Шунда ойижоним: « кўркма, жоним, кўрксанг, дугонангни ҳам олиб кел!» дедилар..(у ҳиқиллаб йиғлаб, опасининг пинжиги тикилади.)

Бундай воқеа тез-тез такрорлана бошлайди. Севара бу ҳақда дугонасига айтади ва улар ҳам Дили Намозовна билан учрашишга келишиб оладилар. Мана, бу кеча ҳам шу нарса такрорланди. Севара ойисининг каттакон сурати осилган хонага киради.

Севара: (ойисининг суратига қараб, зор-зор йиғлайди) Ойижон! Нега безовтасиз? Нега синглимни тинч қўймайсиз? Ахир, синглим ҳали жуда ёш-ку! Ҳали яшагани ҳам йўқ-ку! Уни менга топшириб кетгандингиз-ку! Биламан, уни жуда яхши кўрар эдингиз! Лекин, у - яшаши керак! Илтимос қиламан, уни тинч қўйинг! Наҳотки, унга ичингиз ачимаса? Ойижон, уни чакираверманг.. Мени ёлғиз қолдирманг, ойижон! (қиз йиғлаб-йиғлаб , кўнглини бўшатиб, ҳовлига чиқади).

Дугонаси келиб, уни Дили Намозовна ҳузурига чорлайди. Қиз бувисига синглисини ҳеч қаёққа юбормасликни тайинлаб, психолог ҳузурига шошилади.

3 ЭПИЗОД

Бир хонадон. Бир эру-хотин ухлаб ётишибди. Шу пайт ғойибдан овоз келади: « менинг туғилганимга 40 йил, 7 ой ва 29 кун бўлди! Мен –бахтлиман!» Эр-хотин иккаларини ҳам чўчиб уйғониб кетишади.

Эр: Эшитдингми?

Хотин: (бош силкиб) Эшитдим! Лекин бу нима каромат?

Эр: Босинқирадик, шекилли! Ёт! Уйқумни қочирма!

Улар яна ётиб ухлашади. Икки соатлардан кейин, яна ўша ҳол такрорланади. Улар яна чўчиб уйғонишади.

Хотин: Яна босинқирадикми? Нима, биз битта одамми? Босинқирасак, биттамиз босинқирардик! Йўқ, бу ерда бошқа гап бўлиши керак! (ўрнидан туриб кетади.)

Эртасига эрталаб, Дили Намозовна билан учрашув вақтини тайинлайди.

4 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг қабулхонаси. қабулхона жуда шинам безатилган. Ҳар жой-ҳар жойда гулдасталар қўйилган. Дили Намозовна хонаси эшигига « ПСИХОЛОГ, ТУШЛАРНИ ТАДҚИҚОТ ЭТИШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ АЪЗОСИ» деб ёзиб қўйилган. Раънохон, Сабохон ва Таня бир томонда ўтиришибди. Четдаги компьютерда психолог ёрдамчиси бўлмиш дўмбоққина қиз ишлаяпти. Эшик очилиб, Севара ва дугонаси кириб келишади. Ҳалиги қиз уларни мулойим жилмайиб қарши олади ва ўтиришга таклиф этади. Улар ўтириб улгурмасларидан, эри билан бир хил туш кўрган аёл кириб келади. Унга ҳам ўтириб туриш таклиф этилади. Шу пайт эшик очилиб, бир аёл чиқиб кетади. Дили Намозовна уни лабларида табассум билан кузатиб қўяди. Қабулхонадагиларга кўз ташлаб, улар билан саломлашиб, ичкарига киради. Раънохон ва дугоналари ичкарига таклиф этиладилар.

Улар кабинетга кириб, ажойиботлар оламига тушиб қолгандек бўладилар. Бир девор тўлалигича аквариум, унда сони- мингта балиқ сузиб юрибди. Деворларда кишига роҳат бахш этадиган суратлар. Яна аллақандай мосламалар..

Дили Намозовна Раънохоннинг гапларини диққат билан эшитади.

Психолог: Айтинг-чи, синглингиз ким билан яшар эди?

Раънохон: Ойимни бериб қўйганимиздан кейин, синглим ва дадамга қарасин, деб, дадамни уйлантириб қўйган эдик. (Келинчакнинг кўзларидан шашқатор ёш оқади) Сингилчам ўғай онамга анча ўрганиб қолувди..

Психолог: (стаканда сув узатади) Тинчланинг ва сувни ичиб олинг! Энди менинг кўзларимга тикилиб қаранг : бир, икки, уч.. Хўш,тинчланиб олдикми? Энди мени диққат билан тингланг:

тушингизнинг маъноси шундаки, сингилчангиз ўлдирилган ва ўша бир туп атиргул тагига қўмилган. Ҳозир ўша атиргул қуриб қолган бўлиши керак!

Раънохон: (ажабланиб) Ростдан ҳам қуриб қолган..(бирдан йиғлаб юборади) Нахотки, сингилчам ўлган бўлса?! Угинанинг ўлими кимга керак бўлиб қолди?

Психолог: Тинчланинг! Бунисини мен билмайман, Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ида бир ҳикоят бор эди: Хуросон подшоҳларидан бири тушида Султон Маҳмуд Сабуктагинни кўради, унинг бутун вужуди чириб, тупроққа айланиб кетган эди, лекин фақат кўзларигина худди тирик вақтидаги сингари ҳали ҳам кўз косасида айланар ва атрофга боқар эди. Бу тушнинг таъбирини уламолар тополмадилар. Бир дарвешгина бу тушнинг маъносига тушунди ва шундай деди: “Кўрмоқдаки, ўзгалар бўлмиш унинг мулкига ҳукмрон, шу боисдан у беқарордир ҳамон”. Қиссадан хисса шуки, инсонлар қиладиган кўпгина жиноятлар – кўз очлиги, бойликка хирс қўйиш натижасида бўлади. Мен тушингиз таъбирини айттим, холос! Бориб, яқинларингиз билан маслаҳатлашиб кўринглар. Гулнинг тагини қазиб кўринглар! (Меҳрибонлик билан Раънохоннинг кўллари синилайди) Мен айтган таъбир хато бўлиб чиқса- хурсанд бўлардим..

Қизлар чиқиб кетишади. Дили Намозовна хомуш тортади. Хонага Севара ва дугонаси кирганини кўриб, ўзини қўлга олади ва жилмаяди:

- Хўш, қизлар, эшитаман...

Севара бўлган воқеаларни айтиб беради. Дили Намозовна чуқур ўйга толади.

Д.Н.: Айтинг-чи, синглим, бола бу тушларни фақат кечаси кўрадимми ёки, бошқа вақтларда ҳам бу нарса такрорланадими?

С.: Кундузи ухласа ҳам, шу тушни кўриб, йиғлаб уйғонади..

Д.Н.: Ҳимм..(Саъдийдан ўқийди): Агар иш кўрсатмаса, бекордир фазлу-хунар, уд оловга тушмаса, уйни қилмас муаттар... Синглингизни жуда эҳтиёт қилинг! Ёнингиздан бир қадам ҳам жилмасин. Мактабда ҳам, ўқитувчисига тайинланг, кўздан қочирмасин! Бир йил ўта эҳтиёт қилишингиз керак, кейин ўтиб кетади.Боринг, синглим, хайр!

Қизлар чиқиб кетишгач, ҳалиги хотин киради. Тушини айтиб беради . Дили Намозовна қувониб, жилмаяди:

-“Ризқ агар ҳар кимга келур, бегумон, ақл дер: «Қидиргил уни сен ўзинг». Боринг, опагинам, бахт қуши бошингизга қўнибди! Шу рақамларга эга бўлган лоторея сотиб олинг! Албатта ютасиз!

Ҳалиги аёл хурсанд бўлиб, чиқиб кетади.

5 ЭПИЗОД

Раънохон психолог ҳузуридан чиқиб, тўғри акаси ёнига боради. Эшитганларини айтиб беради. Акаси чуқур ўйга толади:

- Сенга айтмоқчи эмасдиму... Энди айтмасам бўлмайди. Мен ҳам тушимда уни тез-тез онам билан қўл ушлашиб юрганини кўрардим. Синглим қаёққа кетган бўлиши мумкин?! Дугоналари айтишича, ўша куни мактабдан чиқиб уйга бораётганида қандайдир аёл киши уни чақирган. Уни чақирган аёл ким бўлиши мумкин? Нега Дилноза унга эргашиб кетаверган? Бир дугонаси айтишича, Дилноза ўша куни «ойим менга янги қўйлак олиб берадилар», деб мактанган экан! Худо мени кечирсину, бу машъум воқеада ўғай онамизнинг қўли борлигига тобора ишончим ортаяпти! Тур, кетдик! Ҳозироқ дадамникига борамиз!

Опа-сингил етаклашиб, дадаларининг ҳовлиларига кириб боришади. Қувноқ юрган ўғай она уларни кулиб қарши олади. Дадаси ухлаб ётган бўладилар. Болалар у кишини уйғотмай, белкурак олиб, ҳовлидаги гул томон юрадилар. Бунни кўрган ўғай онанинг авзойи бузилади. Ака-сингил бир-бирларига қараб олишади. Белкуракни гул тагига солишлари билан, у тақ этиб, бир нарсага тегади. Ака ранглари ўчиб, авайлаб қазий бошлайди. Чуқурдан авайлаб,сингилчасининг бош суягини чиқариб олади-ю, яраланган шердек уни бағрига босиб, ўкириб йиғлаб юборади. Синглиси бу манзарани кўриб, ҳушидан кетади-ю, гурсиллаб йиқилади. Шовқиндан ота ҳам уйғониб кетиб, югуриб ҳовлига чиқади. Ўғай она тугунчасини олиб, секин сирғалиб уйдан чиқиб кетади..

Маълум бўлишича, ўгай она уй-жойга эга бўлиш учун бу одамга теккан. Унинг ошиғи бўлган. Иккалалари қизчани ўлдириб, ота йўқлигида ҳовли юзига кўмишган. кўлларига кишан солинган ўгай онадан: «қизчани нега ўлдирдингиз?» деб сўрашганида, «ҳадеб дадаси атрофида парвона бўлаверади, чолнинг юраги касал–унга дори бераверади. Ҳолбуки, ундан кутулиш учун ҳеч нарса қилишим керак ҳам эмас эди, дорисини вақтида бермасам-бас! У эса, дорини вақтида бериб, яна мени ҳам назорат қилиб турарди» дейди. Бундай ваҳшийликдан ҳамма даҳшатга тушади..

6 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг ёнидан кўнглида хавотир билан қайтган Севара, уйга кира солиб, синглисини қидира бошлайди. Бувисидан сўраса, «болам роса зериккан эди, дугоналари келиб, чўмилгани олиб кетишди», дейди. Севара жонҳолатда укаси қайси кўлга борганини суриштиради-ю, вақтни бой бермай, ўша ёққа чопади. У етиб келганида Зеварой уч дугонаси билан қайикда сайр қилиб юрарди. Севара шоша-пиша қутқарувчилар томонга югуради. Уларни қизчалар қайиғи ортидан боришга кўндиради. Қутқарувчилар сувга чиқар-чикмас, қайиқ ағдарилади. Қайикнинг учи Зеварой ва Манзура дугонасига урилиб, улар хушларидан кетишади. қутқарувчилар вақтида етиб келиб, уларни сувдан чиқариб олишади. Узоқ уринишлардан кейингина, врачлар қизчаларни қутқаришга муваффақ бўлишади...

7 ЭПИЗОД

Дили Намозовна айтганини қилиб, спортлото чиптасига керакли рақамларни киритган хотин , эрига индамай, жавоб келишини кутади.

Телевизор орқали унинг рақамлари 7 миллион сўм ютуққа эга бўлганини кўради-ю, кувонганидан ҳушидан кетиб қолади..

Дили Намозовнанинг кабинети. У икки хонага тўрт аёл ва тўрт эркакни алоҳида жойлаштирган. Уларнинг бошларига махсус мосламалар кийдирилган. Улар ухлашапти.

Биринчи хона. Аёллар хонаси. Улар тушларида мушукчалар, жажжи қуёнчалар, кучукчалар ва ҳоказо кичик ҳайвонларни кўришапти.

Иккинчи хона. Эркаклар хонаси. Улар эса, тушларида йўлбарслар, шерлар, бўрилар, айиқлар, ҳатто, динозаврларни ҳам кўришапти. Уларнинг тушларига , асосан, йирик ҳайвонлар кирар экан.

Уларнинг тушларини тадқиқот қилиб турган Дили Намозовна, ўз дафтарига олинган натижаларни қайд этиб қўяди..

1 ҚИСМ ТУГАДИ.

2 ҚИСМ

1 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг кабинети. Унинг кўзларида ҳорғинлик акс этиб турибди. Дили Намозовна креслосига ўтиради. Сокин мусиқа оҳанглирини бир дам тинглаб ўтиради. Бошига икки кўлини тираганича, унинг тушлар билан шуғулланишига сабаб бўлган ёшлигидаги воқеаларни эслаб кетади:

Дили ўшанда 6-7 ёшларда эди. Уларнинг шаҳар марказидаги квартиралари. Уйлари биринчи қаватда жойлашган. Дилининг 6 ойлик укаси оғир касал. У – туғма юрак

пороги билан туғилган. Уни даволаш учун қилинган барча ҳаракатлар бесамаралиги аниқ бўлиб қолган. Бугун эрталаб дадаси ойиси билан укачасини яна бошқа касалхонага олиб кетди. Дили дугоналари билан ўйнаб ўтирса ҳам, кичкина юраги ғаш, хаёли яна ўшаларга кетиб қолаверади. Мана, бувиси чақираяпти, тушлик қилиб олиши керак. У битта-битта юриб, уйга киради. Бувисининг йиғидан кўзлари қизарган. Бувиси йиғлаганини ундан яширишга ҳаракат қилади. Улар жимгина ўтириб овқатланишади. Кўп ўтмай, ҳорғин дадаси кириб келади. Бувиси индамай, унинг олдига овқат қўяди. Дадаси наридан-бери овқатланади-ю, чиқиб кетади.

Кечаси. Дили ўз тўшагида кўзларини катта-катта очганича ётибди. Нохуш хаёллар оғушида кўзи илинганини сезмай қолади. Туш кўра бошлайди: хайҳотдек дала. Оппоқ қор бир текисда тўшалган, битта ҳам из йўқ. Даланинг қоқ ўртасида бир туп дарахт. Дарахтнинг ҳамма шохлари яланғоч, битта шохчаси гуллаган. Бир эркак қорда чуқур излар қолдириб кела бошлайди. Дили унинг юзини кўрмайди, фақат орқа томонидан унинг қалин сочларини илғайди. Ўша эркак юриб келиб, гуллаган шохчани шартта узиб олади. Дили даҳшат ичида ўрнидан туриб кетади. Қараса, боши устида бувиси мулойим жилмайиб турибди:

- Қўрқиб кетдингми, болагинам? – дейди у.- Роса совқотиб кетибсан-а! Турақол энди, болажоним! Даданг ишга кетди. Бирор овқат қилайлик, ҳадемай даданг келиб, ойингларга оборади...

Дили эринибгина ўрнидан туради. У ҳамон кўрган туши таъсиридан қутулолмайди...

Бувиси овқатни бир идишга солиб, тоза сочикқа ўраб қўяди. Дилини чақириб, олдига овқат қўяди. Овқат устида кўрган туши яна Дилининг ёдига тушади ва бувисига гапириб беради. Бувиси хомушланиб қолади. Овқатига қўл ҳам теккизмай, хаёлга ботади. Кейин, нохуш хаёлларни бошидан ҳайдамоқчидек бўлиб, дастурхон шокиласини бармоқларига ўраб туриб, секин гапириб қўяди:

- Қишлоқда бир қари момо касал ётибдилар... Ўша кишини бериб қўямиз, шекилли-да...

Шу пайт эшик очилиб, дадаси қўлида оппоқ чойшабга ўралган кичкина жасадни кўтарганича кириб келади. Унинг ортидан, кўзлари қизариб шишиб кетган, сочлари паришон ойиси кириб келишади... Бувиси уввос тортиб йиғлаб юборади... Дили даҳшат ичида қотиб қолган, унинг кўз ўнгидан тушида нотаниш эркак шартта узиб олган гуллаган шохча тасвири шиддат билан ўтади...

Яна бир воқеа унинг тушлар билан шуғулланишига сабаб бўлган эди. Ўшанда у ёш, эндигина турмуш қурган келинчак эди. Қизчаси икки яшар эди. Бир куни тушида аллақандай қўрқинчли махлуқнинг тоғ йўлида эрини машинаси билан ютиб юборганини кўриб, чўчиб уйғонди. Ёнида ётган эрини уйғотиб, унга кўрган тушини айтиб берди. Эри хизмат сафари билан тоғлик жойга бориши керак эди. Кўрган тушидан хулоса қилиб, эрига юраги ғашлигини, шу сафарга бормаслигини илтимос қилди. Эри ваъда бериб қўйганини айтиб, бориши зарурлигини унга тушунтирмоқчи бўлди. Ҳамон қовоқ солиб ўтирган хотинининг ёноғидан чимчилаб, ҳазиллашиб, кулиб чиқиб кетди. Ўша кетганича қайтиб келмади. Тоғ йўлида улар автомобиль ҳалокатига учраб, жарликка кулаб кетишган. Машина портлаб кетиб, ўлигини ҳам топишолмади. Шу-шу, Дили Намозовна тушларга ишонадиган бўлди. Уларни чуқурроқ ўрганишга киришди. Бошқа оила қурмади. Бор меҳрини қизалоғига берди....

2 ЭПИЗОД

Дили Намозовна чуқур “уф-фф” тортиб, ўрнидан туради. Шу пайт қабулхонасидан қандайдир шовқин ва котибасининг “ҳозир қабул қилолмайдилар” деган товуши эшитилади. У секин-секин юриб, эшигини очиб, қарайди: бир йигит унинг кабинети томон юришга интилаяпти, котибаси унга тўсқинлик қилаяпти. Дили Намозовна котибасига юзланади:

- Санобархон, қўйиб юборинг, майли кирсинлар! Келинг, марҳамат!

Йигит жаҳл билан котибага бир қараб олгач, ичкарига киради. Дили Намозовна мулойимлик билан унга ўтиришни таклиф этади. Майин, мовий нур таратиб турган пинам хона, сокин мусиқа йигитга таъсир қилиб, у бир оз тинчланади ва опа таклиф этган креслога ўтиради. Опа ширин бир табассум билан унга тикилади:

- Ҳўш, эшитаман сизни, иним! Бизга нима хизмат?

Ҳиссиётларини жиловлаб олган йигит опанинг чиройли кўзларига қарайди:

- Мени кечиринг, беодоблик қилиб қўйдим... Асабларим роса ишдан чиққанга ўхшайди...

- Исмингиз...

- Аброрман... Ўзимни таништирмаганим учун узр сўрайман...

- Зарари йўқ, хижолат бўлманг... Келинг, суҳбатлашиб ўтирамиз! Қани менга ҳаммасини айтиб беринг-чи!

Йигит бошини кўтариб, опага қарайди. Унинг ўткир нигоҳига дош беролмай, бошини эгади. Қўлларини мақсадсиз бир-бирига ишқайди. Кейин бир қарорга келгандек қатъият билан гап бошлайди:

- Опа, бу тушлар мени қийнаб қўйди... Ҳар кеча шу тушнинг даҳшатидан уйғониб кетаман!(Унинг қўллари дир-дир титрайди.) Мен... мен... шу тушни кўришдан қўрқиб, ухлолмайдиган бўлиб қолдим...

Опа унинг гапларини бўлмай, ўзига қўйиб беради. Йигит ҳаяжон ичида давом этади:

- Ҳар кеча бир хил туш кўраман: узоқ, кенг, ойдин йўл, мен ундан юриб бораман. Атроф- қуюқ қоронғулик. Бирдан шу қоронғулик ичидан бир қора, пахмоқ қўл чиқиб, мени тортиб олади. Мен зулматга шўнғийман. Атрофимни ҳар хил қўрқинчли махлуқлар ўраб олади... Мен – ўртада... Ҳар хил тиржайган, ишшайган, сўйлоқ тишли махлуқлар эгри-бугри қўлларини мен томон чўзадилар ва менга яқинлашаверадилар... Доира борган сари тораяди... Мен бир амаллаб, ўртадан чиқиб қочаман, улар мени қувлашади... (Йигит қип-қизариб, титроқ қўлларини бир-бирига ишқайди. Опа уни жимгина тинглайди) . Мен яна қочавераман, улар етаман, етаман, деганида уйғониб кетаман... Бу туш ҳар кеча такрорланаверади... Қарийб бир ҳафтадан бери аҳвол - шу...

Йигит бошини кўтариб, изтироб тўла кўзларини опага тикади, жим бўлиб қолади. Опа стаканга сув қуйиб, йигитга узатади, анчагача индамай ўтиради. Кейин секин ўрнидан туради.

- Бунинг икки сабаби бўлиши мумкин,- дейди у, аквариумдаги балиқчаларга тикилиб туриб,- бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз... Ҳозир сиз менга ўзингиз тўғрингизда ҳамма гапларни айтиб берасиз, ҳеч нарсани яширмай... Келишдикми?(Йигит бошини

эгиб, бир оз жим қолади, кейин секин бошини силкиб қўяди) Жуда яхши! Қани, бошладик!

Опа секин-секин юриб келиб, ўрнига ўтиради ва йигитга тикилади. Йигит титроқ овозда гапира бошлайди:

- Менинг дадам - катта амалдор. Кимликларини айтиб ўтирмайман. Ўзим институтда ўқийман. Тагимда машинам бор, хуллас, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Яқинда бир қиз билан танишиб қолдим... Дискотекада... У мени дўстлари билан таништирди... Унинг “крутой” дўстлари кўп экан... Биттаси- Денис деган армани йигит...Анжела, ўша мен хуштор бўлиб қолган қизни айтаяпман, улар билан дўстлашсанг, айтганингни қиламан, деди...Мен рози бўлдим...Бир куни , кечкурун Анжела менга қўнғироқ қилиб, у билан дискотекага боришни сўради. Бордик. Бир оздан кейин, унинг дўстлари келишди. Дискотекадан чиқиб, битта барга бордик...Йўқ, мен буни сизга айтолмайман!(Йигит ўрнидан туриб кетади.Унинг қаттиқ ҳаяжонланаётгани кўриниб туради.) Кечирасиз...

- Аброржон ўғлим, сиз ҳаяжонланманг, тинчланинг. Ўйлаб кўринг: “Асали арзимас ниши заҳрига...”. Шу роҳатларингиз кейинги азобларингиз олдида қанчалар аҳамиятсиз, шундай эмасми?

Аброр индамай ўрнидан туради. У бошини солинтирганича, секин - секин чиқиб кета бошлайди. Дили Намозовна ҳам индамай, унга тикилиб ўтираверади. У, йигитнинг бошига бир фалокат тушганини сезиб турарди. Лекин, ҳамма гапни билмай, унга ёрдам қилолмайди...

Йигит чиқиб кетади. Дили Намозовнанинг юрагида нохуш бир тугун қолади...

3 ЭПИЗОД

Икки қўшни бир парча ер устида жанжаллашиб қолишди. Қўшнилاردан бири - Содиқнинг икки қизи, бир ўғли, хотини ва касал ётган онаси бор. Иккинчи қўшни – Абдулла бир қизи, уч ўғли, хотини ва қайинсинглиси билан бир ҳовлида яшайди. Абдулланинг қизи Дилфуза эндигина 11 ёшга кирди. Қизалоқ - жуда укувли, тиришқоқ, мактабда яхши ўқийди. Уларининг олд томонида жойлашган боғда диконглаб ўйнаб юришни яхши кўради.

Жанжал, айнан ана шу боғнинг чегарасида жойлашган бир парчагина ер устида бўлди. Содиқ билан Абдулла ёқаллашиб, бир-бирини роса ҳақоратлади. Шу пайтгача аҳил-иноқ яшаб келган икки оила ораси бузилди.

Улар анчагача гапиришмай қўйишган кунларнинг бирида Абдулланинг қизи боғда ўйнаб, сакраб-ирғишлаб юрган эди. Содиқнинг онаси анчадан бери ўрнидан туролмай қолган эди. Ўша куни уни кўтариб ҳовлига олиб чиқиб қўйишди. Дўхтирлардан фойда бўлмагач, эскичасига ўқитишаётган эди. Ҳар куни азайимхон кампир келиб, ўқиб, беморга дам солиб кетар эди. Мана , бугун ҳам, кампир беморни пуф-пуфлаб ўқий бошлади. Олов ёкиб, атрофида гир-гир айлана бошлади.Унинг лаблари нималарнидир пичирлар, оғзидан кўпик сочиб, жазавага тушганича ирғишлаб, оловни айланарди.

Боғда ўйнаб юрган Дилфузанинг кўзи унга тушди-ю, болаларча қизиқувчанлик билан кузата бошлади. Шу пайт кампирнинг ҳам кўзи унга тушди. Ёнаётган гулхандан битта шохчани олди-да, беморнинг боши устида айлантриб, “Ё ху!” деганича, Дилфузанинг оёқлари остига ирғитиб юборди. Қизча кўркқанидан додлаб, қоча бошлади. Унинг овозини эшитиб, уйдан онаси югуриб чиқди.

Онаси: Ҳай, ҳай, болажоним, сенга нима бўлди?! Дилижон, қизим, нимадан кўркқинг?!

Бола ўпкаси оғзига тикилганича югуриб келди-ю, онасига бир-икки қадам қолганида “шилқ”етиб, беҳуш йиқилди. Онаси “дод!” деб, боласининг бошини бағрига олди. Уйдан унинг синглиси ҳам югуриб чиқди. Ташқари эшикдан кираётган дадаси ҳам улар томон югурди.

Абдулла: Ҳой, сенларга нима бўлди?! Болани нима қилдиларинг?!!

Онаси : (боласининг юзларига енгил шапатилаб) Вой, болажоним, сенга нима бўлди, кўзингни оч! (синглисига бақиради) Югур, сув олиб кел!!!

Холаси югурганича, сув олиб келиб, жиянчасининг оқариб кетган юзига сепеди. Дадаси уни даст кўтариб, ховлидаги мажнунтол тагига қурилган сўрига ётқизиб қўяди-да, ҳамон хун бўлиб йиғлаётган хотинига бақиради:

- Йиғини бас қил! Бор, битта пиёзни иккига бўлиб олиб чиқ!

Боласининг ёнидан кетолмаётган опасига қараб, холаси яна ошхонага қараб югуради. Битта пиёзни иккига бўлиб олиб келиб, поччасининг қўлига тутқазади. Дадаси қизчанинг димоғига пиёзни олиб боради. Қизча- ҳамон ҳушсиз. Абдулла қизчасини кўтарганича, ташқарида турган юк машинаси томон югуради. Ярим йўлдан қайтиб, болани ўрнига ётқизиб қўяди-ю, ўзи машинасини миниб,тез ҳайдаб кетади...

4 ЭПИЗОД

Орадан икки кун ўтади.

Аброрлар (опанинг ёнига келиб кетган йигит) хонадони. Ҳашаматли, икки қаватли уй. Аброр юқорида, ўз хонасида ётибди. Хонаси пала-партиш. Полда ичидаги нарсалари сочилиб ётган рюкзак, қатор қўйилган стулларда Аброрнинг кийимлари осилиб ётибди. Аброр уйқусида безовталанади. У қўрқинчли тушини яна кўраётгани аниқ! Аброрни совуқ тер босган. Ёстиқлари жикқа ҳўл. У уйқусида кимдандир ҳимояланмоқчи бўлгандек, икки қўлини силтайди ва уйғониб кетади.

Аланг-жаланг бўлиб, атрофга қарайди. Кўрганлари туш эканлиги унга ниҳоят етиб боргач, ўрнидан туриб, ювиниш хонаси томон йўналади. Кимхоб халатлар кийиб, олтин тақинчоқларга ўралган ўтай онаси келиб, эшикни тақиллатади. Овоз эшитилмагач, эшикни қия очиб, секин мўралайди. Ичкаридаги бетартибликни кўриб, бош чайқаб қўяди-ю, пастга тушиб кетади.

Аброр обдон ювиниб, ўзини тартибга келтиради-да, яна Дили Намозовна ҳузурига шошилади...

5 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг қабулхонаси. Котиба нималарнидир компьютерга киритаяпти. Корейс миллатига мансуб бир аёл шошиб кириб келади. Котиба қиз чакқон ўрнидан туради:

Котиба: Здравствуйте, Козетта Викторовна! Как поживаете?

К.В. : Здравствуй, моя красавица! Диля у себя?

Котиба: Да, да, заходите!

Аёл унга миннатдор назар ташлаб, ичкарига йўналади. Эшикни астагина очиб, мўралайди: Диля Намозовна аквариумдаги балиқчаларга тикилганича, ўйчан ўтирибди. К.В.нинг кирганини ҳам сезмайди.

К.В. : (соф ўзбек тилида гапиради)Диля, жонгинам, нималарни ўйлаб ўтирибсан?(Д.Н.уни кўриб, жилмайганича ўрнидан туриб, истиқболига юради)

Д.Н. (жилмайиб, кучоқ очиб) : Викторовна, бормисиз? Как дела, дорогая?(Кучоқлашиб, ўпишиб кўришишади) Вы всё хорошеете! Садитесь сюда!(Д.Н. аёлни креслога ўтқизиб, унинг ёнига ўтиради. Котиба икки чашка қаҳва олиб киради) Раҳмат, қизим! Хўш, гапиринг-чи. Нималар қилиб юрибсиз? Соғлик, ишлар, болалар...

К.В.:(кофе хўплай туриб) Все хорошо! А у тебя?

Д.Н. : У меня то же. Я смотрю вы ко мне по делу? Слушаю Вас!

К.В.(кулиб): От тебя ничего не утаишь ! Да, я по делу. Менга бир қизалокни олиб келишди. Икки йилдан бери юрмапти. Юриш у ёқда турсин, ётган жойидан турмайди. Икки киши кўтариб келади. Шу пайтгача бормаган докторлари, қаратмаган табиблари қолмапти. Илон билан даволовчи бор экан-ку, сен биларсан (Д.Н. бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилади), ўшанга ҳам

оборишибди, фойда қилмабди. Менга олиб кела бошлашгач, қўйган игналарим таъсирида, у ўрнидан туриб ўтирадиган бўлди. Лекин, ундан нарига ўтолмаяпман. Иглолечение ёрдам бермаяпти. Кеча менга шу қизалоқ бир гап айтиб қолди. “Тушимда, қўшимиз Наима хола менга бир тугунга боғланган тилла тақинчоқлар бердилар. Очиб қарасам, ҳаммаси оёққа тақиладиганмиш”, деди.

Д.Н.: Нимадан кейин шунақа бўлган, ўзи?

К.В.: Икки қўшни бир парча ер устида жанжаллашган. Буларнинг қўшнисининг онаси оғир касал ётган, Шуниси қизиққи, Дильфуза ётиб қолган кунидан бошлаб, у хотин оёққа турган. Мен кўрдим, ҳозир бемалол юради. Улар нимадир қилишганки, бу қиз оёқдан қолган, деб ҳисоблайман. Сен нима дейсан?

Д.Н.: (ўйчанлик билан) Билмадим... Уни кўрмасдан ҳеч нарса деёлмайман...

К.В.: (кувониб) Мен ҳам шунинг учун келдим-да! Эртага эрталаб уни менга сеансга олиб келишади. Бир у билан гаплашиб кўргин-а!

Д.Н.: Бўпти! У қизни олиб келишлари билан менга кўнғироқ қиласиз!

6 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг уйи. 4 хонали квартира. Хоналар дид билан безатилган, аммо, ортиқча ҳашам йўқ. Опа ошхонада чой ичиб ўтирибди. Қизи Нигина бир тарелка писта келтириб, ойиси ёнига қўяди.

- Ойижон, бунча хомушсиз, ҳамон ўша йигитни ўйлаяпсизми?- дейди меҳрибонлик билан.

- Сира хаёлимдан чиқмаяпти... Бошига бир фалокат тушгани аниқ... Шайх Саъдий айтганларидек:

Чу кўрдинг кўр киши йўлинда чоҳдир,

Индамай ўтирсанг, катта гуноҳдир.

- Қўйсангиз-чи, ойижон! Бу ишингиз сизни ваҳимачи қилиб қўйибди! Шайх Саъдийни бунчалар яхши кўрасиз-а!

- Шундай буюк истеъдод эгасини яхши кўрмай бўладими? У кишини машҳур немис шоири Гёте ҳам, француз файласуфи Вольтер ҳам тан олишган:

Сийласанг ўтганлар азиз номини,

Сенинг номингга ҳам ҳурмат етади.

Ҳалол меҳнатинг билан кун кечирсанг, ҳеч кимга зор бўлмайсан. Эсингдами у киши нима деганлар:

Ўз меҳнатидан нон еган киши,

Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Қарагин-а, қандай сатрлар...

-Қўйинг шу ишингизни, Америкага боринг, ана у олима аёл бору, Соня, ўшанинг олдига боринг! Неча бор таклиф қилди, бечора! У билан соҳангиз ҳам бир!

- Тўғри айтасан, она қизим, бир ҳаво алмаштириб келмасам бўлмайди, шекилли. Келаси ойда симпозиум ҳам бор. Соня билан бирга борардик...

- Ҳа, ана! – кулиб чапак чалади қизи, - Энди ўзингизга келдингиз!

Опа ўйчан бир тарзда ишга отланади.

7- ЭПИЗОД

Опанинг кабинети. Опа – ўз ўрнида, Аброр – рўпарасида ўтиришибди.

Аброр: - Опа, мени кечиринг! Сизга кўнглимни охиригача очмай кетиб қолдим...

Опа : - Сўз демасанг, сенда кимнинг гапи бор, дедингми дадил айт, исботла такрор. Бу гапларни улуг Шайх Саъдий айтганлар....

Аброр: - Мен ўзимни-ўзим жазоладим...

Опа: - Ўғлим...(йигит ёш тўла кўзларини унга тикади) Сиз- менинг ўғлим қатори, фарзандимдексиз... Бошингизга кулфат тушганини билиб турибман. Менга дардингизни айтинг!

Аброр (ҳаяжон билан): - Сиз мени-“ўғлим “ дедингиз... Менинг онам ўлган. Дадам бошқа аёлга уйлانган. Лекин, у аёлга дадамнинг мансаби, бойлиги керак! У- дадамни севмайди! Мени ҳам ёмон кўради. Аслида, ўшани кўрмаслик учун, кечалари уйдан чиқиб кетаман!(Аброрнинг кўз ёшлари тиззасидаги кафтларига томади. Опа , майли кўнглини бўшатиб олсин деб, индамайди) Сиз мени “ўғлим!” дедингиз, у – бирор марта ҳам айтмаган...

Опа : Тинчланинг. Келинг, Анжела билан учрашган ўша кунингизга қайтамиз...

Аброр (шоша-пиша кафтлари билан кўз ёшларини артиб): Ҳа-ҳа! Ўзим ҳам шуни айтмоқчийдим! Ўша кунни биз барда ўтирдик...Роса ичдик...Чекдик...Мен ҳеч қачон наша чекмаган эдим, ўша ерда учиб қолибман. Кўзимни очсам, ёнимда Анжела яланғоч ётибди. Қандайдир кичкина ҳужрада ётибмиз...

Опа: Тўхтанг! Сизнинг кийимларингиз ечилмаган эдими?

Аброр(эслашга уриниб): А? Мана энди эслаяпман... Менинг кийимларим ечилмаган эди... (Кўлларини мушт тугади) Вой, ифлосларей!

Опа(уни тўхтатиб):- Хўш, кейин нима бўлди?

Аброр: Мен Анжеллага ҳайрон бўлиб қарадим. У бўлса, хафа бўлиб юзини ўгириб олди... Кейин, ёш тўла кўзларини менга тикиб, уни кечаси зўрлаганимни айтди. Қизарган, кўкарган жойларини кўрсатди... Мен- қотиб қолдим... Шу пайт хона эшиги очилиб, Денис ва дўстлари кириб келишди. Улар қилиб қўйган ишим учун товон тўлашим лозимлигини, акс ҳолда, мени милицияга топширворишларини айтишди... Кейин, мени ташқарига олиб чиқишди. Яна барга кириб ўтирдик. Денис менга, ҳозир бориб, бир туман марказидаги ошхонадан, улар берадиган юкни шу ерга олиб келишимни, қолган гапни кейин гаплашишимизни айтди. Мен ночор рози бўлдим... Кечаги “базми-жамшид”дан кейин бошим тарс ёрилай, деб турганди, шунинг учун Денис берган “сигарета”ни ҳузур қилиб чекдим. Хуморим ёзилиб, баданимга иссиқ қон югурди. Бошим ҳам енгиллашди. Рухим тетиклашганини кўрган Денис мамнун жилмайиб, борар манзилимни тушунтирди. Юкни машина юкхонасига эмас, орқа ўриндиқ тагига жойлашим кераклигини тайинлади. Карахтлигимдан, бу қанақа юк, нега уни яширинча олиб келишим керак, деб ҳам ўйламабман...

Машина эшигини очаётганимда Анжела ичкаридан хурсанд кайфиятда чиқди. Келиб, менинг юзимдан ўпиб қўйди-ю, “тезроқ қайт, жоним, кеча зўр бўлганди, бу кеча давом эттираминиз”, деди. Мен илжайдим. Тўғриси, “допинг”дан сўнг, руҳим енгил, нукул кулавергим келарди...

Опа: Анжела – рус қизимиди?

Аброр: Билмадим... Рус бўлмаса керак... Лўли қизларга ўхшаб кетармиди-ей, ёки украиналикми...

Опа: Давом этинг!

Аброр: Хуллас, бориб, юкларни олиб келдим. Беш кундан бери – ишим шу- борама, юкларни олиб келаман, буёғи билан ишим йўқ...

Опа: “Допинг”- чи? Ҳалиям чекиб турибсизми?

Аброр (гуноҳқорона бошини эгиб): Кечқурун ҳаммамиз бирга ўтирамыз, чекамыз... Уйга, фақат бир оз ухлаб олгани ва кийимларимни алмаштиргани бораман... Кечаси анчагача Анжела билан қоламан...

Опа: У билан жинсий алоқада бўлганингизни аниқ эслай оласизми?

Аброр (ўнғайсизланиб): Биринчи кеча эсимда йўқ, лекин, кейинги кечалар...

Опа: Айтинг-чи, у сизда бунақа ишларга устаси фарангдек кўринмадими?

Аброр (эслашга уриниб, бир дам жим қолади. Кейин жонланиб): Сиз – ҳақсиз...Аблаҳлар! (Пешанасига муштлаб:) Шунчалар ҳам кўр бўламанми!

Опа: Аброржон, Энди ҳаммасини тушунгандирсиз? Тушингиз сизга нималардан дарак берганини тушундингизми? Ойдин йўл- бориш лозим бўлган йўлингиз, қоронғулик эса, ҳозирги ҳолатингиз... Кўрқинчли махлуқлар- янги “дўстларингиз” ! Сиз бир қарорга келишингиз керак! Бу йўлдан чиқиш – жудаям қийин бўлади, аммо, сиз ҳали ашаддий гиёҳванд бўлиб улгурганингиз йўқ! Эҳтиётлик билан бу йўлдан чиқиб кетишингиз керак!

Аброр: Опа, сиз уларни билмайсиз... Улар осонликча тайёр ўлжани қўйиб юборишмайди. Бу йўлдан, фақат ўлим қутқариши мумкин!

Дили Намозовна : Бу фикрни миянгиздан бутунлай чиқариб ташланг! Кўрқоқлар гапини қилманг! “Қийин кунга қолган чоғда, руҳинг бўлмасин тушкун, душманларнинг терисидан дўстингга бичил пўстун,” деганлар Шайх Саъдий. Ахир, сиз- йигитсиз! Йигит бўлганда ҳам, тоғни толқон қилгудек кучга эга, арслондек йигитсиз! Биргаликда, ўйлашиб, бир чорасини топармиз.Сизга ёрдам беришга ҳаракат қилиб кўраман.(Опа телефон рақамларини тера бошлайди) Алло! Хуршиджон! Яхшимисиз? Раҳмат, раҳмат! Ҳаммалари яхши юришибди. Хуршиджон, менинг кабинетимга бир келиб кета олмайсизми? Албатта, агар бемалол бўлса! Яхши, яхши! Тушлиқдан сўнг, соат иккида сизни кутаман! Кўришгунча!(Аброрга қараб): Хуршиджон –менинг биринчи мижозларимдан, хавфсизлик хизмати майори. Унга ҳам вақтида бир ёрдамим теккан эди. Аброржон, бу йигит сизга ёрдам беради. Ҳаммаси яхши бўлади, сиқилаверманг!

Аброр(кўзларига ёш олиб): Яхшиликларингиз мендан қайтмаса...

Опа: Бўлди, бўлди! Бўлмаса, мен ҳам йиғлавораман-а! Бўпти, соат иккида, шу ерда сизни кутаман!

Аброр: Кўришгунча!(Чиқиб кетади).

Дили Намозовна хаёлар гирдобиди анча ўтиради. Сўнг, телефон рақамларини тера бошлайди:

- Алло! Соня! Это-вы? Да, да, Это-я! Ну, рассказывайте, как там у вас, как идут дела? К симпозиуму готовитесь? Как хорошо! Да, у меня материалы готовы! Скоро увидемся! Да-да, скоро приеду! Пока! (Опа лабларида табассум билан гўшакни қўяди).

8- ЭПИЗОД

Козетта Викторовнанинг муолажа хонаси. Икки эркак Дилфузани кўтариб келиб, кушеткага ётқизишади. К.В. дарҳол Д.Н.га қўнғироқ қилади. Кейин, ўз муолажаларини бошлайди. Қизчанинг оёқларидаги бармоқларини спирт билан артиб, маълум нукталарга игна қўйиб чиқади. Эркаклар чиқиб кетишади.Онаси ва холаси қизча билан қолишади. Шу пайт хонага Дили Намозовна кириб келади. Ҳаммалари билан саломлашиб чиқади. Козетта Викторовна қизчанинг онасига Дили Намозовнани таништиради. Қизчанинг онаси Д.Н.га чексиз ишонч билан қарайди. Дили Намозовна ҳаммалари хонадан чиқиб кетишлари кераклигини айтади. Д.Н. қизчанинг ёнига ўтириб, у билан суҳбатлаша бошлайди.

Д.Н.(жилмайиб, қизнинг қўлини ушлаб, кўзларига тикилади): Салом қизим! Мен – Дили опанг бўламан, сен билан юра-ак-кдан суҳбатлашмоқчиман! Хўш, мен билан суҳбатлашасанми?(қизча тасдиқ маъносида бош ирғайди)Исминг нима?

Қизча: Дилфуза...

Д.Н.: Ий-йе, Дилижон, деярли адаш эканмиз! Қандоқ яхши-я! Хўш, менга айт-чи, бу касалинг нимадан бошланди?

Дилфуза боғдаги воқеани айтиб беради...

Суҳбат деярли бир соат давом этади. Шундан сўнг, Д.Н. эшикни очиб, ташқаридагиларга ичкарига киришга рухсат беради. Қизчанинг онаси дарҳол боласининг кўзларига тикилади. Унинг кўзлари шўх чакнаб турганини кўриб, чуқур хаяжонда, миннатдорлик билан Дили Намозовнага юзланади.

Қизчанинг онаси: Икки йилдан бери биринчи марта қизимнинг кўзлари қувноқ чарақлаб турганини кўришим! Катя опа айтганларида ишонмаган эдим, сиз ҳақиқатдан ҳам ажойиб мутахассис экансиз! Ҳар бир ишни ўз устаси қилсин экан. Икки йилдан бери қизимнинг кўзларидаги маъюслик, бефарқ ифода мени умидсизлантириб қўйган эди! Раҳмат Сизга!!!

Дили Намозовна унинг тўлиб – тошиб, тўлқинланиб гапиришини кўриб, мамнун жилмаяди-да, қизчанинг қўлларидан ушлайди:

- Нималар деяпсиз, ойижониси, қанақа умидсизлик?! Дилижон ҳали юриб эмас, чопқиллаб кетади, шундайми, қизим? Кучга тўлиб кетаётганингни сезаяпсанми қизим?

Қизча жилмайиб бош ирғайди.

Д.Н. : Мен айтган машқларни бажаргин-а, хўпми?(қизча яна бош ирғайди.) Индинга яна келаман, суҳбатимизни давом эттирамиз, хўпми? Хайр бўлмаса, соғ бўлинглар, кўришгунча! Викторовна, увидимся!

К.В: До свидания! Спасибо тебе! (Д.Н. чиқиб кетади)

Ўша куни, игна муолажаларидан кейин, Дилфуза бировнинг ёрдамисиз ташқарида турган машиналаригача юриб боради.

9 - ЭПИЗОД

Дили Намозовна ёрдамчиси билан ўз лабораториясида илмий изланишлар олиб бораёпти.

4 эркак бир томонда, 4 аёл хонанинг иккинчи томонида ухлаб ётишибди. Ҳар бир синалувчининг боши, бўйни, чаккалари ва кулоклари ёнига қанақадир пластинкалар қўйилиб, уларнинг бош томонларида турган ясси компьютерларга уланган ва бу мосламалар орқали компьютер мониторинги улар кўраётган тушларни қанақадир мавҳум шакллар, чизиқлар орқали тасвирлаёпти. Дили Намозовнанинг тадқиқотлари натижасида **эркаклар** кўпроқ ташқари, ишхона билан боғлиқ тушлар, **аёллар** эса, кўпроқ рўзғор, бола-чақа,уй билан боғлиқ тушлар кўришлари аниқланади...

Дили Намозовна тадқиқотлари натижаларини қайд этар экан, эшик очилиб, котиба киради ва паст овозда Д.Н.га нималардир дейди. Дили Намозовна ёрдамчисига тажрибаларни қайд этишда давом этишига ишора қилиб, хонадан секингина чиқиб кетади. Бориб телефон гўшагини кўтаради.

Д.Н.: Лаббай, эшитаман!

К.В.(тўлқинланиб) : Дилечка, дорогая! Да ты волшебница!

Д.Н.: (жилмайиб): Викторовна! Яхшимисиз? Что же случилось?

К.В.: Ты представляешь, сенинг суҳбатингдан сўнг Дильфузочка машинагача ўзи юриб борди!

Д.Н.(мамнун жилмайиб): Жуда хурсандман!

К.В.: Улар яна келишди. Дильфузочка сени кўрмоқчи – сенда гапи бор экан. Ҳозир кела оласанми? Унга игна қўймаган бўлсайдим, ёнингга олиб борар эдим. Энди келишингга тўғри келади, кечир мени, вақтинг борми, ишқилиб?

Д.Н.: Тажриба ўтказаятган эдим... (Соатига қарайди). Яхши, бораман, ярим соат вақтим бор. Кўришгунча!

10 ЭПИЗОД

Дили Намозовнанинг машинаси шаҳар бўйлаб елиб кетаяпти. У К.В.нинг клиникаси олдида тўхтади. Д.Н. ҳайдовчи йигитга бош силкиб қўйиб, ичкарига киради. Козетта Викторовна уни кучоқ очиб кутиб олади. У Дилфуза ётган хонага киради. Дилфузанинг бош томонида ўтирган онаси сапчиб туради. Стулда ўтирган холаси ҳам ҳаяжонда ўрнидан туради. Дилфуза мамнун жилмайиб қўяди.

Қизнинг онаси: Опажон, яхшимисиз?(Кўзларига ёш олиб): Сизга миннатдорчилигимни қандай билдирсам экан...

Д.Н. (тинчлантирувчи ҳаракат билан унинг елкасига қоқиб қўяди.) Қўйсангиз-чи, мен нима қилибман! Дилижоннинг ўзи ажойиб, кучли қиз, шундай эмасми, қизим? (Дилфуза кулиб бошини силкитади) Ана, кўрдингизми? Энди, агар иложи бўлса, бизни холи қолдирсангизлар...

Қизнинг онаси: Хўп-хўп! (Ҳаммалари хонадан чиқиб кетишади.)

Дили Намозовна(қизнинг ёнига ўтириб ва одатича, унинг кўзларига тикилганча, билагидан ушлаб): Хўш, қизим, нима янгиликлар?

Дилфуза: Мен ҳар куни ўн беш минутча ҳовлида ўзим юраяпман. Сиз айтиб берган Айюб алайҳиссалом қиссалари менга қаттиқ таъсир қилди. Маслаҳатингизга биноан, кўрган тушларимни ёзиб бораяпман. Ўтган кечаси бир туш кўрдим...

Д.Н.: (қизиқиш билан) Хўш-хўш?

Қиз: **Тушим**да қўшнимиз Наима холани кўрдим. У киши ҳовлимизга кириб келдилар-да, нима учундир пул талаб қила бошладилар.Ойим у кишига: ”ҳозир пулимиз йўқ, кейинроқ берамиз,” десалар ҳам кўнмай, туриб олдилар. Кейин ойим бир даста қизил беш юз сўмликларни у кишининг қўлларига тутқаздилар... Кеча эрталаб эса, Наима хола ўлдилар. У кишини пешинга чиқаришди. Мен ўшангача жуда оғир тортиб қолдим...Бакириб йиғлашлари мени жуда толиқтирди... Чиқаришганларидан кейингина, бир оз енгил торттим... (қизча ҳаяжон ичида жимиб қолади).

Д.Н.(қизчанинг гапларидан хурсанд бўлиб): Яхши, жуда яхши, қизим! Ана энди бор балоларингдан кутулдинг! Энди юриб эмас, югуриб кетасан!(кўтаринки кайфиятда муштини юқорига силкитади ва сирдошларча овозини пасайтириб гапиради): Ур-ра! Яшасин! Биз ютдик, шундай эмасми, қизим?!

Ундаги кўтаринкилик қизчага ҳам юқиб, ўзининг югуриб кетишига ишончи ошиб кетди. Унинг кўзларида нур порлар, тинмай жилмаярди. Дили Намозовна унга янги йўл-йўриқлар кўрсатиб, қизчани ўпиб, бошларини силаб, қолганлар билан хайрлашиб, ишхонасига йўл олади...

11 ЭПИЗОД

Дили Намозовна ўз тўшагида китоб ўқиб ётибди. Китобни ёпиб, бир оз шифтга қараб, ўйлар оғушига чўмиб ётади. Бувиси эслайди. У бувисини жуда яхши кўрарди. Кўзларига ёш келади. Бувисининг вафотидан кейин, ўзини қўярга жой тополмай, кеча-ю-кундуз йиғлагани-йиғлаган эди. Дарсларни ҳам ташлаб қўйди.Дадаси хавотирга тушиб, унинг ўқишини кечкига кўчиртириб, бир идорага ишга жойлаб қўйди. Ўшанда у 18-19 ёшларда, айна етилиб, кўзга ташланиб қолган пайтлари эди. Ўйларидан совчилар оёғи узилмай қолди. Бир куни уларнинг идораларини ўзлари ҳомийлик қиладиган совхозлардан бирига пахта йиғим –теримига, ҳашарга олиб чиқишди. Идораларида бир Ризо ака деган ёши кексароқ одам ишлардилар. У киши кенжа ўғилларини уйлаб қўйиш тараддудида юрар, унинг ҳарбий хизматдан қайтишини сабрсизлик билан кутардилар. Қоп-қора шахло кўзлари пориллаб турган, истараси иссиқ Дилини кўз остиларига олиб юрар, уни келин қилиш орзусида эдилар. Дили билан дам-бадам ҳазиллашиб: “қани менга ўзинг чой дамлаб бер-чи, қизим! Барибир келиним бўласан-ку, кейин, чойни менга ҳар куни ўз қўлларинг билан дамлаб берасан-ку!” деб қизни уялтирар, Дили қизариб кетганича, чойни дамлаб, у кишининг столларига қўярди-ю, қочиб қоларди.

Дили билан бир бўлимда уйда ўтириб қолган, ёши 30лардан ошган бир опа ҳам ишлар, улар Дили билан опа-сингилдек бўлиб қолишган эди.Ўша опасига бир йигитнинг кўнгли мойилроқ бўлиб юрган эди. Йигит келишган, хушсурат бўлса ҳам, хотинидан ажрашиб кетгани опага ёқмай,

унга рўйхуш бермасди. Ўзига хушомад қилган йигитни жеркиб ташларди, савол назари билан қараган Дилига “хотинбоз бўлса керак!” дерди. Ўша куни пахтага опа чиқмаган, аммо, унинг “ошиғи бекарори” чиққан эди. У куни билан пахта териб юриб ҳам, қиздан узоқлашмади. “Менга опангизни кўндириб берсангиз-чи!” деб, ҳоли-жонига қўймасди. Дили нима дейишини билмай, ундан нарироқ кетишга ҳаракат қилар, аммо, у яна етволиб, дийдиёсини бошларди. Ризо ака эса, уларнинг атрофида пахта териб юардилар. Қизнинг йигитлардан ўзини олиб қочиши у кишига жуда ёкарди.

Пахтажор оралаб юрган қиз фартугини ечиб, бир оз дам олишга ўтирди. Бошқалар пахтажорнинг ҳар ер – ҳар ерида пахта териб юришарди. Шу пайт яна ўша йигит пайдо бўлди. У ҳам фартугини ечиб, Дилининг рўпарасига ташлади-да, ўтириб олди. Савол назари билан қараган қизга

” бир қўл карта ўйнайлик, жуда зерикиб кетдим”, деди. Дили уни қайириб ташламоқчи бўлди-ю, унинг кўзларидаги илтижони кўриб, йўқ деёлмади. Уларнинг ҳаммалари пахтага карта олиб чиқишган, автобус кутаётганда ҳам, автобус ичида ҳам эркагу аёл карта ўйнагани-ўйнагани эди. Йигит карталарни “суза” бошлади. Дили унинг ҳаракатларини ўйчан кузатиб ўтирар экан, “эххх-хе –эххе” деб йўталган товушдан чўчиб тушди. Бошини кўтариб, ёнгиналаридаги пайкалда турган Ризо акани кўрди. Уни кўрди-ю, негадир, гуноҳ иш қилиб қўйган боладек қизариб кетди. Ризо ака қизга бир тикилди-да, дарҳол бефарқлик ниқобини кийиб, истехзоли табассум билан: “Яхши ўтирибсизларми, йигитлар, қизлар”, деб, пахта терганича улардан узоқлашди...

Ўша кеча Дили **туш** кўрди. **Тушида** у каттакон қайчи олиб, узун сочларини кесибди. Ўғонибоқ, тушини эслагач, унинг таъбирини дарҳол тушунди. Ҳа, у ҳаммасини тушунди. Эҳтимол, ўшандаёқ, тушларнинг таъбирини билишдек қобилият унда куртак ёза бошлагандир... Йўқ, бу нарса анча олдин бошланган эди. Бу нарса- у жажжи укачасининг ўлимини олдиндан сезган кундан бошланган бўлса ажаб эмас...

Кўрган туши – унга Ризо ака уни келин қилиш фикридан қайтганини билдирди. Ўша кундан бошлаб, Ризо ака унга нисбатан муомаласини ўзгартирмаган бўлса-да, бошқа бирон марта ҳам “сизни келин қиламан”, демади...

Дили Намозовна китобни ҳалиям қўлида тутиб турганини ниҳоят англаб, уни столга қўйди ва чироқни ўчирди...

12 ЭПИЗОД

Опа идорасининг ташқариси. Чиқиш эшикларидан оддийгина кийинган Хуршиджон билан Аброр чиқиб келишади ва ўзаро гаплашиб, зиналардан тушиб кетишади...

Орадан 3 кун ўтади.

Хавфсизлик хизмати томонидан жиноят устида қўлга олинган Денис, Анжела ва уларнинг ҳамтовоқлари кўрсатиб ўтилади.

Каттакон гулдаста кўтариб олган Аброр опанинг идорасига келади. Шошиб қабулхонага киради. Котиба қиз уни кўриб, ўрнидан туради.

Котиба: Дили Намозовна йўқлар!

Аброр(ҳаяжонланиб): Қаердалар? Мен у кишини албатта кўришим керак!

Котиба: Йўқлар дедим-ку!

Аброр: Яхши қиз, мен у кишини албатта кўришим керак ахир, нега тушунмайсиз? У киши бўлмаганларида ... (Ўпкаси тўлиб, кўзларида ёш ҳалқаланади) Ким билади, мен ҳозир балиқларга ем бўлиб юрган бўлармидим...

Котиба: У киши Америкага жўнаб кетаяптилар! Уч соатдан сўнг, самолётлари учади!

Аброр (ҳовлиқиб): Мен – кетдим, бўлмаса! Балким, улгурарман!

Котиба (жилмаяди) Ундай бўлса, югуринг!

Аэропорт. Дили Намозовна дўстлари, оила аъзолари қуршовида. Юзлари бўғриқиб, қизариб кетган Абдор, ҳарсиллаганича уларга яқинлашади ва кўзларида чуқур миннатдорчилик билан опага гулдаста тутди...

Узоқдан онасини қўлтиқлаб олганича, бир даста гулни бағрига маҳкам босиб олган Дилфуза секин-секин шу томонга юриб келаётгани кўринади...

ТАМОМ

ОНА МЕҲРИ

(киноқисса)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Зарифа- жаҳон тиллари олийгоҳи талабаси, 20 ёшда
Эркинжон- унинг курсдоши, 21 ёшда
Комил ака- Эркиннинг дадаси, нейрохирург, 53 ёшда
Мақсуд ака- Зарифанинг дадаси, ташқи алоқалар вазирлигида ишлайди, 55 ёшларда
Камола- Зарифанинг содиқ дугонаси, курсдоши, 21 ёшда
Расулжон- 35 ёшларда, Мақсуд аканинг ҳайдовчиси
Ёқубжон- 30 ёшларда, Комил аканинг шогирди, жарроҳ
Камоланинг отаси, онаси,
Зарифанинг эри, қудалар,
Эркиннинг онаси
Лида Сергеевна, Садир Тўраевич- жарроҳлар
Камолани севиб қолган гиёҳванд йигит,
ЗУЛМАТ ШОҲИ

Воқеалар Тошкент, Бухоро ва ... шаҳарларида бўлиб ўтади.

К И Р И Ш Қ И С М И

1- ЭПИЗОД

Тошкентнинг сўлим бир боғи. Зилол сувлари шалдираб турган анҳор бўйида Комил ака дўстлари билан ўтирибди. Комил аканинг туғилган кунини нишонлашяпти. Ўтириш айна авжида. Комил аканинг қўл телефони жиринглаб қолади. У дўстларидан узр сўраб, четга чиқади.

Комил ака: Алло, эшитаман!

Ёкубжон: (хаяжонланиб): Устоз, минг бор узр сўрайман..

К.ака (унинг гапини бўлиб): Тинчликми?

Ёкубжон: (шошилиб): бир беморни олиб келишди..Аҳволи жуда оғир..

Аварияда мияси қаттиқ шикастланган..

К.ака: Мендан нима истайсиз?! Ахир, мен ичганман!

Ёкубжон: (овози титраб): Ўлиб қоладими, деб қўрқаяпман.. .

К. ака: (зарда билан): Ахир, навбатчисиз,бор чораларни ишлатинг!

Мен дўстларимни ташлаб кета олмайман!

Ёкубжон: (йиғламсираб) Устоз.. .

К.ака: (қатъият билан): Яхши! Операцияга тайёрланглар! Ҳозир етиб бораман!

Ё.: (қувониб) Раҳмат, устоз!

Комил ака дўстлари ёнига қайтади.

- Қани, дўстлар, зерикмай ўтирибсизларми?(бўш қадахларга қараб):- қани, яна биттадан олдик! (Ҳамма қадах кўтаради. Комил аканинг ўзи ичмайди, секингина, сездирмай, қадахни қўяди) Ҳаммаларингизга раҳмат, мени ҳурмат қилиб келибсизлар, Сизни Аллоҳ сийласин! Энди, сизлар зиёфатни менсиз давом эттиринглар(қўлини кўксига қўяди)! Менга рухсат, зарур ишим чиқиб қолди!

Дўстлардан бири: Ий-йе! Буёғи қизиқ бўлди-ку! Туғилган кунидаям «зарур иши»га борар эканми, одам?!

Комил ака(қўли кўксида, бош эгиб, табассум билан); Азизларим, бир бемор ҳаёти хавф остида бўлмаганида эди, сизни сира ташлаб кетмасдим! Узр, хизмат тақозоси!

Бошқа бир дўсти(атрофидагиларга қараб): Бизнинг дўстимиз ўз бурчини сира унутмайди. Бўлди, дўстим, сизга рухсат! (ёнидагиларга қараб) Дўстимнинг қўллари олтин! Келинлар, шу олтин қўллар учун ичайлик!

Комил ака секин чиқиб кетади. Машинани ҳайдаб, катта йўлга чиқаётганида, ичган ичкиликлари таъсирида боши айланиб кетади. Бир зум машинани тўхтатиб, бошини рулга қўяди. Сўнг, куч билан бошини кўтариб, яна ҳайдаб кетади.

2 -ЭПИЗОД

Касалхона. Бошига бинт танғилган бемор ҳушсиз ётибди. Ёқубжон соатига дам-бадам қараб, хонанинг у бошидан бу бошига тинмай юради. Комил ака кириб келади. У – боши айланиб кетаётган бўлса-да, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилади. Ёқубжон юзлари ёришиб кетиб, унга пешвоз чиқади:

- Билардим.. Келишингизни билардим, устоз!
- Операция хонаси тайёirmi?
- Ҳа!
- Бўпти, бошладик, унда!

Комил ака беморнинг томирини ушлаб кўради. кўлини унинг пешанасига қўйиб, иссиғини текширади. Оғир бош чайқаб қўяди.

Операция хонаси. Бемор оппоқ чойшабга ўралган. Операция бошланади. Комил ака усталик билан ҳаракат қилади. Ҳамшира унинг пешанасидаги резавор терларни артиб туради. Бирдан Комил аканинг боши айланиб, кўз ўнги қоронғулашади. қулоқлари шанғиллаб кетади. Бу-ичкилик таъсири. Ёқубжон устозига безовталаниб қарайди. Комил аканинг қўллари титраб кетая-ю, ҳаёт учун муҳим бўлган томирлардан бирини кесиб юборади. Ёқубжон даҳшат ичида устозига тикилади. Беморнинг заиф ураётган юраги уришдан тўхтаб, қон босими тушиб кетади. Бемор операция столида жон беради. Комил ака ҳайкалдек қотиб қолади.. Буларни зимдан кузатиб турган ЗУЛМАТ ШОҲИ хурсанд бўлиб, қўлларини бир-бирига ишқаб қўяди...

А С О С И Й қ И С М

1- ЭПИЗОД

Башанг безатилган ётоқхона. Кенг тўшакда сочлари ёстиқ билан битта бўлиб ёйилиб кетган ёш, гўзал келинчак ётибди. Юз- оппоқ, қош-кўзлар - қоп-қора, гилос лаблар хаёлий бўсага шайланган..Хуллас, шоирнинг энг нафис ашъори унга аталган... Ёпиқ деразадан ой нури билан сирғалиб, бир махлуқ киради. Секин-секин одам шаклига келиб, Эркинжоннинг қиёфасига киради. Тўшак томон юриб, бир зум уйқудаги малакни томоша қилади. Секин эгилиб, гилосдек лаблардан бўса олади. Келинчак уйқу аралаш ғўлдираб, бошқа томонига ағдарилиб ётади. Йигит секин унинг тўшагига киради..

Гира-шира тонг. Йигит тўшакдан чиқади-да, кизнинг кўкси устига бир дона тоза узилган, барглари диркиллаб турган, қонга йўғрилгандек қип-қизил атиргулни қўяди-да, деворга сингиб кетади. Атиргулнинг ўткир хиди димоғини қитиқлаган келинчак, бошини кўтариб, ҳайронлик билан атрофга боқади. Ўрнидан тураётганида, оёқлари остига нимадир сирғалиб тушганини сезиб, эгилади ва кўзи атиргулга тушади. Уни қўлига олиб, димоғига яқин келтиради. Боши айланиб кетади. қиз ҳайронлик билан ошхона томон юради. Гул солинадиган вазага бир оз сув қуйиб, гулни солиб қўяди. Музлаткични очиб, бир шиша «Кока-кола» ичимлигини олиб, залга киради ва креслолардан бирига оёқларини йиғиб, ўтириб олади. Негадир, нукул Эркинжоннинг хаёли миясида чарх уради. У кўзларини юмиб, яқин ўтмишини эслай бошлайди:

2 -ЭПИЗОД

Кўл бўйи. Зарифа билан Эркинжон бир-бирларига муҳаббат тўла нигоҳлари билан тикилиб ўтиришибди. Улар дам-бадам гоҳ инглизча, гоҳ ўзбекча сўзлашиб ўтирадилар.

Эркинжон: (қизнинг қўлларидан ушлаб) Бугун ойимлар уйларингиздан нон ушатиб қайтишибди..

Зарифа (уялиб, бошини эгади): Мен ойимларга шипшитиб қўйгандим..

Э.(қизнинг қўлларини лабларига олиб боради): Жоним!!!

З.(қўлларини секин тортиб олади): Секин, одамлар бизга қарашаяпти!

Э.(хурсандлигини яширолмай): Майли, ҳамма эшитсин! (овозини баландлатади) Мен - бахтиёрман, одамлар!

З.(шоша-пиша қўли билан унинг оғзини ёпмоқчи бўлади): Бас қилсангиз-чи! Шунақа қилсангиз- мен кетаман!(ёлғондакам ўрнидан туради)

Э.(унинг қўлларидан тутиб): Бўпти, бўпти! Бошқа унақа қилмайман! (чўнтагидан кичкинагига бежирим қутича олиб , унинг ичидан битта узук чиқаради ва қизнинг нозик бармоқларидан бирига тақиб қўяди): Азизам! Сени шундай севаманки!

З. (ширин жилмайиб, бармоғидаги узукни томоша қилади): Раҳмат!

Улар бир-бирларига меҳр билан тикиладилар. Йигит қизни ўпмоқчи бўлиб, у томонга энгашади. қиз охудек чаққон сакраб , ўрнидан туради ва қайиқлар турган жой томон чопқиллаб кета бошлайди:

- О, Эдик, кетдик, қайиқда сайр қиламиз! Сувнинг жимирлашини яқинроқдан кўргим келаяпти!

Йигит ҳам унинг ортидан чопади. Улар битта қайиқни олиб, сувга туширишади. Сайр қилиб, қўлнинг ўртасига бориб қоладилар. Шамол бир тўда булутларни ҳайдаб кела бошлайди. Булутлар қўл устида қопқоқ ясайдилар. Шалдирос ёмғир қуйиб юборади. Яшин чақиб, момақалдирок гумбурлайди. Бир зумда иккисининг ҳам кийимлари шалаббо бўлади. Йигит шоша-пиша қайиқни қайтармоқчи бўлади, аммо, қайиқ буйсунмай, ағдарилади. қайиқнинг учи зарб билан қизнинг бошига урилади. У хушидан кетади. Йигит саросимада қиз томон сузмоқчи бўлади, аммо, қандайдир куч уни пастга тартади. Йигит сув гирдобига тушиб қолганини сезади. Етиб келган кутқарувчилар қизни сувдан олиб чиқишади. Йигитни тополмайдилар...

3 ЭПИЗОД

Касалхона. Ҳаммаёғига бинт танғиб ташланган Зарифа оппоқ чойшаблар ичида ётибди. Рангида қон йўқ. Ҳушига келиб, қўзини очмоқчи бўлади. Кўз ўнгида палата чирпирак бўлиб айланади. қуруқшаган лабларини яламоқчи бўлади. Иложини қилолмайди. Лаблари «Эд и-ии-ик » деб пичирлайди. Столга бошини қўйганича, ухлаб ётган ҳамшира уйғониб, дарҳол унинг ёнига келади. Ҳўл пахта билан лабларини намлайди. Қиз кўзларини очолмай, тамшанади.

Палата эшиги тагида Зарифанинг ойиси билан дадаси ўтиришибди. Шошилиб чиққан ҳамшира сочлари оқариб кетган Комил акани чақириб келади. Улар ичкарига кириб кетишади. Зарифанинг ота-онаси ўринларидан туриб, палата эшигига яқин келишади. Ичкаридан Комил ака чиқади:

- Суюнчи беринг, Мақсуд ака! Худога шукур, кризис ўтди. 3 ойдан бери комада ётган қизимиз ҳушига келди.(Зарифанинг ойиси рўмолчани кўзларига босганича, юм-юм йиғлайди. Дадаси ҳам қаттиқ ҳаяжонда.) Бир оздан кейин кириб кўришларингиз мумкин.

- Раҳмат сизга, дўстим! (ўпкаси тўлиб гапиролмайди)

Комил ака унинг елкасига дўстона қоқиб қўйиб, ўз хонаси томон кетади. Унинг кўзлари ёшга тўлган. « Мана, қизалоқ ҳам ўзига келди, ўзингга шукур! Лекин, менинг болам қаерда? Нега уни топишолмади? Эвоҳ, мен бу кўргиликка қандай чидайман! Онаси-ку, адо бўлди..» деб ўйлайди. Орадан 15 кунлар чамаси ўтгач, Зарифани уйига жавоб беришади. Бугун у касалхонадан чиқади.

Касалхонанинг кириш эшиги. Озиб, бир ҳолатда бўлиб қолган Зарифани ҳамшира қўлтиқлаб чиқади. Ойиси, дадаси,Расулжон машина олдида кутиб ўтиришибди. Улар қуриниши билан ойиси ўша томонга ошиқади. Расулжон чаққон бориб, қизнинг қўлтиғи остида олиб, машина томон етаклайди. Ойиси йиғлаб қизига ёпишади. Комил ака ҳам чиқиб, уларни кузатиб қўяди.

Орадан яна уч ой вақт ўтади. Олийгоҳ. Озиб, кўзлари катталашиб қолган Зарифа, дугонаси Камола билан суҳбатлашиб, дарсдан чиқади. Гиёҳванд модда чекиб олгани қизариб кетган кўзларидан билиниб турган йигит бир оз гандираклаганича, улар томон кела бошлайди. Унинг қўлида бир кути шоколад. Чекиб олгани таъсирида илжайиб, қизларга яқин келади. Улар чўчиб, тўхташади. Йигит коробкани Камолага узатади, қиз бош чайқаб, рад этади. Улар кета бошлашади. Йигит улар ортидан эргашади. Нималарнидир гапириб, коробкани яна қиз томон чўзади. қиз қўлини кескин силтаб унга нималардир дейди-да, дугонасини қўлтиқлаганича, тез-тез юриб кетади. Йигит уларнинг ортидан бир пас қараб туради-да, жаҳл билан қўлидагини улоқтириб юборади.

4 ЭПИЗОД

Зарифалар уйи. Совчилар келишган. қиз ичкарида, ўз хонасида маъюс ўтирибди. Сокин мусиқа таралиб турибди. Ясаниб олган ойиси унинг ёнига келади.

Ойиси: қизим, ўша совчилар яна келишди. Йигит Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасига ишга таклиф этилибди. Тўй ўтиши билан жўнаб кетармиш. Йигитни кўрасанми? Мен кўрдим- менга ёқди!

Зарифа: (лоқайд, паст товушда) Барибир ҳоли-жонимга қўймайсизлар!(овозини баландлатиб): Йигитни кўриб ҳам ўтирмайман. Сизга ёққан бўлса-бас! Мен –розиман! Тўйни бошлайверинглар!

Ойиси (қувониб): Вой, тилларингдан ўзим айланай, асал қизим!
қизини ўпиб, чиқиб кетади.

Дабдаба-ю, ҳашамат билан безатилган ресторан меҳмонларга лик тўлган. Стол тўрида Зарифа билан куёв. Куёв сипо, ўта жиддий. Сочлари икки томонга силлиқ таралган. Кичкина мўйловчаси бор. Зарифа қўғирчоқдек ясатилган. Бир оз хомуш. Бутун тўй давомида Эдикнинг маъюс нигоҳи кўз ўнгидан кетмайди. Келиннинг ёнида-содиқ дугонаси – Камола. Тўй жуда кўнглилли ўтади.

Эпизод. Тўйнинг эртаси куни. Икки қўшни оғизларининг суви кетиб, тўйни таърифлашяпти.

1-қўшни: Вой, айланай, эшитишимга қараганда, келиннинг отаси ёшларга шаҳар марказидан ажойиб коттедж совға қилганмиш..

2-қўшни: Вой-йй, қандай ажойиб! Лекин, қўшнижон, куёвнинг отаси ҳам қараб тургани йўқ - иккаласига биттадан иномарка совға қилибди!

1-қўшни: қандай бахт-а! Бизнинг ҳам болаларимизга насиб этсина!

Бир ойдан кейин куёв Лондонга учиб кетади.

5 ЭПИЗОД.

Келин-куёвнинг уйлари. Келинчак ухлаб ётибди. Телефон жарангини эшитиб, уйқусираб гўшакни олади:

- Алло..
- Хелло, Зара! (эрининг овози) Яхшимисан!
- Гуд монинг.. Яхшимисиз?
- Вой уйқучи-ей, ҳали ҳам ухлаб ётибсанми? Нега ойимларникига бормадинг? Ёлғиз кўрқмадингми?
- Нимадан кўрқаман, қўйсангиз-чи! қўнғироқ қилиб қоларсиз, деб ҳеч қаёққа бормадим..
- Мобильний-чи! Уни нега ўчириб қўйдинг?
- Кеча ўчириб қўйгандим, эсимдан ҳам чиқиб кетибди..

- Сенга пул юборапман, бориб ол. Кодини ёзиб ол:..

Келинчак қоғоз- калам олиб, ёзиб олгач, улар бир оз суҳбатлашиб, хайрлашадилар. Бир оздан кейин, дугонаси Камола келади. Улар анчагача дарс тайёрлаб ўтирадилар. Зарифа жуда кувноқ, бир гапириб, ўн кулади. Роса шўхлик қилади. Дугонаси хайрон:

- Зари, нимаббало, ичингга шайтон кириб олганми? Бунча куласан? Сени тўйингдан кейин шунақа кайфиятда биринчи кўришим!

- Обб-бо! Мумияга ўхшаб, талкон ютиб олгандек ўтирсанг ҳам ёкмайсан, шўхлик қилиб кулдирсанг ҳам ёкмайсан!

Зарифа нозланиб, лабларини чўччайтириб, шунақанги карашмалар қиладики, дугонаси ўзини тўхтатолмай, кулиб юборади. Зарифа магнитофон кнопоксини босади. «Аразламанг» қўшиғи янграйди. Зарифа бирам нағмалар қилиб, ўйингга тушадики, дугонаси:

- Ростданам ичингга шайтон кириб олибди,- дейди. Унинг дам қошларини қоқиб, дам тилини чиқариб қилаётган шўхликларидан ўзини тўхтатолмай, шунақанги куладик, кўзларидан ёш чиқиб кетади,- вой-вой, ўлиб қоламан! Бас қилсанг-чи!

- Ўша сипо, дудланган балиқдек эримдан шайтон ҳам афзал эди! Бир ойдаёқ шунақанги жонимга тегдики, дод деворай дедим! За-ну-да! Ҳамма нарса режим билан, овқатланиш ҳам, чўмилиш ҳам, ҳатто мен билан бўлиш ҳам маълум соатларда, белгиланган режадан бир минут кечикмаслиги керак! Яхшиям кетди, бўлмаса, юрагим торс ёрилиб ўлардим! Ужа-аа-ас!

- Вой бахтининг қадрини билмаган ойимча-ей! Одамзоддек ахлоқ махлуқ топилмаса керак дунёда! Мана бу танноз ойимни қаранг, егани-олдида, емагани- кетида, оёғи тагида – машина, қайнана-қайната жонивор ҳар ҳафтада машина юкхонасини тўлдириб келиб-кетсалар, қўлларида жарақ-жарақ пул, ҳамма – хизматида, яна қадрига етмайди-я! Одамзотни ҳеч тушуниб бўлмас экан-да!

Дугонаси жаврай- жаврай уйига жўнайди. Зарифа эшикни кулфлаб, бориб телевизорни ёқади. Бир оз кўриб ўтиргач, кўзлари юмилиб кетаётганини сезиб, телевизорни ўчириб, бориб жойига ётади. Кондиционерни ёқиб қўяди. Бориб жойига чўзилади. Дугонасининг гапларини эслаб, мийиғида кулиб қўяди. Кейин, яна кўз олдига Эдик келади. «О, Эдик, сен билан бўлсам, ҳеч қачон зерикмаган бўлардим! Сен ҳеч қачон Зарифангни ташлаб, бошқа юртларга кетмасдинг.. Нега уни топишолмади экан-а? Балки, у- тирикдир?», деб пичирлайди лаблари. Ухлаб қолади. Анчадан кейин, уйқу аралаш ёнида биров ётганини сезади. Кўзларини очмоқчи бўлади-иложи йўқ, улар зилдек оғир.. Кўп машаққат билан кўзини очишга муваффақ бўлади-ёнида ётган одам – Эдик эканлигини кўради-ю, даҳшат ичида ҳушидан кетади.. Эдик, унинг беҳуш ётганига эътибор ҳам бермай, хирсини қондиради. Охирги бўсани олгач, бир дона атиргулни қизнинг кўксига қўйиб, кўздан ғойиб бўлади..

6- ЭПИЗОД.

Туни билан ёмғир ёғади. Камоланинг ойисини «Тез ёрдам» касалхонага олиб келади. Эрталабга яқин ёмғир тинади. Касалхона. Комила, дадаси, хола-ю, аммалари туни билан касалхонада ўтириб чиқади. Эрталаб ойиси уларнинг ёнига чиқади. Камола билан дадасига:

- Чорасини кўринглар, Лида Сергеевнадан бошқа одам операция қилса, мен- ўламан!-дейди-ю, хомуш юриб, ичкарига кириб кетади. Камола дадасига:

- Дадажон, мен Лида Сергеевнани чақириб чиқақолай, ўзингиз гаплашиб кўринг- чи,- дейди.

Лида Сергеевна ичкаридан чиқади. У- ориқкина, истаралик рус аёл. Жарроҳлик ишини шундай мохирона бажарадики, ҳамма беморлар унинг навбатини ойлаб кутишади.

Камола: Жон, Лида Сергеевна, ойимни ўзингиз операция қилинг! Биринчи марта ҳам ўзингиз қилувдингиз-ку! Биласиз, ойим сиздан бошқа врачни тан олмайдилар!

Л.С.: Садир Тўраевич рухсат берса- қилавераман! Лекин, у -кип-қизил жинни-ку! Йўқ деса, мен ҳеч нарса қилолмайман!

К.: (Л.С. нинг қўлларидан ушлаб) Садир Тўраевичингиз -қассоб-ку! Унинг дастидан беморлар қайта-қайта тиғ остига тушишяпти. Биронта беморни яхши қилгани йўқ, беморлар ундан қочади-ку!

Л.С.(қўллари тортди олиб): Биламан! Аммо, мен заводдега қарши чиқолмайман! У рухсат берсагина, операция қиламан, унутма! (у кичкина, чиройли қўлчаларини силкитганича, тез-тез юриб, ичкарига кириб кетади)

Шу пайт Садир Тўраевич викор билан кириб келади. Камоланинг дадаси билан кўриша туриб:

- Дўстим, янгамни шахсан ўзим операция қиламан!-дейди. Дадаси индаёлмай қолиб, кизига қарайди. Камола юраги сиқилиб, каттиқ гапириб юбормаслик учун нарироқ кетади.

Ичкаридан ҳамшира чиқиб :

- Ҳозир, 15 дақиқадан кейин операцияни бошлаймиз,-деб ичкарига кириб кетади. Камоланинг чаккалари лўққилаб оғрий бошлайди. Операция ўтказиладиган хона ёнидан оппоқ иштон, халат ва қалпоқ кийган Садир Тўраевич ўтади. Камола миясидан яшин тезлигида ўтган фикрни амалга ошириш йўлини қидириб, чопганича, ташқарига чиқиб кетади. Касалхона четидаги таъмирланаётган бино томон чопади. Ичкарига киради. Ҳеч ким йўқ. Йўлакдаги столда телефон аппарати турар, унинг тагидаги ойнага барча бўлимлар телефон рақами ёзиб қўйилган эди. қиз титроқ қўллари билан телефон гўшагини кўтаради. Ишляпти! қиз буни яхшилик аломати билиб, рақамларни тера бошлайди. Соатига қарайди: операцияга 5 минут қолган. Жарроҳлик бўлимидан гўшакни кўтарадилар:

- Ал-ло,- деган эринчоқ овоз эшитилади. қиз бутун куч-иродасини жамлаб, хотиржам гапиради:

- Алло! Бу- хирургиями? Менга Садир Тўраевич керак эдилар!

- Садир Тўраевич операцияга кираптилар! Ким деб қўяй?

- Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидан кўнғироқ қилаяпман! Ўн беш минутдан кейин шошилинч мажлис ўтказилади. Садир Тўраевич тез етиб келсинлар!

- Кечирасиз.. Ўзингизни таништирадингиз..

- Мен-раиснинг котибалариман! Сиз фамилиянгизни айтинг, мен етказганимни белгилаб қўйишим керак!

- Ҳамшира Қодироваман! Гапингизни ҳозироқ етказаман!

Қиз гўшакни қўяди-ю, ҳолсизланиб, деворга суянади. У- қўлидан келганини қилди. Энди, буёғи –Худодан..

қиз жонсиз оёқларини зўрға судраб босиб, ташқарига чиқади. Жарроҳлик бўлими томон юради. Бирдан сергакланиб, ўзини дарахт панасига олади. Садир Тўраевич зиналардан бир-бир тушиб келарди.Шахд билан машина эшигини очиб, ўтиради. Машина шу заҳотиёқ ўрнидан кўзголади.

Қиз енгил тортди, ичкарига киради. Бирор соатлардан кейин, Люба Сергеевна эшикдан бош чиқариб, кўзлари билан уни излаб топади-ю, имлайди:

- Ҳаммаси яхши. Зарадонни олиб ташладик. Сенинг ишингми,бу?- дейди қувлик

билан табассум қилиб. қиз ёш тўла кўзлари билан бош ирғайди.-Молодец! Ҳозир онангни палатага ўтказамиз, кўрасан!

7- ЭПИЗОД

Зарифанинг уйи. Кун аллақачон ёйилиб кетган. Телефон кўнғироғи жаранглаб ётибди. Зарифа бир қўли билан пешанасини укалай туриб, аппаратни симидан тортди, яқинига келтиради.

- Да ..

- Қизим, бормисан?!-Гўшакдан ойисининг хавотирли овози эшитилади,- Тан-жонинг соғми, болам?

- Яхшима-ан, ойи-ии, яхши-ии.. .

- Вой, овозинг нега бунақа?! Касал бўлиб қолдингми? қимирлама, мен ҳозир етиб бораман!

Зарифа ойисининг ваҳимадан думалоқ бўлиб кетган кўзларини тасаввур қилиб, мийиғида кулиб қўяди. Зўрға ўрнидан туради. Оёқлари остига сирғалиб тушган нарсага қарайди: бир дона атиргул.. Тозагина узилган, барглари диркиллаб турибди. Димоғига яқин келтиради: ҳиди бирам ўткирки! Эшик кўнғироғи жиринглайди. Миясидан «наҳотки, ойим шундай тез етиб келган бўлсалар?» деган фикр кечади. Бориб эшикни очади: Камола.

- Нега эшикни дарров очмадинг? Нега рангинг бунча оқариб кетибди?! Тинчликми? Яхшимисан?- у дугонасини саволларга кўмиб ташлайди. Кўзи гулга тушади:- Вой-бў, бунча чиройли бўлмаса? Қаердан олдинг?- қиз гулни ҳузур қилиб ҳидлайди. Дугонасига қарайди. Унинг кўлларида ушлаб, олиб келиб, креслога ўтқазади. Ўзи унинг оёқлари остига ўтириб, кўзларига тикилади:

- Қани, гапир!- дейди. Зарифанинг кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб, юзларига томади.

- У- келди.. У ҳар кеча келади..- дейди пичирлагудек бўлиб,- Гул келтиради.. Ана..- у вазага солиб қўйилган 3 дона гулга ишора қилади. Комила индамай, кулоқ солади.- У мени эркалайди.. Сочларимни силайди.. Бу кеча мен уни аниқ кўрдим.. Камола, мен уни ҳамон севаман.. Мен- эримга хиёнат қиляпман..- қиз кўллари билан юзини тўсиб, ўкириб йиғлаб юборади. Камола шошиб бориб, бокалда сув келтириб, дугонасига тутаяди. Дугонаси тишлари такирлаб, анчасини тўкиб, аранг сув ичади. У бир оз тинчлангач, Камола мулойимлик билан сўрайди:

- Гапир, жоним, ёнингга ким келди, гулларни ким келтирди, сени ким эркалади?

- У.. Эдик.. Эркинжон.. Мен уни аниқ кўрдим.. Бир неча тундан бери ёнимда кимдир мен билан ётганини сезардим.. аммо.. кўзларимни очолмасдим. Уйғонганимда, кўксида бир дона атиргул ётган бўларди.. (Камоланинг кўзлари даҳшатдан олайиб кетади) Гул – тоза узилган.. Бу кеча мен кўзимни зўрға очдим.. Уни кўрдиму, хушимни йўқотибман.. қандай даҳшат! Хўш, сен буни қандай изоҳлайсан?

- Менимча, сен- босинқирагансан! Ёлғиз ўзинг кўрққансан-у, босинқирагансан! Менга кара, ўзи сенга бу ерда нима бор?! Ойингларникида-хайҳотдек ховли, бориб ётсанг бўлмайдим! Ўз хонанг доим бўш бўлса!

- Йўқ-йўқ, бу босинқираш эмас!!! Шунча доно бўлсанг, айт-чи, гуллар қаердан келаяпти?! Ўзинг кўрдинг, эшик деразалар –ёпиқ, осмондан тушибдими?- қиз аччиқ истехзо билан кулади:-гапир! Менга тушунтир, буни!

- Унда.. Унда, сен- ойпараст бўлиб қолгансан. «Лунатиклар», одатда, ой тўлишган кечаларда жуда актив ҳаракат қилишар экан. Ҳозир, айнаи ой тўлишган пайт, сен уйқусираб бориб, деразангни очиб келиб, ухляпсан, пинхона ошиқ бўлиб юрганлардан биронтаси деразангдан гул отаяпти. Иккинчи қават баландмас-ку!

- Мен ҳеч қачон «лунатик» бўлмаганман!

- Балким, миянг чайқалиб, ётганинг асоратидир?

Зарифа ўйланиб қолади. Йўлак эшиги тагига машина келиб тўхтагани эшитилади. Камола деразадан пастга қарайди.

- Тур, нарсаларингни йиғиштир, холам келдилар. Холам билан кет! Лекин, бу гапларингни холамга айтиб ўтирма, нақ кон босимлари ошиб кетади-я! Бўптими?

Ҳамон хаёллар оғушида ўтирган қиз бош ирғаб қўяди..

8- ЭПИЗОД

Зарифалар уйи. Мақсуд ака мансаби ва мавқеига мос равишда ҳашаматли ҳовлисини безатган. Ҳовли сатҳида турфа гуллар очилиб ётади. Зарифа гулзор оралаб юрибди. Қўлида гуллардан сараланган гулдаста. Тўқ қизил баргли гулга тикилиб қолади. Ўйчанлик билан биттасини қирқиб, димоғига яқин келтиради. Бу ҳиддан боши айланиб кетгандек бўлади. Хаёллар оғушида ичкарига киради. Қўлидаги гулдастани хонасига олиб кириб, чиройли вазага қўяди.

Кечки пайт. Рая ошхонада манти пишираяпти. Ўткир зиравор ҳиди иштаҳани қитиқлайди.

Зарифанинг дадаси ишдан қайтиши билан, ҳаммалари ҳовли сатҳида қилинган жойда, дастурхон атрофида тўпланишади. Рая каттакон лаганда манти кўтариб киради.

Мақсуд ака(томоғини тақиллатиб): Оҳ-оҳ-оҳ!!!

Ҳаммалари ўз тарелкаларига солиб, иштаҳа билан тановул қила бошлашади.

Мақсуд ака(қизига қараб): Қани она қизим, ол-чи! Ўзинг ҳам эринг кетганидан бери фақат енгил-елпи овқатланганга ўхшайсан! Ўша уйингда ёлғиз нима қиласан, ўзи-а? Бу ёқда-биз, у ёқда- қайнана – қайнатанг, меҳмон бўли-и-иб юрмайсанми? Рангинг ҳам кетиб қолибди! Қани, катта-катта ол-чи!

Дадасининг меҳрибонлик билан айтган сўзларидан қизнинг ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш инади. Буни сезган ойиси дарҳол қизига ёрдамга шошилади:

Онаси(ёлғондакам аччиқланиш билан): Доим овқат устида гап халтангиз очилиб кетади-я, дадаси! Овқатингизни есангиз-чи!

Дадаси: А мен нима дедим! Уйда ёлғиз ўтирма, дедим! Бўпти, қайтиб оғзимни очмаганим бўлсин! (бир оздан сўнг, чидолмай): Оҳ-оҳ-оҳ! Мантимисан-манти бўлибди-да, ўзиям! Раяхон, қўлларингиз дард кўрмасин-а! Олақол, қизим!

Бошқа гапирмайман, деган дадасининг яна гапиришидан ҳаммалари бир-бирларига маъноли қараб, кулиб юборишади. Шу билан ўртадан ғубор кўтарилади.

Яна овқатдан ҳузур қилиб, бутун эътиборни қаратишган эди ҳамки, ташқари эшик

тақиллаб қолди.

Мақсуд ака: Кираверинг, эшик очик! (Унгача Рая эшик томон шошилади. У етиб бормаёқ, эшик очилиб, Зарифанинг қайнонаси, қайнотаси, уларнинг ортларидан бир оғир пакетни қўлтиқлаганича ҳайдовчилари кириб келишади. Ҳаммалари ўринларидан туришади. Зарифанинг онаси шошилиб, қудаларига илдам пешвоз чиқади)

Зарифанинг ойиси: Вой, айланиб кетай, бугун кун қаёқдан чиқди? Сизларни кўрадиган кун ҳам бор экан-у! (Аёл қудалар ачомлашиб кўришишади) Қани – қани! Ичкарига! (Эркак қудага қўл бериб кўришади) Сиз яхшимисиз, қуда, тан-жонингиз соғми? (Қўлини кўксига қўйиб, уларни ичкарига таклиф қилади. Унгача, Зарифанинг дадаси ҳам етиб келиб, қудалар билан кўришади. Зарифа ҳам улар билан ўпишиб кўришади. Ҳаммалари дастурхон атрофида тўпланишади. Дастурхон янгиланиб, янги лаганда буғи чиқиб турган манти киритилади. Қудалар сўрашишлари чўзилиб кетавергач, Мақсуд ака тоқатсизланади.)

Мақсуд ака: Қани, меҳмонлар, овқат совиб қолмасин! “Аввал-таом, баъдаз салом” дейди тожиклар. Овқатни еб олайлик, кейин кўкчойни майдалаб, гаплашиб ўтирамыз! Қани, олинглар, энди!

Ҳаммалари кулиб, овқатга қўл узатишади. Овқатдан кейин ширинликлар тортилади.

Қайнота(Зарифага қараб): Бу дейман, қизим, биз қарияларни бутунлай унутиб қўйдингиз, хабар олай, ҳам демайсиз?(Ярим ҳазил оҳангида гапирди) Сизни жуда соғиндик! Ойингиз билан уйлариңгизга борсак, кўшнилариңгиз:”бугун аялари олиб кетдилар” дейишди. Тўғри шу ёққа келавердик!

Зарифанинг ойиси: Жуда яхши қилибсизлар-да! Бизникига ҳам келмай қўйди. Бугун борсам- ранги-рўйи бир ҳолатда! Нега келмайсан, десам, эрим шу ёққа кўнғироқ

қилишлари мумкин, дейди! Ҳа мобилний бор, уйимизда телефон бор, сени топар эринг, деб олдимга солиб олиб келавердим!

Қайнона: Ажаб қипсиз-да, қудапошша! Ёш нарсаси, у ерда ёлғиз ўзлари нима қиладилар! Биз ҳам уйимизга обормоқчи бўлиб борувдик, сиз отни олдинроқ қамчилаб қолибсиз-да!

Ҳаммалари кулиб юборишади.

Зарифанинг ойиси: У-мас, бу-мас, бутун насибаларинг шу ёққа тортиб келган! “Яхши меҳмон-атойи Худо” дейишади-ку!

Улар анчагача чақ-чақлашиб ўтиришгач, алламаҳалда қайтишади.

Зарифа хонасига кириб, мамнунлик билан, тинчгина ухлайди.

Орадан бир неча кун ўтади. Зарифа қайнонасиникида бир неча кун тунаб қайтади.

Онасиникига келган Зарифа, дарвозадан киради-ю, кўз олди қоронғулашиб кетиб, йиқилиб тушади. Ҳовли супуриб юрган Рая уни кўриб қолиб, додлаб юборади ва югуради. Бошини бағрига олиб, юзларига енгил шапатайлади. Зарифа кўзини очмайди. Шовқинни эшитган Зарифанинг онаси ичкаридан югуриб чиқади. Рая билан биргаликда қизни хушига келтиришга ҳаракат қилишади. Нашатир спирти ҳидлатишганида, қиз зўрға кўзларини очади. Уни икки томонидан суяб ичкарига олиб киришади. Зарифанинг ойиси “Тез ёрдам” чақиради. Кўп ўтмай, кекса доктор кириб келади ва қизни узоқ текширади. Кейин, юзларига майин табассум ёйилиб, ўрнидан туради ва қизнинг онасини ташқарига имлайди.

Доктор: Суюнчи беринг, опахон! Яқинда бувижон бўласиз!

Зарифанинг онаси қувончдан ўзини йўқотиб қўяёзади. Шоша-пиша докторнинг халати чўнтагига пул солиб қўяди ва миннатдорчилик билдиради. Рая докторни эшиккача кузатиб қўяди. Она ичкарига югуради.

Она: Вой, ўргилиб кетай дўмбоғимдан, ўзимни болажоним!(Кўзлари ёшга тўлади) Манавини қаранглари, ҳали ўзи бола-ку, болалик бўлармиш! Вой, бўйларингга ўзим бўйтумор! Неваралик бўларканман-а!

Зарифа бу гапларга ҳайрон бўлади. Ойиси дарҳол телефонни қўлига олиб, ҳаммага бу хушхабарни етказди.

9- ЭПИЗОД

Камолаларнинг уйи. Ойисининг мазаси бўлмай, тез-тез кўрпа-тўшак қилиб ётиб олгани учун, у фолбинга боришга қарор қиладди. Зарифа машинасида дугонаси билан унинг ойисини олиб боради. Кўп ўтмай, машина шаҳар четида қурилган янги уйлар томон бурилади. Икки дугона ҳали мадорсиз аёлни қўлтиқлаб, тўртинчи қаватга олиб чиқишади. Эшик қия очик бўлади. Улар эшикни тақиллатишади. Эшик тагида бир жуфт ковуш турибди. Жавоб бўлмагач, ичкарига киришади. Ичкаридаги хоналардан бирининг эшиги очилиб, оппоқ рўмол ташлаган ёш аёл чиқиб келади. Камоланинг ойисини кўриб, жилмаяди:

Фолбин аёл: Қани, келинг, келинг, опажон, тушларимда сизни кўргандим, ўзим сизни кутиб юрувдим.

Қизлар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб олишади. Камоланинг онаси ичкарига киради, қизлар ҳам киришади. Хона – озода, оддийгина безатилган, деворларида Маккайи Мукарраманинг катта тасвири, ганчкорлик усули билан “Аллоҳ”

деб ёзилган. Кичкина курсичада қимматбаҳо мато билан қопланган Қуръони Шариф туради. Деразалар парда ортидан оппоқ чойшаб билан тўсилгани учун, хона нимқоронғу, учта шам ёқиб қўйилган.

Фолбин аёл: Келинг, опажон, яхши бўлиб қолдингизми? Касалликлар сизни роса қийнаб қўйди-я!(Қизлар кўз уриштириб олишади)

Камоланинг ойиси(синиқ жилмайиб): Ҳеч сўраманг, сингилжон, касалдан бошим чиқмай қолди...

Фолбин аёл: Олдинроқ келганингизда эди, бу кўргуликлар олдини олган бўлардик.Ҳа майли, кечроқ бўлса ҳам келдингиз-ку! Қани опажон, “бисмиллоҳ” денгу, бармоғингизни мана бу вараққа теккизинг-чи!

У катта – катта катакларга бўлинган, арабча рақамлар жойлаштирилган қалин варақни тутқазади. Ая бармоғини теккизади. Аёл бармоқ теккан катакни ушлаб, варақни столга қўяди. Кейин, пичирлаб, қандайдир дуоларни ўқий бошлайди. Қуръонни олиб ўпади-да, кўзларига суртади. Сўнг, “куф-фф” деб, очади. Бир оз ўқийди.

Фолбин аёл: Опажон, сизнинг аждодларингиз жуда кучли одамлар бўлишган экан. Зотингизда катта эшон ўтганлар. Бувингиз мулловали* (*мулловали – табиб демакдир.Автор изоҳи) ўтганлар. Доялик ҳам қилганлар. Гапларим тўғрими? (у синчковлик билан аяга қарайди. Ая индамай,“гапираверинг”, дегандек бош ирғаб қўяди) Энди опажон, Қуръон тиловат қилишни ўрганишингиз керак. Акс ҳолда, сизга заҳмат етаверади. Отинойи бўлиб, маърака-маросимларга чиқишингиз шарт эмас, ўзингиз учун ўрганишингиз шарт! Дардингизнинг давоси – шу!(У Қуръонни ёпади.)

Ая: Сингилжон, қизимнинг бахтини ҳам бир кўринг-чи!

Фолбин(дарров Камолага кўз ташлаб): Қани, қизим, сиз ҳам рақам танланг-чи!(Камола рақам танлайди, фолбин китоб очиб қарайди) Қизим, сиз ақлли-хушлисиз, хунармандсиз. Яхши йигитга турмушга чиқиб, бахтли оила қурасиз. Ўша йигит анчагача кўз ўнгингизда юради, сиз унга эътибор бермайсиз! Эътиборлироқ бўлинг! Шу!

Ая : Қизимнинг дугонасини ҳам қараб кўринг-чи!(Аёл Зарифага тез нигоҳ ташлаб олади-да, индамай, ўрнидан туради ва эшикни очади) Бу кишини кўролмайман!

Ая шоша-пиша кўрпача тагига пул тикиб қўяди-да, ўрнидан туради. Камола унга ёрдамга шошилади. Зарифа фолбиннинг муомаласидан гарангсиб, қотиб қолади. Камола унинг қўлидан тортиб, уйдан олиб чиқади.

Ая бу муомаладан ажабланиб, фолбинга қарайди. Фолбин унинг нигоҳига дош беролмай, секин гапирди:

- Бу кишига жин теккан...

Улар секин-секин зиналардан пастга туша бошлашади. Фолбин аёл шу пайтгача очик турган эшигини дарров ёпиб олади. Зарифанинг ранги оқариб, лаблари пир-пир уча бошлайди. Ая унинг ҳолатини сезиб, қизнинг кўнглини кўтаради:

- Эътибор берма, қизим, бу гапларнинг кўпи ёлғон. Ўзи, аслида фолга ишонмаслик керак. Мен дард жонимдан ўтганидан , шу ерларга келдим... Аслида бунақа ишлар билан хушим йўқ...Менга нима деганини эшитдинг-ку, қариганимда энди, миямга арабчани ўрганиш кирармиди?

Қиз бу гаплардан сўнг бир оз тинчланади. Қизлар аяни уйларига ташлаб, институтга кетишади.

Зарифанинг уйи. У уйига келиб, компьютерни ёқади. “Дюни” деб аталадиган ўйинни ёқиб, ўйнай бошлайди. У бир босқичдан иккинчисига ўта бошлаган ҳам эдики, компьютер чироқлари ўчиб-ёна бошлайди. Қиз ҳайрон бўлиб, клавишларни бир-бир боса бошлайди. Шу пайт компьютер экранда ёзув пайдо бўлади:

“Зара! Мен сени севаман! Эдик.” Қиз ёзувни кўриб, қотиб қолади. Алаҳсираяпман, деб ўйлайди. Яна ёзув пайдо бўлади:

“Зара, мен билан гапирмоқчи бўлсанг, “ENTER” ни бос!” Қиз титроқ қўллари билан айтилган клавишни босади:

“Зара, гулларим сенга ёқаяптими? Жавобини экранга ёзавер!”

“Ҳа!”

“Сен мени кўриб қолдинг-а!”

“Ҳа!”

“Мени ҳалиям севасанми?”

“Ҳа!”

“Мен ҳам!”

“Сен тирикмисан?”

“Билмадим... Мен - ер остидаман! Лекин, мен юқорига чиқишим мумкин, менга шундай имконият берилган. Лекин, бу – сенинг қўлингда!”

“Менинг қўлимда? Бу нима деганинг?”

“Ҳа, сенинг қўлингда! Яқинда сен - ОНА бўласан! Бу – менинг туғилажак фарзандим!”

“Ахир, қандай қилиб? Сен ер остидаман, деяпсан-ку!”

“Менга шанс берилган, дедим-ку! Сени жуда соғинаяпман, сен эса, ёлғиз қолмаяпсан... Шунинг учун ётоғингга кечалари киришга мажбур бўлаяпман. Сени жуда севаман. Болам соғлом туғилиши учун, ўзингни авайла!”

“Ахир, мен – турмушга чиққанман!”

“Биламан, аммо, сендан кечолмайман!”

“Энди мен-сеники бўлолмайман! Болам ҳам сеники эмас!”

“Бола – меники! Ахир, мени кўрдинг-ку! Сенинг ўзинг ҳам, фақат меникисан!”

“Йўқ-йўқ, ундай эмас! Мен эрлик одамман...”

“Буниси билан ишим йўқ! Муҳими, менинг болам бўлади. Сен ўзингни асрасанг-бўлди! Келаси сафар, сув тагига кетганимдан сўнг нималар бўлганини айтиб бераман. Қандай қилиб яна ёруғликка чиқа олишимни ҳам. Сен мени қутқаришинг мумкин, азизам... Ҳозир эса, хайрлашамиз, мен жуда ҳолдан тойдим...Хайр, Зарифам...”

“Хай-рр...” Қиз клавишлардан бармоқларини зўрға олади. Ҳолсизланиб, стул суянчигига суянади. Кейин, беҳолгина ўрнидан туриб, компьютерни ўчиради ва ётиш хонаси томон юради. Тўшакка ўзини ташлаб, оёқларини чўзади. Қўлини қорнига қўяди. Хаёллар оғушида бир оз ётгач, ўрнидан туради. Оёқлари остига бир нарса сирғалиб тушади. Димоғига ўткир, хушбўй ҳид урилади. Оҳиста эгилиб, гулни қўлига олади. Гул тоза узилган, баргларида шабнам диркиллаб турган бўлади. Гулни ҳидлайди-ю, хушидан кетади...

Қиз беҳуш ётибди. Эшик қаттиқ тақиллайди. Қиз ўзига келиб, ҳолсизгина ўрнидан туради, бориб эшикдаги “ кўз”чадан қарайди: Камола! Эшикни очади. Дугонасининг ҳолини кўради-ю, индамай ичкарига кириб, телефон орқали Зарифаларнинг оилавий врачлари Дили Мирзаевнани чақиради. Ранги оқариб кетган дугонасини суяб ичкарига олиб кириб, тўшакка ётқизади. Ўзи, шоша-пиша Зарифанинг ҳар томонда тўзғиб ётган нарсаларини йиғиштиради. Бир оз ўтмай, врач келади. Ёш келинчакни обдон текшириб кўради . Ҳомиланинг юрак уриши бир меъёردа эканлигини аниқлайди. Бўлажак онага тинчлантирувчи дори бериб, уни безовта қилмасликни тайинлаб, кетади. Камола , ниҳоят, бир маромда , текис нафас олиб, ухлятган дугонасига узоқ тикилиб ўтиради. Кейин нариги хонага кириб, Зарифанинг ойисига кўнғироқ қилади.

Камола : Холажон, яхшимисиз? Ҳа, мен шу ердаман! Зарифами? Ухлаб ётибди. Бир оз мазаси бўлмабди. Йўқ, ёнидан жилмайман. Ҳа, дўхтир чақиртиргандим, ҳозиргина кетди. Ҳа, ҳа, текшириб кўрди. Дори берди. Ҳозир тинчгина ухляпти. Йўқ, ҳозир келманг, яхшиси, бирор оғзига ёқадиган енгилроқ овқат пиширтириб, олиб келинг, кейин у ёғини кўрармиз. Бўпти, мен шу ердаман. Хўп, сизни албатта кутаман! Кўришгунча!

Гўшакни қўйиб, ётоққа киради. Дугонаси ҳалиям тинчгина ухляпти. Шу пайт, кўзи ерда ётган бир дона гулга тушади. Қўлига олиб, ҳидлайди. Бир нимани тушунгандай бўлади. Дугонаси билан қандайдир ғайриоддий ҳодиса содир бўлаётганига ишона бошлайди.

Бирор соатдан кейин, Зарифа уйғониб, ўрнидан туради. Камола унга бир бокал шарбат узатади, мажбурлаб ичиради.

Камола: Хўш, дугонажон, энди менга нималар бўлганини айтиб бер!

Зарифа (унга кўрқув аралаш қараб): Ҳеч нарса бўлгани йўқ...

Камола (ёлғондакам аччиқланиб): Айтмайсанми? Бўлмаса, мен кетдим! (Ўрнидан туради) Мени бошқа кўрмайсан!

Зарифа (кўрқиб кетади): Йўқ-йўқ, кетма!

Яна жим қолади. Унинг индамаётганлигини кўрган Камола жаҳл билан гулни олиб, қизнинг қучоғига отади. Зарифа гулни кўриб, яна ҳушини йўқотаёзади. Камола тактикани сусайтирмагач, дугонасининг зардали юзига қараб, сўз бошлайди:

Зарифа: Камола, у билан гаплашдим...

Камола (ажабланиб): Гаплашдинг? Эдик биланми? (Қиз бош ирғайди) Қандай қилиб?

З.: Компьютер орқали... Компьютерни ёқиб, ўйнаб ўтиргандим, ёзув пайдо бўла бошлади ва биз анчагина гаплашиб олдик...

К.: Сен ҳам гапирдингми?

З.: Мен ҳам... Жавоб ёздим...

К.: Хўш, нималарни гапирдинглар?

З.: Ками, Эркинни қанчалар севганимни биласан... Унинг ўлими мени ҳам у дунёга олиб кетишига сал қолувди... Мен унга бўлган севгимни анчагача унутолмадим. Шундай бўлса ҳам, тақдирга тан бериб, турмушга чиқдим, умримда кўрмаган одамим билан бир ёстиққа бош қўйдим... Аммо, у мени ёлғизлатиб қўйди. Атрофимда шунча одам парвона бўлса ҳам, мен Эдикни соғинаётган эдим, ўзимни ёлғиз сезардим...Эрим ёнимда бўлганида, уни унутишим осон бўлармиди... У Англияга кетгач, кечалари кимдир ёнимга келиб ётганини сеза бошладим. Аввалига, босинқираяпман, деб ўйладим. Бир

куни зилдек қовоқларимни кўтариб, кўзимни очишга муваффақ бўлдим – ёнимда ётган одам – Эдик эди! Лекин, унинг кўзлари (қиз дир-дир титраб, кўзлари ёшга тўлди) бўм-бўш эди! Қоп-қора ўра!(Зарифа титроқ кўллари билан халати чўнтагидан рўмолча олиб, кўзлари, бурнини артади) У – чинданам Эдик эди, буни мен, фақатгина иккаламизга хос бўлган: масалан, иягимни кўтариб, бурнимнинг учидан ўпиб қўйишлар, ҳар бир бармоғимни алоҳида-алоҳида ўпиб чиқишлар каби қилиқларидан билиб олдим...Эрталабга яқин, бурнимга ўткир, хушбўй ҳид урилганидан уйғониб кетардим, шунда оёқларим остида ётган бир дона атиргулни кўрардим...(Камола, киприк қоқишни ҳам унутиб, даҳшат ичида дугонасини тинглаб ўтиради.) Кейин, хабаринг бор, уйда ёлғиз тунамидим. Ўзинг қўймадинг!(Камола бош ирғаб қўяди.)Бу уйга келганимда, сен доим ёнимда бўлардинг... У мен билан мулоқотга киришолмаган... Ойимларникида ҳушимдан кетганимда, доктор “она бўласан” деди, мен бундан чинакамига даҳшатга тушдим! Чунки, эрим кетган пайт ҳомиладор эмаслигимни яхши билардим... Боламнинг отаси- Эдик ёки унинг қиёфасига кириб олган махлуқ... Эсингдами, эрим кетганидан кейин, қанча шўхликлар қилиб, “эримдан шайтон ҳам афзалроқ,” дегандим... Мана, айтганим бўлди. Шайтон бўлмаса, ёпиқ эшиклару, деразалардан ўтиб, ётоғимга қандай киради?! Арвоҳ бўлмаса, нега кўзларининг ўрни – қора бўшлиқ?! Йўқ, бу – шайтон! У менинг дардларим, ҳамон Эдикни севишимни билиб, устимдан кулгани келган! Кеча эса, мен у билан гаплашдим! Ками, энди ҳаммасини биласан. Буни қандай изоҳлайсан? (ҳазин жилмаяди) Ё ҳамиша ўткир ақлинг бу воқеалар олдида лолми?!

Камола: (дугонаси гапларини даҳшат ичида тинглаб): Ҳа, ақлим чинданам ожиз...

У чуқур ҳаёл ичида ўрнидан туриб, вазадаги гулларни олиб, деразадан улоқтириб юборади.

Эшик қўнғироғи жаранглашидан иккалалари ҳам чўчиб тушишади. Зарифанинг ойиси ҳаллослаганича кириб келади. Кетма-кет икки сумкани зўрға кўтариб, дадасининг ҳайдовчиси Расулжон кириб келади. У қизлар билан кўришишади. Нигоҳи Камолада бир оз тўхтаб қолади. Кейин, бошқа хонага ўтиб, телевизорни ёқади. Онаси Зарифага зўрлаб, товуқ шўрва ичиради. Камола ҳам бир оз тамадди қилиб олади. Сўнг, телевизор кўриб ўтирган Расулжонни чақириб, ҳаммалари уйдан чиқишади. Зарифа онасиникига, Камола уйига кетади.

12 ЭПИЗОД

Камолалар уйи. Шинамгина ҳовли сатҳидаги тапчан устида унинг ойиси ҳижжалаб арабча сўзларни ўқияпти. Гуллари дид билан сараланган кичкина гулзордан хушбўй уфорлар таралади. Ташқари эшик очилиб, дид билан кийинган, оро-торони жойига қўйиб олган Зарифанинг ойиси ва у билан кетма-кет анча-мунча нарсга кўтариб олган Расулжон кириб келишади. Уларни кўриб, Камоланинг ойиси илдам ўрнидан туради ва меҳмонларга пешвоз чиқади. Зарифанинг ойиси пардоз билан чиройли бўлса, Камоланинг ойиси табиий гўзал, унинг оппоқ, тиниқ юзи бирор бўёқ кўрмаган. Юзларидан нур таралади. Улар айланиб, ўргилиб кўришишади.

Зарифанинг ойиси: Вой-бў, анча мулла бўлиб қолибсиз-ку!

Камоланинг ойиси(камтарлик билан): Дард жонингдан ўтиб кетса, ҳаммасига рози бўлар экансан, айланай... Қани ичкарига кирамиз! (Расулжон салом бериб, қўлидагиларни тапчаннинг бир четига қўяди.)

З.О.: Йўқ, йўқ, ичкарига кирмаймиз! Мен бирров сиздан хабар олай, деб кирувдим, ўргилай! (Ая уларни ўтиришга таклиф қилади. Хонтахта устидаги усти чойнакпўшак билан ёпиб қўйилган чойнақдан дарров чой қуйиб узатади. Ичкаридан тузаб қўйилган катта патнисни олиб чиқади. Унда ширинликлардан тортиб, пистабодомгача бор. Дастурхон ёзиб, нон ушатади. Расулжон рухсат сўраб, ташқарига чиқмоқчи бўлади.)

К.О.: Вой, иним, ўтиринг, озиб-ёзиб бир келибсизлар-у, ичкарига кирмай, мени хижолат қилиб қўйдингизлар...(Расулжон миннатдорчилик билдириб, узрини айтиб, чиқиб кетади)

З.О. : Вой, нега унақа дейсиз, кўп келамиз-ку!(Шарақлаб кулади.) Ичкарида нима бор, тоза ҳаво турганда!

Улар анчагача чақ-чақлашиб ўтиришади. Ниҳоят, Зарифанинг ойиси ўрнидан туради.

З.О.: Айланиб кетай сиздан, опажон, анча яхши бўлиб қолибсиз, энди бизникига ҳам бориб туринг! Шундоқ кўнғироқ қилсангиз, дарров машина юбораман!

К.О.: Майли, майли жоним, ташрифингиздан бошим осмонга етди. (Пакетларга қарайди) Овворагарчилиكنинг нима кераги бор эди?

З.О.: Вой, овворагарчилиги бор эканми? Сиз учун, Камола қизим учун ҳар қанча қилсам, арзийди! Мен сизга катта-катта ҳарфлар билан ёзилган Қуръон келтираман!

К.О.: Вой, айланиб кетай сиздан! (Уни кучоқлаб ўпади) Бу келганингиз ҳисоб эмас! Яна бафуржа келасиз! Овқат қилишга ҳам қўймадингиз!

Улар хайрлашадилар, ая ҳам кузатиб, кўчага чиқади. Расулжон ҳам машинадан чиқиб, ая билан хайрлашади. Ая табассум билан уларни кузатиб қўяди.

13 ЭПИЗОД

Зарифа ўз уйи йўлагидан кириб, зиналардан бирма-бир чиқади. Сигнализацияни ўчириб, уйига киради. Ҳамма хоналарга бирма-бир кириб чиқади. Компьютер турган хонага кириб, компьютерни ёқади. Шу заҳотиёқ, экранда ёзув пайдо бўлади:

“ Хайрият келар экансан-у, кутавериб чарчаб кетдим!”

“ Сен –кимсан ўзи? Нега мени кутасан?”

“ Мен- Эдикман! Наҳотки олдинги мулоқотимизни унутдинг? Сени жудаям соғиндим!”

“ Қандай ҳалок бўлганингни айтиб бермоқчи эдинг...”

“ Ҳалок бўлдинг... Қанийди, ҳалок бўлсам! Яхши, эшит: ўша куни қора ўпқон менинг оёқларимдан тортиб, сўра бошлади. Пастга учиб туша бошладим. Узоқдан нурли нуқта кўрина бошлади. Ўша нуқтага етиб борсам, яхши бўлишини билардим. Қизиқ, сув тагида эдим, сузиб юргандек эмас, учиб юргандек сезардим ўзимни... Бўшлиқ сари учиб бораётган бўлсам ҳам, сени қутқариб олишганини аниқ кўриб турардим. Мен ҳамон ёруғлик сари интилардим. Унга етишимга озгина қолганида, икки қора шарпа қўлтиғимдан олиб, қоронғулик қуюқлашган томонга бошлади. Мен қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлдим, аммо, уйдасидан чиқолмадим...” (Компьютерда ёзув давом этар экан, қиз даҳшат ичида уларни ўқир, ўқиганларини аниқ-тиниқ тасаввур қиларди)

“ Кейин эса, мени эшик-деразасиз бир қоронғу хонага олиб кириб қамаб қўйишди... Бу хонага қандай кирганимизни тушунолмай, ҳайрон қолдим... У ерда анча қолиб кетдик, қанчалигини билмайман, чунки, у ерда вақт дегани мавҳум бир тушунча экан... Бир пайт ўша “таниш ” икки шарпа мени олиб чиқишди. Бирданига чароғон хонага олиб киришганида, кўзларим қамашиб кетди. Ҳаммаёқда - шамлар! Хонадан хонага ўтар эдигу, қандай ўтганимиз номаълум, чунки, ҳамма хоналарнинг эшик-деразаси йўқ эди! Биз кирган хона ўртасидаги тахтда бир сассиқ махлуқ ўтирарди. У қандайдир бир рўдаполарга ўраниб олган эди, мен томон юзини ўтирганида, унинг гўзаллигидан ҳайратга тушдим! Оппоқ, тиниқ юзи, бир текис, марвариддек тишлари, қўнғир сочлари мени лол қолдирди. Лекин, бу сочлар шунчалар исқиртки! Мени ҳайрон қолдирган яна бир нарс-у-нинг кўзлари эди, бу кўзларда қорачиқ йўқ, қоп-қора. Тўлқинлар ҳаракатланиб турган пўртанага ўхшайди. Мени тиз чўктиришди. У билан узоқ гаплашдик. Хуллас, мен унинг гапларидан шуни тушундимки, дадам кимнингдир ҳаётига зомин бўлган! Дадамнинг жарроҳ эканликларини биласан-ку! Ана шу ишлари Аллоҳга хуш келмагани учун, мен жаннат (ўша узоқда кўриниб турган ёруғлик) гача етиб боролмаган эканман! Энди, шунинг бадалига, сув остининг қоронғулик, ЗУЛМАТ ШОҲИГА хизмат қилишим керак экан. Ҳар йили, маълум бир пайтда, у янги туғилган бир чақалоқ ҳаёт манбаини сўриб олиши керак экан. Бу вазифани бажаришда, ҳар йили ўз жонига қасд қилганлардан фойдаланишар экан. Бу йил, ўша муддат яқинлашган бўлса ҳам, ундайлар топилмапти. Шунинг учун, мендан фойдаланишга қарор қилишипти. Дадам қилган гуноҳ, менинг чўкканим уларга қўл келипти. Шу сабабдан, улар менга сен билан мулоқотга киришимга рухсат беришди, туғилажак боламини келтириб берсам, мени жаннатга ёки, ёруғ оламга қайтариш масаласини кўриб чиқишармиш.... Мана, энди ҳаммасини биласан.... Йўқ, мен, албатта рози бўлмадим, аммо, улар мени кўп қийнашди, азоблашди... Оловда куйдиришди, қайнаб турган қозонга ташлашди... Ҳаммасини айтиб берсам, ҳушингдан кетиб қолишинг мумкин, азизам, сенинг қанчалар нозик қалбли эканлигингни яхши биламан-ку! Азобларга чидай олмадим, мени кечир, жонгинам... ”

Компьютер чироқлари лип-лип этиб, ўчиб, ёна бошлайди. Қиз ўқиганлари таъсирида қотиб қолган, бу гаплар ҳақиқатлигига шубҳа қила бошлайди...

Беихтиёр қўлларини қорнига қўяди, наҳотки, севгилисини азобдан қутқариш учун, боласидан воз кечиши керак бўлса?!

Ўрнидан туриб, компьютерни ўчирмоқчи бўлганида, охириги ёзув пайдо бўлади:

“ Келаси ҳафта шу пайтда кел, гаплашамиз! КУТАМАН, ХАЙР!!! ”

Компьютер ўчиб қолади. Қиз бемажол, қарахт ҳолда уни ўчиради. Мадорсиз оёқларини зўрға босиб, эшик тагига келганида, ўткир, хушбўй ҳиддан боши айланиб кетади. Кичкина курсидада барглари диркиллаб турган, тўқ қизил рангли бир дона гул ётган бўлади...

14 ЭПИЗОД

Бир гуруҳ туристларга тўлган “Икарус” Бухоройи Шариф томон елиб кетаяпти. Камола – ўқишни тугатгач, гид, таржимон бўлиб ишга кирган. У туристлардан бири билан бемалол инглизча суҳбатлашиб кетаяпти. Мана, автобус шаҳарга кириб келди. Шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини тамошо қила бошлашади. Мана, қадимий Арк савлат тўкиб турибди. Масжид ва мадрасаларни бирма-бир зиёрат қилиб бораверишади.

Камола туристларга ҳар бир масжид ёки мадраса тўғрисида бирор янгилик айтиб ўтар, уларни жуда қизиқтириб қўйган.

Кечга яқин Камола ҳориб, толиб уйига қайтганида, ойиси бир неча дугоналари қуршовида “Биби СЕШАНБА” қиссаларидан ўқиб ўтирган экан. Қиз улар билан саломлашиб, ичкарига кириб кетади. Аёллар бирма-бир хайрлашиб чиқиб кетишади.

Ая: Қизим, дугоналаримдан бири мени бир маъракага тайинлаб кетди. Нима қилай, борсаммикан...

Камола: Албатта боринг, ойижон! Уйда ўтиравериб, сиқилиб кетдингиз!

Ая: Ҳа, айтганча, зиёратинг қабул бўлсин, қизим!

Камола: Иншооллоҳ, муродларимиз ҳосил бўлгай, ойижон!

Қиз сумкасини келтириб, пластик идишга тўлдирилган авлиё суви, Ёиждувондан харид қилинган ширмойкулчаларни олиб, онаси ёнига қўяди. Ойиси ширмойкулчани олиб, ҳузур қилиб ҳидлайди-да, ушатиб, бир бўлагини оғзига солади.

Ая: Бухоройи Шариф авлиё-ю, анбиёлар юрти-да, болам!

Қиз: Ҳа, ойижон, роса зиёрат қилдим, тилакларимни айтдим! Сиз айтган Саид Банди Кушо қабрларини ҳам зиёрат қилдим, сувларидан олиб келдим.

Ая: Умринг узоқ бўлсин қизим, ҳўп қипсан-да! У киши Ҳазрати пайғамбаримиз с.а.в.нинг неваралари Ҳасан ибн Али ибн Толибнинг авлодларидан бўлган эканлар. Халқ орасида “Побанд” деган лақаблари ҳам бўлган. Бунга сабаб, у кишининг оёқ-қўлларини кишанлаб, зиндонга ташлашганида, намоз вақти кишанлар ўз-ўзидан ечилар экан ва намоз адо этилгач, ўз ҳолига қайтар экан! Аллоҳнинг қудратини қара-я, қизим! Шунинг учун, иши юришмайдиган, бахти очилмайдиганлар у кишининг қабрларини зиёрат қилиб, астойдил сиғинишса, ҳаммаси ўз изига тушиб кетар экан! Сенинг ҳам бахтинг очилсайди...

Қиз: Уф-фф, яна шу гапми, ойижон? Вақти- соати келар ахир!

Ая: Қачон, болам? Қўзим очиқлигида тўйингни кўрсам, дейман...

Қиз (аччиқланиб): Бу қанақа гап бўлди, яна! Аллоҳга шукур, мана, бинойидек юрибсиз, арабчани ўргандингиз, Қуръон тиловат қилаяпсиз, соппа-соғсиз! Ҳали минг йил яшайсиз, ойижон! (Бориб, ойисига эркалиниб, уни ўпади).

Кечқурун совға-саломларидан олиб, Зарифаникига жўнайди.

15 ЭПИЗОД

Зарифанинг ота-онаси уйи. Уни Рая кулиб қарши олади. Қиз у билан сўрашиб, тўғри дугонасининг хонаси томон юради. Зарифа чўзилиб ётиб, китоб ўқиётган бўлади. Уни кўриб, ўрнидан югуриб туради.

Зарифа (қизнинг бўйнига осилиб, унинг юзларидан “чўлп-чўлп” ўпади): Вой, ўртоқжон, бормисан! Соғинтириб юбординг-ку!

Камола(уни ўзидан сал узоқлаштириб, қўлидан ушлаб, айлантиради): Қани, ўзингни кўрсат-чи, озибсанми, семирибсанми? Қорнинг ҳам анча дўппайиб қолибди-ку! (Синчиклаб қарайди) Йўқ, озибсан яна! Мен йўғимда яна ўша арвоҳ билан гаплашмадингми, ишқилиб?

Зарифа (ранглари оқариб кетади): Гаплашдим... (Мажоли кетиб, стулга ўтириб қолади) У билан яна компьютер орқали гаплашдим...

Камола (олиб келган сувидан пиёлага қуйиб, қизга ичиради): Қани, ҳаммасини бир бошдан гапириб бер-чи!(Қиз унга бор гапни айтиб беради.Камола индамай, диққат билан уни тинглайди.) Ҳимм...

Зарифа (бирдан жонланиб): Камола, сен унинг ота-онасини яхши танийсан-а, эртага дадасининг ишхонасига борайлик! Сен бугун уларникига телефон қилиб, дадаси билан қачон ва қаерда учрашиш мумкинлигини аниқлайсан!

Камола (ажабланиб): Сен Комил акага ҳамма гапни айтиб бермоқчимисан? Уларнинг ярасини янгилаб нима қиласан? Бу адолатдан эмас! Ахир, улар ўғлининг ўлимига зўрға тан беришди. Жасади топилмагани учун, онаси анчагача умидвор бўлиб юрган эди. Энди, бир оз тинчланишганида, яна уларнинг ярасига туз сепмоқчимисан?! Ахир, айтадиган гапларингни исботлаёлмайсан-ку! (Қиз асабийлашиб, уйнинг бу бошидан у бошига юра бошлайди) Қўй бу гапларингни! Уларни безовта қилишга ҳаққимиз йўқ! Тамом-вассалом!

Зарифа дугонаси гапларини тинглаб, кўзларидан дув-дув ёш тўкади. Камоланинг унга қараб, раҳми келиб кетади. Ёнига ўтириб, унинг нозик қўлларини силаб, гапиради:

Камола: Менга қулоқ сол, Зари, гапларимга диққат билан қулоқ сол! Биз муштипар ота-онани тинч қўйишимиз керак! Эдик отасининг гуноҳи учун азоб тортаётган бўлса, отасининг ўзи ҳам ундан ортиқроқ жазо олди-ку! Ота-она учун жонидан азиз фарзанди доғидан ҳам ортиқроқ азоб борми дунёда! Илоҳо, ҳеч кимга кўрсатмасин!

Тушун, уларга бу гапларни айтолмаймиз! Уларни умидвор қилишга ҳаққимиз йўқ! Ахир, уларни учраштиролмаймиз-ку! Ўзинг ўйла, уларга бориб нима дея оламиз? Эдик сув остида экан, жаннатга киришига ёрдам беринглар, деймизми?! Бизларни жинни деб ўйлашмайдими? Йўқ, йўқ, йўқ!!! Уларни тинч қўй! Мен бу ишинга асло рози эмасман! Ёрдам ҳам бермайман! Уларнинг ҳиссиётларини топташингга йўл қўймайман!

Зарифа (изтироб ичида инграб): Менинг ҳиссиётларим-чи?! Мен ҳақимда ким ўйлайди?! Нега ҳеч кимни менинг азобларим қизиқтирмайди?! Ахир, мен ҳам унинг ўлимига тан бергандим-ку! Нега у мени тинч қўймайди?! Менинг гуноҳим нима?! Мен нима қилай, айт! Ўзимни ўлдирсам, ҳаммасидан қутуламанми?! (бошини қўллари билан чангаллаб, йиғлаб юборади.Камола ўрнидан туриб, унинг бошини бағрига босади. Сочларини силаб, ҳўл кўзларидан ўпадаи.)

Қиз бошини дугонаси бағрига босиб йиғлай-йиғлай, бир оз тинчланади. Камола уни бағридан бўшатади.

Бир оздан кейин, уйга бир ликобчада ҳар бир донаси диркиллаб турган қора узум кўтариб, Зарифанинг онаси кириб келади.Камола билан айланиб-ўргилиб кўришади. Синчковлик билан қизларга қарайди.

Зарифанинг ойиси: Қизим, кўзларинг нега қизарган? Йиғладингми?

Камола (ҳамма гапни ҳазилга буришга уринади): Эй холажон! Зап йиғлоқи қизингиз бор-да! Бир кунгина келмаганимга кўз ёши қилиб ўтирибди. Дарров мени соғиниб қолганмиш!(Шарақлаб кулади)

Хола ишониб – ишонмай, хонадан чиқади.

Камола: Менга қара, йиғлоқи! Эртага тайёр бўлиб тур, саҳарлаб сени Бухорога олиб кетаман! Сени бир айлантириб келмасам бўлмайди, шекилли!

Қиз яна бир оз ўтиргач, хайрлашиб, кетишга отланади. Дугонаси уни кузатиб чиқади Дарвозадан чиқаётганларида Мақсуд аканинг машинаси келиб тўхтайди . Машинадан Мақсуд ака чиқади. Қизлар билан кўришишади.

Мақсуд ака(қизларни бирма-бир ўпиб): О, менинг она қизларим! Нималар қилиб юрибсизлар?

Зарифа (дадасига эркаланиб): Адажон, яхши келдингизми, чарчамадингизми?

Камола (кўришади): Салом, амаки, яхши юрибсизми?

Мақсуд ака (кулиб): Салом, салом! Ўзинг яхшимисан, қизим? Ойинг, даданглар тузукми? Оббо она қизларим-ей! (Қизига юзланиб) Бир нима демоқчимисан? Гапиравер!

Зарифа: Расул акам Камолани этиб қўйсинлар, майлими?

Мақсуд ака: Фақат шуми? Гапи йўқ! (Ҳайдовчисига юзланиб): Расулжон, мана бу қизимни уйига обориб қўйинг, илтимос, қоронғу тушиб қолди, қўрқиб-негиб юрмасин!

Расулжон: Хўп-хўп, жоним билан! (тез тушиб, машина орқа эшигини очади ва қизни таклиф этади) Марҳамат, ўтиринг! (Қиз дугонаси ва Мақсуд ака билан хайрлашиб, ўтиради)

Машина ўрнидан қўзғолади. Машина юриб кетар экан, Расулжон ойначадан қизга тикилиб-тикилиб қўяди, сўз очишга баҳона қидиради. Камола йигитнинг интиқ нигоҳларини сезади, лекин, у билан суҳбатлашиб боришга ийманади.

Машина қизнинг эшиги тагида тўхтайдди. Қиз тушади ва йигитга миннатдор назар ташлаб, “Раҳмат!” дейди. Йигит тезгина машинадан чиқиб, қиз ёнига келади. У билан хайрлашиб, уйига киргунича, ортидан тикилиб қолади.

16-ЭПИЗОД

Туристлар билан тўлган “Икарус” машинаси Бухоройи Шариф кўчалари бўйлаб елиб бораёпти. Автобус ичида Камола билан Зарифа ҳам бор. Зарифа тахминан икки йилдан бери Бухорога келмаган эди, шаҳардаги ўзгаришларни ҳайрат билан тамоша қилиб боради. Мана, янги меҳмонхона, университет, Технология институти, “Ҳамкорбанк”, Марказий банк, “Ғалабанк”, Миллий банк ва ҳоказолар...Зиёратгоҳларда ҳам бўлишади, Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазратлари қабрларини ҳам зиёрат қилишади. Оналари қабрларини зиёрат қилиб чиқишаётганида, Камола дугонаси енгидан тортиб, йўлакнинг чап томонини кўрсатади:

Камола: Айтишларича, Биби Орифа Ҳазрати Баҳоуддинни шу ерда туғган эканлар. Ичингда мен ҳам эсон-омон қутулиб олай, Аллоҳ солиҳ фарзанд ато этсин, деб ният қил! Иншооллоҳ, бувижонлар руҳи сени қўллаб юборсалар, ҳаммаси яхши бўлади.

Зарифа (кулиб юборади): Етмишга кирган кампирларга ўхшайсан-а! Ажойибсиз-да, “бувижон”!

Камола (жиддий): Илгарилари фақатгина қарияларгина бундай зиёратгоҳларга бориб юришгани туфайли, сен мени “бувижон”, деб кулаяпсан! Ҳозир ёшларимиз ўз илдизлари нақадар чуқур кетганини билишга интилишяпти, Қуръони Каримни, Ҳадисларни ўрганишяпти! Юрибсан-да, атрофдан беҳабар !

Зарифа: Вой-бў! Сиёсатшунос бўлиб кетибсанми, а?

Иккаласи баравар кулиб юборишади.

Улар саёҳатдан руҳлари тетиклашиб, енгил тортиб қайтишади.

17 -ЭПИЗОД

Зарифа ўз уйида. Компьютерни ёқади. Жим. Клиплардан бирини қўйиб, ошхонага чиқади. Чой қўяди. Телефон жиринглаб қолади.

Зарифа : Алло, эшитаман!

Камола: Зари, уйингда нима қилаяпсан? Бир ўзингмисан?(овози хавотирли тус олади) Мен сенга , уйингда борма, демаганмидим?! Нима бор сенга у ерда?!

Зарифа (кулиб): Алло, “бувижон”, ўзингизмисиз? Мен, уйимдалигимни ким билар экан, деб ўтирибман! Тушликка неччида чиқасиз? Тўғри шу ёққа келаверсангиз, яхши бўларди!

Камола (қаттиқ жаҳли чиқиб): Гапни айланторма! Қанақа одамсан, ўзи! Нега доим ўз бошингда ташвиш орттириб юрасан-а? Ҳали сен шошмай тур, ўзбошимча! Бўпти, мени ўша ерда кут! Компьютерни ёқа кўрма, тушундингми! Эшитдингми, сенга гапираяпман!

Зарифа: Хўп, дугонажон, хўп! «Сиз»ни кутаман, келинг! (Трубкини қўяди) Бориб, компьютерни ўчирмоқчи бўлади, шу заҳотиёқ, ёзув пайдо бўлади:

“ Салом, азизам! Келдингми? Соғ- саломат эканлигингдан хурсандман!”

З.: “ Салом, Эдик, ўзинг яхшимисан? ”

Э.:“Яхшиман, кулоқ сол, мени ҳаётга қайтаришни истайсанми? ”

З.: “Истайман, лекин, болам эвазига эмас! Мени тушунишга ҳаракат қил, сенинг қайтишинг менга бунчалар қимматга тушмаслиги керак! Мен боламни сенга алмаштиролмайман!”

Э.:“Сени жуда яхши тушунаман! Лекин, шуни унутмаки, мен - бу боланинг ҳақиқий отасиман! Болада менинг ҳам ҳаққим бор!”

З.:“ Бунга менинг шубҳам бор! Балки, сен- менинг фантазиям маҳсулидирсан? Сени бениҳоя севганим, бошимга теккан қаттиқ зарба натижасида шу тасаввурлар яралгандир?! ”

Э.:“Унда ҳозир ким билан гаплашаяпсан? Зара, сен менга ёрдам беришинг керак! Мен ёруғ оламга қайтсам, ҳали, эҳҳ-ҳей, қанча боламиз бўлади!”

З.:“Бунинг иложи йўқ, чунки мен-турмушга чиққанман!”

Э.:“Эрингни севасанми?”

З.:“Бунинг, энди, ҳеч қандай аҳамияти йўқ! Мен – унинг рафиқасиман! ”

Э.:“Унда... Сенга у билан қўша-қаришингни тилайман... Менга бўлган севгинг шунчалар тез сўнган экан, сендан менга фақат раҳм қилишингни сўрашим мумкин... Бу ерда қолиш мен учун нақадар азоб эканлигини билсайдинг... Мана, қара!”

Экранда , аввал, Эдикнинг кулиб турган чехраси, кейин, белигача яланғоч танаси пайдо бўлади. Териси куйганидан бўжмайиб кетган, баъзи жойларида этлари парча-парча бўлиб осилиб ётади...Бечора йигитнинг оғриқ зўридан бурушган, изтиробли чехраси кўриниб туради. Унинг танасини олов ямлай бошлагани кўринади. Йигитнинг дардли кўзларида азоб ва илтижо муҳрланган, оғриқ зўрига чидолмай, тишларини – тишларига босади, жағ мускуллари туртиб чиққан, аъзойи баданидан шовуллаб тер оқади...

Қиз бу даҳшатли манзарага чидолмай, кўзларини юмади. Титроқ қўллари клавишларни зўрға босади, ёза бошлайди:

“ Айт, сени азоблашни бас қилишсин, мен розиман...”

Йигитнинг бадани узра ўрмалаётган олов илони йўқолади. Тасвир ҳам йўқолади.

Эшик қўнғироғи жиринглайди. Зарифа зўрға ўрнидан туради. Бориб эшикни очади. Камола отилиб ичкарига киради. Компьютер ёқиғлиқ эканлигини кўриб, қошлари чимирилади.

Камола(жаҳл билан): Яна ўша “арвоҳ” билан гаплашдингми?! Балки, унинг ёнига борақоларсан?!У сени ўлдирмаса-тинчимайди, шекилли!

Зарифа: Ҳа, кетаман! Мен ҳам орқасидан кетаман! Шунда бу азоблардан биратўла қутуламан – қўяман! Бўлдими?! Кўнглинг жойига тушдими?! (Ҳўнграб йиғлаб юборади.)

Комила унинг йиғлашига бир оз қараб туради-да, бориб компьютерни ўчиради.

Кейин, дугонасини етаклаб бориб, юз-қўлини ювдиради. Кескин сўз бошлайди:

- Бунга чек қўйиш керак! Ҳамма гапни ота-онангга айтиб берамиз! Бу уйга, энди, эринг қайтгунича, умуман келмайсан! (Зарифа бошини эгиб, индамай ўтиради) Керакли нарсаларингни йиғиштир, сумкага сол! Уйнинг калитини менга берасан! Агар, докторларнинг гапига ишонсак, туғадиган вақтинг ҳам яқинлашиб қолди. Бунақа асабийлашаверсанг, Худо кўрсатмасин, биронта “урод”ми, “монстр”ми туғиб қўйсанг-нима қиламиз?!

Унинг жиддийлик билан айтган гапларидан, кўзларидан ҳамон ёш оқиб турган Зарифа кулиб юборади. Унга қараб туриб, Камоланинг ўзи ҳам кулади. Икки қиз қотиб-қотиб кулишади. Бир оз тинчланиб олишгач, Камола такси чақиртиради. Зарифа нарсаларини йиғиштириш учун кетаётганида, димоғига таниш ҳид урилиб, боши айланиб кетади. Шошиб, йўлакнинг чироғини ёқади. Ўша курсича устида янги узилган бир дона қизил гул турарди...

18 -ЭПИЗОД

Зарифани тўлғоқ тутади ва уни касалхонага олиб кетишади.Қаттиқ шамол уйларнинг томини кўчиргудек бўлиб, гувиллайди. Қоп-қора булут бутун осмонни қоплаган. Қаттиқ чанг-тўзондан кўз очиб бўлмайди. Зарифанинг ота-онаси ҳам, ўз машиналарида“Тез ёрдам ”машинаси билан кетма-кет касалхонага кириб келишади. Зарифанинг онаси йиғидан ўзини тўхтатолмайди. Уни овутиш ҳам бефойда.

Камола ўша куни қизни уйидан олиб келганидан кейин бўлган ишларни бир-бир эслайди... Ўша куни, Зарифанинг дадасига ҳамма гапни ётиғи билан тушунтиришади. Дадаси ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, узоқ ўйга толиб ўтиради. Ахийри, Расулжонни қизига тансоқчи қилиб тайинлашга қарор қилади. Шу кундан бошлаб, Расулжон қизни ҳар доим қўриқлаб юрадиган бўлади...

Чақалоқнинг чинқироқ овози қизнинг хаёлларини тўзғитиб юборади. Шу пайт қудалар ҳам етиб келишади. Улар сўрашиб улгурмай, ҳаяжонланган ҳамшира қиз югуриб чиқади:

-Суюнчи беринглар, ўғил неvara муборак!

Мақсуд ака шошиб бориб, қизнинг халати чўнтагига пул тикади, қуда бува ҳам, пул солиб қўяди. Қиз қип-қизариб, “вой, керакмас”, деб ичкарига қочиб киради. Қудалар бир-бирларини табриклаб, қучоқлаша кетадилар. Камола Зарифанинг онасини ўпиб табриклайди, бошқаларга ҳам табрик айтиб, югурганича ичкарига кириб кетади.

Орадан икки кун ўтади. Камола ота-онасига бўлган воқеаларни тушунтириб, ўзи Зарифанинг ёнидан бир қадам ҳам жилмаслик учун туғруқхонага жўнайди. Расулжон пастда, Камола палата эшиги тагига стул қўйиб олиб, уни қўриқлашади. Камола Расулжонга ҳамма гапни айтиб беради. Расулжон бу қизнинг олижаноблиги, дўстига садоқатига қойил қолади. Унинг юрагида бу ўктам қизга нисбатан бир меҳр уйғонади. У ҳам ўз ҳаёти тўғрисида қизга сўзлайди, хотинининг тўлғоқ устида вафот этгани, қизчасини

қайнанаси қўярда-қўймас олиб кетганини, улардан тез-тез хабар олиб туришини айтиб беради. Уларнинг юракларини кўринмас ришталар боғлайди. Орада гўзал бир муҳаббат туғилади. Улар тушлик пайтида касалхона эшиги тагидаги скамейкада бирга овқатланишади. Ота-оналар навбат билан Зарифага алоҳида, уларга алоҳида егулик келтиришади.

19- ЭПИЗОД

Зарифанинг онаси уларга тушлик олиб келади. У қизининг палатасига киради. Камолани пастга тушиб, овқатланиб олишга юборади. Пастга тушаётган Камоланинг кўзи эшикдан кирмоқчи бўлиб турган фельдшер йигитга тушади. Йигит унинг кўзига жуда таниш кўринади-ю, қаерда кўрганини эслолмайди. Қиз хаёл оғушида Расулжонга яқинлашади. Расулжонга шубҳасини айтганида, йигит сергакланади. Кўзини ташқари эшикдан узмай, қараб ўтиради. Шу пайт Зарифанинг онаси ичкаридан чиқади. Улар аяни кузатиб қўйишади. Камола юқорига чиқиш учун йўналади, унинг рўпарасидан чақалоқ кўтарган фельдшер йигит чиқади. Камола унга йўл беради, йигит негадир, ундан юзини яширишга ҳаракат қилади. Шу пайт ҳамширанинг чинқирган овози эшитилади. Камола билан Расулжон юқорига югуришади. Камола болалар хонаси томон югуради: Зарифанинг боласи ётадиган каравотча бўм-бўш... Расулжон чинқириқ эшитилган томон югуради, муолажа хонасида ҳамшира хушсиз чўзилиб ётади. Шу пайт Камола у йигитнинг Эдик эканлигини эслайди. Ҳамширага ёрдам кўрсатаётган Расулжоннинг қўлидан тортади:

Камола: Югуринг! Эдик Зарифанинг боласини олиб кетибди! Унга етиб олишга ҳаракат қилинг! Мен бошқаларни хабардор қиламан! Болани қутқаришимиз керак!(Югуриб кетаётган Расулжоннинг ортидан қичқиради) Расулжон ака, у қўл томон кетган бўлиши керак!

Ўзи шошиб, мобильний телефонни қўлига олиб, телефон қила бошлайди.

К.: Алло! Амаки! Эдик Зарифанинг боласини олиб кетди! Қўл томон кетган бўлиши керак! Шошилинг!

У яна кимнингдир телефон рақамларини тераётганида, ортига қайрилади-ю, кўзи эшикка суяниб турган Зарифани кўради. Унинг ранглари оппоқ оқариб кетган.

З.: Ками...Болам...(Комила шошиб, уни қучоқлаб, палата томон бошлайди)

К.: Зари! Сен шу ерда ўтиратур! Болангни албатта қутқарамиз! Мен – кетдим!

З.: Йўқ! Мен ҳам сен билан кетаман! (У кутилмаган қатъият билан гапиради.)Бу ерда кутиб ўтиролмайман!

Камола унинг қўлидан тортганича, пастга судраб кетади. Тезде касалхонадан чиқишиб, такси тўхтатишади.

К.: Илтимос, тез ҳайданг! Қўл томон ҳайданг! (Ҳайдовчи улар томон бир қараб қўяди-ю, машинани елдириб кетади.)

20-ЭПИЗОД

Улар қўлга етиб келишади. Камола ҳайдовчига пул тутқазади-ю, дугонасининг қўлидан тортганича, қўл томон югуради. Улар қўлга яқин келишганида, Расулжон билан Эдик олишиб ётишар, чақалоқ эса, ерда биғиллаб йиғлаб ётган бўлади. Шаррос ёмғир қуя бошлайди. Камола югуриб бориб, чақалоқни ердан кўтариб, бағрига босади. Бунни кўрган Эдик бир ваҳшиёна куч билан Расулжонни итариб ташлайди-ю, улар томон интилади.

Бурни қонаган Расулжон уни чалиб юборади. Камола чақалоқни онасига тутқазади. Йиқилиб тушган Эдик ўрнидан зўрға туриб, улар томон интилиб, қўлларини чўзади:

- Зара! Жоним! Уни менга бер! Менинг ўн беш дақиқа вақтим қолди...Уни олиб бормасам, мени энди қайнаб турган сувга эмас, ёғга ташлашади...Фақат этим эмас, суякларим ҳам эриб оқса керак...Бу оғриққа чидолмайман, деб қўрқаман...

Зарифа боласини бағрига маҳкамроқ босади. Унинг кўзлари ёшга тўлади. Кўз ёшлари ёмғирга қўшилиб оқади. Камола даҳшат ичида бу воқеаларни кузатади. Расулжон оқсоқланганича уларга яқинлашади. Қизлар билан Эдик ўртасида туриб олади. Эдик ҳамон зорланганича уларга яқинлашаверади:

- Наҳотки менга ичинг ачимаса?! Ахир, мени севардинг-ку! Мени қутқар,жоним!

Зарифа сеҳрлангандек олдинга бир қадам ташлайди. Бир зум чакнаб ўтган чакмоқ унинг яланг оёқларини, баданига чиппа ёпишган қўйлакларни, тўзғиб кетган сочлари, йиғидан қизариб кетган кўзларини ёритиб ўтади. Онасининг ҳидини туйган бола тинчиб қолади. Эдик умидворлик билан қўлларини бола томон чўзади.

Зарифа болани у томонга чўзади. Камола уларга қараб талпинади. Расулжон уни тўхтатиб қолади.Зарифа олдинга яна бир қадам ташлайди. Эдик енгил тин олади. Гўдак бирданига бир хавфни сезгандек, чинқириб, йиғлаб юборади.Зарифа бир сесканиб тушади. Кўзларини болага тикади. Юрагида оналик меҳри жўш уриб, боласини маҳкам бағрига босади. Тўлқинлар ғазабланиб, кўпикланиб соҳилга урилади. Эдикни қўл домига торта бошлайди.

Эдик(илтижо билан): Зарифа, жоним, болани менга бер, Мени қутқар, севгилим!

Уни қўл домига торта бошлайди. У секин-секин сувга чўкиб боради. Зарифа боласини бағрига маҳкамроқ босади. Сув Эдикни елкасигача кўмади. У ҳамон зорланишини қўймайди:

- Болани менга от, жоним, бўлақол! Ҳали кўп бола кўрамиз! Севгимиз ҳаққи, мени қутқ -а- а- ар!!!

Сув гирдобни йигитни бутунлай кўмиб ташлайди. Зарифа боласини бағрига босганича, бир томонга ағанай бошлайди. Содиқ Камоласи югуриб келиб, уни ушлаб қолади. Расулжон ҳам ёрдамга шошилади. Камола болани унинг қўлидан олади. Узоқдан Мақсуд ака бир неча йигитлар билан чопиб келаётгани кўринади. Ҳушидан кетган Зарифани Расулжон кўтариб олиб, машина томон юради. Камола болани бағрига маҳкам босганича, машина томон чопиб кетади.

Ёмғир тинади.

ЭПИЛОГ

Зарифа боласи билан туғруқхонадан чиқади. Уни тантана билан кутиб олишади. Эридан “уч кундан кейин уйда бўламан!” деган телеграмма келади. Қудалар Зарифанинг ўшангача ота уйида яшаб туришига рухсат беришади.Зарифа боласи билан чиройли, шоҳона безатилган ота уйига маликалардек виқор билан кириб келади.Қариндош-уруғлар, қудалар, яқинлари билан байрам дастурхони тузашади.

Комил ака Камоланинг ойиси билан маслаҳатлашиб, битта мулла топиб келиб, қўл бўйида “Ёсин ” сурасини 40 марта ўқитади. Уч кун шу тарзда ўқитилгач, Эркинжоннинг жасади сув юзига қалқиб чиқади. Жароҳатидан қон томиб турган ота-она қайта аза очиб, жасадни ерга топширишади.

Болакайга Эркинжон, деб ном қўйишади. Қизиги шундаки, бола қуйиб-қуйгандек, Зарифанинг эрига ўхшайди.

Камола билан Расулжон турмуш қуришади. Қизининг бахти очилганидан бахтиёр она Бухорога, зиёратга отланади.

TAMOM

Qiziq voqea

Zamiraxon ishdan chiqqa solib, bozorga yo'l oldi. Qizi yaxshi ko'radigan sharbatlardan, o'g'li yoqtiradigan shirinliklardan xarid qilib, ikkita og'ir sumkani ko'targanicha, uyiga piyoda yo'l oldi. Uninr eng katta orzusi - uni jonidan sevadigan bir erkak uyidan ishgacha o'z mashinasida oborsa, ishdan olib kelsa... Ammo, afsus, yillar o'tgan sayin orzusi sarobga aylanib borayotganini ich-ichidan sezardi... "Meni- men istaganlar o'z suhbatiga arjumand etmas, meni istar kishining suhbatini ko'nglim pisand etmas..." Ha, u o'z hayotida o'zi orzu qiladigan erkakni uchratmadi. Ota-ona rizoligi uchun turmushga chiqdi, ikki bolalik bo'ldi-yu, baxt ko'rmadi. Yaxshi ko'rmasa-da, o'zbek ayollariga xos mutelik bilan, erini boricha qabul qildi. Unga yaxshi beka, bolalariga yaxshi ona bo'ldi... Ammo... Ammo, afsuski, o'qigan, ziyoli qiz qaynanaga yoqmasdi, chunki etti farzandi bor qaynananing oilasida oddiy mehnat ustuvor bo'lib, bolalarda o'qishga qiziqish umuman yo'q darajada edi. Qaynana eri o'lgach, bolalariga umuman e'tibor bermagan, bozorga chiqib meva-cheva sotib kelish bahonasida kun bo'yi yo'qolib ketganida, bolalar o'z hollaricha, ko'cha-kuyda sang'ish, devor osha qo'shnining uyini poylash, qizlar-birovlar ishini qilish, dugonabozlik, o'g'illar dangasalik bilan katta bo'lishgan edi. Qayin ukalari, qayinsingillari nomiga maktabda o'qishgan, maktabni zo'rg'a bitirishgan edi. U kelin bo'lib borganida, qayin ukalari maktabda o'qishar, ertalab bitta daftarni qatlab, cho'ntaklariga tiqqanlaricha borishar, kelasolib, uni biron chetga uloqtirib, ko'chaga chiqib ketishardi. Biron marta, ularning, aqalli nomiga dars tayyorlashlarini ko'rmagan. Shu zaylda ular ham maktabni bitirishdi. Bo'yiga etgan qizlar uyda o'tirishmas, dugonabozlikdan beri kelishmas, akasi urushsa, u bilan tortishib, ura - baravar olishib, o'z bilganlaridan qolishmasdi. Ona- qizlari tomonda! Ziyoli oilada o'sgan kelinchak, bu oiladagi tartib-qoidalarga hayron bo'lar, shuning uchun ularga ko'pam qo'shilishavermasdi. Bu esa, o'z navbatida qaynona va qayinsingillar tomonidan bo'lar-bo'lmas gap-so'zlarning ko'payishiga olib keldi. Laqqi eri singillari va onasining g'iybatlariga ishonadi, ko'cha bolasi bo'lgan, ma'naviy qashshoq erining o'zi ham, ma'nan buzuq oilada o'sgani uchun, bema'ni rashk girdobiga berildi. Oilalari buzilib ketdi. Ikki bola onasida qoldi. Zamiraxon erining alimentidan voz kechdi. Tish-tirnog'i bilan bolalarini oyoqqa ko'tarishga kirishdi...

Ziyoli, nozikta'b ayol, o'zining hassos qalbini tushunadigan, uni chin dildan sevib ardoqlaydigan, tashvishlariga zabardast elkasini tutadigan, nozik guldek avaylaydigan, iqtisodiy tangliklar chiroyli boshchasini qiynamasligini ta'minlay oladigan erkakni uchratmadi. Unga yoqishi kerak bo'lgan erkak- savlatli, o'ziga yaxshi qaraydigan, yaxshi kiyinib, qimmatbaho atirlar sepib yuradigan ziyoli odam bo'lishi kerak edi. Lekin, unaqasini qaydan topasan? Atrofda nuqul xashaki, or-nomusi bir pulga qimmat erkaklar! Ko'ngliga o'tirishgan ba'zi birlari esa, albatta, oilalik bo'lishardi. Mayli, menga ham, biror kun o'zim orzu qilgudek, ammo, band bo'lmagan erkak (bu asosiy shart!) uchrab qolar, degan o'y bilan yashab yuraverdi. O'z halol mehnati, ko'z nuri bilan o'ziga alohida uy-joyq'ildi, bolalarini o'qitdi. Mana, Xudoga shukur, qizi ham, o'g'li ham oliygohlarda tahsil olishayapti, aqlli, chiroyli bolalar!

Shularni o'ylay-o'ylay kelayotgan Zamiraxon, xayollari bilan band bo'lib, bir odam anchadan beri uni ta'qib qilib kelayotganini payqamadi. Qo'llaridagi og'ir sumkalar, kun issig'i, buning ustiga bigiz poshna tuflida yurish azobi uni holdan toydirib qo'ydi. Afsuski, ular tomonga transport yurmaydi. Zamiraxon har kuni ishga piyoda qatnaydi. Eski shaharga qatnaydigan birdan-bir transport bekatiga chiqquncha, ishxonasiga yaqinlashib qoladi. Xiyobonni kesib

o'tgan katta yo'l bilan borar ekan, ulkan daraxt soyasida bir pas dam olmoqchi bo'ldi. Sumkalarini yerga qo'yib, nafasini rosladi.

- Yordam beraymi?- Qo'qqisdan yangragan ovozdan ayol cho'chib tushdi. Ortiga qayrilib, ovoz egasini qidirdi. Boshqa bir daraxtning soyasidan unga qarab turgan yigitni ko'rdi. Yigit, undan besh yoshlar chamasi yoshroq, ozg'in, bo'ychan bo'lib, kichkina mo'ylovi cho'zinchoqroq yuziga yarashib tushgan edi. Ayol o'ziga qaragach, unga yaqinlashdi:

- Yukingiz og'ir ko'rinadi, qarashib yuboraymi?

Ayol, odatda hamma bilan kirishib ketaverardi. Ammo, yigitning nimasidir yoqmadimi, shubhalantirdimi, "yo'q, rahmat", deb qo'ya qoldi. Yigit uning fikrlarini tushundimi, xijolatomuz jilmaydi:

- Qo'rqmang, yomon niyatim yo'q, shunchaki, men ham shu yo'lning oxirigacha borishim kerak, hu anavi - yigit qo'lini yangi qurilgan mehmonxona tomonga cho'zib, ko'rsatdi, mehmonxonaga borishim kerak, ishim bor.

- Mayli, rahmat, sizni ovora qilib qo'yaman-da,- siniq jilmaydi ayol, va unga sumkalardan birini cho'zdi. Yigit uning xayolidan kechganlarini sezib qolganidan xijolat tortdi. Ayol cho'zib turgan sumkani olarkan, yigitning ko'zlari bir zum porlab ketgandek bo'ldi. Qat'iyat bilan, ikkinchi sumkani ham oldi. Ular yana yo'lga tushdilar. Anchagacha jimjit borishdi.

Nihoyat, jimlikni yigit buzdi:

- Shu tomonlarda turasizmi?

- Ha, uyim shu tomonda. Siz-chi?

- Mening uyim uzoqda. Shahardan tashqarida turaman. Uchastkam bor.

- Yaxshi...- Ular mehmonxonaga yaqinlashdilar. Ayol qo'lini sumkalar tomon cho'zdi:- beraqoling, etib keldingiz, rahmat sizga!

- Yo'q! - Bu gapdan cho'chib tushgan ayol hayronlik bilan hamrohiga tikildi. Yigit unga jiddiylik bilan qarab turardi. Juvon nima o'ylashini ham bilmay, garangsidi. Yigit indamay turaverdi. Noqulay ahvolda qolgan Zamiraxon qanday yo'l tutishni bilolmay qoldi. Nihoyat, yigit jilmaydi:

- Siz meni kim deb o'yladingiz? Nahotki sizdek nozik ayolga shuncha yukni ko'tarib borishni ravo ko'rsam? Uyingizgacha etib berishim shart va zarur, e'tiroz qabul qilinmaydi!

Zamiraxon yengil tin oldi. U, hozir sumkalarimni olish vaqti keldi, yana yuk ko'tarishga majbur bo'laman, deb o'ylay boshlaganida, nogahoniy yordamchisi "djentl'men" bo'lib chiqqani, uni yoqimli ajablantirdi.

Ular yana indamay, yo'llarida davom etishdi. Yigit uning yuklarini uyi ostonasigacha keltirib qo'ydi-da, xayrlashib ketdi. Zamiraxon bu voqea to'g'risida bir oz o'ylandi-da, keyin yana ro'zg'or tashvishlari bilan bo'lib, hammasini unutdi.

Oradan ikki kun o'tdi. Shu ikki kun u uyiga taksida qaytdi, chunki, ishda kechgacha qolib ketishga majbur bo'lgan edi. Uchinchi kuni yana bozorga tushdi. Kerakli xaridlarini qilib, og'riqli darajada tanish yo'l bilan keta boshladi. Shunda, haligi kundagi yigit bir zum xayolidan o'tdi-da, yana boshqa muammolar to'g'risidagi o'ylarga berildi. Dimog'iga akatsiya daraxti gullarining yoqimli hidi urildi. U bu hidni juda yoqtirardi, hatto, uzoh yillar shunday hidli atirdan foydalanardi. Xushbo'y uforli havodan to'yib-to'yib simirganicha borarkan, yana o'g'li to'g'risidagi muammolar xayolini band etdi. Ta'tili yaqinlashayapti. Uni biron joyga ishga joylashtirishim kerak, deb o'yladi. Tanish-bilishlarini birma-bir xayolidan o'tkaza boshladi. Shu payt haligi kungi yigit yana o'sha daraxt panasidan chiqib qoldi. Bu daraxt hokimiyat tomonidan keladigan yo'l yoqasida bo'lgani uchun, Zamiraxon yigit ish bilan shu tomonlarga qatnayapti, deb o'yladi.

- Assalomu alayko-o-o'm!- dedi yigit ming yildan beri ko'rmagan tanishini uchratib qolgandek. Zamiraxon bosiqlik bilan alik oldi-da, yo'lida davom etdi. qo'lidagi yuki uncha ohir emas, buning ustiga, bugun bigiz poshnali tufisini ham kiymagan, shuning uchun, bironing marhamatiga muqtojligi ham yo'q. Yigit shoshganicha, unga etib oldi-da, setkani olish uchun qo'lini cho'zdi. Zamiraxon cho'chib, orqaga tisarildi.

- Keragi yo`q, rahmat, -dedi jilmayib,- yukim og`ir emas. Shundoqam o`tgan gal katta yordam berdingiz, rahmat sizga!

- Jilmaysangiz yanayam chiroyli bo`lib ketarkansiz...-dedi yigit o`tkir nigohini uning chehrasidan uzmay,- hamisha kulib yuring!

- Tushunmadim, - jiddiylashdi ayol, - menga xushomad qilmoqchi bo`layapsizmi! Bu qanaqasi!

- To`xtang-to`xtang, jahlingiz chiqmasin! hech qanday yomon niyatim yo`q, shunchaki, "bir ko`rgan- tanish, ikki ko`rgan-bilish", deganlaridek, tanishib qo`ysak yomon bo`lmasdi. Ismim-Elbek. Bilasizmi, men savdoda ishlayman. To`rtta magazinim bor. Bozorda tochkalarim bor. Mana, mehmonxonalar bilan ham shartnoma tuzdim. Hozir hokimiyatdan ham biznesimga aloqador ba`zi qog`ozlarni rasmiylashtirib kelayapman.

- Xo`sh, bularni menga nima maqsadda aytib berayapsiz? Menga nima aloqasi bor? Umuman, namuncha xira pashshaga o`xshab, yopishib oldingiz? Ish bilan yurgan bo`lsangiz, ana, katta ko`cha, yo`lingizda ketavering!

- Bilmadim...- bo`shashdi yigit, - haqiqatdan ham, nega bularni sizga aytib berayapman...Balki, sizga juda ham yoqqim kelayotgandir...

- Ko`chadan o`tib ketayotgan har bir ayolga shunaqa shilqimlik qilasizmi? Bir oz kutib turing, mendan yoshroq ayollar o`tib qolar! Tovba! Biznesmenmish. Shuncha biznesi bor odam shu qiyofada, tagida mashinasiz yurarmishmi? Kiygan kiyimlaringizga qarang! Nima, meni g`irt axmoq deb o`yladingizmi?! - chinakamiga jahli chiqdi ayolning.- Bo`ldi! Boring, yo`lingizdan qolmang!

- Meni kechiring.. Bir hafta oldin Toshkentdan to`g`ri shu yerdagi mehmonxonaga kelib tushuvdim. Mashinam uyda qolgan. Ishlarimni tugatib, birato`la uyga o`tib ketmoqchiydim. Shahardan uzoqroqdagi tumanda turaman.

- Menga hisobot berishingiz shart emas!- Ayol shart burilib, yo`lida davom etdi. Yigit yo`l ustida bir pas serryib turdi-da, sekin-sekin keta boshladi. Ayol etti metrlik chamasi yo`l yurgandan so`ng, bir dam to`xtab, orqasiga qaradi. Yigit ham taxminan shuncha borganidan so`ng to`xtadi. U ham orqasiga burilib qaradi. Juvon indamay, yana o`z yo`liga davom etdi. Yigit ham bir oz turgach, keta boshladi.

Ayol uyiga keldi hamki, jahli bosilmadi. Bunday shubhali, shilqim odamlar namuncha ko`paygan-a! Yoki...Balki, rostdan ham ish bilan yurgandir. Ohir sumka ko`targan ayolni ko`rib, odamgarchilik yuzasidan yordam bergisi kelgandir?! U esa, bechora yigitni urushib berdi. Chiroyli jilmayasiz, dedimi...

Bir ozdan keyin ayol tinchlandi. Yana bir ozdan keyin, qilgan ishidan rosmiyan pushaymon bo`di. Endi uni hecham uchratmasa kerak! O`zi ham, shu ayolni ko`rsa, ikki ko`cha naridan aylanib o`tsa kerak!

Oradan bir hafta o`tib, yana o`sha yo`l bilan uyiga qaytayotsa, oppoq "Neksiya" yonginasiga kelib to`xtadi. Ayol qaysi tanishim ekan, deb qiziqsinib qaradi. Mashinadan kuyovto`radek yasangan, tunov kungi tanishi tushganida, hayratdan og`zi ochilib qoldi. Bir zum nima deyishini bilmay, talmovsiradi.

- Assalomu alayko`o`-o`m!- dedi yigit, odati bo`yicha, eng yaqin tanishini uchratib qolgandek. - Yordamlashib yuborsam maylimi?- U ko`zi bilan ayolning qo`lidagi yuklarga ishora qildi. Ayol nima deyishiga hayron. Tili kalimaga kelmaydi. Axiyri, gapirishga jur`at etdi:

- Meni kechiring, bir oz o`zini tutib oldi u,- Haligi kun sizga bir oz qattiqroq gapirib yuboruvdim...

- Qachon?!- Yolg`ondakam hayratlandi yigit,- esimda yo`q-ku! Qani, o`tiring!

Ayol "yo`q", degan ma`noda boshini sarak-sarak qildi:

- Uyimga oz qoldi, bilasiz-ku! O`zim etib olaman. O`sha kuni yordam berganingiz uchun rahmat, ammo, boshqa uchrashmasak yaxshi bo`lardi...Xo`p, xayr, sog` bo`ling!

Zamiraxon yo`lida ketaverdi. Endi, yigit garangsiganicha yo`l o`rtasida turib qoldi. Yo`q, u nima bo`lsa ham, bu ayol qalbiga yo`l topishi kerak! Shart va zarur! Yo`qsa...U bir qarorga kelib, shartta mashinasiga o`tirdi.

Ayol yo`lida davom etarkan, xayollarga berildi. Balki, bu yigit bilan tanishsa - yaxshi bo`larmidi... Yomon niyatda emas, yo`q, shunchaki, do`stona munosabatda bo`lishsa, kerak bo`lganida - bir-birlarini qo`llab yuborishsa... O`g`lining muammolarini yechishda yordam berarmidi. Boshingda erkaging bo`lmasa, qiyin ekan... U xayollar og`ushida borarkan, yana yonida o`sha mashina paydo bo`lib qolganini sezmadi. Mashina undan sal yuqoriroqda to`xtadi. Yigit mashinadan tushdi.

- Opa, siz bilan ochiqchasiga gaplashib olsam bo`ladimi? Yomon niyatim yo`q, ishonimg. Shunchaki, bir masala yuzasidan maslahatlashmoqchi edim. Yo`q demang, iltimos. Mashinaga o`tiring. Iltimos, ko`p vaqtinizni olmayman!

Ayol bir zum o`ylanib turdi-da, mashinani aylanib o`tdi. Yigit shoshib borib, oldingi o`rindiq eshigini ochmoqchi edi, ayol bosh chayqab, orqa eshikka q`lini cho`zdi. Yigit eshikni ochdi, ayol joylashib, o`tirib oldi. Yigit eshikni yopib kelib, rulga o`tirdi. Mashina sekin o`rnidan jildi-da, yengil suzib ketdi.

- Xo`p desangiz, mana shu yo`l yoqasida muzqaymoq kafesi bor. Ochiq joy, salqingina. Bittadan muzqaymoq yeb, gaplashib olsak. Mashina ichi- issiq, noqulay. Nima dedingiz? - Ayol yana indamay, rozilik alomatida bosh irg`ab qo`ydi. Uni bu voqealar qiziqtira boshlagan edi.

Bir ozdan keyin, ular sochlarini mayin shamol tarab turgan majnuntol soyasiga joylashtirilgan stol atrofiga o`tirdilar. Beton plitkachalar yotqizilgan polga ko`loblatib suv sepilgan. Ular muzqaymoq bilan "Kola" buyurishdi. Ofitsiant ingichka belli likobchalarda muzqaymoq bilan qoshiqchalar keltirib qo`ydi. Yigit uzun bokalga "Kola" quyib, ayol tomonga surib qo`ydi. Ayol muzqaymoqqa qo`l tekkizmay, yigitga savol nazari bilan qaradi. Yigit buni tushundi.

- Siz, bu yigit meni buncha ta`qib etdi, deb hayron bo`lgandirsiz... Gap shundaki, mening ukam qamalib qoldi. U kirakashlik qilardi. Shahardan bizning qishlog`imizgacha odam tashirdi. Bir kuni qishloqdan ikkita odam bilan shaharga ketayotganida, uch- to`rtta yigitlar uni to`xtatishgan. Yukimiz bor, aytgan joyimizga oborsang, mo`maygina pul beramiz, deyishgan. Ukam rozi bo`lib, mashinasidagi ikki kishini tushirib, bo`sh qaytayotgan sherigiga bergan, yigitlarni aytgan manzillariga oborish uchun mashinani haydagan. Yarim kilometrcha yo`l bosishgach, shaharga yaqin joyda, militsiya mashinasi ularni quvlab o`tib, to`xtatishgan. Bagajnikdagi yuklar orasidan yarim kilo narkotik modda topishgan. Yigitlar bilan qo`shib, ukamni ham etib tiqishgan. Ikki oydan beri tergov ishlari ketayapti. Yaqinda sud bo`ladi...

Ayol indamay, jimgina tinglab o`tirdi. Qoshiqchani olib, muzqaymoqni bir-ikki kovladi-da, ozginadan olib, eya boshladi. Yigitning gapi tugagach, unga yana savol nazari bilan qaradi:

- Xo`sh, bu gaplarning menga nima aloqasi bor?

- Sud'ya qilib, sizni tanlashgan.

- Meni?! Axir, men sud'ya bo`lib ishlamayman-ku! - Keyin, birdaniga voqeani tushunib, kulib yubordi. - Siz meni kim bilandir adashtirgansiz...

Yigit bir zum qotib qoldi. Nahotki adashgan bo`lsa?! Axir, sud binosi ichida xuddi shu ayolni ko`rgan, aynan, eshigida "Sud'ya Nasimova N.P." deb yozilgan xonaga kirib ketgan - shu ayol edi-ku! O`shandan beri uni ta`qib qiladi.

- Bo`lishi mumkinmas! - xitob qildi yigit. - Axir siz o`sha xonaga kirib ketuvdingiz-ku! - Voqeani tushungan ayol jilmaydi.

- Men sud binosiga boshqa ish bilan boruvdim. Ukam farzandlik bo`luvdi, o`shanga tug`ilganlik guvohnomasi olish uchun borgandim. FHDYO mudirasi sud'yaning xonasiga kirib ketgan ekan, Qidirib kiruvdim. Siz meni o`sha erda ko`rgansiz. Xo`sh, keyin meni qanday topdingiz?

- Bozorda ko`rib qolib, ikki- uch qadam orqaroqdan kelaverdim. Siz bilan yaqindan tanishib, hammasini tushuntirmoqchi edim... Keksa onam bor, yig`layverib ado bo`ldi...

- Agar qo`limdan kelsa, jon deb yordam bergan bo`lardim, - achinib gapirdi ayol. - Ammo, afsus... Mayli, siz zerikmang, ukangizning bu ishga aloqasi bo`lmasa, chiqarvorishadi. Magazinlar, bozorda do`konlaringiz bor ekan, do`stlaringiz ham bordir, yordam berishar. Avvalo, yaxshigina advokat yollash kerak.

- Sizga yolg'on gapirgandim...- yigitning bu gaplaridan ayol hayron bo'lib, qoshlarini ko'tardi,- mening magazinlarim ham, do'konlarim ham yo'q... Faqatgina, eskiroq bo'lsa ham, "Damas" mashinam bor. Bu mashina esa, do'stimniki. Sizga maqtanmoqchi bo'lib, minib keluvdim...

Ayol anchagacha jim qoldi. U bo'lsa, o'zi yordamga muhtoj odamdan najot so'ramoqchi bo'libdi... Xom xayollar...Tovba...Hayotda nimalar bo'lmaydi-ya!

UMID ZARRASI.

"Miyangizda shish paydo bo'lgan!" Gulira'no opa bu gapni eshitganidan buyon hushiga kelolmaydi. Nahotki Alloh uni o'limga hukm etdi! Umri shunchalar qisqa ekanmi? Axir, u endigina katta o'g'lini uylantirib, qizini chiqardi. Shringina nevarasi bor. Kenjatoyi esa, shu yil oliygohga kirmoqchi...

O'ylayverib miyalari g'ovlab ketdi. Yo'q, u o'limdan qo'rqmaydi. Faqatgina, ulardan xotirjam bo'lib, har biri o'z oilasi bilan baxtli yashayotganini ko'rib, tinchgina, birovga zarari yetmay, og'irligi tushmay rixlatga ravona bo'lishni istardi. Eri, Rustamjon aka- juda yaxshi insonlar, u kishini tashvishga qo'yishni, yuragini yarim qilib ketishni istamasdi. Nega endi u o'lishi kerak? Axir, endigina ellik ikki yoshga kirdi-ku! Ozmuncha kunlarni boshidan o'tkazmadimi? Birinchi turmushi bo'lmay, Rustam akaga turmushga chiqqanida atigi o'ttiz yoshda edi. Shunga ham yigirma ikki yil bo'libdi...

Bu dunyoni tark etishiga atigi 2-3 oy qolgan odam nimani his etishi mumkin? Yuragi vahimaga to'ladimi? Yoki g'amga ko'milib, hech kimni ko'rgisi kelmay qoladimi? O'limi yaqinligini aniq biladigan odam qanday holga tushadi? Qolgan umrini xursandchilik bilan, kayfu safo bilan o'tkazadimi yoki chala ishlarini bitirishga intiladimi?

Gulira'no opa, qadimda, hindlarda, dahshatli bir odat bo'lganligi to'g'risida o'qib, qalbi larzaga tushgan edi. Ular eri o'lsa, sag'anaga xotinini ham u bilan birga tiriklayin ko'mishar ekan. O'sha holatni tasavvur etib, ko'zlaridan yosh chiqib ketgan edi. Bechora kelinchak qorong'u go'r ichida o'lik bilan yolg'iz qolib, o'zining o'lim soatlarini kutadi. Uch kun davomida, unga tuynukdan ovqat tushirib turishadi, keyin esa, u ochlikdan o'limga mahkum etiladi. Qanday dahshat! Gulira'no opa hozir o'zini ana o'sha tiriklayin ko'milib, o'limini kutishga mahkum bo'lgan ayollardek his etdi...

Yolg'iz qolganida, hech kimga ko'rsatmay, to'yib-to'yib yig'lab oldi. Keyin tinchlandi. Bir qarorga kelib, ko'ngli yorishdi. Alloh unga sovg'a qilayotgan ana shu uch oyni, u - bolalari bag'rida, ularning diydoridan bahra olib, oilasi davrasida xush-xandon o'tkazadi!

Hech kimga kasali to'g'risida og'iz ochmaydi! Bu uch oy - uning umri bo'yi bolalariga, oilasiga ko'rsatishga ulgurmagan mehrlari, ularga etarlicha e'tibor berolmay, ishga ko'milib yurgan vaqtlari badalini to'laydi! U o'limga o'zini osonlikcha berib qo'ymaydi! Yurak qo'rini bolalariga berib, narigi dunyoga yorug' yuz bilan, xotirjam ravona bo'ladi. Shu xayollar bilan yengil tin oldi. Ha, to'g'ri-da. bolalari uning mehriga to'yib olishsin, keyin armonda qolib, yig'lab yurishmasin.

Ertasi kuni ishdan vaqtli qaytib, eri suyib eydigan taomlardan tayyorladi. eri yaxshi ko'radigan «oliv'e» salatini, kartoshkasi alohida qovurib olinib, go'shti piyoz bilan alohida bug'da pishiriladigan taomlardan tayyorladi. U anchadan beri uyda ovqat pishirmasdi. Ishdan doim kech qaytar, eri undan vaqtlitroq qaytgan bo'lsa, biror ovqat tayyorlangan, ikkalari ham kech kelsalar, yengilroq biron narsa tanovul qilib qo'ya qolardilar. O'g'lining ularga og'irligi tushmas, och qolsa, ana, muzlatkich to'la, o'ziga yarasha biron narsa tayyorlab, yeb olardi.

Ammo, ko`pincha, do`stlari bilan ko`chada ovqatlanishardi. Ba`zan qizi va kuyovi nevarasini olib kelar, ularnikida bir kecha uxlab ketardilar. Ana shunday kunlarda, u nevarasini sog`inib, ishdan vaqtliroq qaytishga harakat qilardi.

Xullas, bugundan boshlab, uyda bayram boshlanadi, deb ko`ngliga tugib qo`ydi Gulira`no opa. O`g`lining firmasiga telefon qilib, ishdan barvaqtroq kelishini iltimos qildi.

- Tinchlikmi, oyijon?- Go`shakdan Jahongirning bir oz xavotirliroq ovozi eshitildi.- Mehmon-pehmon kutmayapsizmi, ishqilib?

- Yo`q, o`g`lim, hech kimni kutayotganim yo`q,- uni tinchlantirishga shoshildi Gulira`no opa,- shunchaki, hammamiz birga o`tirib, ovqatlanaylik, devdim. Anchadan beri hammamiz bir dasturxon atrofida yig`ilmagandik. B-i-r o`tiraylik! Opang bilan pochchang ham kelishadi!

- Harakat qilaman, oyijon, xo`p, xo`p, ko`rishguncha.

Kechqurun hammalari did bilan tuzalgan dasturxon atrofiga yig`ilishdi. Gulira`no opa Nobel mukofotini olgandek xursand, bir gapirib, o`n kuladi, nevarasidan aylanib- o`rgiladi. Oila a`zolari bunday xursandchilik sababini bilolmay, hayron. Rustam aka tinmay kulayotgan xotining qiliqlarini xavotir bilan kuzatib o`tirardi, chunki, u shuncha yildan beri bir yostiqa bosh qo`yib kelayotgan jufti halolining xursandchiligi qachon samimiy bo`lishi-yu, qachon shunchaki odamgarchilik yuzasidan bo`lishini yaxshi bilardi. Uning xotini ko`p bilan ishlaydi, rahbar ayol, ko`pincha uylariga mehmonlar keladi, shunda rafiqasi, albatta, yorug` chehra bilan mehmonlarni qabul qiladi, o`zini xursanddek tutadi. "Dejurniy ulibka», deb kulib qo`yardi, o`shanda. Lekin, bugungisi- sal boshqacharoq. Rafiqasining jarangdor kulgisi nosamimiyoq, yasamaroq ekanligini sezdi. Bu xursandchilik tagida zo`r berib yashirishga intilayotgan bir dardi borligini sezdi. Sezdi-yu, indamadi. Rafiqasining "o`yini"ni qabul qilib, unga qo`shilib, kulib o`tirdi. Ammo, ko`nglida hammasini keyinroq aniqlab, surishtirishga qaror qildi.

Ko`tarinki kayfiyatda ovqatlanib olishdi. Qizi qovun so`yib keldi. Mazza qilib qovun eyisharkan, Gulira`no opa qiziq bir taklif aytib qoldi:

- Quloq solinglar, menda bir ajoyib fikr tug`ildi!- Hammalari qiziqsinib unga tikilishdi. Ular, nihoyat bugungi xursandchilik sababini oyimiz aytadilar, deb o`ylashdi. Balkim, yuqoriroq lovozimga ko`tarilgandirlar? Yo haqiqatdan ham biron mukofot oldilarmikan?- Menda shunday fikr bor: men ham, dadamiz ham ta`tilga chiqsak-da, Mingbuloqqa borib, oilaviy dam olib kelsak-chi, nima deysizlar?

Rustam aka hayron bo`ldi. Ta`tilga chiqaylik, deb bir necha marta aytganida, hali-veri chiqolmayman, ishlarim ko`p, deb turib olgan edi. endi esa, dabdurustdan.... Yo`q, nimadir bo`lgani aniq! Lekin, nima?

Qizi bilan kuyovi rozi bo`lishdi. Jahongir ham, o`ylab ko`rishga va`da berdi. Rustam aka indamadi.

Bayramona kayfiyat ertasi ham, indini ham bu oilani tark etmadi. Rustam akaning dami - ichida. Sekin ishxonasidan, haydovchisidan surishtirib ko`rdi: hammasi yaxshi, tinch. Lekin, uning ko`ngli notinch!

Bir haftadan so`ng hammalari Mingbuloqqa borishdi. Tog`ning toza havosi hammalariga jon kiritgandek bo`ldi. Dam olish zonasida Gulira`no opaning Qashqadaryolik hamkasabalari tandir kaboblar uyushtirib, ularni rosa mehmon qilishdi. Gulira`no opa bu erlik Oybek degan hamkasabasini juda yoqtirardi. Yosh bo`lishiga qaramay, shunday mansabni eplab, eplabgina qolmay, barcha ko`rsatkichlar bo`yicha birinchi o`ringa chiqarib qo`yish oson ish emas. Oybekning butun qiyofasidan g`ayrat yog`ilib turar, bir zum tinch o`tirolmasdi. U ham opaning beg`araz yordamidan ko`p foydalangan, biron savol tug`ilib qolsa, tajribali opasiga darrov qo`ng`iroq qilib, maslahatlashib oldi. Opaga hurmati baland. Sezgir yigit opaning ko`nglini nimadir bezovta qilayotganini darrov payqadi. Paytini topib, sekin chetga tortdi.

- Yoriling!- dedi, e`tirozga o`rin qoldirmaydigan ohangda.- Nima gap? Nimadan bezovtasiz?

Opa o`zini bilmaganga solmoqchiydi, ammo yigitning yuzidagi ifodaga qarab, buning befoydaligini tushundi. Sekin-sekin, vrachlarning dahshatli tashhisini, ko`nglidan kechayotgan hissiyotlarni birma-bir aytib berdi. Oybek uning so`zlarini bo`lmay, hamma gapini eshitdi-da, bir muddat o`ylanib qoldi. Keyin keskin bosh ko`tarib, uning ko`zlariga tikildi. Ayolning

ko`zlaridagi mung yigitning ko`nglini ezib yubordi. Yurakni qarang-a! Shuncha dard bilan, yashashiga sanoqli kunlar qolganini bilib turib, shunday yukni yaqinlariga bildirmay ko`tarib yurishning o`zi bo`ladimi? Yana o`zini xush-xandon ko`rsatib-a! Buning uchun otning kallasidek yurakka ega bo`lish kerak! Opaga hurmati yanayam ortib ketdi.

- Gap bunday, opajon,- dedi yumshoqroq ohangda gapirishga harakat qilib,- bitta vrachning tashhisi hali hech narsa degani emas. Baxtingizni qarang, aynan shu kunlarda, viloyatimizga respublikaning taniqli onkologlaridan biri kelgan. O`shanga uchrashib ko`ramiz.

Opa hayajonlanib ketdi. Soy bo`ylab ketgan yaqinlari tomonga nazar solib oldi.

- Bu bitta vrachning tashhisi emas. Tomografiya natijalari bor. endi peshanada borini ko`ramiz.

- Bo`ldi, gap bitta! Men faqat o`zim ko`rib, eshitganimga ishonaman! ertaga birga boramiz, tamom-vassalom!

- Lekin, men bularni tashlab qanday ketaman? Ular shubhalanib qolishadi-ku!

- Buyog`idan xotirjam bo`ling! Majlisimiz bor, qatnashmasalar bo`lmaydi, respublikadan vakillar kelishgan, deymiz. Yigitlarga aytamiz, bularni Mingchinordagi restoranga oborishadi. O, shunaqangi go`zal joylarki, zerikishga vaqtlari bo`lmaydi. Bo`ldi, gap- shu!

Uzoqdan bularga qarab kelayotgan Rustam aka ko`rindi. Gulira`no opa Oybekka tezgina qarab qo`ydi. Yigitning ko`zlarida bir zum chaqnagan yolqin opani so`zsiz tushunganidan darak berdi.

- Endi, opa, siz tajribali xodimsiz, mening ustozimsiz, - ataylab baland ovozda gapirdi yigit,- menga bu masalada yordamingiz kerak! Boshim qotib qolgan!

Rustam aka asta-sekin ularga yaqinlashdi.

- Endi, ukaginam,- jilmayib gap boshladi u,- xonim ishdan dam olsinlar, deb shu erlarga qochib keluvdik. Bu erda ham yana ishmi?

- Mehnatashga mehnat qahat emas, degan gapni eshitmaganmisiz?- kulib javob berdi yigit. – Aksiga olib, respublikadan rahbarlarimiz kelishgan. Baribir, opani chaqirib olishardi. ertaga majlisda qatnashmasalar bo`lmaydi. Kechqurun mehmonlar ketishadi. Shu bilan opani boshqa bezovta qilmaymiz, dam olsinlar! Faqatgina ertaga ruxsat berasiz, akajon!

Rustam aka “iloh qancha”, degandek, ikki qo`lini ikki tomonga yoyib qo`ydi. Bir parcha bulut suzib kelib, ularning aynan ustlarida muallaq qotib turdi. Hammayoqda oftob qizdirayapti-yu, opaga “personalniy soyabon” tabiatning o`zi tomonidan in`om etilgandek. Ular sekin-sekin yurib, boshqalarga etib olishdi.

Ertasi kuni Oybekning haydovchisi kelib, opani ular oilaviy istiqomat qilayotgan, cho`qqi ustidagi maydonchada yog`ochdan qurilgan, ikki qavatli uylaridan olib ketdi. Qora «Neksiya» Shahrizabzdan Mingchinorgacha qatnayotgan «Damas» rusumli mashinani orqada qoldirib, engil suzib ketdi.

Xullas, opani mashhur onkolog rosa sinchiklab tekshirdi. Barcha analizlar olindi. Endi javobini kutish qoldi. Ikki kundan keyin tayyor bo`ladi, deyishdi. Oybek hamma ishlarini tashlab, opaning yonida turdi. Kechqurun yana o`sha mashina tog`lar orasidan o`tgan yo`l bo`ylab, opani hozir turgan uylariga keltirib qo`ydi. Maydonchani shundoqqina tagidan soy oqib turibdi...Tip-tiniq suv... Soyning suvi ham tugarmikan...

Ikki kundan keyin chehrasi oftobdek yashnab turgan, xursandligidan og`zi qulog`ida bo`lgan Oybek kirib keldi. Temir tapchan ustida turib, pastda oqayotgan soyga tikilib turgan opaga yaqinlashdi. Opa o`girildi.

- Opajon, suyunchi bering! Miyangizda hech qanday shish-pish yo`q! Mana analizlar natijalari! Mana o`sha mashhur doktorning xulosasi!

Opaning tizzalari dir-dir titrar, bir qadam ham qo`yolmay, temir tapchan tutqichidan mahkam tutganicha turar, ko`zlaridan issiq yoshlar quyilib kelardi...

KEMTIK YURAKLAR

Faridaxonning oy-kuni yaqinlashgan sari hadik, hayajoni ortib borar, “Nahotki ona bo`lish baxti menga ham nasib etsa, nahotki, yaqinda men ham o`z jigargo`shamni bag`rimga bossam? ey, parvardigorim, sening karaming keng, menga ham marhamat nazari bilan boqsang, armonim qolmasdi...” deb, Allohga xayolan iltijo qilardi. Birinchi turmushi farzandsizligi oqibatida buzilib ketdi. eri yomon odam emasdi, ammo... Qaynona, qaynopalar “qisirsan”, deb ko`z ochirgani qo`yishmasdi. U ko`rinmagan bironta do`xtiru, tabib qolmadi. O`zini, erini tekshirib, hammasi ham “sog`lomsiz”, deb tashhis qo`yishar, ular esa, dardlariga chora topolmay yuraverishardi. Oradan besh yil o`tsa ham, natija bo`lmadi. Bu orada, hali qaynonasi gap bilan uzib-uzib olar, hali qaynopalar kun ora kelib, janjallashib ketishardi. Axiyri, uning sabr-kosasi to`ldi-da, bir kuni hech kimga aytmay, uyidan chiqib ketdi. Hech narsasini olmadi. Qari onasi hayhotdek hovlida yolg`iz, ko`zlari yakka-yu-yagona farzandi yo`lida intizor bo`lib yashardi. Faridaxon, avvaliga, to`ylaridan biror yil o`tgach, onasinikiga ko`chib kelishga erini ko`ndirgandi. Ammo, buni eshitgan qaynonasi: “voydod, men yolg`izgina o`g`limni ichkuyov bo`lsin, deb tuqqanmidim!”, deb olamni ko`chirgudek bo`lib ayyuhannos solgach, bu fikrdan qaytishga majbur bo`lishgandi. Faridaxon maktabda boshlang`ich sinflarga dars berardi. O`sha kuni, ishga ketganicha, uyga qaytmaganida, eri hammasini tushundi. Tushun- di-yu, ertasiyoq ortidan keldi.

- Farid, men seni yaxshi ko`raman! Kel, bironta bola asrab olaylik! Peshanamizga bola ko`rish yozilmagan bo`lsa, na chora? Mehrga zor, tashlab ketilgan bolalar qanchadan-qancha! Kel, bitta bolani olib, bag`rimizni ham to`ldiraylik, savob ish ham qilaylik! Zora, bolaning qadami qutlug` kelib, o`zimizga ham farzand ko`rish nasib etsa!

- Begim, men-ku, roziman, ammo onangiz rozi bo`larmikanlar? Keyin ham farzand ko`rmasak-chi? Siz, sog`lom erkaksiz, tirnoqqa zor bo`lib, umringizni o`tkazasizmi? Men bunga rozi bo`lolmayman... Peshonamizga birga farzand ko`rish yozilmagan bo`lsa, na chora, boshqa ayolga uylana qoling...(Ko`zlari yoshga to`lib, zo`rg`a gapirar, ko`nglining bir chekkasida : “erim mensiz yashashga aslo rozi bo`lmaydi,” degan umid ham yo`q emasdi.)

U eridan: “ Nima bo`lsa, peshonamdan ko`raman, sensiz yashay olmayman, onamni ham o`zim ko`ndiraman!” deb aytilgan qat`iy so`zlarni butun vujudi diqqatga aylanib kutdi, ammo, eridan bunday sado chiqmadi... Eri ketdi... Faridaxon kechalari yig`lab tong ottirar, Xudoga iltijolar qilar edi, ammo, buni keksa onasiga bildirmaslikka harakat qilardi. Axir, ona- o`z nomi bilan ONA-ku! Qizining so`lib, sarg`aygan yuziga qarab, ich-ichidan ezilar, boshqa-boshqa xonalarda yotsalar ham, qizining kechalari yig`lab tong orttirishini keksa qalbining tub-tubi bilan his qilardi. Bir kuni, erining pochchalari ko`ch-ko`ronini keltirib, tashlab ketishdi. Oradan hech qancha o`tmay, eri uylanganini eshitib, dardi- dunyosi qorong`u bo`lib ketdi. SHu hasrat onasini ham olib ketdi-yu, guldek kelinchak hayhotdek hovlida yolg`iz qoldi...

Furqatjon xotining xurmacha qiliqlaridan to`yib ketdi. Shu qizni sevib uylanganiga hecham ishongisi kelmasdi. erka, tantiq Xumoraxon kuni bo`yi oynaning oldidan ketmas, hammayoq ivirsib yotsa ham, tirnoq bo`yab o`tiraverishini qo`ymasdi. Furqatjon, xotinini o`shanda qanday sevib qolganini o`zi ham bilmay qoldi. Ular bir ko`chada o`sishdi, ammo, u Xumora hec qachon qiziqib qaramagan edi. Furqatjon ning dadasi institutda dars berar, onasi esa, maktabda o`qituvchilik qilar, ikkita singlisi bor edi. Xumora onasining yolg`iz, erka qizi edi. Badavlat onasi asilzodalar oilasidan bo`lib, bittagina qizining aytgani- aytgan, degani- degan edi. Xumoraning onasi bazada tovarshunos bo`lib ishlar, daromad unga suvdek oqib kelardi. Kelishgan, sarvqomat , basavlat ayol, eri bilan ajrashib ketgach, ko`pgina badavlat, amaldor erkaklardan “do`stlar” orttirgan, degan mish-mishlar yurardi. Shu erka qiz nimasi bilandir Furqatjonni o`ziga rom etti-yu, uning ko`zlari undan boshqa qizlarni ko`rmay qoldi. Ota-onasining qarshiliklariga qaramay, o`shanga uylandi. Xumoraxon kelin bo`lib, qaynona- qaynotaning xizmatini qilgani yo`q. Aksincha, Furqatjonning onasiga yana bitta boqimanda ko`paydi, xolos. Xotining qiynalib ketganini ko`rgan dadasi, yugurib-yugurib, ularga o`zlari yashaydigan domdan alohida kvartira olib berdi. Ular alohida yashay boshlashdi. Xumoraxon kuni bo`yi uyda o`tirardi. Ko`p o`tmay, u homilador bo`lib qoldi. Shundog`am hech ish qilmaydigan

ayol, endi qo`lini sovuq suvga ham urmay qo`ydi. Furqatjon xuddi robotdek, ishga borar, uyga kelib ovqat qilar, idish-tovoq yuvar, kir-chirlarini ham o`zi tozalardi. Atrofdagilarning, ota-onasining gaplariga umuman e`tibor bermas, miyasi karaxtdek yurardi. Go`yoki, ko`zlariga parda tutilgan, quloqlariga paxta tiqilgandek edi, u. Farzandlari tug`ilishidan sal oldin, qaynonasi eng yaxshi vrachlar bilan gaplashib, Xumoraxonni alohida, hamma qulayliklarga ega palataga yotqizishdi. To`lg`oq tuta boshlagach, onasi erka qizining dard tortishiga chiday olmay, doktorlarga og`riqni qoldiruvchi muolajalar qilishga ko`ndirdi. Buning bola uchun xavfli ekanligiga hech qanday e`tibor bermaydi. Yarim behush holatida yotgan ona bolani o`zi tug`olmagach, uni vakuum bilan tortib olishdi. Bola nobud bo`ldi. Onasi tantiq qiziga hecham ozor etmaganidan xursand... Furqatjon - hamon karaxt... Ko`r, soqov, kar... Ota- onasining bunday holatdan tashvishga tushib qolganlari, uni umuman qiziqtirmaydi. Oradan bir yil o`tib, xotini yana homilador bo`ldi. Bu gal, uni dard tutganidan xabar topgan qaynona-qaynota qudalariga bildirmay, uni kasalxonaga olib borishdi-da, tug`gunicha, o`sha erda turishdi. Bir ozdan keyin, kelinlari jajjigina o`g`ilchani o`zi, dard torta-torta, dunyoga keltirdi! Sog`lom bola tug`di! Furqatjonning og`zi- qulog`ida! Xotinini qo`yarga joy topa olmaydi. Bir oz payt Furqatjonning ota-onasi bilan yashashga qaror qilishdi. endi Xumoraxon yangi qiliq chiqardi. Bolasini emizishdan bosh tortti. Nima emish, bola emizsa, qomati buzilarmish! Qaynona-qaynotaning fig`onlari falakka chiqsa-da, bolani sun`iy ozuqa bilan boqa boshlashdi. Bechora ota-ona, o`g`illariga nima jin urganini bilmay hayron edilar. Bu oilaning odati bo`yicha, uylarida bo`layotgan ishlarning sasi tashqariga chiqmasligi kerak! Lekin, qachongacha yashirib bo`lardi... Axir, kasalni yashirsang, isitmasi oshkor qilmaydimi...

Er-xotin bolani bobo-buvisi bilan qoldirib, o`z uylariga ko`chib o`tdilar. Bora-bora, Furqatjon ichkilikka ruju qo`ya boshladi. Xotini kuni bo`yi yo`q bo`lib ketar, istagan paytida uyda paydo bo`lardi. Gap-so`z, mish-mishlar ko`payganda- ko`paydi. Axiyri, ishini ham tashlab, uyda topganini ichib yotgan o`g`illarini , ota-ona uylariga olib kelishdi. Biron oygacha, uni uydan chiqarishmadi. O`ziga kelgan Furqatjonning ko`zidan parda tushgandek bo`lib, nihoyat, hushyor tortti. Xotini bilan yashagan uch yil umriga nazar tashlab, o`zi ham dahshatga tushdi. Unga nima bo`lgan edi, o`zi?! Biror og`u ta`siridamidi, yoki uni sehru jodu bilan bog`lab tashlashganmidi?! Bedorligicha uyqudamidi, yoki?! Furqatjon nima uchun shunday holga tushganini o`zi ham bilmasdi. Xotinining jirkanch basharasiga qaragisi ham kelmay, u bilan ajrashdi. Xotini, unga shart qo`ydi: “janjalsiz ajrashmoqchi bo`lsangiz, uyni meni nomimga o`tkazasiz!”. Bu – undan qutulishning yagona yo`li ekanligini bilgan ota-ona bunga rozi bo`lishdi. Furqatjon ham qarshilik qilmadi. Ko`p o`tmay, xotini uyni sotib, chet elga jo`nab ketganini eshitdi. Ayol, biron marta, nomiga bo`lsa ham, bolasining taqdiri bilan qiziqmadi...

Bahor kunlaridan birida, Faridaxon sinfdosh dugonasi Sanobarxonni bozorda ko`rib qoldi. Ozib, bir burdadek bo`lib qolgan dugonasini ko`rib, Sanobarxon ko`zlariga ishonmadi. To`g`risini aytish kerak, Sanobarxon doimo Faridaga hasad qilardi. Yolg`iz qiz, uni jonidan yaxshi ko`radigan onasi bilan yashaydi, a`lo baholarga o`qiydi, xulqi ham namunali, o`qituvchilar maqtashgani-maqtashgan... Sanobarxon esa, ko`p bolali oilada o`sgan, qo`l uchida kun ko`rishadi, dadasi doim ichib, qaylardadir dumalab qoladi, onasi esa, bir etak bolani tug`ib qo`yib, ularni qanday boqishga hayron... Yana, sinflaridan faqat Faridagina, maktabni o`sha yili bitiriboq, universitetga o`qishga kirdi. O`qishini tugatib, turmushga ham chiqdi, yana kimga deng? Kelishgan, chiroyli yigitga! Sanobarxon esa, ancha yillar qariqiz bo`lib yurib, o`zlariga o`xshagan ayolvand oilaning ettinchi farzandiga turmushga chiqdi. eri – payvandchi, yaxshi pul topadi-yu, u ham ichgani-ichgan. Harqalay, Sanobarxon onasidan farqli o`laroq, bolani ko`paytirmadi. Bir qiz, bir o`g`il ko`rdi-yu, tug`ishni yig`ishtirib qo`ydi...

Ko`ylaklik mato tanlayotgan Faridaxon , dugonasi uni anchadan beri kuzatib turganini sezmedi. Boshqa bir matoni ko`raman, deb ortiga qayrildi-yu, dugonasini ko`rib qoldi.

- Voyy, dugonajon, bormisan!- dedi quvonchini ichga yashirolmay. U Sanobarning o`ziga hasad qilib yurishini bilardi, ammo, bunga e`tibor bermasdi. O`ziyam zerikib yurgan ekanmi, dugonasini

ko`rib, quvonib ketdi. Uning beg`ubor shodligini ko`rib, Sanobarxon ichidan zil ketdi. Dugonasi uni ko`rganidan xursandligini darrov namoyon qildi-yu, u bo`lsa, dugonasini mutlaqo begonalardek chetdan tamosha qilib o`tirdi. Yaxshi emas... Haliyam, dugonasi uning holatini sezmedi. Dugonalar bozordan birga chiqishdi. Shinamgina kafega kirib, anchagacha chaqchaqlashib o`tirishdi. Dugonasini eridan ajrashganini eshitgan Sanobarxon, chinakamiga achindi. Axir, ular shunaqangi chiroyli juftlik edilarki! Bir-birlariga yarashib turishardi, ko`rgan odam, beixtiyor, ularning baxtiga havas qilardi... Eh, bevafo taqdir...Kafedan chiqishmoqchi bo`lishganida, Faridaxon darrov, yeganlari pulini o`zi to`ladi. Sanobarxon yonida puli kamligidan ichida o`ksinib qo`ydi...

Sanobarxon mahalla fuqarolar yig`inida kotibalik qilardi. Xayol og`ushida ishxonasiga kirib keldi. Dugonasi bilan bo`lgan uchrashuv uni beg`ubor yoshlik ko`chalariga olib kirib qo`ygandi...Xayol surib o`tirib, mahallada pedagoglik qiladigan Samiyaxon opaning kirib kelganlarini sezmay qoldi.

- Ha, Sanobarxon, nimalarni o`ylab o`tiribsiz?- degan savoldan bir cho`chib tushdi. Opani ko`rib, jilmaydi-da, u kishi bilan so`rashdi. Keyin, dugonasini uchratganini, uning hayotini gapirib berdi. Opa kelinchak bilan qiziqib qoldi. O`g`li Furqatjon - yolg`iz... Nobop xotinidan ajralganidan beri, xotin zotiga qarashni istamayapti. Bu yoqda, nevarasi onasiz o`sayapti. Furqatjonni zudlik bilan uylantirish kerak. Ammo... Sutdan og`zi kuygan – qatiqni ham puflab ichadi, degan gap bor. Ilohim, endi o`g`liga yaxshi ayol uchrasin-da...Sanobarxon aytgan juvonnini bir ko`rishi kerak. Yaxshi bo`lsa, o`g`lini uylab qo`yardi...

Taqdir-nasibalari qo`shilgan ekanmi, Faridaxon yigitga ham, onasiga ham yoqdi. Kichikroq to`ycha qilib, ularni uylantirib qo`yishdi. Kuydirmajon, shirinso`z kelinchak, ularni o`ziga rom qildi. Furqatjon ham, haqiqiy xotin qanday bo`lishi kerakligini endi bilgandek... Bolasi-ku, juvondan sira ayrilgisi kelmaydi. Mana endi, shu suyuqli xotini – homilador. Sog`-salomat qutulib olsaydi...

Oy-kuni etib, Faridaxon pahlavondek o`g`il tug`di. Uch kilo-yu, yetti yuz gramm! Uning baxtiyorligining cheki yo`q, tinmay bolasini o`pgani –o`pgan! Dam jimit qo`lchalarini yuziga bosar, dam jajji oyoqlaridan o`par, dam kular, dam yig`lar... Uning holatini, faqatgina uzoq yillar tirnoqqa zor bo`lib, farzand ko`rgan onalar tushunishsa kerak...

Hech bir ayolni ona bo`lish baxtidan ayirmasin! Ona bo`lish nasib etmaganlar esa, umidsizlikka tushmay, Allohga iltijolar qilishsin. Xudodan farzand so`ray turib, imkoniyatlari yetsa, yetimxonadan bir go`dakni farzandlikka olishsin. Bu yerda bular farzandga zor bo`lishsa, u yerda ota-ona mehriga zorlar qancha...Zora, bu savob ishlari Xudoga xush kelib, “ol, qulim!”, deb bir etak farzand berib yuborsa... Inshoolloh!

“Ko`p bolali” ota.

Sud ijrochisi tekis yotqizilmagan asfal`t yo`lning har joy-har joyida, kecha yog`ib o`tgan yomg`irdan hosil bo`lgan loyqa ko`lmaklardan hatlay o`ta-o`ta, mahalla fuqarolar yig`ini joylashgan bir qavatli pastak bino eshigiga yaqinlashdi. Peshtoqiga “Sheroziy nomidagi 7-son mahalla fuqarolar yig`ini” deb yozib qo`yilgan eshikni itarib ochib, ichkariga kirdi. Xona to`ridagi stolga bir qo`lini qo`yganicha, bir qo`li bilan allaqanday ish daftarini varaqlab o`tirgan 60 yoshlardagi gavdasi yo`g`on, yuzini ajin burishtirgan erkak, go`shtdor burnining uchiga kelib qolgan ko`zoynagini to`g`rilaganicha, butun vujudi savolga aylanib, unga tigr`alib qaradi.

- Assalomu alaykum, rais buva!- Sud ijrochisi qo`lini ko`ksiga qo`yganicha unga yaqinlashdi. Qariya pinagini ham buzmedi. Yo`g`on ovoz bilan:

- Vaalaykum assalom! Keling uka, xizmat? – dedi gapni ko`paytirib o`tirmay. Yigit ortiqcha gap-so`zga hojat qolmaganini sezib, maqsadga ko`chib qo`ya qoldi:

- Otaxon, mahallangizdagi Gulchi ko`chaning 27-xonasida yashovchi fuqaro Eshboyev aliment to`lashdan qochib yuribdi, xabaringiz bormi?

Qariya ajablanmadi. Yigitga ko`zoynak ustidan tikilib qaradi-da, bamaylixotir, stol ustidagi ish daftarini ochib, yo`g`on ko`rsatkich barmog`ini har bir xonadon nomeri va unda yashovchilar

ro'yxati bo'ylab yurgiza boshladi. 27- raqamga kelib, to'xtadi. Xonadonda yashovchilar soni - 4 kishi ekan. er-xotinu, ikkita bog'cha yoshidagi bola. Ana endi ajablanib, yigitga sinovchan nazar tashladi:

- Siz adashmayapsizmi, uka? – dedi gumburlagan ovoz bilan.- Bu xonadon egasi oilasini tashlab ketgani yo'q! Ularni yaxshi bilaman, er-xotin yaxshi, ahil yashashadi, bolalari bog'chaga qatnaydi. Ikkovi ham ishlaydi, biron marta “san-man”ga borgani yo'q!

- Adashayotganim yo'q, otaxon! Mana (yigit cho'ntagidan sud qog'ozini chiqardi): o'qib ko'ring, fuqaro Eshboyeva sudga ariza yozib, sobiq eri uchta bolasiga aliment to'lashdan qochib yurganini, boshqa xotinga uylanib, uni bolalari bilan tashlab ketganini yozgan. Menga shu odamni topib kelishni buyurishdi.

- Astag'furulloh... Bu oilani shu mahallaga rais bo'lib kelganimdan beri bilaman, ya'ni olti yildan beri. Biron marta Salimjonning oldin uylanib, xotin qo'rganini eshitmagan ekanman! Mahalla –ko'yga aralashib yuradi, juda bama'ni yigit! Hozir, aniqlaymiz. Siz o'tirib turing, men mahalla faollaridan bi-iir surishtirib ko'ray-chi!

Qariya shoshilmaygina ish daftarini yopib, stol chekkasiga surib qo'ydi. Stol ustida turgan, doqqiyunusdan qolgan telefon apparatini o'ziga yaqinroq tortti. Yigitga boshqa e'tibor ham bermay, yo'g'on barmoqlari bilan telefon markazidagi aylana atrofidagi raqamlarni tera boshladi. Har gal, teshikchaga barmog'ini tiqishga harakat qilib, raqamlarni aylantirganida, telefondan antiqa bir, cho'zinchoq qilib, “qrrirt” deganga o'xshash ovoz chiqardi. Qariya, nihoyat kimningdir telefon raqamini terib bo'ldi-da, go'shakni qulog'iga yopishtirdi. Uzoq davom etgan gudoklardan so'ng, go'shakni ko'tarishdi.

- Salomatxon! – gumburladi qariya go'shakka,- yaxshi o'tiribsizmi? Meni yonimga yana bir kelib keting! Hasanboy otani ham ola keling! Tez-tez, men kutib o'tiribman, gap bor! Ha, endi, nevarangizni uxlatgan bo'lsangiz, u kamiga ikki soat uxlaydi! Ungacha o'n marta kelib-ketib bo'ladi! Tez qimirlang, dedim!

U achchig'i chiqib, Salomatxon gap qaytarganlariga telefon aybdordek, go'shakni uloqtirib tashladi.”Hmmm” deb, taqir boshidagi unniqib ketgan do'ppini yechib, boshini qashib qo'ydi-da, do'ppisini kaftiga qoqib-qoqib qaytib kiydi. Oradan o'n daqiqa o'tmay, boshiga oq ro'mol tashlab olgan dum-dumaloq kampir bilan yaktak kiyib olgan chol kirib kelishdi. Salom-alikdan so'ng, rais ularga muddaoni tushuntirib, yigitni ko'rsatdi:

- Mana bu inimning aytishicha, Salimjonning uch bolasi bor emish. Sizlar uni yaxshiroq bilasizlar, u oldin ham uylanganmi?

Qariyalar bir muddat jim qolishdi. Bir oz sukutdan so'ng, Salomat aya so'z boshladi:

- Salimjon oldin ham uylangani rost. Uning shaharning narigi chekkasida uyi bor edi. Bu uy esa, ota-onasiniki. Oldin u geolog bo'lib ishlardi. Haftalab yo'qolib ketardi. Ota-onasi, yoshlar yaxshi yashashsin, deb, ularning turmushlariga aralashaverishmasdi. Xotini qurmagur, juda chiroyli edi-yu, sal suyuqroqmid-ey...- Salomat aya shunday nojo'ya gaplarni aytishga majbur bo'lganidan xijolat tortti. Atrofida qilarga bir-bir qarab oldi-da, tomog'ini qirib qo'yib, gapida davom etti:- Bitta o'g'ilchalik bo'luvdilar. Bir gal, Salimjon uyiga bemavrid qaytsa, xotini uyda boshqa erkak bilan...Hmmm... Hmmm... Ishqilib, Salimjon uy-joyini shundoqqina, xotin-bolasiga tashlab, uyidan bitta kostyumi bilan chiqib ketgan. Qaytib qadam bosmagan...

Shu paytgacha jim o'tirgan Hasan bobo ham, tomog'ini qirib olib, gapga qo'shildi:

- Onasi, rahmatlik, shuni dardida o'tib ketdi. Otasi esa, xotini bilan judolikka chiday olmadi. Keyin, biz, mahalladoshlar maslahatlashib, o'qishga berilib, uyda o'tirib qolgan Muyassarxonga uylantirib qo'ydik. Mana, ikki bolalik bo'lishdi, ahil oila.

Rais ularga sabrsizlik bilan qarab:

- Bolasi bittamidi o'zi?- dedi gumburlab.- Mana bu inim bolasini uchta deyapti-ku!

- Hecham uchta-da,- ming'irladi Salomat aya,- bittagina o'g'ilchasi bor. Haftada bir kun bularnikiga kelib ketadi. Salimjon kiyim-boshini o'zi qiladi, o'qishiga pul beradi. Xotini ham bolani yaxshi ko'radi. Bolalaridan ajratmaydi. Baxti bor ekan, ikkinchi martasiga yaxshi xotin uchradi.

- Xo'-o'o'shsh, endi gap bunday, inim,- dedi rais yigitga qarab,- Siz telefon raqamlaringizni qoldiring. O'zingiz ishingizga boravering. Men hammasini surishtirib, sizga telefon qilaman!

Sud ijrochisiga jon kirdi. Uning ishini birov bajarsa – qanday yaxshi! Qaniydi, hamma mahalla raislari ham shunaqa bo`lishsa! U darrov telefon raqamini qog`ozchaga yozib berdi-yu, chiqib ketdi.

Kechqurun uni mahallaga chaqirishganidan hayron bo`lgan Salimjon, shoshib kirib keldi. Bo`lgan gaplarni eshitib, hayron qoldi.

- Axir, mening u xotindan bolam bitta-ku! Qanday qilib ko`p bolali otaga aylanib qolganimga hayronman! Yaxshi, ertaga borib, aytgan odamingizga uchrab kelaman, - dedi yigit xayolga botib.

Sud ijrochisiga borib uchradi. Unga sobiq xotining arizasi va... uchta tug`ilganlik to`g`risidagi guvohnomani ko`rsatishdi. Buni qarang-ki, hammasining ota-onasi- bitta! Ya`ni, Salimjon bilan sobiq xotini! Salimjonning o`g`lidan so`ng tug`ilgan bir qiz va bir o`g`ilning otasi ham... Salimjon emish!

Yigit hayratdan yoqa ushladi. Biri- to`rt, biri- uch yoshga kirgan bu bolalarning otasi qanday qilib u bo`lishi mumkin?! Axir, ular tug`ilgan paytda , Salimjon boshqa oila qurib bo`lgan, farzandlik ham bo`lib ulgurgandi-ku!

Hujjatlarga ishonilsa, bir vaqtning o`zida ikki xotini bilan ham yashagan, ikkala xotini ham tug`avergan. Demak, Salimjon –qo`shxotinlik ekan-da! Buyog`i qiziq bo`ldi-ku!

Salimjonning xotini aqlli, o`qimishli emasmi, kundoshining hiylasini tushundi. eriga dalda bo`ldi.

Sud kuni belgilandi. Salimjon bu bolalarning otasi emasligini aytganida, sud ekspertiza tayinladi. Xotini indamay, zaharxanda qilib, o`tiraverdi. DNK ekspertizasi bolalar haqiqatdan ham boshqa odamdan tug`ilganlarini tasdiqladi. Sobiq erining oilasini buzishga qasd qilgan ayol, boshqa odamdan tug`gan bolalarini erini nomiga yozdirib qo`yavergan ekan...

Ayol bu ishni puxta o`ylab qilgan. Toparmon-tutarmon erini qo`ldan chiqargach, uni xotinidan ajratib, bola orqali, yana o`ziga og`dirib olish rejasini tuzgan. Asosiy diqqatini psixologik ta`sirga qaratgan. erining yangi xotini, bu gaplarni eshitib, uydan chiqib ketadi, deb o`ylagan. Negadir , ekspertiza qilishlari mumkinligi xayoliga ham kelmagan...

Buni eshitganlar xotinning ustomonligiga qoyil qolib, hayratdan yoqa ushladilar.

Mahalla fuqarolari yig`ini raisi esa, gumburlagan ovozi bilan:

- Astag`furulloh...- deb qo`ydi.

Мундарижа:

Қизиқ воқеа (ҳикоя)	3-9 бетлар
Ғалати никоҳ(ҳикоя)	10- 26 бетлар
Умид зарраси(ҳикоя)	26-31 бетлар
Кемтик юраклар(ҳикоя)	31-36 бетлар
Қўп болали ота(ҳикоя)	36-39 бетлар
Беайб гуноҳкор(қисса)	39-79 бетлар
Қатралар	80-82 бетлар
Сирларингдан огоҳ эт(киноқисса)	83-102 бетлар
Она меҳри(киноқисса)	103-133бетлар

